

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ,
ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРГЛАРИАРО ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ БИРЛАШМАЛАР
ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ГИГИЕНАСИ

(Тиббиёт институти талабалари учун
амалий машғулотлар ўқув дарслиги)

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлашвазирлиги
Тиббиёт илмий кенгаши томонидан талабалар учун
ўқув дарслиги сифатида тавсия этилади

Проф. Г.И.ШАЙХОВА томонигдан таҳрир қилинган

ТОШКЕНТ – 2004

**Г.И.Шайхова, Н.Ж.Эрматов, Ф.И.Саломова, Ф.Л.Азизова,
Д.Ш.Алимухамедов**

**Тиббиёт институти талабалари учун
амалий машгулотлар ўқув дарслиги**

(Г.И.Шайхова томонидан таҳрир қилинган, 2004 йил)

Китоб муаллифлари – Тошкент Давлат Иккинчи Тиббиёт Институти "Болалар ва ўсмирлар гигиенаси" кафедраси ходимлари, шу фан соҳаси бўйича илмий, назарий ва амалий тажрибаларга эгадирлар.

Ўқув дарслигидаги болалар ва ўсмирларнинг саломатлик кўрсаткичларини ўрганиш, касалланишнинг таҳдиллари, мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежлар, мактаб интернатлари, ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари лойиҳаларини санитар – гигиеник экспертиза қилиш, ер майдонини ва биносини баҳолашнинг гигиеник мезонлари, болалар муассасаларида жисмоний тарбия ва чиниқтириш, болалар ва ўсмирларнинг рационал овқатланиши, болалар ўйинчоқлари, кийим, пойабзалларига, мактаб жиҳозлари ва ўқув дарсликларига гигиеник баҳо бериш услублари, болалар муассасаларини комплекс санитар гигиеник текшириш ва баҳолаш, давлат санитария – эпидемиология назорати марказларида болалар ва ўсмирлар врачанинг асосий олиб борадиган вазифалари кўрсатилган.

Дарсликда ҳар бир бўлимдаги мавзуларга тегишли назорат ва тест саволлари ўргатувчи назорат қилувчи дастур, ўқитишининг янги инновацион технологик усуллари, мавзу бўйича муаммоли саволлар, амалий кўнижмалар ва ҳаракат алгоритмлари кўрсатилган.

Тақризчилар:

*тиббиёт фанлари доктори, проф.: Н.С.Таджибоева
тиббиёт фанлари доктори, проф. Ш.С.Бахритдинов*

МУНДАРИЖА

Кириш қисми	7
I БОБ. Саломатлик кўрсаткичларини ўрганиш	9
1.1. Касалланиш таҳлили	10
Назорат саволлари	15
Мавзуга тегишли бўлган тест саволлари	16
Мавзуга тегишли бўлган ўргатувчи назорат қилувчи дастурлар	18
Мавзуга тегишли янги инновацион технологик усуслар	21
Амалий кўнимка	21
Ҳаракат алгоритми	22
1.2 Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини текшириш ва баҳолаш	22
Антрапометрик текширишлар	23
Соматометрик кўрсаткичларни аниқлаш	24
Физиометрия	33
Соматоскоопия	35
Назорат саволлари	45
Мавзуга тегишли бўлган тест саволлари	46
Мавзуга тегишли бўлган ўргатувчи назорат қилувчи дастурлар	48
Мавзуга тегишли янги инновацион технологик усуслари	49
Вариацион қаторлар ишлаб чиқариш	50
Жамоа ва индивидуумнинг жисмоний ривожланганинги баҳолаш	56
Назорат саволлари	62
Мавзуга тегишли бўлган тест саволлари	63
Мавзуга тегишли бўлган ўргатувчи назорат қилувчи дастурлар	65
Мавзуга тегишли янги инновацион технологик усуслар	67
Амалий кўнимка	68
Ҳаракат алгоритми	68
II БОБ. Ўқув – тарбиявий жараёнга	
гигиеник баҳо бериш	69
2.1. Мактабгача тарбия муассасаларида ўқув – тарбиявий жараёнга гигиеник баҳо бериш дастури	69
2.2. Умумтаълим мактабларида ўқув жараёнга гигиеник баҳо бериш дастури	70
2.3. Лицей ва коллежларда ўқув ишлаб чиқариш жараёнига гигиеник баҳо бериш дастури	71
2.4. Фаолиятнинг давомийлиги ва тавсифини аниқлаш	72
Назорат саволлари	76
Мавзуга тегишли бўлган тест саволлари	77
Мавзуга тегишли бўлган ўргатувчи назорат қилувчи дастурлар	79

Амалий кўникма	81
Ҳаракат алгоритми	82
2.5. Организмнинг ишлаш қобилияти ва функционал ҳолатига гигиеник баҳо бериш усуслари	82
Назорат саволлари	93
Мавзуга тегишли бўлган тест саволлари	93
Мавзуга тегишли бўлган ўргатувчи назорат қилувчи дастурлар	95
Мавзуга тегишли янги инновацион технологик усуслар	96
Амалий кўникма	97
Ҳаракат алгоритми	97
III БОБ. Жисмоний тарбиянинг гигиеник асослари	99
3.1. Болалар ва ўсмиirlарни жисмоний тарбиялаш ва уни ташкиллаштиришни гигиеник баҳолаш	102
3.2. Мактабгача болалар муассасалари (МБМ)да жисмоний тарбия машғулотларини ташкиллаштиришга бўлган гигиеник талаблар	104
3.3. Умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларини ташкиллаштиришга бўлган гигиеник талаблар	110
3.4. Касб – ҳунар мактаблари – коллежларда жисмоний тарбия дарсларини ташкиллаштиришга бўлган гигиеник талаблар	117
3.5. Жисмоний тарбия машғулотларини ўтиш ўринлари ва уларнинг жиҳозланишини санитар – гигиеник баҳолаш	119
Назорат саволлари	122
Мавзуга тегишли бўлган тест саволлари	123
Мавзуга тегишли бўлган ўргатувчи назорат қилувчи дастурлар	125
Амалий кўникма	129
Ҳаракат алгоритми	130
3.6. Болалар ва ўсмиirlарни чиниқтириш ва унинг самараодорлигини гигиеник баҳолаш	130
Назорат саволлари	136
Мавзуга тегишли бўлган тест саволлари	137
Мавзуга тегишли бўлган ўргатувчи назорат қилувчи дастурлар	139
Мавзуга тегишли янги инновацион технологик усуслари	141
Амалий кўникма	142
Ҳаракат алгоритми	142
IV. БОБ. Болалар ва ўсмиirlар овқатланишини баҳолаш ва ўрганиш усуслари	143
4.1. Болалар ва ўсмиirlарнинг рационал овқатланишини ўрганиш	144
4.2 Сийдикдаги аскорбин кислотаси миқдорини аниқлаш	147
4.3. Болалар ва ўсмиirlар овқатланишини баҳолаш	149

4.4. Овқатланиш блокини санитар –	
гигиеник текшириш	153
4.5. Мактабгача болалар муассасаларида овқатланишни	
ташкиллаштиришнинг тиббий назорати	156
Ҳаракат алгоритми	170
Назорат саволлари	171
Мавзуга тегишли бўлган тест саволлари	171
Мавзуга тегишли бўлган ўргатувчи назорат	
қилувчи дастурлар	173
Мавзуга тегишли янги инновацион	
технологик усуллари	175
Амалий кўнимка	176
V. БОБ. Болалар муассасаларида жиҳозларини	
гигиеник баҳолаш	177
Мактабгача болалар муассасаларида жиҳозларини	
тандаш ва ажратишнинг гигиеник талаблари	177
Синф хонасидағи жиҳозларни гигиеник	
баҳолаш дастури	180
Назорат саволлари	186
Мавзуга тегишли бўлган тест саволлари	186
Мавзуга тегишли бўлган ўргатувчи назорат	
қилувчи дастурлар	188
Мавзуга тегишли янги инновацион	
технологик усуллари	190
Амалий кўнимка	191
Ҳаракат алгоритми	191
VI.БОБ. Болалар буюмларини гигиеник баҳолаш	192
6.1. Мактаб дарслекларига гигиеник баҳо бериш	192
Назорат саволлари	201
Мавзуга тегишли бўлган тест саволлари	201
Мавзуга тегишли бўлган ўргатувчи назорат	
қилувчи дастурлар	203
Мавзуга тегишли янги инновацион	
технологик усуллари	205
Амалий кўнимка	206
Ҳаракат алгоритми	206
6.2. Болалар ўйинчоқларини гигиеник баҳолаш	206
Назорат саволлари	212
Мавзуга тегишли бўлган тест саволлари	213
Мавзуга тегишли бўлган ўргатувчи назорат	
қилувчи дастурлар	214
Мавзуга тегишли янги инновацион	
технологик усуллари	216
Амалий кўнимка	216
Ҳаракат алгоритми	217
6.3. Болалар кийимларини гигиеник баҳолаш	217
Назорат саволлари	229
Мавзуга тегишли бўлган тест саволлари	229

Мавзуга тегишли бўлган ўргатувчи назорат	231
қилювчи дастурлар	231
Мавзуга тегишли янги инновацион	
технологик усуллари	233
Амалий кўникма	234
Ҳаракат алгоритми	234
VII БОБ. Болалар ва ўсмирлар муассасалари лойиҳасини	
санитар – гигиеник экспертиза қилиш	235
7.1. Мактабгача тарбия муассасалари лойиҳасининг	
санитар – гигиеник баҳолаш дастури	240
Назорат саволлари	247
Мавзуга тегишли бўлган тест саволлари	248
Мавзуга тегишли бўлган ўргатувчи назорат	
қилювчи дастурлар	249
Мавзуга тегишли янги инновацион	
технологик усуллари	251
Амалий кўникма	252
Ҳаракат алгоритми	252
7.2. Умумтаълим мактаблари, мактаб интернатларининг	
лоийиҳасини санитар – гигиеник баҳолаш дастури	254
Назорат саволлари	260
Мавзуга тегишли бўлган тест саволлари	261
Мавзуга тегишли бўлган ўргатувчи назорат	
қилювчи дастурлар	263
Амалий кўникма	265
Ҳаракат алгоритми	265
7.3. Касб – ҳунар мактабларининг лойиҳасини	
санитар – гигиеник баҳолаш	265
Назорат саволлари	274
Мавзуга тегишли бўлган тест саволлари	274
Мавзуга тегишли бўлган ўргатувчи назорат	
қилювчи дастурлар	278
Мавзуга тегишли янги инновацион	
технologик усуллари	282
7.4. Соғломлаштириш оромгоҳлари лойиҳасини санитар –	
гигиеник экспертиза қилиш дастури	284
Назорат саволлари	291
Мавзуга тегишли бўлган тест саволлари	291
Мавзуга тегишли бўлган ўргатувчи назорат	
қилювчи дастурлар	298
Мавзуга тегишли янги инновацион	
технologик усуллари	302
7.5. Санитар – техник қурилмаларнинг жойлаштирилиши	303
VIII БОБ. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси санитария	
шифокорининг асосий вазифалари	310
Адабиётлар	323

Ҳар бир оқил инсоннинг ва жамиятимизнинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал қилиб тарбиялаш, камолини кўриш, ота-онасига, Ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборатдир...

Софлом авлодни тарбиялаш – буюк давлат пойдеворини, фаровон ҳаёт асосини қуриш деганидир.

Ислом Каримов

КИРИШ ҚИСМИ

Республикамиз президенти И. А. Каримов ўсиб келаётган авлод соғлиги ҳақида ташвишланиб, шуни таъкидлайдики, ҳар бир жамоа аҳли ўзининг ёшлиқ давридан бошлаб, ўз саломатлиги ҳақида қайғуриши керак. Бу ишда оила, мактаб, маҳалла, соғлиқни сақлаш тизими, жисмоний тарбия ва спорт муассасалари ва бошқалар ёрдам бериши керак.

Ҳозирги вақтда болалар ва ўсмирлар муассасаларида таълим беришнинг янги услублари ва техник воситаларидан кенг қўлланилмоқда. Давлат санитария – эпидемиология назорати марказларида тиббий – профилактика шифокорларига ўқув – меҳнат, тарбия жараёни ва уларни ташкиллаштириш устидан давлат санитария назоратини ўтказиш юклатилган. Ушбу дарслиқда болалар ва ўсмирлар муассасаларида меҳнат ва амалиёт таълим мини, жисмоний тарбия ва овқатланишни ташкиллаштиришда болалар ва ўсмирлар организмининг ишлаш қобилияти ва функционал ҳолатини ўрганиш услубларини гигиеник баҳолаш кўрсатилган.

Болалар муассасаларининг қурилишида турли хил жиҳозлар ва синтетик материаллардан кенг фойдаланиш, бу материалларнинг гигиеник экспертиза услублари дарслиқда кенг ёритилган.

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти тиббий – профилактика факултетида болалар ва ўсмирлар гигиенаси кафедрасининг ўқув жараёни маълум бир педагогик услубда ташкиллаштирилиб, Давлат санитария эпидемиология назорати маркази қошидаги "Болалар ва ўсмирлар гигиенаси" бўлими, ва болалар муассасаларида (богча, мактаб, интернат, лицей, коллеж ва б.) маълум бир услубий тизим бўйича иш олиб борилади ва шу асосда дарслик ёзди. Тизимнинг

асосий мақсади талабаларни мутахассислик бүйіча мустақил ишлашға, амалий ва назарий ишларни ўрганишга қаратылған. Ўқув дарслигіда құлланмада Давлат санитария эпидемиология назорати марказидаги болалар ва ўсмирлар бўлимидаги бажариладиган шифокорларнинг асосий вазифалари ва уларни амалиётда қандай тадбиқ этишлари қўйидагича кўрсатилған:

— болалар ва ўсмирларнинг саломатлик ҳолати ва касалланишнинг таҳлили, уларнинг жисмоний ривожланишининг санитария назоратини ва болаларни соғломлаштирувчи комплекс чора — тадбирларни амалга ошириш;

— мактабгача ва мактаб муассасаларида, лицей ва коллежларда болаларнинг саломатлиги ва ишлаш қобилиятини яхшилашда таълим тарбия ва ўқитиши жараёни гигиенаси устидан кундалик санитария назоратини ташкиллаштириш;

— болалар ва ўсмирлар муассасаларида жисмоний тарбия дарсларини турли шаклларда олиб боришни ташкил қилишда болалар организмининг функционал ҳолати ва саломатлигини ҳисобга олган ҳолда ташкиллаштириш ишларини назорат қилиш;

— болалар ва ўсмирларнинг саломатлигини кучайтиришда ёзги соғломлаштириш ишларини режалаштириш ва амалга ошириш, ёзги соғломлаштириш муассасаларида тиббиёт хоналарини анжомлаштириш, эпидемияга қарши олиб бориладиган тадбирларни амалга оширишда санитария назоратини кучайтириш;

— болалар муассасаларини лойиҳалаштиришда, қурилишида ва уларни реконструкция — қайта таъмирлашнинг ҳамма босқичларида огоҳлантирувчи санитария назоратини олиб бориш;

— болалар ва ўсмирлар муассасаларида кундалик жорий санитария назоратини ўтказиш, инструментал ва лаборатор услугларни құллаб болалар муассасаларида рационал овқатланишни ташкил қилиш;

— йиллик режа ва ҳисботларни, комплекс ва келажак режаларни ва болалар муассасаларининг санитария ҳолатини яхшилаштирувчи режа — топшириқларни ташкиллаштириш;

— болалар ва ўсмирлар аҳолиси орасида санитария — эпидемияга қарши олиб бориладиган тадбирларни кучайтириш борасида қарорлар, услугбий құлланмалар, хатлар ва бошқалар тайёрлаш ва ишлаб чиқариш.

I-БОБ

1.1. Саломатлик кўрсаткичларини ўрганиш

Инсон саломатлиги – мудим ички омиллар мажмуи ва ташқи таассуротлар остида ўсиш ва ривожланиш даврида шакланади. Шу муносабат билан ўсиб келаётган ёш авлоднинг, саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган илмий ва назарий фанинг, яъни болалар ва ўсмирлар гигиенаси фанинг асосий муаммоларидан бири бу болалар ва ўсмирлар контингенти саломатлик кўрсаткичларини ўрганишдан иборатdir.

Болалар ва ўсмирлар аҳолисининг саломатлиги уларда касалликларнинг бор ёки йўқлиги билан аниқланибгина ҳолмасдан, балки ёшига мос равишда уйғун ривожланганлиги, шунингдек, организм асосий кўрсаткичларининг меъёрий даражадаги ҳолати билан белгиланади. Болалар ва ўсмирлар гигиена шифокори ўзининг амалий иши даврида болаларнинг саломатлик ҳолати кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда уларни ўқитиш ва тарбиялаш учун қулай шароит яратишга қаратилган ишларни олиб боради. Бу кўрсаткичлар асосида болалар ва ўсмирлар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган профилактик чора – тадбирлар ишлаб чиқлади ва ҳаётта татбиқ этилади.

Мавзуни ўрганишдан мақсад: Болалар ва ўсмирлар аҳолиси саломатлик кўрсаткичлари ҳақидаги билимларни чукур ўрганиш, саломатлик ҳолати ҳақидаги амалий кўнікмаларни ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат.

Бунинг учун қуйидаги услубларни билиш керак:

1. Касалланишини таҳлил қилиш;
2. Жисмоний ривожланишини текшириш ва баҳолаш (антропометрик текширишлар; вариацион–статистик ҳи–соблаш; индивидум ва жамоанинг жисмоний ривожланишини баҳолаш);

Касалланишини таҳлил қилиш услубини ўрганишга багишланган машгулотлар кафедранинг илмий–текшириш тажрибахонасида ўтказилади. Талабалар тиббий кўрик натижалари асосида болаларни қайси саломатлик гуруҳига киришини аниқлайдилар, мурожаатлар сонига қараб касалланишини таҳлил ҳиладилар, саломатлик ҳолатидаги силжишларни ва сурункали касалликларнинг тарқалишини ўрганадилар, тез–тез касалланувчи болалар ва саломатлик индекси кўрсаткичларини аниқлайдилар, бирламчи ҳисобот ҳужжатлари билан танишиб чиқадилар.

Жисмоний ривожланишини текшириш ва баҳолаш услубларини 4 машгулот давомида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи машгулот антропометрик текширувларни ўтказиш хонасида олиб борилади: талабалар соматометрик, физиометрик ва соматоскопик текширув усулларини урганиб, антропометрик текшириш асбоблар билан ишлаш қўнікмаларини ўзлаштирадилар. Иккинчи машгулот

болалар муассасасида ўтказилади. Бу ерда талабалар антропометрик текширувлар ўтказиб, маълумотларни маҳсус карталарга ёзишади. Маҳсус карта намунаси иловада келтирилган. Учинчи машғулот кафедранинг илмий – текшириш тажрибахонасида олиб борилади: талабалар тиббий кўрик натижалари ёзилган карталарни оладилар ва уларда кўрсатилган жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини вариацион – статистик ҳисоблаш орқали қайта ишлайдилар.

Тўртингчи машғулот кафедрада ўтказилиб, бунда талабалар болаларнинг жисмоний ривожланишига комплекс тизим бўйича баҳо берадилар.

Касалланиш таҳлили

Болалар ва ўсмирлар контингенти саломатлик ҳолатига тавсиф бериш учун касалликларни ва патологик жароҳатланишларнинг тарқалганикларини ҳисобга олган ҳолда қўйидаги кўрсаткичлардан кенг фойдаланилади: мурожаатлар бўйича касалланишни аниқлаш, саломатлик индекси, эпизодик касалланиш, тез – тез касалланувчи болалар сони ва патологик жароҳатланиш.

Касалланиш бўйича мурожаатлар сони – бу маълум вақт оралиғида касаллик туфайли тиббий ёрдам учун қилинган мурожаатлар йигиндисидир. Мурожаатлар бўйича касалланишни аниқлаш учун поликлиника карталаридан (112 – шакл), болаларга касаллик туфайли берилган тиббий маълумотномалардан кўчирмалар олинади. Тиббий ёрдам учун қилинган барча мурожаатларни ҳисобга олиш болалар ва ўсмирлар контингенти орасида тарқалган касалликларнинг таркиби ва тузилиши ва ҳар бир нозологик шаклнинг солиштирма оғирлигини аниқлашда ёрдам беради. Бунинг учун маълум бир нозологик шакл бўйича қилинган мурожаатларнинг, тиббий ёрдам учун қилинган умумий мурожаатлар сонига нисбатини фоиздаги кўрсаткичлари олинади. Мурожаатлар бўйича касалланишни таҳлил қилиш мурожаатлар сонининг аниқлашда, шунингдек умуман қасал бўлмаган ва бир неча марта қасал бўлган болаларни аниқлашда ёрдам беради.

Бир йил давомида 4 ва ундан ортиқ марта қасал бўлган болалар тез – тез қасал бўлувчи болалар гуруҳига киритилади. Амалиётда тез – тез қасал бўлувчи болалар сони текширилган болаларнинг умумий сонига нисбатининг фоиздаги кўрсаткичидан фойдаланилади:

Тез – тез қасал бўлувчи болалар сони

текширилган болаларнинг умумий сони

*100%

Саломатлик индекси (СИ) – бу йил давомида умуман, мутлақ касал бўлмаган болалар сонининг умумий текширилган болалар сонига нисбатининг фоизлардаги кўрсаткичидир.

$$СИ = \frac{\text{Йил давомида мутлақ касал бўлмаган болалар сони}}{\text{текширилган болаларнинг умумий сони}} \cdot 100 \%$$

Патологик жароҳатланиш – сурункали касалликларнинг ва функционал силжишларнинг тарқалганилиги – тиббий кўриклар ўтказилиши натижасида аниқланади ва болалар контингенти саломатлик ҳолатини баҳолашда көнг фойдаланилади.

Республикамизда болалар ва ўсмиirlар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга катта аҳамият берилади. Даврий равища режа асосида мактабгача болалар муассасалари (МБМ), мактаб, лицей, коллеж ва бошқа ташкиллаштирилган муассасаларга қатновчи болалар ва ўсмиirlар чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказилади. Тиббий кўрикларда тор мутахассисларнинг (окулист, отоларинголог, эндокринолог, ревматолог, ортопед, гематолог ва б.ш.) доимий равища қатнашиши функционал силжишларни ва касалликларни эрта аниқлашда, даволаш ва согломлаштирувчи чора – тадбирларни ўз вақтида самарали ўтказишда ёрдам беради.

Болалар ва ўсмиirlарнинг саломатлиги ҳақидағи маълумотлар бирламчи ҳужжатлар ва 26 – ҳ шакли – боланинг индивидуал картаси, 25 – ҳ шакли – ўсмиirlарнинг тиббий картасига даволаш профилактик муассасанинг ҳисобот ҳужжатларида келтирилган бўлади.

Ҳозирги кунда болалар ва ўсмиirlар саломатлик ҳолатини баҳолаш С.М. Громбах томонидан тавсия этилган 4 та мезон асосида олиб борилади:

- 1.Текширув даврида сурункали касалликларнинг борлиги ёки йўқлиги;
- 2.Организм асосий тизимларининг функционал ҳолати эришган даражаси;
- 3.Организмнинг ноxуш таъсиrlарга қаршилик кўrsatiш даражаси;
- 4.Эришилган жисмоний ривожланиш даражаси ва унинг уйғулити.

Таклиф этилган схемага мувофиқ, болалар ва ўсмиirlар саломатлик ҳолати ҳисобга олиниб, бешта саломатлик гуруҳига бўлинади:

Биринчи гуруҳ – амалий соғлом болалар, булар сурункали касалликларга чалинмаган, ўз ёшига мос равища уйғун жисмоний ривожланишга ва меъёрий функционал кўrсаткичларга эга бўлган болалар.

Иккинчи гуруҳ – амалий соғлом болалар, лекин морфологик ёки функционал силжишларга эга, тез – тез касал бўладиган болалар. Бу гурухга енгил миопияси бўлган, қоматнинг тузилишида нуқсонлари, ясси товоонлик билан оғриган ва ҳ.к. болалар киритилади.

Учинчи гуруҳ – компенсация давридаги сурункали касалликларга чалинган болалар (сурункали тонзилит, ревматизмнинг ноактив даври ва ҳ.к.), организм иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатадиган тугма ёки орттирилган жисмоний нуқсонлари бор бўлган болалар.

Тўртингчи гуруҳ – субкомпенсация давридаги сурункали касалликларга чалинган болалар. Бу гурухга киритилган болалар ташкиллаштирилган болалар муассасаларига боришиди.

Бешинчи гуруҳ – декомпенсация давридаги оғир сурункали касалликларга чалинган кам ҳаракат ногирон болалар. Бу гурухга киритилган болалар ўқув – тарбия муассасаларига қатнаш имкониятига эга эмаслар.

У.А.Каримов (1994) Ўзбекистон миёсида, кичик ёшдаги болаларни саломатлик гуруҳларига тақсимлашда II – гуруҳни алоҳида учта гуруҳчаларга бўлишни амалиётта тавсия қиласди:

1. II – А гуруҳ – айрим аъзо ва тизимларни ҳамда бутун организм иш фаолиятини меъёрда кечишига ҳалақит бермайдиган айрим морфологик нуқсонларга эга бўлган болалар.

2. II – Б гуруҳ касалликларни ривожланишига имкон берадиган турли хил ижтимоий гигиеник ва бошқа тавсифдаги салбий омилларга эга бўлган болалар.

3. II – В гуруҳ тез – тез касал бўладиган болалар.

Атроф – муҳитнинг турли хил омиллари болалар саломатлигига таъсир кўрсатади, шулардан кўпчилигига хавф туғдирувчи омиллар ҳисобланиб, улар болалар организмига салбий таъсир кўрсатади. Болалар аҳолиси саломатлик ҳолатига таъсир этувчи муҳим омиллар уч гурухга бўлинади:

- турмуш тарзи;
- атроф – муҳит ҳолати;
- биологик.

Ижтимоий ва атроф – муҳит омиллари биологик (шу жумладан, наслий) омиллар билан биргалиқда таъсир кўрсатади. Бу одам касалланишининг атроф – муҳит омилларига, шунингдек ўсиш ва ривожланишининг биологик қонунлари ва генотипига узвий боғлиқлигини яна бир бор кўрсатади.

Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (БЖССТ) маълумотларига кўра инсон саломатлигининг шаклланишида ижтимоий омилларнинг таъсири 50% ни, биологик омиллар – тахминан 20%, антропоген омиллар – тахминан 20%, тиббий таъминланганлик – 10% ни ташкил этади. Бироқ бу кўрсаткичлар

шартли, ўртача ҳисобланиб, ўсиш ва ривожланишнинг ёш хусусиятларини алоҳида даврда патологияларнинг тарқалганигини ва хавф тугдирувчи омиллар таъсирини ҳисобга олмайди. Атроф – муҳитнинг хавф тугдирувчи омилларининг таъсир кучи турли ёш ва жинсда турлича бўлади.

Бир ёшгача бўлган болаларнинг саломатлик ҳолатига таъсир этувчи ижтимоий омиллар орасида оила таркиби ва ота – онанинг билимдонлиги катта аҳамиятта эга бўлса, 1 – 4 ёнда бу омилларнинг таъсири камаяди, бироқ ҳал қиуловчи аҳамиятта эга бўлади. Лекин бу ёнда яшаш шароити ва оила даромади, уйда парранда ва уй ҳайвонларининг боқилиши, шунингдек, оила аъзоларининг чекиши катта ўрин тутади. Боланинг мактабгача болалар муассасаларига (МБМ) қатнаши 1 – 4 ёнда муҳим аҳамият касб этади. • 7 – 10 ёнда оила даромади, яшаш шароити, ҳайвонларнинг боқилиши ва чекиш болалар саломатлиги шакланишида катта таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, ўсувчи организм саломатлик ҳолатига ва ривожланишига таъсир этувчи ижтимоий – гигиеник омилларни шартли равишда муқобил (ижобий) ва номуқобил (салбий) гуруҳларига ажратиш мумкин. (жадвал 1)

Жадвал 1

Болалар ва ўсмирлар саломатлик ҳолатига таъсир этувчи ижтимоий гигиеник омиллар

Ижобий (соғломлаштирувчи)	Салбий (хавф тугдирувчи)
<p>1. Атроф-муҳитнинг гигиеник меъёrlарига мослиги.</p> <p>2. Оптимал ҳаракат тартиби.</p> <p>3. Чиниқтириш.</p> <p>4. Мутаносиб овқатланиш.</p> <p>5. Оқилона тузилган кун тартиби.</p> <p>6. Соғлом турмуш тарзини олиб борища гигиеник кўникмаларнинг етишмаслиги.</p>	<p>1. Атроф муҳит омилларининг ва яшаш шароитининг гигиеник меъёrlарига жавоб бермаслиги.</p> <p>2. Ҳаракат фаоллигининг ошиб ёки камайиб кетиши.</p> <p>3. Кун тартиби ва ўқув – тарбия жараёнининг бузилиши.</p> <p>4. Овқатланиши ташкиллаштириш – даги камчиликлар.</p> <p>5. Соғлом турмуш тарзини олиб борища гигиеник кўникмаларнинг етишмаслиги.</p> <p>6. Оила ва жамоадаги нокулай психологик муҳит.</p>

Барча ёш гуруҳларида болаларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи биологик омиллар орасида онанинг ҳомиладорлик даврида касалланиши, ҳомиладорлик ва тутгуҶларнинг асоратли кечиши катта таъсир кўрсатади.

Умумий касалланиш маълумотлари (мурожаатлар бўйича) республика вилоят статистика бўлимлари томонидан берилган маҳсус статистик сўров кўрсатмаларидан олинади. Мурожаатлар

бўйича касалланиш маълумотлари болалар ва ўсмирлар режали тиббий кўрик маълумотлари билан тўлғазилади.

Чуқурлаштирилган тиббий кўрик натижаларини ўрганиш солиштирма аспект ўтказишни талаб қиласди. Бунда ёш, муассаса тури ва бир неча йиллик динамикаси ҳамма ёш гурухларида таҳлил қилиш учун халқаро касалликлар классификациясининг гуруҳ рубрикациясидан фойдаланамиз. (МКБ – 10) (жадвал 2)

Жадвал 2

Касалликлар таснифи

№	Касалликлар синфи
1	Юқумли ва паразитар касалликлар
2	Ўсма касалликлари
3	Қон ва қон ҳосил қилиш органи касалликлари
4	Эндокрин ғасалликлар, овқатланиш ва моддалар алмашинувдаги бузилишлар
5	Руҳий бузилишлар
6	Сезги органлари ва асаб тизими касалликлари
7	Кўз органлари касалликлари
8	Қулоқ касалликлари
9	Қон айланиши тизими касалликлари
10	Нафас олиш органлари касалликлари
11	Овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари
12	Тери ва тери ости ёғ қатлами касалликлари
13	Суяк – мушак тизими ва бириткирувчи тўқима касалликлари
14	Сийдик айирав ва жинсий органлари касалликлари
15	Ҳомиладорлик, туфруқ, туфруқдан кейинги давр касалликлари
16	Перинатал даврида юзага келадиган алоҳида ҳолатлар
17	Тугма аномалиялар
18	Ташки мұхит таъсирида олинган жароҳатланиш, заҳарланиш ва бошқа баҳтсиз ҳодисалар.
19	Клиник ва лаборатор текширув даврида аниқланган меъёрдан четта чиққан симптомлар ва белгилар
20	Касалликлар ва ўлимнинг ташки сабаблари
21	Софлиқни сақлаш муассасаларига мурожаат этишда аҳоли соғлиғига таъсир қилувчи салбий омиллар

Жамоаларда болалар ва ўсмирлар касалланишини таҳлил қилинганда шу нарсани эътиборга олиш керакки, турли ёшда касалликлар болалар орасида турлича тарқалган бўлади. З – жадвалда турли ёшларда касалликларнинг ранг кўрсаткичлари бўйича тақсимланиши келтирилган.

Жадвал 3

Турли ёш гурухларида касалликларнинг ранг кўрсаткичлари бўйича тақсимланиши

Ранг Жойи	Ёш гуруҳи			
	1-6	7-10	11-14	15-17
I	Нафас органлари касалликлари	Нафас органлари касалликлари	Нафас органлари касалликлари	Нафас органлари касалликлари
II	Юқумли касалликлар	Юқумли касалликлар	Жароҳат ва шикастланишлар	Жароҳат ва шикастлашишлар
III	Аллергик касалликлар	Овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари	Сезги органлари ва асаб тизими касалликлари	Сезги органлари ва асаб тизими касалликлари
IV	Овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари	Жароҳат ва шикастлашишлар	Тери ва тери ости клетчаткаси касалликлари	Рұзий бузилишлар
V	Жароҳат ва шикастлашишлар	Сезги органлари ва асаб тизими касалликлари	Овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари	Юқумли касалликлар

Болалар ва ўсмиirlар ўртасида касалланишларни ранг бўйича тарқалишини таҳдил қилиш шунни кўрсатдики, барча ёш гуруҳида биринчи ўринни нафас органлари касалликлари эгаллади. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар ўртасида нафақат юқумли, балки аллергик ва овқат ҳазм қилиш органлари касалликлари ҳам кенг тарқалган. Болалар ёши катталашishi билан касалликларнинг таркиби ҳам ўзгаради. Касалланишлар таркиби ҳамма болалар ва ўсмиirlар муассасаларида бир хил эмас, бу турли омилларга боғлиқдир. Умумий касалланишни камайтириш ҳамда болалар ва ўсмиirlар саломатлигини мустаҳкамлаш юзасидан комплекс иш олиб борганда, санитар шифокор юқумли касалликларни камайтиришга ва жароҳатланишларни оддини олишга катта эътибор бериши керак, чунки улар болалар ўлеми ва ногиронлигининг асосий сабабчисидир. Шундай қилиб, ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлигини саклаш ва мустаҳкамлашда болалар организмларига таъсир этаётган салбий омиларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш тиббий-профилактиканинг асосий вазифаларидан биридир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Болалар аҳолиси саломатлик ҳолати кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонларини тушунтириб беринг.

2. Саломатлик ҳолатига таъсир күрсатувчи ташқи мұхит омылларини санаб беринг.
3. Болалар ва ўсмирлар саломатлик ҳолатини динамик күзатищдан мақсад нима?
4. Болалар касалліктері, патологик сиңишиштар ва жисмоний ривожланиш хақида маълумот берадиган ҳужжатларни санаб беринг.
5. Саломатлик күрсатқыштарини ҳисоблаш услугаларини түшунтириб беринг.
6. БМда ўртача рўйхатий таркибни ҳисоблаш тартибини түшунтириб беринг.
7. Болалар ва ўсмирлар касалланишининг ёш бўйича тарқалиш тартиби ва таркиби.
8. Ёшга боғлиқ равишда патологик сиңишишларнинг турларини санаб беринг.
9. Болаларни саломатлик гуруҳларига тақсимлаш мезонлари. Алоҳида гуруҳларни тавсифлашда нимадан фойдаланилади?
10. Ёш даворийлиги ва касалліктернинг ёш бўйича тарқалиши.

МАВЗУГА ТЕГИШЛАНГАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- 1) Сиз саломатлик ҳолатини баҳоловчи қандай күрсатқышларни биласиз?**
1. Саломатлик индекси, тез – тез касалланувчи болалар сони, эпизодик касалланиш.
 2. Касалланиш бўйича мурожаатлар, тез – тез касалланувчи болалар сони, патологик заарланиш.
 3. Тез – тез касалланувчилар, эпизодик касалланувчилар, патологик заарланиш.
 4. Касалланиш бўйича мурожаатлар, саломатлик индекси, тез – тез касалланувчи болалар фоизи, патологик заарланиш.
 5. Ҳамма қайд этилганлар.
- 2) Саломатлик индекси деб нимага айтилади?**
1. Тез – тез касалланувчилар сонининг касал бўлмаганлар сонига нисбатининг % даги күрсаткичи.
 2. Йил давомида касал бўлганлар сони % ларда.
 3. Йил давомида бирор марта ҳам касал бўлмаган болалар сонининг барча текширилган болалар сонига нисбатининг % даги күрсаткичи.
 4. Касал бўлмаганлар сонининг поликлиникага мурожаат қилинганлар сонига нисбатининг % даги күрсаткичи.
 5. Касал бўлмаган болалар сонининг умумий шу жойда яшайдиган болалар сонига нисбатининг % даги күрсаткичи.

3) Патологик жароҳатланиш тушунчасига таъриф беринг:

1. Болалар ва ўсмирлар орасида таянч – ҳаракат аппаратининг заарланиши.
2. Умумий касал бўлмаган болалар сонининг текширилган болалар умумий сонига нисбати.
3. Сурункали касалликлар ва функционал силжишларниң тарқалиши.
4. Йил давомида қайд этилган сурункали касалликлар.
5. Йил давомида қайд этилган функционал силжишлар.

4) Тез – тез касалланувчилик бу:

1. Йил давомида бир мартадан ортиқ касалланувчилик.
2. Бир ой давомида бир мартадан ортиқ касалланувчилик.
3. Йил давомида 4 ва ундан ортиқ касалланувчилик.
4. Йил давомида 5 – 6 марта касалланувчилик.
5. Йил давомида уч мартадан ортиқ касалланувчилик.

5) Мурожаат бўйича касалланиш кўрсаткичини қандай аниқлаш мумкин?

1. 1000 та болага тўғри келувчи сурункали касалланиш ҳодисалари билан.
2. 100 та болага тўғри келувчи сурункали касалланиш ҳодисалари билан.
3. 100 та болага тўғри келувчи ҳамма касалланиш ҳодисалари билан.
4. 100 та болага тўғри келувчи ўткир касалланиш ҳодисалари билан.
5. Йил давомида 100 та болага тўғри келувчи касалланиш ҳодисалари билан.

6) Саломатлик индексини ҳисоблаш учун қандай маълумотлар зарур?

1. Текширилган ва тез – тез касалланувчи болалар сони.
2. Тез – тез касалланувчи ва касал бўлмаган болалар сони.
3. Умумий текширилган, касал бўлмаган ва тез – тез касалланувчи болалар сони.
4. Текширилган ва касал бўлмаган болалар сони.
5. Фақат тез – тез касалланувчи болалар сони.

7) Саломатликнинг нечта гуруҳини биласиз?

1. 5.
2. 4.
3. 6.
4. 3.
5. 2.

8) Соғлигидаги қандай ўзгариш бўлган болалар саломатликнинг I – гуруҳига киради?

1. Сурункали касалликлари бор болалар.
2. Соғлом, лекин морбофункционал силжишлари бор болалар.

3. Декомпенсация босқычидаги сурункали касалліктері бор болалар.
4. Амалий соғлом болалар.
5. Субкомпенсация босқычидаги сурункали касалліктері бор болалар.

9) Болаларни саломатлық гуруұларига ажратыш негизида нима ётади?

1. Боланинг жисмоний ривожланиши ва саломатлық ҳолати.
2. Алоқида орган ва тизимларнинг функционал ҳолати.
3. Айрим органларнинг нүқсони ва уларнинг оғирлик даражаси.
4. Функционал ва морфологик ўзгаришлар, сурункали касалліктер вә уларнинг оғирлик даражаси.

10) Бола тиббий картаси ҳисоб шакlinи күрсатынг:

1. 112 ҳ.ш.
2. 36 – 04 ҳ.ш.
3. 85 ҳ.ш.
4. 026 ҳ.ш.
5. 85 – 04 ҳ.ш.

МАВЗУТА ТЕГИШЛИ БҮЛГАН ЎРГАТУВЧИ, НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ДАСТУРЛАР

1. Болалар ва ўсмирлар касалланишини таұлайл қилиншынг асосий усулинин күрсатынг:

- Мурожаат бүйіча касалланишин ўрганыш.
 - Чуқурлаштирилган тиббий күрік натижалари бүйіча.
 - Саломатлық индекси.
 - Тез – тез касалланувчи болалар сони.
 - Эпизодик касалланиш.
 - Индекслар усулу ёрдамида.
 - Регрессия шкаласи ёрдамида.
 - Патологик заарланиш күрсатқичи.
 - Скрининг тести синамаси ёрдамида.
 - Физиологик синамалар ёрдамида.
- 2. Громбах күрсатқичи бүйіча болалар саломатлигини бағоловчы асосий мезонларни күрсатынг:**
- Текшириш давомида аниқланған жисмоний нүқсонлар ёрдамида.
 - Текшириш давомида аниқланған физиологик белгилар ёрдамида.
 - Текшириш давомидан аниқланған ортопедик нүқсонлар ёрдамида.

- Текшириш вақтида сурункали касалликларнинг бор – йўқлиги.
- Организмнинг асосий тизимларининг функционал ҳолатининг даражаси.
- Нохуш омилларга организмнинг қаршилик даражаси.
- Эришилган жисмоний ривожланганлик ва унинг уйғунылиги.
- Организмнинг дисгармонлик ҳолатининг асосида.

3. Болалар ва ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўригига жалб қилинувчи асосий мутахассисларни кўрсатинг:

- Окулист.
- Педиатр.
- Кардиоревматолог.
- Отоларинголог.
- Шифокор лаборант.
- Аллерголог.
- Эндокринолог.
- Ревматолог.
- Травматолог.
- Микрохирург.

4. Тиббий кўрик дастурига кирувчи асосий кузатув турларини кўрсатинг.

- Болаларни саломатлик гуруҳларига ажратиши.
- Саломатлик ҳолатини баҳолаш.
- Болалар жисмоний ҳолатини баҳолаш.
- Физиологик кўрсаткичларини баҳолаш.
- Организмнинг функционал кўрсаткичларига баҳо бериш.
- Кўзнинг электр қўзғалувчанлигига баҳо бериш.

5. 1–6 ёшли `болалар орасида учрайдиган асосий касалликларнинг тўғри кетма–кетлигини кўрсатинг.

- Нафас олиш тизимси касалликлари.
- Тери ва тери ости тўқималарининг касалликлари.
- Паразитар касалликлар.
- Ревматологик касалликлар.
- Юқумли касалликлар.
- Аллергик касалликлар.
- Овқат ҳазм қилиш тизимси касалликлари.
- Жароҳатланиш ва заҳарланиш.
- Асаб тизими касалликлари.
- Онкологик касалликлар.

6. 7–10 ёшли болалар орасида учрайдиган асосий касалликларнинг тўғри кетма–кетлигини кўрсатинг.

- Нафас олиш тизими касалликлари.
- Аллергик касалликлар.
- Онкологик касалликлар.

- Тери ва тери ости тўқималари касалликлари.
- Юқумли касалликлар.
- Овқат ҳазм қилиш тизими касалликлари.
- Жароҳатланиши ва заҳарланиш.
- Асаб тизими касалликлари.
- Ревматологик касалликлар.

7. 11–14 ёшли болалар орасида учрайдиган асосий касалликларнинг тўғри кетма–кетлигини кўрсатинг.

- Гинекологик касалликлар.
- Нафас олиш тизимси касалликлари.
- Жароҳатланиш ва заҳарланиш.
- Асаб тизимси касалликлари.
- Тери ва тери ости тўқималари касалликлари.
- Онкологик касалликлар.
- Замбуруғли касалликлар.
- Қон – томир тизими касалликлари.
- Овқат ҳазм қилиш тизимси касалликлари.
- Юқумли касалликларнинг асоратлари.

8. 15–17 ёшли болалар орасида учрайдиган асосий касалликларнинг тўғри кетма–кетлигини кўрсатинг.

- Нафас олиш тизимси касалликлари.
- Гинекологик касалликлари.
- Тери ва тери ости ёғ қатламларининг касалликлари.
- Жароҳатланиш ва заҳарланиш.
- Асаб тизими касалликлари.
- Руҳий касалликлар.
- Аллергик касалликлари.
- Юқумлӣ касалликларнинг асоратлари.
- Онкологик касалликлари.
- Юқумли касалликлар.

9. 3 ёшгача бўлган болаларга чуқурлаштирилган тиббий хизмат кўрсатишнинг вақт даврийлигини кўрсатинг.

- 6 ойгача – 1 ҳафтада 1 марта.
- 6 ойгача – 1 ойда 1 марта.
- 6 ойдан – 1,5 ёшгача – 1 ҳафтада 1 марта.
- 6 ойдан – 1,5 ёшгача – 1 ойда бир марта.
- 1,5 дан 2 ёшгача – 2 ой ичида 1,5 марта.
- 2 ёшдан 3 ёшгача уч ойда 1 марта.
- 3 ёшдан юқорилар орасида 6 ойда 1 марта.
- 1,5 дан 2 ёшгача – 3 ой ичида 1 марта.
- 2 ёшдан 3 ёшгача 6 ойда 1 марта.
- 3 ёшдан юқорилар орасида йилига бир марта.

10. Болалар ва ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишнинг асосий босқичларини кўрсатинг.

- Богча ёшидагиларни – йилнинг ҳар чорагида 2 марта.
- Мактаб олди гурухларини йилига бир марта.
- Мактабда йилига 1 марта.
- Богча ёшидагиларни – йилнинг ҳар чорагида 1 марта.
- Мактаб олди гурухларини йилига икки марта.
- Мактабда йилида вазиятта қараб ташкиллаштирилади.

Мавзуга тегишли ўқитишининг яиги инновациои технологик усуллари

«Саломатлик ҳолатини характерловчи кўрсаткичларни ўрганиш усуллари» мавзуси бўйича «мияга ҳужум» ишбилиармон ўйини

Бу усул ёрдамида талабаларнинг дастлабки билим даражаси баҳоланиши мумкин. Гуруҳ талабалари 2–3 кишидан иборат кичик гурухларга (КГ) бўлинади. Мазкур мавзу бўйича берилган муаммоли саволга ҳар бир КГ ўз жавоб вариантини бериши сўралади. Ҳар бир КГ ўз жавоб вариантини бергандан сўнг, ўқитувчи бошчилигида ва талабаларнинг фаол иштироқида муҳокама бошланади. КГ гурухлар мавзу бўйича берилган муаммоли саволга олинган жавоблар ичидан энг тўғрисига юқори балл қўйилади, қолган жавобларга мос равишда пастроқ баллар қўйилади.

Талабаларга мавзу бўйича қўйидаги муаммоли саволлар берилиши мумкин:

1. Болалар ва ўсмирлар контингенти саломатлик ҳолатини характерловчи кўрсаткичларни ўрганиш усуллари.
2. Қайси ҳужжатлар асосида саломатлик ҳолати ҳақида маълумотлар йигилади?
3. Саломатликка таъриф беринг.
4. Мурожаатлар бўйича касалланиши қандай таҳлил қилинади?
5. Чуқурлаштирилган тиббий кўрикларнинг аҳамияти.
6. Ёш бўйича чуқурлаштирилган тиббий кўрикларнинг ўтказиш босқичлари.
7. Ўқувчиларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш дастури.
8. Саломатликнинг II гуруҳига кирувчи ўзгаришлар.

АМАЛИЙ КЎНИКМА

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИ КАСАЛЛАНИШИ ВА АНТРОПОМЕТРИК ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Болаларнинг саломатлик кўрсаткичларини баҳолаш болалар ва ўсмирлар гигиенаси соҳасидаги жорий санитария назоратининг мажбурий қисми ҳисобланиб, соғломлаштириш тадбирларини ишлаб

чиқиш учун асос бўлади. Бундай таҳлил барча болалар муассасалари бўйича ўтказилади: мактабгача болалар муассасаларида йилнинг ҳар чорагидада ясли гуруҳида йилига 2 марта, боғча гуруҳида, мактабларда йилига бир марта.

Ишни ўтказиш учун қуйидагилар зарур: болаларнинг касалланиши ҳақида маълумотлар (ҳисоботлар, қайд қилиш дафтарлари) ва болаларнинг жисмоний ривожланиши ҳақидаги маълумолар (ҳисоботлар, болаларнинг шахсий карталари – 26 шакл).

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ

1. Мазкур муассасада болаларнинг касалланишини қуйидаги кўрсаткичларини ҳисоблаш билан таҳлил қилиши:
 - касалланиш даражаси (100 та болага нисбатан);
 - касалликнинг тарқалганлиги (1000 та болага нисбатан);
 - касалликларнинг таркиби, %.
2. Болаларнинг антропометрик кўрсаткичларини таҳлил қилиш:
 - антропометрик текширишларга болаларнинг тўлиқ жалб қилинганлиги;
 - болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини баҳолаш учун фойдаланилган усулларнинг мослиги;
 - жисмоний ривожланишнинг уйғунлик даражаси бўйича болаларнинг фоизлардаги тақсимланиши;
3. Болаларнинг саломатлик ҳолати ва жисмоний ривожланиш даражасини ҳисобга олиш билан саломатлик гуруҳлари бўйича тақсимланганлигини таҳлил қилиш;
4. Ўрганилаёттан муассасадаги болаларнинг саломатлик кўрсаткичларида номувофиқлик аниқланган ҳолатларда унинг сабабини болалар ва ўсмирларни тарбиялаш ва ўқитиш шароитлари билан тақдослаш орқали таҳлил қилиш.
5. Ўқитиш ва тарбиялаш шароитларини ва болаларнинг саломатлик кўрсаткичларини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

1.2. БОЛАЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛANIШINI ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ

Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиши саломатликнинг энг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Болаларнинг жисмоний ривожланиши чуқурлаштирилган тиббий кўрикларда, болалар муассасаларида, ўсмирлар хонасида ва бошқа болалар муассасаларида болаларнинг саломатлиги билан биргалиқда аниқланади. Болаларнинг жисмоний ривожланишини доимий кузатиш (индивидуал усул) уларнинг шахсий ривожланишини аниқлашда катта аҳамиятта эга. Болалар ва ўсмирлар жисмоний ривожланганлигини генераллашган усулида ҳам қисқа ёки вақт давомида динамик кузатиш ўзгарувчан

ижтимоий шароитлар таъсирида болаларнинг жисмоний ривожланишидаги силжишларни ўрганишга имкон беради. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси шифокорининг вазифаси уюшган болалар жамоасидаги болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланишини текшириш устидан назорат қилиш ва маълумотлар йиғищдан иборат. Республика, вилоят, шаҳар туман санитария эпидемиология назорати маркази, илмий-текшириш институтлари, тиббиёт институтларининг болалар ва ўсмирлар гигиенаси кафедралари билан биргаликда болалар ва ўсмирлар контингентлари жисмоний ривожланишни динамик равища кузатиб борадилар.

Болалар орасидаги жисмоний ривожланганликни текширишни ташкил этиш ва услубий методик бошқаришда БўГ шифокори жисмоний ривожланишни текшириш усуллари ва баҳолашни мукаммал равища билиши керак.

АНТРОПОМЕТРИК ТЕКШИРИШЛАР

Антрапометрик кўрсаткичларни аниқлаш ёки текшириш дастурини танлаш текширилувчи ёш контингентларга боғлиқ. Одатда қатор антропометрик кўрсаткичлардан асосийлари танлаб олинади. Соматометрик белгилардан тана узунлиги – бўйи (тик ва ўтирган ҳолда), тана вазни, кўкрак қафаси айланаси, физиометрик кўрсаткичлардан – ўпканинг тириклик сифими (ЎТС), кўлнинг мушак кучи, белнинг тортиш кучи, соматоскопик кўрсаткичлардан – таянч-ҳаракат ашпарати ҳолати (умуртқа тузилиши, кўкрак қафаси, оёқ, қомат ҳолати, мушаклар ривожланганлиги), жинсий етилиш даражаси кабилар аниқланади.

Болаларнинг ёшига қараб текшириш дастури бироз ўзгаради. Мактаб ёшидан олдинги ва мактаб ёшигача бўлган болалар жисмоний ривожланганлигини баҳолашда нутқ ва моторика ривожланганлигини баҳоловчи усуллар қўшилади, лекин баъзи функционал текширишлар (ЎТС, мушак кучи) ўтказилмайди. Ўсмирларни текшириш дастурига функционал синамалар ва жинсий етилишни аниқловчи формула кабилар қўшилади.

Болалар ва ўсмирлар гигиенасида антропометрик текширишлар ўтказишдан мақсад мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасалари ва мактаблар учун ўқув жиҳозлари, ўқув-ишлаб чиқариш иш қуроллари, кийим, оёқ кийим кабиларни гигиеник жиҳатдан талабларга мос равища ишлаб чиқаришдир. Шу мақсадда тана алоҳида қисмларининг ёшга мослиги ҳам ўрганилади. Қатор ҳолларда бу текширишларга қўшимча равища бола организмининг функционал қобилияти ҳам ўрганилади. Кейинги санитар назорати болалар асбоб – анжомлари, мебелларни антропометрик текширишлар натижасига қараб, ёшга ва анатомо-физиологик кўрсаткичларга қараб санитария шифокори тавсиясига боғлиқ ҳолда ишлатишга қаратилган. Бунда асосий талаблардан бири уларнинг унификациясидир. Фақат бир хил шароитда ва бир

хилдаги текшириш усуллардан фойдаланиш аниқ маълумот берада олади. Ҳамма текширишлар ўтказилаёттанды болалар ечинган ҳолда бўлиши, хона ёруғ (иложи борича табиий) ва иссиқ бўлиши керак. Антропометрик текширишлар куннинг биринчи ярмида ўтказилиши шарт, чунки куннинг охирига бориб тана узунлиги товоонлар ва умуртқалараро тоғайлар сиқилиши ҳисобига бир-икки сантиметрга камаяди, мушаклар тонуси пасаяди, тана вазни эса деярли бир килограммгача ортади.

СОМАТОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРНИ АНИҚЛАШ

Соматометрия – тана узунликлари, диаметрлари, айланалар ва тана оғирлигини ўлчашдан иборатдир. Узунликларни ўлчаш: тана узунлиги (тик ҳолда) организмдаги пластик жараёнлар ҳолати билан тавсифланади ва ёғоч бўй ўлчагич ёки металл антропометр ёрдамида ўлчанади.


Ёғоч бўй ўлчагич 2 метрли ёғоч устундан иборат бўлиб, кенг платформага маҳкамланган. Ёғоч устун бўйича муфта билан планшётка ҳаракатланади. Устуннинг икки ён томонидан сантиметрларга бўлинган; бир томонидан ҳисоблаш платформадан бошланса, иккинчи томонида ўтиргичдан бошланади. Бўй ўлчагич майдонида ўтирган ҳолда бўйини ўлчаш учун очиладиган ўтиргич ўрнатилган. Ўтиргич баландлиги болалар учун 25 сантиметр, катталар учун 35 – 40 сантиметрли бўлиши керак.

Текширилувчининг турган ҳолатда бўйини аниқлаш учун платформага елкаси билан турғазилади. Текширилувчи қадди – қоматни тик, елкаларни тўғри тутиб, қўлларни танаси бўйлаб чўзган ҳолатда оёқларни бирлаштириб туради.

Бунда текширилувчининг товони, думбаси ва кураклараро қисми бўй ўлчагични вертикаль таҳтасига тегиб туриши керак. Бошини шўндей тутиш керакки бунда кўзнинг пастки бурчаги билан қулоқнинг юқори бурчагидан ўтган чизиқ бир горизонтал текислиқда ётсин. (1 – расм)

Бўй ўлчагичнинг силжувчи таҳтаси шу турган ҳолатда бошнинг энг юқори сагитал чизигигача сурилади. Бўй ўлчаш платформанинг вертикаль таҳтаси бўйича олиб борилади. Ўлчаш аниқлиги 0,5 сантиметр. Икки ёшгача бўлган болалар тана узунлигини ўлчашта мослаштирилган бўй ўлчагич 100 – 120 сантиметрли ёғоч доскадан иборат бўлиб, иккита планшёткага эга. Улардан бири (силжимайдиган) бола калласини ушлаб туриш учун хизмат қиласи, иккинчиси бола оёқларига келтирилади. Ўлчаш вақти бола елкалари бўй ўлчагич доскасига тўғриланади, оёқлари олдинга узатилади, товони тўғри бурчак остида букилади, бош кўзнинг ташки бурчаги ва қулоқнинг юқори бурчаги бир вертикаль чизиқда жойлаштирилади. Доска ёнида штрихланган линейкаси бор. Ёғоч бўй ўлчагич билан ўтирган вақт турган ҳолатда тана узунлиги ўлчанади. (2 – расм)


Антрапометр билан тананинг турли узунлайлари ўлчанади. Антрапометр бир хил узунлайдаги 4 та металл штангалардан иборат. Антрапометрия умумий узунлиги 2 метр. Юқори штанга охирига ҳаракатсиз муфта қотирилган, унга линейка қўйилади. Иккинчи муфта антрапометрининг бутун узунлиги бўйича силжиб юради, унга ҳам линейка бириктирилган. (3 – расм) Антрапометрининг бутун узунлиги 1мм ли бўлакчалардан иборат шкалаlardан ташкил топган. Бу пастдан юқорига қараб ўлчанади. Бош томондан юқоридан пастга ўлчанадиган 100 см ли шкаласи бор.




1 – расм. Бўй баландлиги ўлчанаёттанды бошнинг ҳолати.



2 – расм. Илк ёшдаги болалар учун бўй ўлчагич.



3 – расм. Антропометр.



4 – расм. Бўй баландлигини ўлчаш.

Текширилувчи одам антропометрда юзи билан чироқقا қараб түғри туради. Текширувчи текширилувчининг ўнг томонида туриб антропометрнинг ўнг қўли билан, тўртта бармоғи орқали штангани, битта бармоғи билан ҳаракатланувчи муфтани пастдан ушлайди. Антропометр текширилувчини олди томонидан вертикал ҳолда жойлаштирилади. Текширувчи текширилувчининг бошини чап қўли билан түғри ҳолатда ушлаб, ўнг қўлини бир бармоғи билан горизонтал линейкани муфтасини бошнинг юқори нуқтасига силжитади. (4 – расм)

Ўлчаш натижалари юқоридан пастта ҳаракатланувчи муфтани шкалалари билан аниқланади. Ўлчаш аниқлiği 1мм.


Ўтирган ҳолатдаги тана узунлиги – тана пропорцияларини бир – бирига мутаносиблигини кўрсатади. Ўтирган ҳолатда тана узунлигини ўлчашда текширилувчининг кураклараро соҳаси билан думғазаси бўй ўлчагичнинг вертикал тахтасига тегиб туриши керак. Оёклар бирлаштирилиб тизза бўғимлари тўғри бурчак остида букилади, қўллар икки томонга туширилади. Ҳаракатлантирувчи ўлчов тахтаси бошнинг юқори нуқтасига туширилади. Ўтирган ҳолатда тана узунлигини антропометрда ўлчаш ҳам худди шу тартибда ўлчанади. Антропометр курсисига текширилувчининг орқа томонидан мустаҳкамланади. Чап томонда турган текширувчи ўлчаш тахтачани текширилувчи бошнинг юқори нуқтасига теккунича туширади ва ўлчаб олади.

Антропометр ёрдамида ўтирган ва турган ҳолатдаги тана узунликларидан ташқари қўл, оёқ, ва тана узунликларини ва бундан ташқари қўл ва оёқнинг алоҳида қисмлари узунликларини ўлчаш мумкин. Бу узунликларни ўлчаш учун асосий антропометрик нуқталарни танада жойлашишини билиш керак. (5 – расм) Исталган узунликни ўлчаш учун юқори ва пастки антропометрик нуқталарни билиш зарур. Антропометрик нуқталарни баландлигини аниқлаш учун текширилаётган одам юзи билан ёруғликка қараб тик ҳолда туриши керак. Антропометр текширилаётган одамнинг олдига ўрнатилади (6 – 7 – расмлар). Чап қўл билан керак бўлган антропометрик нуқтани топилади, уни иккинчи бармоқ билан фиксация (қотирилиб) қилиб, горизонтал линейка ёрдамида унинг полдан қанча баланд турганлиги аниқланади. Жуфт нуқталар ўнг томонда ўлчанади. Ўлчашни юқоридан бошлаш керак. Антропометрни шундай ўзгартириш керакки, бунда унинг ўқи сагитал ёки фронтал текисликда бўлиши керак. Кетма – кет равишда қўйидаги нуқталарнинг баландлиги ўлчанади:


1. Чўққи нуқта;
2. Кўкракнинг юқори нуқтаси;
3. Қов нуқтаси;
4. Елка нуқтаси;
5. Тирсак;
6. Бигизсимон;

7. Бармоқ;
8. Сон суюги башчаси;
9. Сон суюги юқори нүктаси;
10. Сон суюги пастки нүктаси.

Кейин уларнинг узунлиги алоҳида ҳисобланади.



5 – расм. Антропометрик нүкталар.



6 – расм. Елка нүктасининг полдан баландлигини ўлчаш

7 – расм. Бармоқ нүктасининг полдан баландлигини ўлчаш.

Тана узунлиги полдан күкракнинг юқорисигача бўлган (р. suprasternale) узунликдан қов нуқтасигача (р. symphysis) бўлган узунликнинг айримасига тенг. Бунинг учун антропометр линейкасининг ўткир қирраси тўш суюгининг ўрта чизигининг энг юқори нуқтаси бўлган ёйсимон чуқурчага қўйилади, кейин чаноқ сяги бирлашган жойнинг юқори томонига қўйилади.

Қўлларнинг узунлигини ўлчаш учун елканинг юқори нуқтаси бўлган акромиал ўсимтага қўйилади (р.acromion), сўнг бармоқларнинг учидаги нуқтага (р. dactylion) линейка қўйилади (III – бармоқ). Шуни эсда тутиш керакки, елка нуқтасини топиш учун осилиб турган қўлни айланма ҳаракатга келтириш керак, шундай елка нуқтаси ҳаракатсиз ҳолда бўлади.

Елка узунлиги елка нуқтаси (р.acromion) билан тирсак нуқтаси (р. radiale) оралиғидаги масофага тенгdir, тирсак нуқтаси тирсак суюгининг бўғим юзаси қиррасида аниқланади, уни билиш пункти «гўзалик чуқурчаси» тирсак букилишда аниқланади, унинг тубида қўл осилтирилганда, тирсак бошчасининг чеккасини пайпаслаб топиш мумкин.

Билаклар узунлиги тирсак (р. stylion radiale) ва радиал нуқталар орасидаги масофалар билан белгиланади.

Бигизсимон нуқта бигизсимон ўсимтанинг пастки чеккасига тўғри келади, анатомик тобакокорканинг проксимал қисмидан қидирилади. Бармоқларнинг узунлиги бигизсимон нуқтадан бармоқлар учидаги нуқтагача бўлган масофа ҳисобланади.

Оёқларнинг узунлиги сон суюгининг юқори бош суюгидан пастки нуқтасигача (р. trochanterion) ўлчанади. Болдирнинг узунлиги тизза суюгининг юқори нуқтасидан пастки (р. tibiale mediale) нуқтасигача бўлган масофа. Оёқ ости узунлиги товоң суюгини орқа нуқтасини (р. pternion) тирноқ фалангасининг энг учки нуқтасигача (р. astropodium) бўлган масофанинг узунлиги ҳисобланади.

Диаметрларни ўлчаш – диаметрларни ўлчашда катта ва кичик циркуллардан фойдаланилади. Циркул икки оёқчадан ва унга бириктирилган ёйсимон ёки тўғри линейкадан иборат. Кичик ўлчов циркули ҳам худди шундай тузилган. Циркулнинг биринчи оёқчаси худди ручкани ушлагандек I ва II бармоқлар ушланади ва антропометрик нуқтага қўйилади. Циркулнинг иккинчи оёқчаси иккинчи антропометрик нуқтага қўйилиб ўлчами аниқланади.

Бош диаметри – орқа ва кўндаланг диаметрлари – кичик циркул ёрдамида ўлчанади. Бошнинг орқа олди диаметри ўлчанаётганда болага нисбатан чап томонда турилади, чап қўл билан циркулнинг бир оёқчасини глабеллага қўяди. Глабелла (р. glabella) сагитал чизиқ билан қошлар ёйи юқори қисмини туташтирувчи чизиқ кесишган нуқтада жойлашган кўзнинг пастки қирғоти билан қулоқнинг юқори қирғоти бир горизонтал текисликда ётган ҳолатда энсаннинг энг баланд нуқтаси аниқлаб олинади (р. opisthokranion). Шундан кейин аниқлаб олинган икки

антропометрик нүқталар (глабелла ва энса нүқтаси) аро масофа бошнинг орқа олди диаметрига тенг бўлади.

Бошнинг кўндаланг диаметри ўлчанаётганда текширувчи текшириувчининг орқа томонидан туриб циркулнинг оёқчаларини симметрик равишда қулоқ супрасидан 1,5–2 см баландликда қўйиб, катталиги аниқланади.

Кўкрак диаметрлари – олди, орқа ва кўндалангига ўлчанаётганда текширувчи боланинг ёнидан туриб йўғон циркул ёрдамида ўлчанади. Бунда циркулнинг бир оёқчаси кўкракнинг ўрта нүқтасига қўйилади, иккинчи оёқчаси эса умуртқа поғонасининг худди ўша баландликда жойлашган нүқтасига қўйилади. Кўкракнинг ўрта нүқтаси тўшнинг ўрта чизигининг IV қовурға баландлигига жойлашган (р. mesosternale).

Кўндаланг кўкрак диаметри ўлчангандага циркулнинг оёқчалари ўрта қўлтиқ ости чизигининг ўрта кўкрак нүқтаси баландлигига қўйилиб, катталиги аниқланади.


Елка диаметри катта йўғон циркул ёрдамида ўлчанади. Бунда текширувчи боланинг олд томонида туриб циркул оёқчаларини елка нүқталарига қўяди ва катталигини ўлчайди.

Вертел диаметри ҳам йўғон циркул ёрдамида ўлчанади, бунда циркул оёқчалари вертел нүқталарига қўйилади ва катталиги аниқланади.


Айланаларни ўлчаш. Бош, кўкрак, елка, сон, тизза айланалари темир рулетка (1м) ёки резинали сантиметрли лента (1,5м) билан ўлчанади. Рулетка пружинали механизм билан энса нүқтаси устидан ўтади.

Кўкрак айланаси катталиги жисмоний ривожланишнинг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. У тана ҳамма кўкрак, бел мушаклари ривожланганлиги, шунингдек нафас олиш тизимси ҳолатига боғлиқ. Кўкрак айланаси енгил нафас, чуқур нафас олишда ва нафас чиқаришда ўлчанади. Лента орқадан куракнинг пастки бурчаги (қўллар чўзилган ҳолатда, кейин қўллар туширилади, лента кўкрак бурчаги соҳасида ётади). Оддинда лента ўрта кўкрак нүқтаси орқали ётади. Лента қимирламаслиги, кўкрак қафасида яхши ҳаракат қилиши керак (8 – расм).


Кўкрак айланаси биринчи тинч ҳолатда ўлчанади. Бу пайтда бола эътиборини ҳар хил гаплар билан чалгитиш керак.




8 – расм. Бош айланасини ўлчашда лентани тўғри қўйиш тартиби.




9 – расм. Күкрап қафаси айланаси узунлигини ўлчаш (орқа кўриниши).




10 – расм. Күкрап қафаси айланаси узунлигини ўлчаш (олди кўриниши).




11 – расм: Елка айланасини ўлчаш.





12—расм. Сон айланасини ўлчаш.



13—расм: Болдир айланасини ўлчаш.

Кейинчалик күкрак айланаси чуқур нафас олганда ва чуқур нафас чиқарғанда аниқланади. Учта аниқлаш усули ұам биттә лентә құйилған пайтда кетма – кет үтказилади. Ўлчаш аниқлигі 0,5 см

Кўкрак айланасининг чуқур нафас олгандаги ва чуқур нафас чиқаргандаги фарқи кўкрак қафаси экскурсиясини билдиради. (9 – 10 – расмлар)

Елка айланаси мушаклар бўшашганда ва мушакларнинг максимал юклама пайтида ўлчанади. Лента ўнг қўлиниң иккибосли мушагининг кенгайтган қисмига кўйилади. Олдин мушаклар бўшашган ва қўл туширган ҳолда ўлчанади, кейин тирсак суюгининг эгилган ва мушакларнинг максимал юклама берилганда ўлчанади. Икки ўлчам фарқи мушакларнинг ривожланганлигини билдиради. (11 – расм)

Сон айланаси – энг катта жойидан ўлчанади (12 – расм). Буни ўлчаш болдирини ўлчаш билан бир хил (13 – расм). Ўлчаш тартиби: Гана оғирлиги сувяк ва мушак ашпаратларининг ривожланганлиги билан тасвирланади. Ўлчаш тиббий тарозининг Фербенкс типидаги турида олиб борилади. Ўлчащдан олдин тарози тўғриланади. Ўлчащда текширилаётган одам тарозининг ўртасида эркин ҳолда туради. Тарозининг ўлчаш тошини силжитиш натижасида мувозанат ҳосил қилинади. Ўлчаш аниқлиги 50гр. Ёш болалар ўтирган ёки ётган ҳолда ўлчанади.

Физиометрия

Жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ўрганилаёттанда организмнинг функционал кўрсаткичлари ҳам аниқланади (физиометрия): ўпканинг тириклик сифими (ЎТС), қўл мушаклари кучи, бел кучи ўлчанади.

ЎТС нафас олиш мушаклари ва ўпка сифими кўрсаткичлари ҳисобланади. У сувли ва ҳаволи спирометрлар ёрдамида ўлчанади. Сувли спирометр икки спирометрдан ташкил топган (бир – бирига аралашган). Ташки цилиндр ички юзасидаги белгигача сувга тўлдирилади, унга иккичи цилиндр уланади. Резина трубканинг охирги учига мундштук кийдирилади.

Болани текширишдан олдин максимал нафас олиш тавсия этилади, нафасни ушлаб туриш, лаблар билан мундштукни маҳкам ушлаш ва секин трубкага ҳамма нафасни чиқариш тавсия этилади. Чиқарилган нафас ички цилиндрни тўлдириб уни кўтаради. Ички цилиндрда чиқарилган нафасни миллилитрларда ўлчови бўлимларга бўлинган. Текшириш тутагандан кейин цилиндр туширилади ва ҳаво чиқарилади. Текшириш 2 – 3 маротаба ўтказилади ва энг катта натижа ҳисобга олинади. Текшириш аниқлиги 50 – 100 мл. Мундштукни ҳар бир текширилувидан кейин қайнатиб дезинфекция қилиш керак. 4 – жадвалда мактаб ўқувчиларининг ЎТС кўрсаткичлари келтирилган.

Жадвал 4.

**Тошкент шаҳрида яшовчи мактаб ўқувчиларида
аниқланган ЎТС (миллилитрларда)**

Боланинг ёши	Ўғил болалар		Қиз болалар	
	М	δ	М	δ
8	1676	301	1474	280
9	1802	374	1632	359
10	2000	360	1903	409
11	2230	410	2120	384
12	2480	380	2223	435
13	2620	550	2606	423
14	3250	677	2730	496
15	3670	729	3022	433
16	4170	630	3051	458
17	4153	614	3064	403

Қўлнинг мушак кучи

Қўлнинг мушак кучи мушаклар ривожланиш даражасини белгилайди ва қўл динамометри ёрдамида ўлчанади. Бунда текширилувчи тик туриб қўлини ён томонга кенг ёди ва кафтларида динамометри бор кучи билан (max) сиқади. Текширилув 2–3 марта ўтказилади ва энг катта кўрсаткич килограммларда ёзиб олинади. 5–жадвалда мактаб ўқувчиларининг қўл мушак кучининг кўрсаткичлари келтирилган.

Жадвал 5.

Тошкент шаҳри мактаб ўқувчиларининг қўл мушак кучи (кг)

Боланинг ёши	Ўғил болалар				Қиз болалар			
	Ўнг қўл		Чап қўл		Ўнг қўл		Чап қўл	
	М	δ	М	δ	М	δ	М	δ
8	16,4	3,6	15,5	3,1	13,8	2,5	12,9	2,4
9	19,6	3,3	18,0	3,4	15,3	2,7	14,6	2,6
10	21,3	3,4	19,5	3,3	16,3	3,4	15,1	3,1
11	26,2	3,9	21,5	3,4	19,0	3,6	17,7	3,4
12	27,0	5,8	24,1	4,2	21,1	4,7	21,1	4,7
13	27,3	5,3	24,8	5,3	25,1	5,0	22,9	4,1
14	32,8	6,6	29,0	6,2	25,4	4,8	3,3	4,2
15	39,0	9,0	34,2	7,5	27,2	4,8	23,8	4,1
16	43,6	7,4	38,9	6,9	27,8	4,9	24,9	4,9
17	47,1	7,0	40,6	5,9	29,2	4,8	26,1	4,6


Белнинг мушак кучи становой динамометр ёрдамида ўлчанади. Бунда текширилувчи динамометр платформасида туриб, динамометр ушлагичини тортган ҳолда тик туришга ҳаракат

қилиши керак. Динамометрнинг дастлабки ҳолатида ушлагич тизза баланддигида бўлиши керак. Становой динамометр узуналиги текширилувчининг бўйига қараб ўзгартирилади. (14 – расм)

Соматоскопия

Соматоскопия тадқиқотлари кундузги ёруғлик пайтида, хона ҳарорати камида 18 – 20 даражада иссиқ бўлганда ўтказилади. Соматоскопия жараёнида гавда, кўкрак қафасининг, қориннинг, қўл ва оёқларнинг шакли, ёғ босиш даражаси, мушаклар ва суяк тизимлари ривожининг хўсусиятлари аниқланади. Соматоскопия усули болалар ва ўсмирларнинг тана тузилиши турини ҳамда конституциясини аниқлашга имкон беради.

Қомат деганда бемалол, эркин турган киши гавдасини кўз олдимиизга келтирамиз. Қомат бошнинг, елка, кураклар, оёқ – қўлларнинг ҳолати, тананинг шакли, умуртқа поронаси эгрилиги, ўткир суяк ўсимталари чизигининг вазиятини ўз ичига олади.



14 – расм. Становой динамометр

Болалар ва ўсмирларда ўсиш ва ривожланиш жараёнида шаклланадиган умуртқа поронаси эгрилиги таянч функциясини

бажаради, айниңса жисмоний ишни бажариш чөғида катта физиологик ва биомеханик аҳамиятта эга бўлади. Умуртқа погонаси орқа мия учун ҳимоя вазифасини бажаради. Бундан ташқари, умуртқаларнинг илиги эритроцитларни ҳосил киласди ва фосфор ҳамда калцийни сақлаб туради. Шуни айтиб ўтиш зарурки, умуртқа погонасининг ҳаракатчанлиги унинг турли бўлимларида турличадир. Бўйин қисмида умуртқа погонаси кўпроқ айланма ҳаракат, эгилиш ва ростлаш, ёзиш ҳаракатларини қилса, кўкрак қисмида бундай ҳаракат анча чекланган.

Умуртқа погонаси дисклари орасидаги тоғай бирикмаларининг ҳолати, умуртқа погонасининг ҳаракатчанлиги учун аҳамиятта молик бўлган муҳим омиллардан биридир. Бу дисклар толали тоғайлардан таркиб тошган.

Шуни таъкидлаш керакки, умуртқа погонасининг эгилувчанлиги ва ҳаракатчанлиги бутун кун мобайнида ўзгариб туради. Тунги уйқудан 1,5–2 соат ўтгач, умуртқа погонасининг узунлиги 0,5–1 см кичрайди. Ёш ўтиши билан ҳам қисқариб боради, аммо бунда тоғай бирикмаларининг кичрайиши, улардаги бузилган жараёнлар туфайли юз беради. Организм учун таянч бўлиб хизмат қиладиган умуртқа погонаси 21 ёшгacha ривожланади. Чақалоқларда умуртқа погонаси эгрилиги бўлмайди. Бола бошини мустаҳил ушлай бошлаганида бўйин эгрилиги ҳосил бўлади, кейин эса бола ўзи турадиган ва юрадиган бўлганда бел эгрилиги бола 3–4 ёшлик бўлганда пайдо бўлади. Бу даврда боланинг умуртқа погонаси катта ёшдаги одамларники каби физиологик эгрилик касб эта бошлайди, лекин умуртқанинг ниҳоятда қайишқоқлиги туфайли ҳали жуда ҳам мустаҳкам бўлмайди. Болалардаги бундай эгрилик ётган ҳолатда текис бўлиб қолади.

7 ёшга боргандга бўйин ва кўкрак эгрилиги мустаҳкам бўлиб қолади, жинсий етилиш бошланиши билан бел эгрилиги мустаҳкамланади. 14 ёшгacha умуртқалар ораси тоғай билан тўлиб боради. 14–15 ёшда умуртқа погонаси юзасининг юқори ва пастки қисмида нозик пластинка шаклида суюкланиш бошланади. 20 ёшларга бориб бу пластинкалар умуртқа билан қўшилиб кетади.

Болалар ва ўсмиirlар қомати ўзига хос ёш хусусиятларига эга. Ўсиш ва ривожланиш жараёнида болалар қоматида ўзгаришлар қизларда 11–12 ёшдан бошланади.

Болалар ва ўсмиirlар қоматининг қандай бўлиши кўпинча ташқи омиллар таъсирига, яъни мактабда ўқитишининг гигиеник шароитлари, жисмоний зўриқиши ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади.

Гавда нормал бўлганда бош ва гавда ўқи вертикал ҳолатда, таянч майдонига перпендикуляр бўлади: тос ва тизза суюклари бўғими ростланган, умуртқанинг бўйин, кўкрак ва бел эгрилиги шакланган, елкалар ёзилган ва сал тушган, кураклар симметрик бўлиб, чиқиб қолмаган, бел бурчаклари симметрик, умуртқанинг

үткір сүяқ ўсімталари ўртача ұолатда, қорин бўшлиғи текис ёки бир хилда ўртача кўтарилган бўлади.


Бўйин, кўкрак ва бел қисмларида умуртқа эгрилиги ҳаддан ташқари кўп ёки кам бўлса, қомат бузилади. Умуртқа поғонаси эгрилигининг бузилиши, сколиоз касаллигига олиб келади.

Ўсмирларнинг сүяқ – мушак тизимсида катта ўзгаришлар юз беради. 12 – 13 ёшларда кўкрак қафаси шакланади, 10 – 17 ёш оралиғида ўсмирнинг гавдаси катталарнинг гавда тузилишига ўхшаб қолади. Умуртқанинг мустаҳкамлити ортади, аммо бойлам аппарати ҳали заиф бўлади.

Гавдани нотўғри тутиш, узоқ вақт бир хил, мажбурий ұолатда туриш, иш жойининг ўқувчи бўйига мос эмаслиги ва бошқалар умуртқа поғонасининг қийшайиб қолишига олиб келади.


Умуртқа поғонасининг патологик ұолатларида орқа – олди (кифоз, лордоз) ёки ён (сколиоз) томонга қийшайишлар кузатилади. Ён томонга қийшайишлар умуртқа поғонасининг бир қисмсида ёки бутун умуртқа поғона бўйича кетиши мумкин. Йўналишига қараб чап ёки ўнг томонлама сколиозлар фарқ қилинади. Сколиозда кураклар ва елка асимметрияси, шунингдек мушаклар асимметрияси кузатилади.

Умуртқа поғонасининг ён томонига қийшайганлитини аниқлаш учун Билли – Кирхгофер сколиозометридан фойдаланилади. (15 – расм)



15 – расм. Билли – Кирхгофер сколиозометри ёрдамида умуртқа поғона қийшайипини аниқлаш.

Сколиозометр чарм обруч ва унга биринчирилган юкли сантиметрли лентадан иборат. Бунда текширилувчи олдинга озгина энгаштирилиб, дермографик қалам ёрдамида умуртқа погонасининг акси чизиб олинади. Шундан сўнг у тик туради ва унинг бўйига (VII бўйин умуртқаси баландлигида сколиозометр обручи кийгазилади. Сколиозометр вертикал тушган лентасидан текширилувчи умуртқа погонасининг қийшайганлиги шу тарзда баҳоланади. Бу усулдан ташқари 1,5–2 метрли металл ёки ёғоч планка ёрдамида ҳам умуртқа погонасининг ён томонга силжишини аниқлаш мумкин. Бунда планка текширилувчининг VII бўйин умуртқасига теккан ҳолда вертикал қўйилади. Планкага нисбатан силжишига қараб умуртқа погонасининг ён томонга қийшайганлиги аниқланади. (16 – расм)



16 – расм. Сколиоз турлари: 1 – кўкрак; 2 – чап тарафлама; 3 – S шаклида.


Умуртқа погонасининг қийшайиш даражасига қараб I, II ва III даражали сколиоз, кифоз ва лордоз фарқ қилинади. I даражали қийшайишда функционал бузилишлар кузатилиб, мушакларнинг фаол зўриқишида қийшайиш тўғри бўлиб кетади. II даражали қийшайишда силжишлар мушак зўриқишида тўғриланмайди, лекин умуртқа погонаси ва кўкрак қафасининг кескин деформацияси кузатилмайди. Умуртқа погонаси ва кўкрак қафасининг кескин фиксацияланган деформацияси қийшайишнинг III даражаси деб баҳоланади.

Қомат – одамнинг эркин тургандаги ҳолати, умуртқа погонаси шакли тўғри ривожланганлиги ва мушаклар тонуси ҳисобига қомат тузилиши турлича бўлади. Қоматлар қўйидагича: тўғри, букирсимон, кифотик, лордотик ва қийшайган бўлади. Қоматни белгилаш учун кураклар ҳолатига, елка баландлик даражасига, бошнинг ҳолатига қараб кузатилади. Текширишлар асблолар билан бўйин ва бел бўғинмалари ва умуртқа узунлигини ўлчаш Ковальков усули бўйича олиб борилади. Бунинг учун текширилувчи одатий кўринишда орқа томони билан антропометр олдига туради, бунда умуртқа погонасининг бир нуқтаси вертикал планкага тегиб туради. (17 – расм)


VII – бўйин умуртқаси билан бел эгрилигининг энг чуқур нуқтасигача бўлган масофа чизғич ёрдамида ўлчанади. Сўнг умуртқа поғонанинг узунлиги ўлчанади: текширилувчи антропометр олдига тананинг ўрта чизиги планкага параллел бўлган ҳолда тик туради. Кўндаланг чизғич ёрдамида умуртқа поғонанинг энг баланд нуқтаси ўлчанади (калла суюгининг энг пастки нуқтаси), сўнг эса думғаза баландлиги ўлчанади. Бу икки нуқта орасидаги фарқ умуртқа поғонаси узунлигига тенгдир.

Тўғри турдаги қоматда бўйин ва бел эгриликлари, чуқурликлари, катталиклари бир – бирига яқин бўлиб, кичик мактаб ёшдаги болалар учун 3 – 4 см, ўрта ва катта ёшдаги болалар учун 4 – 4,5 смни ташкил этади; бунда тана тўғри ушланади, бош кўтарилган, елка тўғриланган ва бир хил баландлиқда, қорин тортилган, оёқлар тўғриланганини кузатилади.
(б – жадвал)

17 – расм. Бўйин (а) ва бел (б) эгрилиги чуқурлигини аниқлаш.



18 – расм. Қомат турлари. а – меъёрий, б – букирсимон, в – лордотик, г – кифотик, д – ўта тўғри.



Жадвал 6

3.П. Ковальков бүйнчыа қоматта бацо бериш күрсөткичләри

Умуртка погонаси узуныгы, см	Түгри қомат		Лордотик қомат		Букирстимон қомат		Үтә түгри қомат		Кифотик қомат	
	Бүйнин нүхтаси	Бел лордози								
43,8-46,2	3,21	3,56	3,49	1,84	2,02	5,04	5,27	4,66	4,46	2,14
46,8-48,7	3,25	3,55	3,51	2,13	2,12	4,97	5,05	4,79	4,84	2,13
48,8-51,2	3,48	3,70	3,73	2,27	2,31	5,27	5,27	4,63	4,83	2,19
51,3-53,7	3,45	3,57	3,82	3,85	2,39	2,25	5,59	5,50	4,79	4,98
53,8-56,2	3,59	3,60	4,03	3,87	2,31	2,34	5,62	5,38	5,07	5,18
56,3-58,7	3,69	3,76	4,17	3,86	2,34	2,49	5,73	5,46	5,28	5,61
58,8-61,2	3,81	3,97	4,46	3,75	2,53	2,34	2,99	6,17	5,55	6,00

Шартлы белгилар : ў - ўғыл болалар; К - қыз болалар

— Букирсимон қоматда бўйин эгрилиги чуқурлашган, лекин бел эгрилиги яssiлашган, бош олдинга эгилган, елкалар туширилганлиги кузатилади. (18 – расм)


— Лордотик қомат тузилишида, бўйин эгрилиги камаяди, қорин чиқиб қолади, гавданинг юқори қисми орқага тортилиб туриши кузатилади.

— Кифотик қомат тузилишида бел эгрилиги каби бўйин эгрилиги ҳам катталашган, елка тушган, бош олдинга эгилган ва қорин қапшайиб қолгани кузатилади.

Тўғриланган (ўта тўғри) қомат тузилишида бўйин ва бел эгриликлари текислашган, қорин ичга тортилганлиги кузатилади.

Кўкрак қафасининг шакли – ўмров суюги, қовурғалар, тўш суюгининг жойлашишига, тўш ости суюги бурчагининг катталигига, кўндаланг ва бўйлама ҳажмининг нисбатига боғлиқдир. Кўкрак қафаси цилиндрсимон, конуссимон ёки яssi шаклда бўлади. Кўкрак қафасининг патологик тузилишларини ҳам кузатиш мумкин («этиқдўз», «тобук») кўкрак қафаси ва ҳ.к. (19 – расм)

Цилиндрсимон тузилищдаги кўкрак қафаси юқори ва пастки қисмлари бир хил ривожланган, тўш ости суюги бурчаги тўғри чизиқҳа яқинроқ, пастки қовурғалар ўртача эгриликка эга эканлиги билан тавсифланади.



19 – расм. Кўкрак қафаси шакли а – яssi, б – цилиндрсимон, в – конуссимон.

Конуссимон шаклдаги кўкрак қафаси пастки қисми кенгайган бўлиб, тўш ости суюги ўтмас бурчакка эга, қовурғалар эгрилиги камлиги билан характерланади.


Оёқ шаклини аниқлаш учун текширилувчи товоонларини бирлаштириб тик туради. Меъёрий шаклдаги оёқ тузилишида тизза бўғинлари бир – бирига тегиб туради; «О» – шаклдагида эса тизза бўғинлари бир – бирига тегмайди, «Х» – шаклдаги тузилишида тизза

Оёқ кафти – таянч ва ҳаракат органидир. Оёқ кафти нормал, ясси ва текис бўлиши мумкин. Оёқ кафти шаклини аниқлаш учун таянч юзаси, оёқ кафти гумбази баҳоланади. Товоннинг шаклини билиш учун товон бўйнига қараб баҳо берилади. Ундан ташқари ахилов пайининг ўқига ва товонга тушадиган юкламага аҳамият берилади (20 – расм).

Нормал товонда таянч юзасига тушадиган юқорида кўрсатилган ўқлар перпендикуляр бўлади. Товонни оёқ кафтини олд қисмини туташтирувчи бўйинча ингичка бўлади.

Яссилашган товонда туташтирувчи бўйинча кенгайган вертикал ўқлар перпендикуляр бўлади. Ясси оёқликда бўйинча бутун юзани эгаллайди. Товон ўқи ахилов пайи ўқи билан ташқарига очик бурчак ҳосил қиласи.

Кўрик ўтказиш усулидан ташқари товоннинг тасвирини олиш усули ҳам бор бўлиб, бу усул плантография дейилади. Товоннинг тасвирини олиш учун ҳар хил бўёвчи моддалар қўлланилади. Бунинг учун текшириувчи оёгини дастлаб 1% темир хлорли сув эритмаси билан ҳўлланган тўқимага, сўнгра 0,5%ли таниннинг спиртли эритмаси билан ҳўлланган қофозга бутун оғирлигини солиб туради.



20 – расм: Товон шаклини аниқлаш а – бўйинча кенглиги, а+б – товон кенглиги

Олинган тасвир қуритилади ва товоннинг яссилигига Штритер усули билан баҳоланади. Бунда тасвирдаги товоннинг ички қавариқ нуқталаридан уринма ўтказилади. Бу уринманинг ўртасидан товоннинг ташқи томонига қараб перпендикуляр ўтказилади. (20 – расм) Сўнг перпендикуляр ўтган товон бўйинчаси катталигини (а) перпендикулярнинг умумий (а+б) узунлигига нисбатининг фоиздаги кўрсаткичи ҳисоблаб топилади. Агар товон бўйинчаси 50% гача бўлса – нормал; 50–60% – яссилашган, 60% дан каттаси – ясси оёқлик деб баҳоланади.

Бу усул осонлиги учун амалиётда кенг қўлланилади.

Мушакларнинг ривожланганилиги мушак тўқималари ва уларнинг таранглиги билан баҳоланади. Мушакларни


ривожланганилиги куракларнинг ҳолати ва қориннинг шаклига ҳам қараб баҳоланади: мушаклар суст ривожланган бўлса, мушаклар релефи яққол эмасdir, таранглиги суст бўлади, кураклар қанотсимон орқада қолувчи, қорин осилган бўлади. Мушаклар яхши ривожланган бўлса, мушаклар яққол релефга эга бўлади, таранг ва ҳажми катта бўлади, курак бурчаклари кўкрак қафасига тортилган бўлади, ортиқча кўтарилиб турмайди ва қорин тортилган бўлади. Мушаклар ортиқча ривожланган бўлса, рельеф ўртacha бўлади, ўртacha тарангликка эга бўлади. Куракларнинг бурчаклари бироз кўтарилиб туради.

Мушакларнинг ривожланганилиги динамометрия усули билан баҳоланиб, уларга умумий баҳо баллар бўйича (1,2,3) берилади.

Тери ости ёғ қатламири ривожланиши даражаси, одамнинг семизлигига қараб турли даражада бўлиши мумкин.

Тери ости ёғ қатламини нафақат ушлаб кўриб, балки уни сирғалувчи циркул ёрдамида ўлчаб кўриш мумкин. Сирғалувчи циркул 26 см узунлиқдаги металл миллиметрли линейкадан иборат бўлади. Унга перпендикуляр қилиб қисқич ўрнатилган. (21 –расм)

Тери ости ёғ қатламини киндик усти баландлигидаги қориннинг ён қисмида, 2–3 см ўнг тарафидан, кўкрак безларидан 2–3 см пастроқда ва кўкрак ости қисмларида ўлчанади. Чап қўл ёрдамида ёғ қатлами чўзилиб сирғалувчи циркулнинг қисқичига секин қистирилади ва қалинлиги аниқланади.



21 –расм. Сирғалувчи циркул.

Суякларнинг рельефига қараб тери ости ёғ қатламининг ривожланиши ва унинг даражалари баҳоланади. Тери ости ёғ қатлами қалинлиги кам бўлганда (1 –даражада) елка ва қовурға суяклари бўртиб туради, тери бурмаси билинади. Ўрта даражада ёғ қатлами (2 –даражада) ривожланганда суяклар рельефи бир оз сезиларли бўлиб, тери ости ёғ қатлами сезиларли даражада ривожланган бўлади.

Тери ости ёғ қатлами ривожланиши юқори бўлганда (семизлик З-даражада) бола думбоқ бўлиб, суюклар релефи сезилмайди.

Ёшли ва жинсига қараб тери ости ёғ қатлами қалинлиги ҳар хил бўлиши ҳисобга олинади.

Жинсий етилиш даражаси – жисмоний ривожланишнинг бир бўлаги бўлиб, иккиласми жинсий белгилар ривожланишига қараб баҳоланади: қов ва қўлтиқ остида юнгларнинг ўсиши; қизларда – сут безларининг ривожланиши ва ҳайз кўриш вақти билан; ўғил болаларда – соқол–мўйлов ўсиши, кекирдак ва овознинг мутацияси – ўзгариши.

Қов соҳасидаги юнгларнинг ўсиши (Pubis – P)

I босқич – қалта, яккам – дуккам – P_1 .

II босқич – сал қалин ва узунроқ бўлиб, кўпроқ – P_2 .

III босқич – қалин, узун, бутун қов учбурчагини эгаллаган – P_3 .

IV босқич – сон ва қориннинг оқ йўлида ҳам ўсиб чиққан – P_4 .

Қўлтиқ ости соҳасидаги юнгнинг ривожланиши (Axillaris – A)

I босқич – яккам – дукам – A_1 .

II босқич – қўлтиқ ости ўртасида, сал қалинроқ – A_2 .

III босқич – қўлтиқ ости қалин ва узун юнг билан қопланган – A_3 .

Соқол ва мўйловнинг ўсиши (Facialis – F)

I босқич – юқори ва лаб устида юнг пайдо бўлиши – F_1 .

II босқич – юзда қаттиқ юнглар ўсиши – F_2 .

III босқич – соқол ва мўйловнинг шакланиши – F_3 .

Овоз мутацияси (ўзгариши) (Yolix – Y)


I босқич – синиқ овоз (дўриллаган) – Y_1 .

II босқич – эркаклар овози – Y_2 .

Кекирдакнинг ривожланиши (Sarings – L)

I босқич – кўринмайди, лекин палпацияда билинади – L_1 .

II босқич – кўринади – L_2 .



22 – рас: Сут безларининг ривожланиш босқичлари.

Сут безларининг ривожланиши (Машсае – Ma)

I босқич – сўргич сўргич олди айланасидан сал кўтарилиган, лекин сут бези билинмайди – Ma₁.

II босқич – сўргич ва унинг айланаси конуссимон, сут бези сезиларли кўтарилиган – Ma₂.

III босқич – сўргич ва унинг айланаси конуссимон, сут бези сезиларли кўтарилиган – Ma₃.

IV босқич – сўргич сўргич олди айланасигача кўтарилиган, кўкрак бези шаклланган.

Сут безларининг ривожланиш даражаси 22 – расмда келтирилган.

Қиз болаларнинг жинсий ривожланишини баҳолашда ҳайз кўриш вақти катта рол ўйнайди (Menarche – Me) ва ҳайз кўрган ёши билан белгиланади. Жинсий ривожланиш ҳар бир белгининг ривожланишига қараб белгиланади (Ar,P₃,Ma₃,Me₁₃).

Бирор белги ривожланмаган бўлса, у нол билан белгиланади (A₁,P₁,V₁,Fo,Lo).

Жинсий ривожланиш умумий баҳоланиши мумкин. Жинсий етилишнинг 4 даражаси фарқланади: I – қов ва қўлтиқ остида яккам – дуккам калта юнглар; қизларда – сўргич сўргич олди айланасидан сал кўтарилиган; II – қов ва қўлтиқ остида юнглар сал қалинроқ, узунроқ ва ўртани эгаллаган; қизларда – сўргич олди айлана кўтарилиб, сўргич билан конуссимон кўринишда; ўғил болаларда – юзларида юнг ўсиши, «овознинг синиши» (дўриллаган); III – қов ва қўлтиқ ости қалин ва узун юнг билан тўла қопланган; қизларда сўргич ва сўргич олди айланаси конуссимон, сут безлари сал кўтарилиган, ҳайз кўриш бошланган; ўғил болаларда – соқол – мўйлов сал ўсан, овози пастлашган; IV – қов ва қўлтиқ ости қалин ва узун юнг билан қопланган, ўғил болаларда сон ва қориннинг оқ йўлида ҳам ўсан, соқол – мўйлов сезиларли ўстан; қизларда – сут безлари шаклланган, ҳайз кўриш доимий белгиланган.

Баъзан белгиларнинг ҳаммаси ҳам ривожланмаган бўлади. Қов ва қўлтиқ остида юнгларни пайдо бўлиши жинсий ривожланишининг бошланишидан дарак берса, юнг ва соқол мўйловнинг қалин ўсиши, ҳайз кўришининг доимийлиги жинсий етилганлиқдан дарак беради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- 1.Жисмоний ривожланиш – бу саломатлик ҳолати кўр – саткичларидан биридир.
- 2.Болаларда ўсиш ва ривожланишининг асосий қонуниятлари.
- 3.Жисмоний ривожланишга таъсир этувчи омиллар.
- 4.Суяқ – мушак тизими, қомат ва кўкрак қафаси турлари.
- 5.Антропометрик текширув ўтказиш қоидалари.
- 6.Соматометрик кўрсаткичлар ва ўлчаш усуслари.

7. Физиометрик күрсаткичлар ва уларни аниқлаш.
8. Жинсий етилиш, иккиламчи жинсий белгиларни аниқлаш усуллари.
9. Жисмоний ривожланишни сигмал оғиш усулида баҳолаш.
10. Жисмоний ривожланишни регрессия шкаласи усулида баҳолаш.
11. Жисмоний ривожланишни биологик ёшни ҳисобга олган ҳолда комплекс баҳолаш.

МАВЗУГА ТЕГИШЛИ БҮЛГАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Жисмоний ривожлангандыкнинг қайси күрсаткичлари соматометрик күрсаткичларга тааллуқтады?
 1. Ўпканинг тириклик сигими (ЎТС), мушак кучи.
 2. Скелет ҳолати, иккиламчи жинсий белгиларниң ривожланиши.
 3. Бўй, оғирлик, кўкрак қафаси айланаси.
 4. Кўкрак қафаси айланаси, ЎТС.
 5. Бўй, оғирлик, скелет ҳолати.
2. Физиометрик күрсаткичларни аниқлаш учун қандай асбоблар зарур?
 - 1.Spirometr, динамометр.
 2. Spirometr, психрометр.
 3. Динамометр, бўй ўлчагич.
 4. Бўй ўлчагич, тиббий тарози.
3. Физиометрик усул ёрдамида қайси күрсаткичлар аниқланади?
 1. ЎТС, мушак кучи.
 2. Бўй, оғирлик, кўкрак қафаси айланмаси.
 3. Тана ҳолати мушак оғирлиги.
 4. Доимий тишлар сони, иккиламчи жинсий белгилар.
 5. Бўй, суяқ – мушак тизими ҳолати.
4. Ўқувчиларниң чуқурлаштирилган тиббий кўрик дастурига қайси кузатишлар киритилади?
 1. Жисмоний ривожланиш, саломатлик ҳолатини баҳолаш.
 2. Болалар саломатлигини баҳолаш.
 3. Болаларниң биологик ривожланишини баҳолаш.
 4. Болаларниң жисмоний ривожланишини баҳолаш.
 5. Жисмоний ривожланишни баҳолаш ва саломатлик гуруҳига тақсимлаш.
5. Тиббий кўрик натижаларига кўра 9 ёшли бола умуртқа поғонасининг бел қисми текисланган, бўйин қисми кенгайган, боши олдинга эгилган. Бу қандай ҳолат?
 1. Букирсимон.
 2. Меъердаги.
 3. Нотўғри.

4. Текисланган.
 5. Эгилган.
- 6. Болалар мормофункционал ҳолатини баҳоловчи күрсаткычлар бу:**
1. Соматометрик, соматоскопик.
 2. Тана узунлиги, йиллик құшымча, жинсий етуклик даражаси.
 3. Тана ва бүй узунлиги, ҮТС.
 4. Бүй, тана вазни, күкрак қафаси айланаси, ҮТС, мушак кучи.
 5. Соматоскопик ва физиометрик.
- 7. Жисмоний ривожланишга қайси омиллар таъсир күрсатади?**
1. Организмнинг биологик ривожланиш даражаси.
 2. Ижтимоий шароит, табиат омиллари.
 3. Сурунқали касалыклар.
 4. Рационал овқатланиш, ижтимоий шароит, саломатлық ҳолати.
- 8. Қайси болалар жисмоний ривожланған болалар дейилади?**
1. Биологик ёш календар ёшга мос келса.
 2. Бүйи, тана вазни, күкрак қафаси айланаси ёш даврийлігіне мос келса.
 3. Тана оғирлігі билан күкрак қафаси айланаси бүйіча мос келса.
 4. Барча жисмоний ривожланиш күрсаткычлари ёшига мос келса.
- 5. Ҳамма соматометрик күрсаткычлари стандартта мос келса.**
- 9. Бола организмининг орган ва тизимлари ташқы мұхитта мос келса, у ҳолда бу бола ҳисобланади:**
1. Функционал.
 2. Мувозанатлашған.
 3. Нормал ривожланған.
 4. Фаолияти нормал.
 5. Соғлом.
- 10. Ревматизм ноактив даврида, миопияның паст босқичи билан оғыған бола саломатлықнинг неchanчи гурухига киради?**
1. 3.
 2. 1.
 3. 2.
 4. 5.
 5. 4.

МАВЗУГА ТЕГИШЛІ ЎРГАТУВЧИ, НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ДАСТУРЛАР

1. Асосий антропометрик текшириш усулларини күрсатынг:

1. Соматометрия.
2. Регрессия жадвали.
3. Индекслар усули.
4. Соматоскопия.
5. Физиометрия.
6. Динамометрия.

2. Асосий соматометрик күрсатқичлар:

1. Тана узунлиги (үтирган ва тик турған ҳолдаги, қўл, билак, оёқ, сон ва б.ш. узунликлар).
2. Қўлнинг мушак кучи ва чидамлилиги.
3. Тана вазни.
4. Кўкрак қафаси айланаси.
5. Ўпканинг тириклик сифими.
6. Иккиласмачи жинсий белгиларнинг даражаси.

3. Асосий соматоскопик күрсатқичлар:

1. Оёқнинг тасвири.
2. Қоматнинг тузилиши ва унинг даражалари.
3. Қомат.
4. Таянч – ҳаракат тизими ҳолати.
5. Жинсий етилиш даражаси.
6. Доимий тишлар сони.
7. Тананинг узунлиги ва вазни.
8. Ўпканинг тириклик сифими.

4. Асосий физиометрик күрсатқичлар:

1. Ўпканинг тириклик сифими (ЎТС).
2. Қўлнинг мушак кучи.
3. Тананинг вазни.
4. Кўзнинг электр қўзгалувчанлиги.

5. Тана узуилигини ўлчайтганда бўй ўлчагичга тегиб турадиган нуқталар:

1. Товон.
2. Тизза товон нуқталари.
3. Бош.
4. Елканинг тепа нуқтаси.
5. Думба соҳаси.
6. Кураклараро соҳа.

6. Бош соҳасидаги асосий антропометрик нуқталар:

1. Чўққи.
2. Ёнбош.
3. Глабелла.

7. Қомат турлари:

1. Меъёрий.
2. Кифотик.
3. Лордотик.
4. Букирсимон.
5. Текислашган.

8. Кўкрак қафасининг турларини кўрсатинг:

1. Цилиндрик.
2. Яссилашган.
3. Коник.
4. «Товуқ» кўкрак.
5. «Этиқдўз» кўкраги.

9. Оёқнинг асосий шаклларини кўрсатинг:

1. Меъёрий.
2. Яссилашган.
3. Яssi.
4. «Х» – шаклида.
5. «О» – шаклида.
6. «Ү» – шаклида.

10. Иккиламчи жисмий белгиларнинг ривожланиш кўрсаткичлари:

1. Кўлтиқ остида тукларнинг ўсиши.
2. Бўйга йиллик қўшимчанинг қўшилиши.
3. Тишларнинг сони ва ривожланиш даражаси.
4. Жисмоний ривожланишининг даражалари.
5. Қовуқ устида тукларнинг ўсиши.
6. Юзда тукларнинг ўсиши.
7. Овознинг дағаллашиши.
8. Саломатлик ҳолатининг кўрсаткичлари.
9. Динамометрик кўрсаткичлар.
10. Кекирдакнинг ўсиши.
11. Сут безларнинг ривожланиши.
12. Ойлик ҳайз кўриш (менструация).

Мавзуга тегишли ўқитишнинг янги инновацион технологик усуллари

«Тиббий антропометрия ўтказиш услублари, жисмоний ривожланиш стандартлари ва баҳоловчи жадвалларни ишлаб чиқиши» мавзуси бўйича «мияга ҳужум» ишбилармон ўйини

Бу усул ёрдамида талабаларнинг дастлабки билим даражаси баҳоланиши мумкин. Гуруҳ талабалари 2–3 кишидан иборат кичик гурӯҳларга (КГ) бўлинади. Мазкур мавзу бўйича берилган муаммоли саволга ҳар бир КГ ўз жавоб вариантини бериши сўралади. Ҳар бир КГ ўз жавоб вариантини бергандан сўнг,

ўқитувчи бошчилигига ва талабалринг фаол иштирокида муҳокама бошланади. КГ гуруҳлар мавзу бўйича берилган муаммоли саволга олинган жавоблар ичидан энг тўғрироғига юқори балл қўйилади, қолган жавобларга мос равища пастроқ баллар қўйилади.

Талабаларга мавзу бўйича қўйидағи муаммоли саволлар берилиши мумкин

1. Антропометрик текшириш ўтказища қандай усуллардан фойдаланилади?
2. Асосий самотометрик текшириш усулларни кўрсатинг.
3. Асосий саоатометрик белгиларни кўрсатинг.
4. Физиометрик белгиларнинг энг асосийларини кўрсатинг.
5. Бошдаги асосий антропометрик нуқталарни аниқланг.
6. Оёқлардаги асосий антропометрик нуқталарни аниқланг.
7. Кўкрак қафаси турларини санаб беринг.
8. Оёқ шаклининг асосий турларини кўрсатинг.
9. Товон тузилиши бўйича қандай турларга бўлинади?
10. Ўғил боланинг биологик ривожланиши қайси кўрсаткичлар бўйича баҳоланади?
11. Қиз боланинг биологик ривожланиши қайси кўрсаткичлар бўйича баҳоланади?

Вариацион қаторларни ишлаб чиқариш

Катта контингентдаги болаларни антропометрик усул билан текширилганда алоҳида қиймат кўрсаткичларидан (бўйи, тана вазни, кўкрак қафаси айланаси, УТС ва ҳ.к.) ўртача стандарт жисмоний кўрсаткичларни олиш учун вариацион қаторлар ишлаб чиқиласди.

Буларга соғлигида кучли ифодаланган силжишлар бўлган: эндокрин касалликлар, суяқ сили, полиомиелит асорати, узоқ муддатли сурункали интоксикация (сил, ревматизм), шунингдек, яқиндагина оғир юқумли касалликларни бошидан ўтказган болалар киритилмайди. Илк ёшдаги болалар текшируви қаторига, ривожланган рапхит, III даражали гипотрофия, чала туғилган ва эгизаклар киритилмайди. Жисмоний ривожланиш стандартларини статистик ҳисботини ишлаб чиқиш учун соғлом бўлган саломатлик ҳолатида ўзгариш бўлмаган болаларнинг маълумотлари олинади.

Вариацион қаторларни ишлаб чиқариш учун олинган материаллар нафақат саломатлиги бўйича балки, жинси, ёши, яшаш жойи, этник (ирқий) келиб чиқиш ва иқтисодий аҳволи бўйича ҳам бир жинсли бўлиши керак.

Жисмоний ривожланишни ўрганища текшириш вақти ва текширилувчининг туғилган куни тўғри солиштириш йўли билан унинг ёши аниқ кўрсатилади.

Текшириш вақти ва текширилувчининг туғилган вақти оралығындағы йилларда, ойларда, кунларда күрсатылған вақти унинг аниқ ёшини күрсатади. Текширилувчининг ёшини ва ёш гурухини аниқ билиш, кейинги гурух текширилувчилари маълумотлари билан ёши бүйічә аниқ оралиқ масофани таъминлашга имкон яратади. (жадвал 7)

Яңги туғилган болалар – алоҳида гурухларга ажратылади ва ҳаёттинг биринчи соатларыда тана вазни ва бўйи ўлчанади.

Бир ёшгача болалар – 1 ойлик оралиқ фарқ билан ёш гурухларига ажратылади:

1 ойлик болаларга 16 кундан то 1 ойлигу 15 кунгача бўлган болалар;

2 ойликка 1 ой 16 кундан то 2 ой 15 кунликлар;

3 ойликка 2 ой 16 кундан то 3 ойлигу 15 кунгача ва ҳоказо болалар киради.

3 ёшдан 7 ёшгача – болалар 6 ойлик фарқ билан гурухланади:

3 ёшликлар гуруҳига – 2 ёш 9 ойдан то 3 ёш 2 ой 29 кунлиkkacha бўлган болалар киради;

3 ёш 6 ойликлар гуруҳига эса 3 ёш 3 ойдан то 3 ёш 8 ой 29 кунгача бўлган болалар киради;

4 ёшлилар гуруҳига 3 ёш 9 ойдан то 4 ёш 2 ой 29 кунлик болалар киритилади ва ҳоказо.

Ўсмирлар гуруҳига 7 ёшдан то 18 ёшгача оралиқ қабул қилинган, бу ёшдаги болалар 1 ёш фарқ билан гурухларга бўлинади, 7 ёшлилар гуруҳига 6 ёш 6 ойлиқдан то 7 ёш 5 ой 29 кунликлар, 8 ёшдагиларга 7 ёш 6 ойдан то 8 ёш 5 ой 29 кунгача бўлганлар ва ҳ.к. Ҳар бир ёш ва жинси гуруҳи учун стандартлар ишлаб чиқишада камида 100 та картадан олинган маълумотлардан фойдаланилади.

Текширилган болаларнинг ёшини ҳисоблаш жадвали

Туғилган ойни	Текширув олиб борилган ой												
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
Январ	1	0	K1	K2	K3	K4	K5	K6	K7	K8	K9	K10	K11
Февраль	2	-1	0	K1	K2	K3	K4	K5	K6	K7	K8	K9	K10
Март	3	-2	-1	0	K1	K2	K3	K4	K5	K6	K7	K8	K9
Апрель	4	-3	-2	-1	0	K1	K2	K3	K4	K5	K6	K7	K8
Май	5	-4	-3	-2	-1	0	K1	K2	K3	K4	K5	K6	K7
Июн	6	-5	-4	-3	-2	-1	0	K1	K2	K3	K4	K5	K6
Июль	7	-6	-5	-4	-3	-2	-1	0	K1	K2	K3	K4	K5
Август	8	-7	-6	-5	-4	-3	-2	-1	0	K1	K2	K3	K4
Сентябрь	9	-8	-7	-6	-5	-4	-3	-2	-1	0	K1	K2	K3
Октябрь	10	-9	-8	-7	-6	-5	-4	-3	-2	-1	0	K1	K2
Ноябрь	11	-10	-9	-8	-7	-6	-5	-4	-3	-2	-1	0	K1
Декабрь	12	-11	-10	-9	-8	-7	-6	-5	-4	-3	-2	-1	0

Хужжатларни ёш ва жинс бўйича ажратиб бўлингандан сўнг, ҳар бирини алоҳида белги бўйича вариацион қатор тузишни киришилади. Вариацион қаторлар жисмоний ривожланишини кенинчегараси ўзгаришлари билан эътиборни қаратади.

Вариацион қаторни тузиш учун аввало энг кичик кўрсаткич (\min) ва энг катта кўрсаткич (\max) топилади, сўнгра кичигидан каттага қараб жойлаштирилиб чиқилади.

Ёш гуруұлар оралиги (турли хил келтирилган вариантлар оралығидаги) – келтирилаёттан кўрсаткичларнинг кетма – кетлик даражасига мувофиқ белгиланади. Жисмоний ривожланиши материалларини ўрганишда амалиётда синфий оралықлардан фойдаланилади: бу бўй учун – 7 ёшгача – 1 см, 7 ёшдан юқорисига – 2 см. қабул қилинган. Тана вазнига синфий оралик – 1 ёшгача бўлган болаларга 300 г, 1 ёшдан 3 ёшгача – 500 г, 3 ёшдан 7 ёшгача – 1 кг, 7 ёшдан катталар учун – 2 кг.ни ташкил қилиши керак. Кўкрак қафаси айланаси учун синфий ډрактиқ – 7 ёшгача бўлган болалар учун – 1 смни, 7 ёшдан катталарга эса – 2 см. бўлиши лозим.

Синфий оралик бўй учун 1 см. бўлганда, 120 см.ли ўртacha варианти ҳамма 119,5 дан то 120,4 см.гача бўлган белгилар олинади, 121 см.нинг ўртacha варианти 120,5 дан то 121,4 см.гача бўлган ҳолатлар киради ва ҳ.к. Синф оралиги 2 см бўлганда синфий чегаралари қўйидагича: 115,5 – 117,4; 117,5 – 119,4; 119,5 – 121,4 см. ва ҳ.к.

Бундай ҳолатда, вариацион қаторни туда туриб, ҳар бир синф узунлиги ўртacha катталиги топилади – «синф ўртачаси» у ҳар бир синфлар йигиндисининг ярмига тенг. Демак, «синф ўртачаси» 115,5 – 117,4 синфи учун 116,5 см га, 117,5 – 119,4 учун 118,5 ва ҳ.к. га тенг. Буларга мос ҳолда қатор қўйидагича тус олади: 116,5; 118,5; 120,5; 122,5; 124,5 см ва ҳ.к.

Табиийки, синф оралиги 1 бўлган (1кг,1см) вариацион қаторни тузиш қўлай. Бу ҳолат 7 ёшдан юқорилар учун қўлланилиши мумкин, $\max - \min$ ва синф оралигини билиб вариацион қатор тузилади. Сўнгра карталарни тартиб билан жойлаштирилиб, ҳар бир ҳолатни вариацион қаторда бўлинади ва частотаси белгиланади (P) ҳолат қайтарилиш сони белгиланади.

Сўнгра вариацион қаторни асосий параметрлари олинади ўртacha арифметик – (M) ўртacha квадратик оғиши – (δ), ўртacha арифметик хатолик – {m(M)} ва вариация коэффициенти – (C_v) ҳисоблаб топилади.

8-жадвал

7 ёшликлар намунасида вариацион қатор параметрлари ҳисоби

Бүйі, см (v)	Ходисалар сони (p)	Шартлы үртачадан силянш (d)	dp	D ² p
110	1	-10	-10	100
111	2	-9	-18	162
112	1	-8	-8	64
113	2	-7	-14	98
114	5	-6	-30	180
115	4	-5	-20	100
116	6	-4	-24	96
117	9	-3	-27	81
118	12	-2	-24	48
119	13	-1	-13	13
120	17	0	0	0
121	16	1	16	16
122	11	2	22	44
123	8	3	24	72
124	7	4	24	114
125	5	5	25	125
126	6	6	36	216
127	3	7	21	147
128	1	8	8	64
129	2	9	18	162
130	1	10	10	100
131	1	11	11	121

$$n=133; \Sigma dp = 31; \Sigma d^2 p = 2121;$$

$$M = M_1 + \frac{\Sigma dp}{N} = 120 + \frac{31}{133} = 120 + 0,23 = 120,23$$

$$\delta = \pm \sqrt{\frac{\Sigma d^2 p}{n} - (\frac{\Sigma dp}{n})^2} = \pm \sqrt{\frac{2121}{133} - 0,23^2} = \pm 3,99$$

$$m(M) = \pm \frac{\delta}{\sqrt{n}} = \pm \frac{399}{\sqrt{133}} = \pm 0,35$$

$$Cv = \frac{\delta 100}{M} = \frac{3,99 \times 100}{120,23} = 31,5\%$$

Жадвал 9

**Тошкент шаҳри мактаб ўқувчиларнинг жисмоний
ривожланиш кўрсаткичлари**

Белгиси	Ёши	Ўғил болалар		Қиз болалар	
		М	δ	М	δ
Бўйи, см	7	121,09	4,16	119,9	4,72
	8	125,63	4,97	124,59	5,17
	9	131,83	5,03	129,96	4,33
	10	135,89	5,22	136,5	4,57
	11	141,29	5,69	142,32	6,01
	12	146,11	5,73	148,0	7,03
	13	150,84	6,15	153,2	6,73
	14	158,7	6,93	157,94	5,45
	15	166,12	6,17	158,79	5,98
	16	169,21	6,09	159,54	5,02
	17	170,9	4,52	161,89	4,53
	7	23,07	2,95	22,02	2,57
	8	24,56	3,02	23,53	3,28
	9	28,45	4,73	26,83	3,83
	10	30,88	4,2	30,02	3,97
	11	34,02	4,43	34,41	5,42
Тана вазни, кг	12	36,79	4,47	37,52	6,61
	13	39,43	4,42	42,11	7,01
	14	45,12	5,64	47,23	6,06
	15	53,0	5,54	48,26	5,47
	16	56,2	6,6	51,14	4,6
	17	58,41	4,7	52,53	4,78
	7	59,06	3,07	57,03	2,75
	8	60,29	3,14	58,57	3,13
	9	62,24	3,67	60,58	4,05
	10	64,33	5,53	62,37	4,02
	11	66,35	4,04	65,73	5,27
	12	68,81	4,23	68,52	5,42
	13	70,8	4,09	72,35	5,32
	14	73,9	4,32	75,97	4,72
	15	78,36	4,35	77,21	4,61
	16	82,29	5,33	79,49	3,15
	17	84,38	4,54	80,24	3,22

Ўртача арифметик ва ўртача квадратик оғиш кўрсаткичлари ҳисоблаш материалларини момент усули ёрдамида топиш маҳсадга мувофиқдир. Шу усул ёрдамида статистик маълумотлар осон равишда ҳисоблаб топилади. Шу усулда ишлаб чиқарилган

параметрлар асосида ҳар бир күрсаткичга нисбатан жисмоний ривожланиш стандартлари тузилади.

Жисмоний ривожланишнинг асосий күрсаткичлари орасида бир – бирига бўлган қўйидагича боғлиқлик мавжуддир, яъни баланд бўйли болалар тана вазни ва кўкрак қафасининг айланаси ҳам катта бўлади, айрим ҳолларда аксинча. Статистик ишлаш туфайли жисмоний ривожланиш кўрсаткичларини коррелятив боғланишлар усули ёрдамида аниқланади. Бу мақсаддат тана вазнининг бўй узунлиги ва кўкрак айланасининг бўй узунлиги билан корреляцион боғланиш тузилади.

Корреляцион панжара ёрдамида миқдорда кўрсатилган параметрлар учун \min , \max , M , m , корреляция коэффициенти, регрессия коэффициенти, сигмал оғиш топилади. Бу параметрлар ёрдамида регрессия шкаласи кўринишидаги баҳоловчи жадвал тузилади.(2 иловага қаралсин)

Регрессия шкаласининг 1 графасида сигмал оғиш чегаралари кўрсатилган. 2 графада 1 см.ли оралиқ билан бўй узунлиги варианtlари \max дан то \min гача кўрсатилган.

Бўй узунлиги варианtlари 5 та гуруҳларга (ўрта, ўртадан баланд, баланд, ўртадан паст, паст) ўртача арифметик (\bar{y}) дан оғиш даражасига боғлиқ ҳолда бўлинган.

Ўртача қилиб ($M+1\delta$), ўртадан баланд ($M+1,1\delta$)дан ($M+2\delta$) гача, баланд ($M+2,1\delta$) дан юқори, ўртадан паст $M-1,1\delta$ дан $M-2\delta$ гача ва паст қилиб $M-2,1\delta$ оралиғидаги катталиклар олинган.

З графада ўртача арифметик тана узунлиги қарпосида ўртача арифметик тана вазни берилган. Тана вазни варианtlари ўртадан юқорига қараб регрессия коэффициентига мос равища узоқлашади, пастга ҳам шу катталикка мос ҳолда қўшилади.

4 графада ҳам худди шу тартибда кўкрак қафасининг айланаси варианtlари берилган. Баҳоловчи жадвалдан бўй узунлиги ўзгарганда, тана вазни ва кўкрак қафаси айланаси қандай ўзгаришларини кўриш мумкин.

Жамоа ва индивидумни жисмоний ривожланганлигини баҳолаш

Жисмоний ривожланиш биологик қонуниятларга бўйсунганд ҳолда, жамиятнинг иқтисодий ҳолатига ҳам боғлиқдир. Шунинг учун ҳам тибиёт фани назарияси ва амалиётида жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари аҳолининг санитар ҳолатини баҳоловчи кўрсаткичлардан бири сифатида қўлланилиб, болалар ва ўсмирлар муассасаларида, болалар поликлиникаларида, ўсмирлар кабинетларида ташкиллаштирилиб, даврий равища ўтказиладиган чуқурлаштирилган тиббий кўрикларда жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари мунтазам аниқланади ва баҳоланади.

Жисмоний ривожланишни индивидуал баҳолаща – яқин вақтгача сигмал оғиш усули қўлланилган. Бунда жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари ўртача арифметик кўрсаткичларни

ёш-жинс бўйича график ифодаланган турига асосланган. Бу усулни қўллаш шундан иборатки, индивидни жисмоний кўрсаткичлари (бўйи, оғирлиги, кўкрак қафаси айланаси) стандартлар жадвалидан олинган юқоридаги кўрсаткичларни ёш жинсига мос келувчи гурӯҳни ўртacha арифметик кўрсаткичлари билан таққосланади.

Текшириувчи маълумотлари табиийки, у ёки бу даражада ўртacha кўрсаткичдан юқори тарафга ёки пастки тарафга фарқ қилади. Уларни қанчалик фарқ килиши ҳақида фикр юритиш учун тегишли ишорали (+ёки –) кўрсаткични ўртacha квадратик оғишга бўлинади (δ) бунда сигмал оғиш топилади. Шундай усул билан тегишли индивидни кўрсаткичи амалда ўртacha арифметикдан қанча сигмага шу ёшлар гурӯхи бўйича фарқ килиши аниқланади. Ўз навбатида тана узунлиги, оғирлиги, кўкрак айланалари учун ҳам сигмал оғишлар топилади. Сигмал оғишларни катталикларига қараб, жисмоний ривожланганлик даражасига баҳо берилади. Жисмоний ривожланганликни ўртacha, ўртадан юқори, юқори, ўртадан паст ва паст турлари ажратилади. Бу усулни камчилиги ҳар бир жисмоний ривожланганлик кўрсаткичлари алоҳида – алоҳида, бир – биридан ажралган ҳолда баҳоланишидир.

Ҳозирги пайтда жисмоний ривожланганликни баҳоловчи жадвал ёрдамида \rightarrow регрессия шкаласи билан аниқлаш усули кенг қўлланилмоқда. Бу усул жисмоний ривожланганликни асосий кўрсаткичларининг йиғиндисини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш имкониятини беради, лекин бу усулни якка ҳолда ишлатиш ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди, чунки болани жисмоний ривожланиш ҳолати ҳақида тўлиқ маълумот бермайди. Усул фақат морфологик статус маълумотларини бериб, биологик ривожланиш даражасини очиб бера олмайди. Шу билан бирга маълумки, индивидуал ривожланиш даражаси – темпи ихтиёрий ёш гурӯҳларда бир хил эмас, яъни ўз тентқўрларидан илгариловчи ёки ортда қолувчилар мавжуд. Бундай болалар айтарли кўп эмас, лекин бу нарсани зътибордан четда қолдирмаслик зарур. Юқоридагиларни зътиборга олган ҳолда, жисмоний ривожланганликни комплекс баҳолаш схемаси таклиф этилган. Бунда биологик ривожланиш даражаси ва организмни морффункционал ҳолати ҳисобга олинади.

Бу усулда жисмоний ривожланишни баҳолаш иккита босқичда олиб борилади.

Биринчи босқич – биологик ривожланганлик даражаси тана узунлиги, тана узунлигини йиллар бўйича ортиши ва унинг йиллик қўшимчаси, доимий тишлар сони, иккиласми жинсий белгиларни шаклланиши, қизларда менструацияни бошланган вақтлари бўйича аниқланади. Бу кўрсаткичлар ўзаро боғланган бўлиб бир – бирини тўлдириб боради. Улар чуқурлаштирилган тиббий кўрик режасига

киритилган бўлиши керак. Йиллар бўйича бўй узунлиги ўсиши ўттан йилга солиштириб аниқланади. 10 – жадвалда ёшлар бўйича ўғил ва қизларни ўртача биологик ривожланганлик кўрсаткичлари келтирилган. Келтирилган жадвал ихтиёрий менархе ёшига тўғирлаб киритиб қўлланилиши мумкин. Мисол учун жойдаги материалларда менархенинг ўртача ёши 13 эмас 14 бўлса, унда жадвал ҳамма кўрсаткичларни 1 йилга суриб ишлатилади, бу болалар ва қизлар учун ҳам тааллуқли бўлади. Ушбу жадвалдан фойдаланиб болани жисмоний ривожланишига ўртача кўрсаткичдан календар бўйича мослиги илгарилаб кетган, ёки ортда қолганлиги аниқланади.

Жадвал 10

Мактаб ўқувчиларининг биологик ривожланиш кўрсаткичлари даражаси

Ёши	Бўй баландлиги ($M \pm \delta$)	Бўйига йиллик кўшимча, см	Доимий тишлар сони ($M \pm \delta$)	Иккиласмчи жисмоний белгилар ривожланиш даражаси
ЎГИЛ болалар				
7	$M_7 \pm \delta$	4-6	7±3	
8	$M_8 \pm \delta$	4-6	12±2	
9	$M_9 \pm \delta$	4-6	14±2	
10	$M_{10} \pm \delta$	4-6	18±3	
11	$M_{11} \pm \delta$	4-6	20±4	Ax_0P_0
12	$M_{12} \pm \delta$	4-6	24±3	$Ax_0P_{0,1}V_1$
13	$M_{13} \pm \delta$	7-10	27±1	$Ax_0V_1L_{0,1}$
14	$M_{14} \pm \delta$	7-10	28	$Ax_1P_1V_{1,2}L_{0,1}$
15	$M_{15} \pm \delta$	4-7	28	$Ax_2P_3V_2F_1L_{1,2}$
16	$M_{16} \pm \delta$	3-4	28	$Ax_3P_{3,4}V_2F_{1,2}L_2$
17	-	1-2	28	$Ax_3P_4V_2F_{2,3}L_2$
Қиз болалар				
7	$M_7 \pm \delta$	4-5	9±3	
8	$M_8 \pm \delta$	4-5	12±3	
9	$M_9 \pm \delta$	4-5	15±3	
10	$M_{10} \pm \delta$	4-5	19±3	$Ax_0P_0Ma_0$
11	$M_{11} \pm \delta$	6-8	21±3	$Ax_0P_{0,1}Ma_1$
12	$M_{12} \pm \delta$	6-8	25±2	$Ax_{1,2}P_{1,2}Ma_2$
13	$M_{13} \pm \delta$	4-6	28	$Ax_2P_{2,3}Ma_{2,3}Me^*$
14	$M_{14} \pm \delta$	2-4	28	$Ax_{2,3}P_3Ma_3 Me^{**}$
15	$M_{15} \pm \delta$	1-2	28	$Ax_3P_3Ma_3 Me^{**}$
16	-	1-2	28	$Ax_3P_{3,4}Ma_{3,4}Me^{**}$
17	-	0-1	28	$Ax_3P_4Ma_4 Me^{**}$

Me*-menarche, Me**-menses

Кўрсаткичлар 2 ёки ундан кўпга фарқ қилса, боланинг жисмоний ривожланиши илгарилаб кеттани ёки ортда қолгани ҳақида хулоса қилса бўлади. Кичик мактаб ёшида биологик ривожланганликни асосий кўрсаткичи бу бўй узунлиги ва доимий тишлар сони ҳисобланади. Ўртача ва катта ёшларда эса йиллик

үсиши ва иккиламчи жинсий белгилар асосий күрсаткичлари бўлиб ҳисобланади.

Иккинчи босқич – организмнинг морбофункционал ҳолатига баҳо берилади. Бу мақсадда авваллари келтирилган усуллар: регрессия шкаласи (бўй узунилиги бўйича) ва жисмоний күрсаткичларни ёш бўйича стандартларидан фойдаланилади. Морбофункционал ҳолат асосий күрсаткичлари абсолют мос келишига қараб эмас балки, уларни мослаштириб баҳоланади. Бунда тана оғирлити, кўкрак қафаси айланаси, тана узунилиги эътиборга олинади. (11 – жадвал) Бу мақсадда регрессия шкаласидан текшириувчи бўйи топилади ва шу бўйига мос келувчи оғирлик топилади, сўнгра текшириувчи оғирлиги амалда бўлиши керак бўлган оғирлик билан солиштирилиб уларнинг фарқи ҳам топилади. Олинган фарқ сигмал оғишга бўлинади. Худди шундай қилиб кўкрак қафасини айланаси фарқи ҳам топилади. Олинган фарқ сигмал оғирлиги ва кўкрак қафаси айланаси сигмал оғишларга қараб морбофункционал статусини уйғунилигига баҳо берилади. Бунда танада ёғ тўпланиши ҳисобига тана вазни ва кўкрак қафаси айланаси ортишидаги салбий ҳолат ҳам аниқланади.

Функционал күрсаткич бўлган ЎТС ва қўл мушак кучи ёшга боғлиқ меъёр билан тақдосланади.

Морбофункционал ҳолат уйғун (гармоник), дисгармоник ва кескин дисгармоник деб белгиланади.

Уйғун (гармоник) деб – кўкрак қафаси айланаси ва тана оғирлиги, тана узунилигига мос келиши ёки меъёрдаги 1 сигма атрофида бўлишига айтилади. Бундан фақат спортчилар мустасно бўлиб, тана оғирлиги меъёрдагидан ошганда, яъни мушаклар ҳисобига бўлиши мумкин. Функционал күрсаткичлар одатда ёш меъёрига тўгри келади ёки ундан ошади.

Дисгармоник деб – кўкрак айланаси ва тана вазни меъёрдаги морбофункционал ҳолатдан $1,1 - 2\delta$ га ёғ тўпланиши ҳисобига ошиши ёки шу ҳисобда камайишига айтилади.

Ўта дисгармоник деб – кўкрак қафаси айланаси ва тана вазни меъёрдаги морбофункционал ҳолатдан $2,1\delta$ га ёғ тўпланиши ҳисобига ошиши ёки шу ҳисобда камайишига айтилади. Жисмоний ривожланишни ёшга боғлиқ ҳолда ва уйғуникка боғлиқ ҳолда баҳолаш 10 – жадвалда келтирилган.

Жисмоний ривожланишни баҳолаш намунаси: Ўрил бола 8 ёш, бўйи 129 см, оғирлиги 29,5 кг, кўкрак айланаси 63,5 см, доимий тишлар сони 12. Охирги йили бўйи 5 см га ўсган бўлади.

10 – жадвалда боланинг бўйи жадвалда келтирилган бўйига, йиллик ўсиш бўйича ва доимий тишлари бўйича паспорт ёшига (жадвалга) мос келади.

**Регионал баҳолаш жадваллари бўйича жисмоний
ривожланишнинг баҳолаш чизмаси**

Биологик ривожланиш даражаси		Морфофункционал ҳолат	
Тана узуилиги ва унга йиллик қўшимча, доимий тишлар сони, жинсий етуклик даражаси		Тана вазни, кўкрак қафаси айланаси	Ўпканинг тириклик сигими, қўлнинг мушак кучи
Ёшига мос келади	Гармоник		
	M±δ ва уидан кўп мушакларнинг ривожланиши ҳисобига	M±δ дан юқори	
Ёшидан ўзиб кетган	Дистармоник		
	M-1,1δ дан, M- 2,0δ гача, M+1,1δ дан, M+2,0δ гача ортиқча ёғ тўпланиш ҳисобига	M-1,1δ дан, M- 2,0δ гача	
Ёшига нисбатан орқада олган	Кескин дистармоник		
	M-2,1δ дан паст, M+2,1δ дан юқори ортиқча ёғ тўпланиш ҳисобига	M-2,1δ дан паст	

Регрессия шкаласидан фойдаланиб, жисмоний ривожланишнинг ўйғуллигига баҳо берамиз (2-илова). 8 яшар боланинг бўй баландлиги 129 см, тана оғирлиги – 28,5 кг, кўкрак қафаси айланасининг узуилиги 62,9 см. Бу кўрсаткичларни жадвал билан солиштириб, фарқини топамиз. Тана оғирлигидаги фарқ $29,5 - 28,5 = +1,0$ кг.

Бу фарқни хусусий сигмага бўламиз (δ). Кўкрак қафаси айланаси фарқи $63,5 - 62,9 = +0,6$ см. Бу фарқни кўкрак қафаси айланаси хусусий сигмасига бўламиз. Тана оғирлиги ва кўкрак қафаси айланаси $M \pm \delta$ атрофида. Шундай қилиб, боланинг жисмоний ривожланганлиги ёшига мос келади.

Қиз бола 13 ёш, бўйи 144 см, оғирлиги 30 кг, кўкрак қафаси айланаси 64,0 см, бир йилда 5 см ўсган. Ax₀,P₁,Ma₁Menses ўй; доимий тишлар сони – 24; UTC – 2100мл.; ўнг қўлининг мушак кучи 20 кг., чап қўлиники – 18 кг.

10 – жадвал бўйича бўйи ва унга йиллик қўшимча, иккиласи жинсий белгиларнинг ривожланиш даражаси ва доимий тишлар сони, шунингдек, биологик ривожланиш даражаси бўйича текширилаётган қиз паспорт ёшидан икки ёш фарқ қиласди (11 ёшликка тўғри келади).

Регрессия шкаласи бўйича (иккинчи иловага қаралсин) морффункционал ҳолатини баҳолаймиз. 13 ёшли қиз 144 см бўй билан 36,9 кг, кўкрак айланаси 69,8 см бўлиши керак. Қиз боланинг жисмоний кўрсаткичларини солишириб, фарқни топамиз. Оғирлиги фарқи $30,0 - 36,9 = -6,9$ кг. Буни хусусий сигмага бўламиз $-6,9 / 6,38 = -1,18$. Кўкрак қафаси айланаси $64 - 69,8 = -5,8$. Фарқни кўкрак қафаси айланаси хусусий сигмасига бўламиз $-5,8 / 4,73 = -1,28$. Тана вазни ва кўкрак қафаси айланаси $M = 1,18$ дан то $M = 28$ оралиғида ётибди. Шундай қилиб, тана вазни ва кўкрак қафас айланаси етишмовчилиги ҳисобига текширилаёттан қизнинг дисгармоник жисмоний ривожланиши кузатилади. Функционал кўрсаткичларни стандартлар билан солишириб, шуни аниқлаймизки, UTC ва қўл кучи ёш меъеридан кам. Шундай қилиб, унинг жисмоний ривожланиши ёшидан ортда қолмоқда, яъни дисгармоник ривожланиш деб баҳоланади.

Жамоа жисмоний ривожланганлигини баҳолаш: ёш бўйича ўлчанган ўртача арифметик кўрсаткичлари уларни ўртача квадратик оғиши, йиллик ўсишни турли ёш даврларида ўзгариши, жинсий ўзгаришларни жисмоний ривожланиш динамикасида ўзгаришини таҳлил қилиш йўли билан баҳоланади. Бироқ жамоа жисмоний ривожланганлигини бундай тавсифлаш ҳозирги пайтда қай даражада жисмоний ривожланганлигини ўзгарганлигини ёки бўлмасам икки жамоани бир – бири билан тақослаб ўтказишни шароит тақоза қилиб қолади.

Динамикада жисмоний ривожланганликни турли жамоаларда тақослаб ўтказиш ёки шу жамоа ичида иш олиб борища ҳисоблаб тошилган ўртача арифметик кўрсаткичлардан фойдаланиб баҳоланади. У ёки бу ҳолатда ҳам тақослаб баҳолаш пайтида жисмоний ривожланганлик кўрсаткичлари бир хил ёш ва жинсга эга бўлишлари шарт. Тошкент шаҳри мактаб ўқувчиларининг жисмоний ривожланганликлари силжишларини 1990 – 2000 – йил учун ҳисоблаб топилган ўртача арифметик кўрсаткичларини (бўй, оғирлик ва ҳоказо) 8 ёшли болаларда солиширилган шу билан бирга 1990 – 2000 – йилларда 9 ёшли болалар жисмоний ривожланганликлари билан солиширилган. Аммо фақатгина бу

катталикларни солишириб, улар орасидаги фарқларга узил-кесил хуоса чиқарип бўлмайди.

Ўртача катталикларнинг ишончлилик чегараси t мезони ҳисоблаб топилади:

$$t = M_1 - M_2 / \sqrt{m_1^2 - m_2^2}$$

бунда M_1, M_2 – ўртача арифметик оғирлик m_1, m_2 – ўртача арифметик хато t мезони қўйидагича баҳоланади: бордию $t > 3$ ва 3 га тенг бўлса унда ўртача катталиклар чегараси ҳақиқий, агар $t < 3$ бўлса фарқ – ҳақиқий эмас.

Мисол: А шаҳрида мактаб ёшидаги болаларнинг жисмоний ривожланганлик динамикаси ўрганилмоқда. (12 – жадвал)

Жадвал 12

12 ёшли қизнинг жисмоний ривожланганлик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	$M \pm m$	
	1995	2000
Бўй узунлиги	$145,2 \pm 0,52$	$146,1 \pm 0,64$
Тана вазни	$35,3 \pm 0,46$	$37,4 \pm 0,47$
Кўкрак айланаси	$69,0 \pm 0,45$	$69,6 \pm 0,51$

1995 – 2000 йиллар кўрсаткичлари солиширилганда уларни орттани топилди. Буларнинг ҳақиқийлигини аниқлаймиз:

$$t_{бўйи} = \frac{146,1 - 145,2}{\sqrt{0,64^2 + 0,52^2}} = 1,01$$

$$t_{вазни} = \frac{37,4 - 35,3}{\sqrt{0,47^2 + 0,46^2}} = 3,18$$

$$t_{к+к} = \frac{69,6 - 69,0}{\sqrt{0,51^2 + 0,45^2}} = 0,88$$

Шундай қилиб, $t_{вазни} > 3$. Бу ўз навбатида кўрсатилган йил оралиғида 12 ёш қизларда тана вазни ҳақиқий ортиши кузатилган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Жисмоний ривожланиш стандартларини олиш учун санитария шифокори қандай чора – тадбирлар ўтказади?
2. Регионар стандартлардан фойдаланиш шартларини тушунтириб беринг.

3. Жисмоний ривожланиш стандартларини ишлаб чиқиши учун ёш гурухлардаги болаларнинг сони қанча бўлиши лозим?
4. Стандартлар ишлаб чиқаришда саломатлигида қандай ўзгариш бўлган болаларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичларидан фойдаланимайди ва нима учун?
5. 1 ёшгача, 1 ёшдан – 3 ёшгача, 3 ёшдан – 7 ёшгача ва 7 ёшдан катта болалар жисмоний ривожланганлик стандартлари ишлаб чиқилаётганда, ёш гурухлари қандай аниқланади?
6. Жисмоний ривожланиш стандартларини ишлаб чиқишида қандай маълумотлардан фойдаланилади?
7. Жисмоний ривожланиш стандартларини ишлаб чиқариш тартиб – қоидаларини тушунтириб беринг.
8. Жисмоний ривожланиш стандартларини ишлаб чиқаришда ёшга боғлиқ равишда тана узунлиги ва вазни, кўкрак қафас айланасининг вариацион қаторнинг синфий оралиқларни айтиб беринг.
9. Регрессия шкаласини тузиш мезонларини тушунтириб беринг.

МАВЗУГА ТЕГИШЛИ ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Болалар ва ўсмиirlар ёшига қараб даврларга ажратиш нимага асосланади?
 1. Анатомо – физиологик хусусиятларига.
 2. Болалар ва ўсмиirlарнинг календар ёшига.
 3. Касалликларнинг ёшга боғлиқ хусусиятларига.
 4. Болалар ва ўсмиirlарнинг биологик ёшига.
 5. Ҳамма айтилганлар.
2. Янги туғилган чақалоқлик даврини кўрсатинг:
 - 1 – 7 кун.
 - 1 – 30 кун.
 - 1 – 3 ой.
 - 1 – 6 ой.
 - 1 – 10 кун.
3. Биринчи болалик даврига мос ёшини кўрсатинг:
 - 1 – 3 ёш.
 - 3 – 5 ёш.
 - 1 – 2 ёш.
 - 2 – 7 ёш.
 - 3 – 7 ёш.
4. Кўкрак ёшига мос келувчи давр:
 - 7 кун – 1 ёш.
 - 1 кун – 1 ёш.
 - 1 кун – 2 ёш.
 - 10 кун – 1 ёш.
 - 1 кун – бой.

5. Баҳоловчи жадвал бўйича жисмоний ривожланишни баҳолаш усулини кўрсатинг:

1. Вариацион – статистик.
2. Жисмоний ривожланганликнинг стандартларидан фойдаланиш.
3. Жисмоний ривожланганликни соматометрик кўрсаткичлар бўйича баҳолаш.
4. Жисмоний ривожланишни физиометрик кўрсаткичлар бўйича баҳолаш.
5. Регрессия шкаласи бўйича баҳолаш.

6. Нима учун регрессия шкаласи бўйича баҳолаш энг яхши усул ҳисобланади?

1. Бўйига нисбатан тана оғирлиги ва кўкрак қафаси айланаси ҳисобга олинади.
2. Тана оғирлигига нисбатан бўйи ва кўкрак қафаси айланаси ҳисобга олинади.
3. Жисмоний ривожланишнинг барча кўрсаткичлари ҳисобга олинади.
4. Энг оддий усул.
5. Объектив усул, барча стандартлар ҳисобга олинади.

7. Агар боланинг оғирлиги 1,3 сигма, кўкрак қафаси айланаси +1,2 сигма бўлса, ўртacha бўй кўрсаткичига нисбатан жисмоний ривожланиш қандай баҳоланади?

1. Ўта дисгармоник.
2. Гармоник.
3. Ўртача бўй бўйича гармоник.
4. Ўртача бўй бўйича дисгармоник.
5. Дисгармоник.

8. Гармоник равишдаги жисмоний ривожланиш деб нимага айтилади:

1. Тана оғирлиги билан кўкрак қафаси айланаси тана вазнига нисбатан +0,5 сигма атрофида.
2. Тана оғирлиги билан кўкрак қафаси айланаси тана вазнига тўла мос келганда.
3. Таңа оғирлиги билан кўкрак қафаси айланаси тана вазнига нисбатан +1,5 сигма атрофида.
4. Тана оғирлиги билан кўкрак қафаси айланаси тана вазнига нисбатан +2,0 сигмадан юқори бўлганда.
5. Тана оғирлиги билан кўкрак қафаси айланаси тана вазнига нисбатан +1,0 сигма атрофида.

9. Болалар ва ўсмирлар жисмоний ривожланишининг индивидуал баҳолаш усулини кўрсатинг:

1. Диспансер, статистик, антропометрик.
2. Регрессия шкаласи, диспансер, статистик.

3. Сигмал оғиш, регрессия шкаласи, комплекс.
4. Статистик, анкетали, комплекс.
5. Антропометрик, сигмал оғиш, комплекс.

10. Фақат соматометрик күрсаткичлар қайси усулларда баҳоланади?

1. Антропометрик.
2. Сигмал оғиш, регрессия шкаласи.
3. Сигмал оғиш, комплекс.
4. Регрессия шкаласи, комплекс.
5. Антропометрик, комплекс.

МАВЗУТА ТЕГИШИЛИ ЎРГАТУВЧИ, НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ДАСТУРЛАР

1. МБМда болалар касалланишининг юқори даражада бўлишининг сабаблари:

1. Санитар гигиеник шароитларнинг бузилиши.
2. Эпидемияга қарши тартибнинг бузилиши.
3. Кун тартибини ташкиллаштиришдаги камчиликлар.
4. Болани МБМ га чиқишга тайёрлашдаги хатоликлар.
5. Участка педиатри ва МБМ шифокори иши орасидаги номувофиқлик.
6. Саломатликнинг II гурӯҳига кирувчи болалар орасидаги соғломлаштирувчи чора – тадбирларнинг етарли даражада ўтказмаслик.

2. Болалар саломатлиги ҳақидаги маълумотлар қайси ҳужжатлар асосида ўрганилади (МБМ да)?

1. Боланинг ривожланиш тарихи 112 ҳ.ш.
2. Боланинг тиббий картаси 026 ҳ.ш.
3. Юқумли касалликларни рўйхатта олиш журнали 060 ҳ.ш.
4. Юқумли касалликларни қайд қилиш журнали.
5. Соматик касалликларни қайд қилиш журнали.
6. Обсервацион журнал.
7. Проф. эмлаш журнали 063 ҳ.ш.
8. Қизамиқ ва гепатит профилактика журнали 111 ҳ.ш.
9. Гуруҳ кундалиги 127 ҳ.ш.
10. Шошилинч хабарнома 058 ҳ.ш.

3. Ўсиб келаётган бола организмига ижобий таъсир кўрсатувчи ташқи муҳитининг асосий (6) омиллари:

1. Оптимал ҳаракат тартиби.
2. Чиниқтириш.
3. Мутаносиб овқатланиш.
4. Оқилона тузилган кун тартиби.

5. Атроф – муҳит омилларининг гигиеник меъёрларга мос келиши.
6. Гигиеник кўникумалар ва соғлом турмуш тарзининг мавжудлиги.
4. Бола организмига салбий таъсир кўрсатувчи ташқи муҳит омиллари (хавф туғдирувчи омиллар):
 1. Ҳаракат фаоллигининг камлиги ёки кўплиги.
 2. Ўқув – тарбиявий жараён ва кун тартибидаги бузилишлар.
 3. Тарбия, ўқув ва меҳнат фаолиятининг гигиеник талабларга мос келмаслиги.
 4. Овқатланишни ташкиллаштиришдаги камчиликлар.
 5. Гигиеник кўникумаларнинг йўқлиги, зарарли одатларнинг мавжудлиги.
 6. Оила ва жамоада салбий психологик муҳит.
5. Тиббий кузатишлар маълумотлари асосида ҳисобланадиган асосий кўрсаткичлар:
 1. Тиббий кузатувларга жалб этиш тўлалик даражаси.
 2. Саломатлик гуруҳи бўйича тақсимланиш.
 3. Жисмоний ривожланганлик шартли гуруҳига кирувчи шахсларнинг тақсимланиши.
 4. Касал шахслар контингенти (III – V саломатлик гуруҳи).
 5. Айрим касалликларни тарқалишини аниқлаш.
 6. Дастрлабки аниқланган касалликлар даражаси.
 7. Сурункали касалликлар тартиби.
6. БЖССТ маълумотларига асосан саломатлик – бу нафақат касалликларнинг ва жисмоний нутқонларнинг йўқлиги эмас, балки:
 1. Организмнинг тўлиқ, жисмоний ривожланганлиги.
 2. Маънавий.
 3. Социал фаровонликдир.
7. Сурункали тонзилит қўйидаги касалликларнинг ривожланишига сабаб бўлади:
 1. Ревматизм.
 2. Нефрит.
 3. Полиартрит.
 4. Юрек касалликлари.
8. Чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ўтказиладиган муассасалар:
 1. Болалар поликлиникалари.
 2. Ўсмирлар кабинетлари.
 3. Кўчма равишда барча ташкиллаштирилган болалар ва ўсмирлар муассасаларида (ясли, боғча, мактаб, коллеж, лицей ва ҳ.к.).

9. Болалар ва ўсмирлар саломатлик ұлттық салбай силжышлар құйидаги күрсаткычларда нағоюи бўлади:
 1. Ўткир касалликлар даражаси ортади.
 2. Сурункали касалликлар даражаси ортади.
 3. Патологик жароҳатланиш даражаси ортади.
 4. Саломатлик индекси пасаяди.

10. Сколиоз турлари:

1. Кўкрак.
2. Умумий чап тарафли.
3. Умумий ўнг тарафли.
4. S образ (шакли.)

**Мавзуга тегиши үқитишнинг янги инновацион технологик
усуллари**

**«Жисмоний ривожланишин баҳолаш» мавзуси бўйича
«доира стол» ишбилиармон ўйини**

Бу усул ёрдамида талабаларнинг дастлабки билим даражаси баҳоланади ва мустаҳкамланади.

Гуруҳ талабалари 2–3 кишидан иборат кичик гуруҳларга (КГ) бўлинади. Ҳар бир КГ га савол ёзилган варақалар тарқатилади 1–2 дақиқа давомида ҳар бир КГ саволга жавоб ёзади, сўнг жавоб ёзилган савол кейинги КГ га узатилиб, улардан бошқа савол олинади. Агар б та КГ ташкил этилган бўлса, 12 дақиқа давомида жавоблар ёзилади, 12 дақиқадан сўнг үқитувчи жавоб ёзилган қофозларни йигиб олади, ҳар бир КГ тартиб бўйича раҳамланади ва жавоб варианти тўғрисида тартиб раҳами қўйилиши сўралади. Ҳар бир қофозда битта саволга берилган б та жавоб варианти келтирилган бўлади. Үқитувчи ҳар бир жавобга олинган б жавоб вариантини ўқиб беради. Олинган энг тўғри жавобга юқори балл қўйилади ва қолган жавобларга мос равишда пастроқ баллар қўйилади.

**Талабаларга мавзу бўйича құйидаги муаммоли саволлар
берилishi мумкин**

1. Антропометрик текширув усуллари ва уларнинг қўлланишини тушунтириб беринг.
2. Соматометрик текшириш усулларига таъриф беринг.
3. Физиометрик текшириш усуллари ва физиометрик белгиларга таъриф беринг.
4. Соматоскопик текшириш усуллари ва самотоскопик белгиларга таъриф беринг.
5. Жисмоний ривожланиш қандай усуллар ёрдамида баҳоланади?
6. Жисмоний ривожланиш стандартлари қандай ишлаб чиқилади?

**АМАЛИЙ КҮНИКМА
БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШЛАРИНИ
ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ**

Мазкур күникма санитар – шифокор учун мактаб шифокорларининг болаларнинг саломатлик ҳолатларини баҳолашдаги иш сифатини назорат қилиш, ҳамда болалар ва ўсмирлар гигиенаси соҳасида илмий ишларни бажаришда зарур ҳисобланади.

Керакли жиҳозлар: Антропометр (бўй ўлчагич), сантиметри тасма, тиббий тарози, қўл динамометри, спирометр, регрессия шкаласи (ЎзР, 1998).

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ

1. Текшириувчи болаларнинг анкета маълумотларини тўплаш, ёши, жинси, туар жойи, миллати.
2. Антропометрик текширишларни ўтказиш:
 - бўй, вазни, кўкрак қафасининг айланаси;
 - муҳим кўрсаткичлар бўйича мушак кучи, ўпканинг тириклик сифими, жинсий ривожланиши даражаси.
3. Регрессия шкаласи бўйича (1998) болаларнинг жисмоний ривожланишини жинси, ёши, яшаш жойи, миллатини инобатта олиб шахсий тарзда баҳолашни ўтказиш:
 - бўй бўйича ривожланиш даражаси;
 - вазни ва кўкрак қафасининг айланасини сигмал оғиш бўйича;
 - гармоник ривожланганлиги;
4. Maxsus кўрсаткичлар бўйича (жисмоний ривожланишнинг сезиларли ўзгариши тез – тез касалланиш) жисмоний ривожланишни комплекс баҳолаш:
 - регрессия шкаласи бўйича морбофункционал ривожланиш даражаси;
 - биологик ривожланиш даражаси, физиометрик ва соматоскопик кўрсаткичлар учун баҳолаш жадваллари бўйича.

II БОБ ҮҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА ГИГИЕНИК БАҲО БЕРИШ

Болалар ва ўсмирлар гигиенаси соҳасида иш олиб борувчи шифокорнинг долзарб вазифаларидан бири машғулот ўтказиш вақтида болаларнинг тез чарчашини олдини олиш ва ақдий ишлаш қобилиятини узоқ вақт давомида юқори даражада ушлаб туриш учун қулай шароит яратишдир. Бунинг учун шифокор ўқув-тарбия жараёнини ташкиллаштиришга гигиеник баҳо бериш услубларини билиши ва текширув натижаларига кўра, ўқув-тарбиявий жараённи муқобиллаштирувчи гигиеник тавсияларни бериши зарур.

Мавзуми ўрганишдан маҳсад – мактабгача тарбия муассасаларида, мактаб, лицей ва коллежларда ўқув тарбиявий, ўқув-ишлаб чиқариш жараёнга гигиеник баҳо беришда қўлланиладиган билим ва кўнікмаларни ўрганиш.

1. Дарсни, дарс жадвали ва кун тартибини гигиеник баҳолаш (хронометраж (индивидуал ва оммавий), кузатиш ва сўров)

2. Организмнинг иш қобилияти ва функционал ҳолатини ўрганиш (даражаланган мисоллар: корректур усул, кўрув-эшитув ҳаракат реакциясининг яширин даври, аниқ кўриш турғунлиги, кўзни электр сезувчанлиги, статик ва динамик ишда мушакларнинг кучи ва чидамлилиги, ҳаракат координациялари ва чидамлилиги). Кейинчалик бу усуллар болалар ва ўсмирлар гигиенаси шифокори томонидан болалар муассасаларида ўқув-тарбия ва ишлаб чиқариш жараёнларига гигиеник баҳо беришда, шунингдек, санитар хуроса ва тавсиялар беришда фойдаланилади. Мавзу бўйича дарс кафедранинг тажриба хонасида, мактабгача болалар муассасаларида, мактаб ва коллеж, лицейларда ўтказилади. Кафедра тажрибахонасида асбоб-ускуналар, жадваллар, болалар ва ўсмирларнинг функционал ҳолатини белгиловчи усуллар техникаси ўрганилади. Ўқув-тарбия жараёни мактабгача болалар муассасаларида ишлаш мезони бўйича гигиеник баҳоланади ва ҳар бир ёшдаги гуруҳнинг кун тартиби ва мажбурий дарсларни тўғри режалаштирилганлиги, кун тартиби кўчирмаси, дарсни хронометраж усули ёрдамида таҳлил қилиш йўли билан баҳоланади.

2.1. Мактабгача болалар муассасаларида таълим-тарбия жараёнига гигиеник баҳо бериш

1. Асосий машғулотларни ташкиллаштиришнинг гигиеник асослари.

а) тайёрлов, катта, ўрта ва кичик гуруҳлардаги асосий машғулотларнинг давомийлиги ва таркиби;

б) тайёрлов, катта, ўрта ва кичик гуруҳлардаги асосий машғулотларнинг кун тартибида туттган ўрни;

в) ҳар бир гурухдаги машғулотларнинг кун ва ҳафтадаги сони;
2. Тайёрлов, катта, ўрта ва кичик гурухлар кун тартибига гигиеник баҳо бериш.

а) овқатланиш тартиби;

б) кун тартибида очиқ ҳавода бўлиш вақти ва фаолият тури;

в) ўйқунинг кун давомидаги сони ва давомийлиги (айвонлар сони, ухлаш анжомлари ва уларнинг сақланиш тартиби ҳамда мазмуни);

Кун бошидан то охиригача машғулот давомида болалар организмининг функционал ҳолатининг ўзгариши (фигурали жадвалдан фойдаланиб, катта ва тайёрлов гурухларида 2–4 та болаларда баҳоланади).

3. Хулоса ва таклифлар.

2.2. Мактабдаги ўқув жараёнини гигиеник баҳолаш дастури

1. Умумтаълим фанлар бўйича дарсни гигиеник баҳолаш:

а) дарс мавзуси;

б) давомийлиги;

в) таркибий қисми ва уларнинг давомийлиги;

г) ўқитиш услуби (фаол ва сустлаштирилган усуллар, кўргазмали қуроллар ва бошқалар).

Кун ва ҳафта давомидаги дарс жадвали ва унинг таҳлили:

а) дарснинг бошланиш вақти;

б) ҳафта кунлари давомида дарслар сони ва уларнинг оғирлик даражалари бўйича тақсимлаш;

в) дарсларнинг тугаш вақти;

г) меҳнат ва жисмоний тарбия дарсларининг ҳафта давомидаги сони ва уларнинг ҳафталиқ ва кунлик дарс жадвалидаги ўрни.

д) танаффуслар, уларнинг давомийлиги, ташкиллаштириш ва ўтказиш ўрни;

е) машғулотлар бошланишидан олдин ва кейин ўқувчиларнинг ишлаш қобилияти (барча синф ўқувчиларнинг ишлаш қобилияти корректур усули ёрдамида баҳоланади; алоҳида ажратиб олинган 5–6 та ўқувчиларнинг функционал ҳолатига физиологик усулларни қўллаш ёрдамида) гигиеник баҳоланади.

2. 1–3 синflардан бирида қўл меҳнати дарсларини ташкиллаштиришга гигиеник баҳо бериш;

а) дарснинг мавзуси;

б) дарснинг таркибий қисмлари (ўқитувчининг тушунтириши, мустақил иш, дарснинг алоҳида турларининг давомийлиги, хулоса қисми);

в) дарс бошида ва охирида ишлаш қобилиятига (барча ўқувчиларда корректор синамалар ёрдамида, айримларда физиологик усулларни қўллаш ёрдамида) гигиеник баҳо бериш;

– дарс жадвалида дарснинг туттган ўрни.

3. 4–8 синфларнинг бирида меҳнат таълими дарсларига гигиеник баҳо бериш.

а) дарс мавзуси;

б) дарснинг таркибий қисми ва давомийлиги (ўқитувчининг тушунтириши, иш жойини тайёрлаш, бир хил оддий (тажриба) операцияларни бажариш давомийлиги);

в) дарс зичлиги;

г) дарс оралиғидаги танаффусларни ташкиллаштириш ва ўтказиш ўрни;

д) дарс жадвалидаги дарснинг ўрни;

е) меҳнат таълими дарси бошида ва охирида ўқувчиларнинг ишлаш қобилиятига баҳо бериш (корректур синамалар ёрдамида);

ж) физиологик текшириш усуллари кўрсаткичлари бўйича функционал ҳолатнинг ўзгариши (хронорефлексометрия, триметрия, эргография, динамометрия ва бошқалар).

4. Меҳнат дарсидан олдин ва кейин бир неча ўқувчиларда ўрганилади.

5. Хулоса ва таклифлар.

Мактабда ўқув жараёнини гигиеник баҳолашда, дарс жадваллари, меҳнат дарслари, умумий таълим берувчи фанларнинг режалаштирилганлиги, кун тартиби ва ўқувчиларнинг ишлаш қобилиятини белгиловчи текширишларга аҳамият берилади.

Коллеж, лицейларда ўқув – ишлаб чиқариш жараёнини баҳолашда, ўқув машгулотлари тартиби, ишлаб чиқариш дарсларини бутун ҳафта бўйича режалаштирилганлиги ва ўсмирларнинг ишлаш қобилиятини белгиловчи текширишлар амалга оширилади.

Бу усуллар дарс вақтида қўйидагича олиб борилади:

- меҳнат дарснинг боши ва охирида ўқувчиларнинг иш қобилияти (корректур усулда)

- физиологик усуллар ёрдамида функционал ҳолатнинг ўзгариши (хронорефлексометрия, термография, эргография, динамометрия ва ҳ.к.), ихтиёрий бир нечта ўқувчиларда дарснинг боши ва охирида ўтказилади.

- Хулоса ва таклифлар киритилади.

2.3. Лицей ва коллежларда, ўқув ишлаб чиқариш жараёнига гигиеник баҳо бериш дастури:

1. Ҳафта ва кун мобайнида ўқув – ишлаб чиқариш жараёнига гигиеник баҳо бериш (умумтаълим ва касбий дарслар алмашинишнинг мезони, ҳар икки дарслар соати ва куни).

2. Ўқув куни ва ҳафтаси мобайнида машгулотлар жадвали ва уларнинг таҳлили:

а) ҳафта кунларидағи дарслар сони (умумтаълим ва касбий);

- б) дарсларнинг кун давомида мураккаблиги бўйича ташкиллаштирилганлиги;
- в) ҳафта давомида жисмоний тарбия дарсларининг сони;
3. Гуруҳларнинг бирда касбий машгулотлар ўтказилишига гигиеник баҳо бериш:
- а) дарс мавзуси;
 - б) дарс элементлари таркиби (тушунтириш, мустақил иш, бир хил турдаги амалиётнинг давомийлиги, турли амалиётларнинг давомийлиги, якуний қисми);
 - в) дарс зичлиги;
 - г) корректур усул бўйича дарснинг боши ва охирида ҳамма ўсмирларда ишлап қобилияти аниқланади; жисмоний иш қобилиятини текшириш ихтиёрий 2–4 та ўсмирларда тримограф, Розенблат динамометри ва эргограф ёрдамида ўтказилади.

4. Хуосса ва таклифлар.

Ўқув – тарбия жараёнинга гигиеник баҳо беришда табиий гигиеник тажриба амалиёти ва санитар таърифлаш усулларидан фойдаланилади. Ўқув ва жисмоний юкламаларнинг давомийлигини, унинг тавсифномаси ва ташкиллаштирилганлигини гигиеник баҳолаш хронометраж, кузатув, анкета сўрови усуллари билан ўтказилади.

Организмнинг функционал ҳолати ва иш қобилиятини баҳолашда миқдорий ва сифатли маълумот олишга имкон яратувчи умумий ва ақлий иш қобилияти (даражали мисоллар, Иванова – Смоленский корректор синамалари, В.Я.Анфимова жадвали) жадваллардан фойдаланилади. Бу орқали олий асаб фаолияти (шартли рефлекслар, кўзнинг электр сезувчанлигини аниқлаш, аниқ кўриш турғунлиги ва бошқалар) ва мушак иш қобилиятининг (мушаклар чидамлилиги, қўлнинг юқори даражадаги кучи, статик зўриқиши чидамлилиги) аниқланади.

2.4. Фаолиятнинг давомийлиги ва тавсифини аниқлаш

Хронометраж – иш фаолиятини аниқлашнинг нисбатан оддий ва қурай услуги бўлиб, дарс ва кун давомида ўқувчиларнинг умумий бандлигини кузатиш ва баҳолашга имкон беради.

Бундан ташқари бу усул ўқувчиларнинг маълум бир дарсдаги бандлигини юкламалар ва давомийлиги, иш вақтидаги дам олишларни аниқлашга имкон беради.

Хронометраж индивидуал ва оммавий бўлиши мумкин. Кўпгина ҳолларда ўқувчиларнинг синфда ёки меҳнат хоналарида ўқув фаолигини аниқлашда оммавий хронометраж ўтказилади. Текширув ўтказувчи бир вақтда 20 та ўқувчида кузатиш ишини олиб бориб, ҳар 2 дақиқада ишлаеттган ва ишламаётганлар

түгрисида хронокартага белги қўйиб боради. +, -, V, O белгиларни горизонтал ва вертикал санаб чиқиб, 100% деб олади.

Ўқувчиларнинг фаоллиги ишлаёттган болалар белгилари сонини умумий белгиларга нисбатини фоизларда олинган миқдоридир. Белгиларнинг умумий сони 440 – 100%, ишлаёттанлар:

$$x = \frac{265 \cdot 100}{440} = 60,2\%$$

(+)
X
 $(X = (265 \times 100) : 440 = 60.2\%)$

Индивидуал хронометраж – ушбу машғулот давомида дарснинг тури элеменларининг бажарилиши ҳақида тўлиқроқ маълумот беради. Текширувчи қўлида секундомер билан 1–2 ўқувчини кузатиб, уларнинг ҳар бир ҳаракатлари учун кетаёттган вақтни ва дам олиш вақтларни белгилаб боради. Олинган маълумотлар асосида дарс вақтидаги иш вақтининг зичлиги ва микротанаффуслар вақти, ўз ҳолида қилинган танаффус, шунингдек, алоҳида фаолиятларнинг давомийлиги аниқланади.

Дарснинг зичлиги – ўқувчинынг ўқув иши билан машғул бўлиб, ўтказилган вақтининг, бутун дарс учун кетган вақтга нисбатининг фоиздаги ифодаси. Ўқувчининг бандлик вақти – бу тошириқни бажариш, ўқитувчининг тушунтиришларини эшлиши, кўргазмаларни кўриш учун, иш жойини тозалаш ва тайёрлаш учун кетган вақти ҳисобланади.

Дарс кундалиги

Мактаб _____

Синф _____

Сана _____

Ҳафта куни _____

Жадвал бўйича дарс _____

Фан _____

Дарс мундарижаси _____

Дарснинг хронокартасини юритиш тартиби

№	Ўқувчиларнинг фамилияси	Вақт оралиги, дақиқалар						Фаолиятини баҳолаш			
		1–2	3–4	5–6	7–8	43–45	+	-	V	O	
1											
2											
3											
4											
5											
6											
7											
8											
9											
10											
11											
12											
13											
30											

Илова: ишламоқда(+); чалғыш(–); жавоб бермоқда (V); синфдан ташқарига чиқди (0).

Болаларнинг ўзини тутишини кузатиш. Болалар муссасаларида ўқув–тарбия жараёнинг гигиеник баҳо беришда болаларнинг ўзини тутишини кузатиш барча текширувларни тўлдиради, бу болалар фаолияти жараёнида ишлаш қобилиятининг ўзига хос хусусиятларини тўғри тушунишга ёрдам беради. Кузатув вақтида қўйидагилар белгиланади:

1. Бажарилаёттан ишга диққат ва эътибор фаолиятни жалб қилиш.
2. Ишлаш қобилиятини объектив сусайиш белгиларининг пайдо бўлиши.
3. Ўз ҳолича ўтказиладиган танаффусларнинг сони.
4. Бошқа ишлар ва гаплар билан чалғиш.
5. Танаффусда тананинг ҳолати.
6. Чарчашга, бош оғриги ва унинг айлананишига субъектив шикоятлар ва ҳоказо.

АНКЕТА СЎРОВИ

Кун тартибини ўрганиш болалар ва ўсмиirlарнинг ўқув–тарбия жараёнини ўрганишнинг зарурий қисми бўлиб ҳисобланади. У маҳсус бир кунлик сўров варақалари ва ҳафталик хронометраж карталаридан иборат.

Бир кунлик сўров варақаси – кундалик тартиби саволларини ўз ичига олган бўлиб, у ўкувчиларга тарқатилади. Болалар ҳар бир

саволга ўтказган кун маълумотлари асосида жавоб беришади.
Қуйида кун тартибининг сўров анкетаси намунаси келтирилган.

Ҳафталик карталар ўқувчилар томонидан бутун ҳафта давомида тўлдирилади. Олинган бир кунлик анкета ва ҳафталик карталар маълумотларига асосан тузувчи дам олиш давомийлиги (тунги уйқу ва очиқ ҳавода сайр), овқатланиш вақтлари оралиғи ва уларнинг давомийлиги, уй вазифасини тайёрлашнинг давомийлиги, ўзи хоҳлаган ишга фаолиятининг давомийлиги, тўгаракдаги машгулот ва жамоа мажбуриятларини бажариш вақтлари, чиниқтирувчи чора – тадбирлар учун кетган вақт аниқланади. Сўнгра олинган маълумот ушбу ёш учун белгиланган кун тартиби билан солиштирилади, натижада ҳафта ва кун тартибига гигиеник тавсиялар берилади.

ЎҚУВЧИ КУН ТАРТИБИННИГ СЎРОВ АНКЕТАСИ

Кун давоми _____ Синф _____ Мактаб _____
Ф.И.О. _____ Тугилган йил _____

Қўйидаги саволларга жавоб беринг:

(кечаги кунда қилинган фаолият ишларини ҳисобга олинг)

Қачон уйқудан турдингиз? _____

Эрталабки бадантарбияни қилдингизми? _____

Ювиндингизми? _____

Мактабга борищдан оддин овқатландингизми? _____

Қайси вақтда мактабга отландингиз? _____

Қанча ва қандай дарслар бўлди? _____

Мактабда ва мактабдан ташқари ишларга қанча вақт кетди?
(музиқа, расм чизиш, тўгаракларга бориши) _____

Тўгарак иддига, турли мажлис, жамоа ишларига қанча вақт кетди?

Мактабда овқатландингизми ва нима едингиз (қанча вақт кетди)?

Қайси вақтда уйга қайтдингиз? _____

Қайси вақтда тушлик қилдингиз? _____

Қанча вақт очиқ ҳавода бўлдингиз (сайр, ўйин)? _____

Қайси вақтда уй вазифасини қилдингиз? _____

Қайси вақтда уй вазифасини бажаришни тамомладингиз? _____

Қайси фанни узоқ вақт тайёрладингиз ва нима учун? _____

Кинога, театрга бордингизми, радио эшиздингизми, бадиий китоб ўқидингизми? _____

200 ____ йил «____» _____

Ўқувчининг ҳафта давомидаги кун тартиби

Ф.И.Ш. _____ ёши _____
мактаб _____ синф _____

Кун тартиби	Душ.	Сеп.	Чор.	Пай.	Жум.	Шан.	Якш.
элементлари							

Қачон уйқуга ётдингиз? _____

Бугун соат нечада турдингиз? _____

Қанча дарс бўлди? _____

Мактабдан нечада қайтдингиз? _____

Жамоат ишлари билан шуғулландингизми(йиғилиш, деворий газета, мажлис нечадан нечагача?)

Мактаб бадиий тўгаракларида қатнашдингизми (нима қилдингиз, қайси вақт оралиғида?) _____

Тўгаракларда бўлдингизми?(қайси, нечадан – нечагача?) _____

Спорт билан шуғулландингизми?(секция, мусобақа, нечадан – нечагача?) _____

Қайси вақт оралиғида уй вазифасини қилдингиз? _____

Тоза ҳавода сайд қилдингизми? (қайси вақт оралиғида?) _____

Бадиий адабиёт ўқидингизми? (қайси вақт оралиғида?) _____

Уй юмушларига қанча вақт сарфладингиз? _____

Бўш вақтларингизда нима билан шуғулландингиз (тикиш, бичиш, тенис ва ҳ.к. қайси вақт оралиғида?) _____

ТАКЛИФЛАР

Ҳақиқий маълумотлар олиш ва уларни статистик ишлаш учун камида 100 та бир кунлик ва 250 та ҳафталик сўров варақа ҳар бир синф учун бўлиши зарур. Маълумотларни қайта ишлаётганда уй ишларини бажариш, синфдан ташқари ишлар, сайд қилишининг асосий вақтлари, 30 дақиқали оралиқ билан, гурухларга бўлинади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Мактабнинг асосий вазифалари нималардан иборат?
2. Дарсни (машгулот) ташкиллаштиришга бўлган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
3. Танаффусларни ташкиллаштиришга бўлган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
4. Умумтаълим мактабларида дарс жадвалларини тузишга бўлган гигиеник талабларни асослаб беринг.

5. Түрли ёшдаги мактаб ўқувчилари учун тузилган кун тартибига бўлган гигиеник талабларни санаб ўтинг.
6. Ўқувчилар кун тартибига гигиеник баҳо бериш усулларини гапириб беринг.
7. Таътилларни ташкиллаштиришга бўлган гигиеник талабларни асослаб беринг.
8. Кун давомида болаларнинг ишлаш қобилияти қандай ўзгаради?
9. 1 – 4 синфларда техник ўқув воситаларидан фойдаланиш давомийлиги қандай?
10. 5 – 8 синфларда техник ўқув воситаларидан фойдаланиш давомийлиги қандай?

МАВЗУГА ТЕГИШЛИ ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Рационал кун тартибини тузиш мезонларига
киригилади
 1. толиқишининг олдини олиш
 2. анатомо – физиологик хусусиятларни ҳисобга олиш
 3. уйқу, дам олиш ва меҳнатни рационаллаштириш
 4. алмашиниш фаолияти, биоритмларни ҳисобга олиш
 5. ёши ва жисмоний ривожланишларни ҳисобга олиш
2. Куннинг қайси вақтида ўқувчиларда юқори ўзғалувчанлик кузатилади?
 1. Тушлиқдан сўнг.
 2. Кечқурун.
 3. Эрталаб ва тушдан кейин.
 4. Кундуз ва кечки вақтда.
 5. Кечаси.
3. Ўқув жараёнини ташкиллаштиришининг асосий гигиеник мезонларидан биттасини кўрсатинг.
 1. Дарсни тўғри ташкиллаштириш.
 2. Ишлаш қобилиятини ошириш.
 3. Ишлаш қобилиятини пасайтириш.
 4. Очиқ ҳавода сайр қилишининг самарасини ошириш.
 5. Организмни жисмоний қобилиятини ошириш.
4. Меҳнат дарси давомида мактаб ўқувчиларининг асосий меҳнат билан шуғулланиш вақти неча % ни ташкил қилади?
 1. 70 – 75 %.
 2. 75 – 80 %.
 3. 60 – 70 %.
 4. 60 – 65 %.
 5. 50 – 60 %.
5. Уй вазифасини бажаришни бошлашдан олдин ишлаш қобилиятини юқори даражада ошириш учун энг самарали дам олиш турини кўрсатинг.

1. Кундузги уйқу, очиқ ҳавода дам олиш.
 2. Уй ишларига ёрдам бериш.
 3. Кундузги уйқу, эркин ўйинлар.
 4. Китоб ўқиши, телевизор кўриши.
 5. 4 – 5 км масофада яёв юриши.
6. **Бошлангич синф ўқувчилари учун танаффуслар давомийлиги ва кетма-кетлигини қулай вариантини кўрсатинг.**
1. 10 – 20 – 10.
 2. 10 – 30 – 10.
 3. 10 – 30 – 10 – 10.
 4. 5 – 20 – 5 – 10.
 5. 10 – 20 – 20 – 10.
7. **Кўрсатилган омиллардан қайси бирин ўқувчиларининг ишлаш қобилиятига таъсир қилмайди?**
1. Жадвалнинг кетма – кетлиги.
 2. Дарснинг ташкиллаштирилиши.
 3. Машғулотнинг мушкуллиги.
 4. Тайёргарлик даражаси.
 5. Мактабдаги санитар – гигиеник шароитлар.
8. **Умумий дарс давомийлигининг рационал фойдаланилган вақтта нисбати қандай номланади?**
1. Дарс зичлиги.
 2. Иш вақти.
 3. Ўқув активлиги.
 4. Ҳаракат безовталиги.
 5. Фойдали вақт.
9. **8–11 синф ўқувчиларининг уй вазифасини тайёрлапга рухсат этилган меъёрий вақтини кўрсатинг**
1. 1 – 2 соат.
 2. 4 – 5 соат.
 3. 3 – 4 соат.
 4. 2 – 2,5 соат.
 5. 2,5 – 3 соат.
10. **Бошлангич синф ўқувчилари учун телевизор кўриши давомийлиги қандай?**
1. Ҳафтасига 4 марта 1 соатдан.
 2. Ҳафтасига 2 марта 2 соатдан.
 3. Ҳафтасига 3 марта 2 соатдан.
 4. Ҳафтасига 3 марта 1 соатдан.
 5. Ҳар куни 30 дақиқадан.

МАВЗУГА ТЕГИШЛИ БҮЛГАН ЎРГАТУВЧИ, НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ДАСТУРЛАР

1. Ўқув куни давомида ўқувчи ишлаш қобилиятининг асосий ўзгариш тартибини кўрсатинг:

1. Қулай (кун давомида ишлаш қобилиятини оширади).
2. Қониқарли.
3. Ноқулай.
4. Ижобий.
5. Паст.
6. Жудаям паст.

2. Ўқув юкламаси меъёрлаштиришнинг асосий вазифаларини кўрсатинг:

1. Меҳнат дарсларини ташкиллаштириш.
2. Техник ўқув воситаларини шакллантириш.
3. Ўқитишнинг янги технологик усулларини киритиши.
4. Дарсни тўғри ташкиллаштириш.
5. Дарс давомийлиги ва танаффусларни режалаштириш.
6. Таътилларни оптимал ўtkазиш вақти ва давомийлигини аниқлаш.
7. Кунлик ва ҳафталик юкламаларни меъёрлаштириш.
8. Ҳафта ва кун давомида дарсларни оқилона ташкиллаштириш.
9. Хорижий тилларни дарс жадвалига тўғри қўйиш.
10. Ўқитувчининг малакасини инобатга олиш.

3. Ўрта синиларда ўқувчиларни толиқишига олиб келадиган дарсларни кўрсатинг:

1. География.
2. Тарих.
3. Математика.
4. Расм.
5. Мусиқа.
6. Физика.
7. Кимё.
8. Меҳнат таълими.
9. Она тили.
10. Хориж тиллари.

4. 1-4-синилар ўқувчиларини толиқишига олиб келадиган 4 та асосний дарсларни кўрсатинг:

1. Ўқиши.
2. Табиат.
3. Расм.
4. Мусиқа.
5. Тарих.
6. Чет тили.

7. Мәжнат таълими.
 8. Маънавият асослари.
5. 1–2-сinfларда дарсда ҳар хил қўлланмалардан фойдаланишинг давомийлигини кўрсатинг (дақиқада):
1. Диафильмлар кўрсатиш – 15 дақиқада.
 2. Кинофильмлар кўрсатиш – 15–20 дақиқада.
 3. Телекўрсатувлар кўриш – 15–25 дақиқада.
 4. Радио эшигтириш – 20 дақиқада.
 5. Диафильмлар кўрсатиш – 7–15 дақиқада.
 6. Кинофильмлар кўрсатиш – 20–30 дақиқада.
 7. Телекўрсатувлар кўриш – 15 дақиқада.
 8. Радиоэшигтириш – 20–30 дақиқада.
6. Дам олиш жараёнининг асосий даврларини кўрсатинг:
1. Функциянинг тикланиси.
 2. Ишлаш қобилиятининг ошиши.
 3. Тикланган функция мустаҳкамланиши.
 4. Эрталабки дарслардан сўнг.
7. Мактабда таътилнинг асосий вариантлари ва давомийлигини кўрсатинг:
1. Кузги – 5 кун.
 2. Қишки – 12 кун.
 3. Баҳорги – 8 кун.
 4. Ёзги – 90 кун.
 5. Қишки – 8 кун.
 6. Баҳорги – 12 кун.
8. Мактабда танаффусларни ташкиллаштириш вариантлари ва давомийлигини кўрсатинг:
1. 10–30–10–10.
 2. 5–30–20–10.
 3. 10–20–10.
 4. 10–20–10–10.
 5. 10–20–20–10.
 6. 5–20–5.
9. Мактаб ўқувчиларининг уй вазифасини бажариш давомийлиги ва ўтларини кўрсатинг:
1. 1 – синфлар учун – уй вазифаси берилмайди.
 2. 3–4 – синфлар учун – 1,5–2 соаттacha.
 3. 5–6 – синфлар учун – 2,5 соаттacha.
 4. 8–11 – синфлар учун – 4 соаттacha.
 5. 1 синфлар учун – 1 соаттacha.
 6. 3–4 – синфлар учун – 2 соаттacha.
 7. 5–6 – синфлар учун – 2,5–3 соаттacha.
 8. 8–11 – синфлар учун – 5–6 соаттacha.

10. Мактабда кунига қанча соат дарс ўтишга рухсат берилади:

- 1 – 4 – синф учун – 4 соатдан кўп эмас.
2. 5 – 8 – синф учун – 5 соатдан кўп эмас.
3. 9 – 10 – синф учун – 5 – 6 соатдан кўп эмас.
4. 1 – 4 – синф учун – 3 – 4 соат.
5. 5 – 8 – синф учун – 5 – 6 соат.
6. 9 – 10 – синф учун – 6 – 7 соат.

11. ТЎВ-техник ўқув воситалариини камчиликларини сананг:

1. Кўриш анализаторларининг кучланиши.
2. Статик юкламани оширади.
3. Асад – руҳий кўзгалувчанликка олиб келади.
4. Ишлаш қобилиятини оширади.
5. Ўқиш самараодорлигини оширади.
6. Динамик компонентларни оширади.

12. Қайси дарсларни кетма-кет бир вақтта қўйишга рухсат берилади?

1. Жисмоний тарбия дарсларини.
2. Она тили дарси.
3. Меҳнат таълими дарсларини.
4. Математика дарси.
5. Лаборатория дарсларида ва ёзма иш вақтида.
6. ЭҲМ ва ахборот технологиялари асослари.

13. Педагоглар 3-саломатлик гуруҳига кирувчи болаларга соғломлаштирувчи қандай ёрдам кўрсатади?

1. Дарслар юкламасини камайтириш.
2. Дарслар вақтини қисқартириш.
3. Жисмоний тарбия машғулотларидан озод қилиш.
4. Динамик компонентларни қисқартириш ёки ошириш.
5. Ймтиҳонлардан озод қилиш.
6. Статик компонентларни қисқартириш ёки ошириш.

АМАЛИЙ КЎНИКМА

**МАКТАБГАЧА БОЛАЛАР МУАССАСАЛРИНИНГ КУН ТАРТИБИ ВА
МАКТАБЛАРДА ЎҚИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИИ
ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ**

Мазкур иш тури болалар ва ўсмирлар гигиенаси соҳасида жорий санитария назоратининг муҳим бир қисми ҳисобланади; назорат даврий равищда аммо 4 дан ортиқ бўлмаган муддатларда ўтказилади. Кун тартиби ва ўқиш жараёнини ташкил этилганлигини баҳолаш визуал тарзда ўтказилади.

Ишни бажариш учун қўйидагилар зарур: СанҚваМ – 0033 – 94, 0052 – 96, 0069 – 96, 0071 – 97, 0074 – 97, 01.02.2000.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ

Мактабгача болалар муассасалари кун тартибини баҳолаш.

1. Ҳар бир гуруҳдаги болаларнинг ёшига доир хусусиятларини инобатта олган ҳолда тузилган кун тартибининг мувофиқлиги.
2. Бир кечада кундуз давомида бўладиган гуруҳлар учун тузилган кун тартибининг тарифи.
3. Мажбурий машгуулотларнинг ташкил қилиниши ва ўтказилишини баҳолаш.
4. Жисмоний тарбиянинг ташкил қилиниши ва ўтказилишини баҳолаш.
5. Ҳар бир ёш гуруҳидаги овқатланишга таъриф.
6. Болалар организмими чиниқтириши ташкил этилганлиги.
7. Болаларнинг ёшига мувофиқ равишда ташкиллаштирилган уйкунинг давомийлиги.
8. Мактабгача болалар муассасасида кун тартибининг тўғри тузилганлиги ҳақида хулоса чиқариш ва уни мувофиқлаштириш бўйича таклифлар.

2.5. Организмнинг ишлаш қобилияти ва функционал ҳолатини ўрганиш

Ўқувчиларнинг ишлаш қобилияти фаолияти давомида турли орган ва тизимларнинг функционал ҳолатини турли хил физиологик усуллар билан аниқлаш мумкин.

Ўқувчиларни ишлаш қобилиятини ўрганишга қаратилган усуллар, уларнинг иш қобилиятига, дарс ўтишига, фаолиятига таъсири этмаслиги, узоқ вақтни олмаслиги ва ўқувчиларни толиқтириб қўймаслиги керак.

Бундан ташқари, улар ўқувчилар функционал ҳолатларини турли устун келувчи таассуротлар ва уларнинг йигиндиси таъсири остида ўзгаришини адекват кўрсатиб бера олиши керак.

Даражаланган мисоллар: умумий ақлий иш қобилиятини миқдорий ва сифат кўрсаткичларини ўрганишга имкон яратади. Бунинг учун маҳсус тайёрланган арифметик мисоллар, диктантлар ва корректур жадваллардан фойдаланилади. Арифметик тошириқлар маълум миқдордаги ҳамма масалаларни ўз ичига олган тошириқ бўлиши керак.

Намунали тошириқ (3 –синф учун):

69+63=	15-6=
93-37=	81:3=
23-7=	36+62=
136:8=	102-15=
66+47=	16x5=

Дарс бошланишидан аввал болаларга ушбу мисоллар варақалари тарқатилади «Бажаринг» деган буйруқ берилади. 5 дақиқа

мобайнида улар мисолларни оғзаки ечадилар ва жавобларни ёзадилар, вақт тутагандан сүнг «Тұхтанг» буйруги берилади ва варақалар йигиштириб олинади.

Худди шундай қылиб дарс охирида тақрорланади, сүнгра түгри бажарилған жавобларни дарс боши ва дарс охири учун ҳисобланади. Дарс бошида түгри бажарилған жавоблар 100% деб олинади, дарс охирида % нинг камайиши иш фаолиятининг пасайиши деб олинади ва аксинча, вақтда даражаланған ишларни А. Иванов – Смоленский ва В.Я.Анфимовларни ҳарфли корректур жадваллари ёрдамида бажарилади. Ҳарфли жадвалларнинг модификациясидан фойдаланиб ўтказиш ҳам мумкин.

Машғулотларни ўтказиш тартиби:

1. Секундомерни 0 га қўйиш лозим.
2. Жадвалларни тарқатиш ва ўқувчиларга исми, фамилияси, синфи ва ёшини ёздириш.
3. Топшириқни бажариш тартибини тушунтириш, вазифа бериш.
 - а) қалам ёки ручка олиб ўнг қўл тирсагини столга қўйиш;
 - б) ҳар бир қаторни ўнгдан чапта диққат билан қараб «Х» ва «И» ҳарфини устидан қийшиқ чизиб чиқиши (доскага ёзиб кўрсатилади);
4. Болалардан «Тушундингизми?» деб сўраш, сүнгра «Ишни бошладик» бўйругини бериш, доскадаги ёзувни ўчириб, болаларни кузатиш.
5. 2 дақиқадан сүнг болаларга «Тұхтанг» буйругини бериб, варақаларга белгилаш тұхтатилади ва секундомер стрелкаси «0» га қўйилади.
6. «Тұхтанг» буйруги берилган вақтда ҳар бир бола тұхтаган ва ёзган қаторига бурчак белгиси қўйиши тушунтириләди (доскада чизиб кўрсатилади).
7. Сүнгра болаларга ўнг қўлинин тирсак ҳолатда ушлаб, кейинги вазифани диққат билан тинглаш сўралади: Х ва И ҳарфларини ўчиришни давом эттириш, ва ундан ташқари Х ҳарфи олдида В ҳарфи турса ва И ҳарфи олдида Е ҳарфи турса, у ҳолда «ВХ» ва «ЕИ» ни чизиши (ҳамма вариантлар доскада ёзиб кўрсатилади).
8. Болалардан тушунғанлари ҳақида сўралади (2 қисми). Ижобий жавобдан сүнг 2 – 3 боладан вазифани қайтариш сўралади. Сүнгра «бурчак белгиси қўйилған жойдан бошладик» буйруги берилади. Секундомер ёқилади, доскадаги ёзув ўчирилади. Вазифа 1 – 2 марта қайтарилади.
9. 2 дақиқадан сүнг «Тұхтадик» буйруги бериб, иш тұхтатилади. Сүнгра яна ҳар бир бола тұхтаган жойга бурчак белгиси қўйиши ҳақида маълумот берилади.
10. Жадваллар йигиштириб олинади.

В.Я.АНФИМОВ ЖАДВАЛИ (ВАРИАНТ Б.)

с х к е х в х в е к н е и е н а е к х е к н а и в к в е с в
с в е с н а и с а н в с н х а е с х а и с н а е е к и н е и
к е и х н в х а к е с н а и к х в с х н в и е х а е к в с и
е а е с к с е а и к и с н к е х к е х в к в и е х а к е х
с н а и к в е х к в к е в с к с н х и а с н а к с х к х в х
и е н а к с х к и в х н и к и с н а и в е с н а к н е х с х
в и е в к е в к н е х е и с н а и н х в к с и с н а и а в к
е к н а к с н и с н е и с н в и е х к в х е и в н а к и с х
а е к х е в с к х е к х а н и с н к в е в е с н а и с е к х
в х в и с н а е и е к а и в е к е х к е и с н е с а е и к и
с а е х и с н а и н к е х в и в н а е и с н в и а е в а е в
в и к в е н а и е н е к х а в и х и в к х е х н в и с н
а и с е с х к в а и с н а с а в к х с н е и с х и х е к а с
к е в к в на и с н а и с н к с в к х а в с н а х к а с е с
с н а и с в к х е в в х к х с н е и с н а и с н к в к х в
к е и в к а и с н а с н а и с х а к в н и а к с х а и е н а
х к н к в с к в е в к н и е с а в и е х е в н а и е н с е в
и в а к с в е и к с н а в а к е с в и к е с и к с в к и е с
а в е и в и с н а к а х в и и в н а х и е н а и к в и е а х
а и с н а е х к в е н в х к е а и с н к а и к н в е в н к в
в е х с н а и с к е с и к н а е с н к х к в и х к а к с е н
н а к с в е е в е а и с н а с к и в в к х к е к н в и с н к
с н и с н а и а к с х к и с н а и к х е к и с н а х к е к
к а и с в е к в х на и с и х е к х и с н а к с к в х к в н
н е и н а и е н к х к и к х е к в к и с в х и х а к х н
с н а и с а и с н а в н в к н х и с х в х е к в х и в х е и
и с н е в х а к в н х и в с н а в с а в с н а е к е а х в к
с х а в с х е в и х на и с и х в х в к с с н а и с в х в х

БАҲОЛАШ

Вазифа	Тезлик	Белгиларнинг умумий сони	Хатолар сони	Кўриб чиқилган белгилар сони	Чизилиши керак бўлганлар	Ўтказиб юборилган	Хатолар

Жадвалларни ишлаш учун қилинган ишлар ҳажми ҳисоблаб чиқиласди, шунингдек 4 дақиқа ичида белгиланган ҳарфлар санаб чиқиласди – бу иш қобилиятини миқдорий кўрсаткичидир. Бунинг учун ҳамма кўрилган қаторлар санаб чиқиласди, 40 га кўпайтириласди (қаторда 40 ҳарф) ва якунланмаган қатор ҳарфлари кўшиласди.

Мисол: қатор 13; $13 \times 40 = 520$ тугалланмаган қатор ҳарфлари 9 та демак жами 529.

Ишнинг биринчи ярми: қатор 7 та, $7 \times 40 = 280$ тугалланмаган қатор ҳарфлари – 27, жами 307.

Ҳамма иш ҳажмини дифференцировкаловчи қўзғатувчини киритмасиздан олдинги 2 дақиқада топилган ҳарфларга бўлиб, К – кўрсаткични топамиз. $K = 529 : 307 = 1,72$. К – кўрсаткичи натижаси картанинг ўнг тарафдаги чизигига ёзилади.

Миқдорий кўрсаткич ва К – кўрсаткичи ҳисоблаб ёзилгандан сўнг, энди иш қобилиятининг сифатий кўрсаткичларини аниқлашга ўтамиз. Бунинг учун тагидан ёритувчи мосламали маҳсус қурилма экранларидан фойдаланамиз (рендтен суратларини кўриладиган мосламага ўхшаш) ва маҳсус ҳарфли жадвалли трафарет ишлатамиз. Текширилаётган жадвал ҳарф ва қаторлари трафарет билан мослаб экранга қўйиласди. Экран ёқиласди. Ҳар бир қатор кузатилиб, умумий хатоликлар (ўтказиб юборилган, тузатишлар, хотўғри чизгилар) топилади. Шу билан бирга ишни иккинчи қисмидан хатолар ҳам, умумий хатолар бир қизил чизик билан, 2 қисмдаги хатолар 2 та чизик билан чизиласди, вазифани кўриб бўлиб, ишни экрандан олиб, бошқа ўқувчи иши қўйиласди.

Кўрилган ҳарфлар сони тагига ўнг тарафдаги ҳошияга умумий хатолар ва 2 – қисм хатолари ёзиб қўйиласди.

Мисол: ҳамма хатолар 10 (умумий хато 7; 2 қисм хатосиз)

Хатоларни топиш тутатилиб ўнг томонга (умумий хатолар – 10; 2 – қатор ёзиб қўйилиб хатолар 500 белгига, 2 қисм 200 белгига).

Мисол: Ўқувчи ҳаммаси бўлиб 529 та ҳарф кўрди, 10 та хато қилди. Ишнинг 2 қисмига 222 ҳарф тўғри келади (ҳаммаси 529 ҳарф минус 307 ҳарф ишнинг 1 қисми).

Ҳисоблаш:

$$529 - 10$$

$$500 - X \quad X = (500 \times 10) / 529 = 9,5$$

Умумий хатолар сони = 9,5 чап тарафга ёзилади.

$$222 - 3$$

$$200 - X \quad X = 2,$$

$$\text{Маҳсулдорлик коэффициенти} \quad Q = \frac{(a:10)^2}{(a:10)^2 + B}$$

a – ишнинг ҳажми 4 дақиқада кўрилган ҳарфлар сони;
B – 500 га ҳисобланган хатолар сони (1 хато 10 та кўрилмаган ҳарфга тенглаштирилади).

Мисол: a = 529 белги

$$B=10 \quad a:10 = 52,9 \quad Q = (52,9)^2 / (52,9) + 10 = 44,4$$


Олинган маълумотларни статистик ишлашдан олдин ҳар бир ёш гўруҳига рўйхат тузиб (ҳарфли жадвалдаги фамилиялар бўйича) ҳамма индивидуал иши қобилияти кўрсаткичлари ёзиз чиқилади. Рўйхат жадвали якунида кўрилган белгилар суммаси, умумий хатолар суммаси K – коэффициенти суммаси, Q – маҳсулдорлик коэффициенти суммаси ҳисобланади. 6 ёшли тайёров синфлари мактабгача бўлган болаларга шаклли жадваллар қўлланилади (23 – расм). Шаклли жадваллар билан ишлаш давомийлиги 2 дақиқа. Болаларга V – (вазифа) кўрсатма берилади: ҳамма шаклларга дижқат билан қараб уларнинг ичидан 3 шакл: учбурчак, айланага, байроқчани қидириб топинг. Учбурчакка чизиқча (минус), айланага крестик (плюс), байроқчага – нуқта кўйиб чиқинг, топширикни доскага чизиб, болалардан тушунгандиллари сўралади, бир неча боладан V – (вазифа) қайтадан сўралади. Шундан сўнг доска ўчирилиб «бошладик» бўйруги берилади. 2 дақиқадан сўнг иш тўхтатилиб, жадваллар йигиштириб олинади.

Ҳар бир ишни баҳолаш иш ҳажми – кўрилган шакллар сони, иш сифати – қилинган хатолар сони, 100 та шаклга ҳисоблаб топилади. Маҳсулдорлик коэффициенти қўйидаги формуладан топилади:

$$Q = c^2 / c+d$$

c – кўрилган қаторлар сони, d – хатолар сони (1 та хато 1 қаторга тенглаштирилади). Бу ҳолатда хатолар стандартлаштирилмайди. Хатолар дифференцияси йиғиндиси:

V – болаларнинг олдиндан қандай топшириқ олиш мазмуни.



23-расм. Фигуралы жадвал

Хар бир күрилмаган қаторни күрилган қаторлар умумий сонидан олиб ташланади ва хато ҳисоблаб умумий хатолар сонига күшилади. 1-кунда 1 та вазифа, 2-кун бошқа вазифа ва ҳ.к. берилади. 7-куни 1-куни берилган вазифани тақрорлаб қўллаш мумкин.

Хронорефлексометрия – бу усул текширилувчининг кўрув ва эшигиш органлари таассуротларига берган ҳаракат реакцияларини яширип даврини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун кўп каналли хронорефлексометр ишлатилади. У З қисмдан иборат: Ўчловчи қисм, кўзғатувчилар ва маҳсус «хотираловчи» қисм блокидан иборат бўлиб, у бир вақтнинг ўзида бир неча одамда текшириш ўтказиш имконини беради.

Қурилма датчиги бўлиб маҳсус кноккалар хизмат қилади, уни текширилувчилар босадилар. У ёки бу таассурот сезишганда бармоқларини тутмадан оладилар. Қурилма текширилувчининг таъсир бошлаганидан то ҳаракат реакцияси бошлангунга қадар кетган вақтни ёзиб олади.

Бошлашдан один датчик тутмалари қурилмага уланади, қурилмани ўзини эса ўзгарувчан ток манбаасига уланади. Қурилманинг юқори қисм тумблери ўнг томондан «ВКЛ» ҳолатига қўйилади ва қурилма 3–5 дақиқа давомида қизитилади. Ўлчаш диапазони ўрнатилади: 0 дан 0,25с ёки 0 дан 0,5с гача кўзғатувчи тури аниқланиб маҳсус тумблер «ранг» ёки «шовқин» ҳолатига қўйилади. Шундан сўнг тайёрлов қисмидан «Сброс работы» тумблерлари «Иш» вазиятига қўйилади. Текширилувчи бошланғич инструкцияни олиб тутмани маҳкам босади. Текширувчи «Пуск» тутмаси орқали тегишли кўзғатувчи беради. Шундан кейин ҳар бир каналда кўрсаткичларни навбатма – навбат олади: 1м, 2м, 3м, 4м, 5м, бм. Шундан сўнг «Сброс работы» мосламасини «Сброс» ҳолатига қўяди. Ҳар бир текшириш 3 марта олиниб, уларнинг ўртачаси ёзилади ва яширин вақт деб аталади. Вақт ҳисоби сонининг мингдан бир бўлакларида олиб борилади. Агар бир текширилаёттан одамнинг турли кўрсаткичлари орасидаги вақт фарқи 0,01с бўлса, реакцияни ўзгарган деб ҳисоблаш мумкин.

Бу усул орқали фақат яширин ҳаракат вақт ҳажмини эмас, балки ажратиш ҳолатини ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун иккита таассурот ёки турли рангдаги ёруғлик ёки турли частотали товуш юборилади. Кўпинча кўрув мотор реакцияси ўлчанади. Оддий ёруғлик текширилувчи қўлини тутмадан олиши учун ижобий таассурот бўлиб ҳисобланади. Бошқа рангдаги ёруғлик эса салбий таассурот бўлиб, бунда текширилувчи бармоғини тутмада ушлаб туриши керак. Ҳар бир қўзғатувчи ранглар 3 мартадан 10–12 с оралиғида берилади. Ажратув реакцияси бузилди деб, бошқа ранг берилганда бармоқ олинган ҳолатига айтилади.

Текширув одатда машғулотнинг турли вақтларида (дарс охирни ва бошида, ўқув куни боши ва охирда) ўтказилади. Яширин даврни узайган ёки қисқарганлиги, ажратишни бузилган сонларига қараб олий асаб тизимсининг функционал ҳолати, асаб жараёнларининг яхшилангани ёки сустлашгани ҳақида фикр юритилади. Уларнинг салбий тарафга ўзгариши дарс мобайнида умумий ақлий иш қобилиятининг сусайланлигидан дарак беради.

Аниқ қўриш чидамлигини текшириш

Кўзни жуда кичик бурчак остида гоҳ аниқ, гоҳ ноаниқ детал ёки ҳарфларни кўриш қобилиятига асосланган текширувdir.

Бунинг учун текширилувчи экрандан (қора айланана бир қисми туташмаган шакллар туширилган варақа – Ландольт ҳалқаси) 2,5 м

масофада ўтиради. Айлана қўйидаги ўлчамларга эга: Ташқи диаметри 3,5 мм, оралиқ ва қалинлик 4,7 мм. Экран бир текис ва бир хил ёритилган бўлиши керак (100–150ЛК). Ёритиш доимий бўлиши керак. Текшириувчининг боши мослама билан ўрнатилади.

Кўрсатма бўйича у диққат билан айланага қарайди.

Ҳалқада оралиқ йўқолганда текшириувчи кўрмаяпман дейди ёки ёзувчи асбоб ричагини босади.



24 – расм. Аниқ кўриш турғувлитини текшириш.

Ҳалқа яна аниқ кўринганда кўраяпман ёки ричагни қўйиб юборади. Аниқ кўриш ёки кўрмаслик вақтлари секундомер ёки кимограф билан ёзib борилади. Кузатув 2 дақиқа давомида олиб борилади. Аниқ кўриш кўрсаткичи аниқ кўрилган вақтни ҳамма вақтта нисбатининг фоиздаги кўрсаткичларига айтилади. +10% четта чиқиш кўрсаткични ошгани ёки сусайганини билдиради. (24 – расм)

Кўзният электр қўзғалувчанлигини аниқлаш


Кўз орқали ўзгарувчан токни кам миқдорда (100МКА) ўтказилганда ёки доимий ток занжирини гоҳ ўзгариб, гоҳ ёқганда кўзда учқун сезгиси пайдо бўлади. Бу ҳодисани «Фосфен» дейилади. Энг кам фосфен чақиравчи ток кучига бўсаға дейилади. Бўсағани акси бўлган ток кучи миқдори кўзни электр қўзғалувчанлигини ҳосил қиласди. Кўзни электр қўзғалувчанлиги чизмаси 25 – расмда кўрсатилган мослама ёрдамида аниқланади. Мослама микроамперометр, потенциометр ва 2 та қумли электрод (E_1 ва E_2) дан иборат. Ҳамма қурилма 8 Вт ли доимий ток батареяси

билин ишлайди. Күзниң электр құзғалуучанлығы қоронғи адаптациясида үлчанади. Бунинг учун тажрибадан аввалроқ текширилувчининг күзи қора тасма билан бояланади, E1–E2 электродларни NaCl нинг изотоник эритмасида ұйлаптан дока билан үралади. Адаптациядан сүнг кичик электродларни тасма остидан киризебіз, ўнг күзи юмуқ қовоғига мақамланади, иккінчи катта электрод текширилувчини чаң құлиға тутқазилади.

Тажриба бошида тахминий фосфен аникланади. Бунинг учун потенциометрнинг тутқишини айлантириб, занжир гоҳ уланиб, гоҳ узилиб турли күчдеги бир хил құзғатувчи юборилади. Фосфен ҳосил бўлгандағи гальванометр кўрсаткичи ёзиб олинади, сүнг токнинг бўсаға кучи аникланади. 3 марта ўлчашдан ўртача арифметик натижага олинади.

Күзниң электр құзғалуучанлығи бўсаға кучига тескари бўлган катталик қуйидаги формула билан аникланади. $E = Ix1000/I$. E – күзниң электр құзғалуучанлығы, I – токнинг бўсаға кучи (МкА). Формула сони 1000 га кўшайтирилади, яхлитлаш учун.

Күзниң электр құзғалуучанлығи шартли бирликларда белгиланади. Күзниң электр құзғалуучанлыгининг ошиши марказий асаб тизимининг құзғалуучанлыгини ошганлыгини билдиради. (25 – расм)




25 – расм. Күзниң электр құзғалуучанлыгини аниклаш асбоби чизмаси.

Динамометрия

Статик иш кўрсаткичлари бўйича қўл мушакларининг кучи ва чидамлилiği динамометрия ёрдамида аникланади. Бу усул асаб мушак аппаратининг функционал ҳолатига баҳо берища ишлатилади. Шу мақсадда портатив В.В.Розенбалт симболи динамометри ёки гидродинамометр ишлатилади.

Мослама тузилиш чизмаси қуйидагича: резинали сув билан тўлдирилган резина нок (1), мосламанинг юқори қисми билан

уланган (2) ва тепадан винт (3) билан бириктирилган бўлиб, пастдан мембрана (5) орқали поршен (4) билан боғланган, поршеннинг пастида сувли симоб тўлдирилган ҳажм (6) бўлиб, у монометрли трубка (7) билан боғланган. Резина нок сиқилганда сув поршенинни босади, босим симобга берилади ва у трубкадан кўтарилиб кучланишини кўрсатади. (26 – расм)



26 – расм. Динамометрнинг тузилиш чизмаси.

Текшириш вақтида текширилувчи 2 марта максимал куч билан резина нокни сиқади. Энг катта кўрсаткич якуний деб олинади. Мушаклар чидамлигини аниқлашда бор кучни ярмига тенг бўлган куч билан нокни сиқиб туради ва бу жараён бундай кучланишини ушлаб тура олмаслик вақтигача давом этади.

Олинган кўрсаткичлар статик чидамлилик ҳақида маълумот беради. Текширилувчининг мушаклар чидамлилиги вақтнинг камайиб бориши, мушак чидамлигини сусайишдан далолат беради.

Эргография – бу динамик иш кўрсаткичлари бўйича қўл мушак кучини ва чидамлигини аниқлашдир. Бармоқ эргографлари ёрдамида аниқланади. Бу мослама бир вақтнинг ўзида ҳам куч, ҳам чидамлиликни аниқлаш имконини беради, шу билан бирга چарчашиб даражасини аниқлади. Текширув қуйидагича олиб борилади: текширилувчи четига эргограф маҳкамланган стол олдираги табуреткага ўтиради ва 1,3,4,5 – бармоқлар билан эргограф стержинини ушлайди, 2 – бармоқни трос охиридаги петлига тикади. Буйруқдан сўнг метраном такти бўйича шу бармоқни максимал букиб ёзади. 2 бармоқ букилганда юк

күтарилади ва бир вақтда қурилмани ҳаракатли қисм қўзғалиб силжувчи лентага ёзади. Юк оғирлиги қўлни максимал сиқув кучини шу ёш учун 1/8 – 1/10 қисмини ташкил этиши зарур. Текширувчи умумий ҳисқаришлар сонини ва эргограмма амплитудасини, иш вақтини ёзиб боради.

Иш бажариш учун кеттан вақт чидамийлик кўрсаткичи деб, максимал кўтарилиш баландлиги эса максимал куч деб қабул қилинади.

Эргограммани қайта ишлап М.В.Лейник усули бўйича олиб борилади. Бу усул чидамийлик ва максимал қўл кучидан ташқари фоизлардаги чарчаş даражасини ҳам аниқлашда ёрдам беради.

$$\frac{(a-b)}{A} \times 100$$

. а – биринчи кўтарилиш баландлиги. б – охирги кўтарилиш баландлиги 60 – минутда. Бу усул ўқувчиларнинг иш қобилиятида ўзига хос ўзгаришларни ҳисобга олишга имкон яратади.

Актография – «ҳаракат безовталигини» объектив белгилаш, ҳимояланувчи безовталанишда ифодаланувчи эрта чарчашни аниқлашда ёрдам беради.

Текширувни ўтказиш учун стул ўтиргичига, суюнчиғига ва стол қопқоғининг ички юзасига Морре капсуласи резина найлар билан уланган пневмодатчиклар ўрнатилади. Ўқувчининг ҳар бир қилган ҳаракатида ёки столга тиralганида тизимдаги босим ўзгариб бир текисда ҳаракатланаётган лентага ёзилиб боради. Ёзув одатда бутун ўқув жараёни давомида олиб борилади. Актограммада турли амплитудали тўлқинлар ёзилади. Кичик амплитудадаги тебранишлар ўқув жараёнидаги характеристларга, кatta амплитудадаги тўлқинлар эса вазиятни ўзгариши билан мос келади. Шу усул билан тебраниш амплитудаси ва частотасидан ўқув жараёнидаги «ҳаракат безовталиги»ни билиб олинади.

Тремометрия – ҳаракат аниқлиги ва координацияси аниқланади. Қўл кафтининг майда асаб – мушак функционал ҳолатини аниқлашга имкон беради.

Текширув Ю.В.Верхало конструкциясидаги ФТ – 2В фонотремометр ёрдамида ўтказилади. У металл планшет, турли шаклли дарчалари билан, импулслар ҳисоблагичи ва ингичка металл спицадан иборат. Текшириш пайтида текширилувчи металл спицани диаметри 5 мм ли панелдаги тешикда 30с давомида ушлаб турди, бунда тешик деворларига тегмасликка ҳаракат қилади. Текширилувчини қўли тарозда бўлиб, горизонтал ҳолатда бўлиши керак. Ҳар бир тегиши электр ҳисоблагич билан ёзиб борилади. 30 с мобайнида умумий тегишлилар сони аниқланади. Тегишлилар сонини сезиларли ошиб бориши, марказий асаб тизимида салбий функционал ўзгаришлар борлигини кўрсатади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Чарчаş жараёнининг физиологик асослари.
2. Ақлий меҳнатни меъёрлаштиришнинг гигиеник асослари.
3. Кун ва ҳафта давомида ўқувчиларнинг ишлаш қобилиятининг ўзгариши.
4. Марказий асаб тизими функционал ҳолатини текшириш усуллари.
5. Хронорефлексометр ёрдамида кўриш ва эшитиш мотор реакциясининг яширин даврини аниқлаш усублари.
6. Анфимов жадваллари ёрдамида ўқувчиларнинг ишлаш қобилиятини баҳолаш.
7. Платонов жадваллари ёрдамида диққатни текшириш усуллари.
8. Статик ва динамик иш кўрсаткичлари бўйича мушак кучи ва чидамлигини аниқлаш усуллари.
9. Треморометрия – ҳаракат координациясини аниқлаш усули.
10. Аниқ кўриш чидамлигини текшириш усуллари.

МАВЗУТА ТЕГИШЛИ ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Кун тартибини тузишда қайси асосий компонентларни ҳисобга олиш керак?
 1. Ҳар хил фаолият турларининг оптималь давомийлиги рационал кетма – кетлиги ва даврийлиги.
 2. Очик ҳавода максимал дам олиши.
 3. Ўз вақтида овқатланиши.
 4. Гигиеник тўлақонли уйқу.
 5. Ҳамма қайд этилганлар.
2. Боғча (мактаб олди) гуруҳи болалар кун тартибининг асосий компонентларини кўрсатинг: а)уйқу, б)дам олиш, в)овқатланиш, г)тетикланиш, д)ҳаракатли ўйинлар
 1. а,б,в.
 2. в,г,д.
 3. а,б,д.
 4. а,б,г.
 5. а,г,д.
3. Мактаб ўқувчилари ишлаш қобилиятининг кўтарилиши даврларининг аниқ вақтларини кўрсатинг:
 - 1чи 9 – 11, 2чи 15 – 17
 2. 1чи 8 – 12, 2чи 16 – 18
 3. 1чи 8 – 10, 2чи 15 – 18
 4. 1чи 9 – 12, 2чи 16 – 19
 5. 1чи 7 – 11, 2чи 15 – 17
4. Меъёрий вақт давомида ухламаслик қандай физиологик ўзгаришларга олиб келади:
 1. Асаб қўзғалувчанлигига олиб келувчи ўта чарчаş
 2. Ишлаш қобилиятининг пасайиши ва қўзғалиш

3. Ишлап қобилятигининг пасайиши ва چарчаш
 4. Асаб қўзғалувчанлигига олиб келувчи толиқиши даражасига
 5. Ишлап қобилятигининг пасайиши ва ўта толиқиши ҳолатига
- 5. Мактабда қайси синфлар 1 сменада ўқиш мақсадга мувофиқ:**
1. 1,2,5,6,10,11.
 2. 1,5,8,10.
 3. 1,2,3,4.
 4. 1,2,3,9,11.
 5. 1,3,5,9,11.
- 6. 6 ёшли мактаб ўқувчисининг уйга вазифасини тайёрлаш давомийлиги қанча бўлиши керак?**
1. 2 соаттacha.
 2. 20 – 30 дақиқа.
 3. 30 – 45 дақиқа.
 4. 1 соаттacha.
 5. уйга вазифа олмайди.
- 7. Бошлангич синф ўқувчилари учун танаффус давомийлиги ва кетма-кетлигининг қулай варианти қайси?**
1. 10 – 20 – 20 – 10.
 2. 10 – 20 – 10.
 3. 10 – 30 – 10 – 10.
 4. 10 – 10 – 30 – 10.
 5. 10 – 10 – 20 – 15.
- 8. Дарс неча қисмга бўлинади?**
1. 2.
 2. 3.
 3. 4.
 4. 5.
 5. 2 – 3.
- 9. Чарчашнинг асосий белгисини кўрсатинг:**
1. Ички кўзғалишнинг бўшашини.
 2. Самарали ишлашнинг пасайиши.
 3. Хатолар сонини ошиши.
 4. Физиологик кўрсаткичларнинг ўзгариши.
- 10. Болаларниң диққат-зътибори фаолияти қайси усулда текширилади?**
1. Расмлар жадвали.
 2. Платонов жадвали.
 3. Анфимов жадвали.
 4. Корректор жадвали.
 5. Арифметик масалалар.

МАВЗУГА ТЕГИШЛИ ЎРГАТУВЧИ, НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ДАСТУРЛАР

- 1. Организмнинг ишлаш қобилиятини кузатишнинг асосий усуларини кўрсатинг:**
 1. Арифметик топшириқлар.
 2. Хронорефлексометрия.
 3. Аниқ кўриш чидамлилигини аниқлаш.
 4. Фигурали жадваллар.
 5. Анфимов жадваллари.
 6. Платонов жадваллари.
 7. Эргография, динамометрия, актография.
 8. Треморометрия.
- 2. Организмнинг функционал ҳолатини текширишнинг асосий усуларини кўрсатинг:**
 1. Эхоскопия.
 2. Рентгеноскопия.
 3. Хронорефлексометрия.
 4. Аниқ кўриш чидамлигини аниқлаш.
 5. Кўзнинг электр қўзғалувчанлигини аниқлаш.
 6. Эргография, динамометрия, актография.
 7. Треморометрия.
 8. УТГ ултратовуш текшириш ташкиси.
 9. Реноскопия.
- 3. Тремометрия усулида қуйидаги кўрсаткичлар аниқланади:**
 1. Координация.
 2. Ҳаракат аниқлиги.
 3. Асаб тизимини фаолияти.
 4. Қўлнинг мушак кучи.
- 4. Эргография усулида қайси кўрсаткичлар баҳоланади?**
 1. Динамик шароитдаги куч.
 2. Динамик шароитдаги чидамлилик.
 3. Чарчаш даражаси.
 4. Статистик иш шароитидаги мушак кучи.
 5. Статистик иш шароитидаги чидамлилик.
 6. Ҳаракат координацияси.
- 5. Динамометрия усули бўйича қайси кўрсаткичлар аниқланади?**
 1. Динамик шароитдаги куч.
 2. Динамик шароитдаги чидамлилик.
 3. Статик иш шароитидаги куч.
 4. Статик иш шароитидаги чидамлилик.
- 6. Ландольт ҳалқасининг асосий ўлчамлари:**
 1. Ташқи 3,5 мм.

2. Қалинлігі 0,7 мм.
3. Ташқи 5 мм.
4. Қалинліги 0,1 мм.

7. Хронорефлексометр ёрдамида аниқланадын асосий күрсаткышларның күрсатыншылары:

1. Эшитиш – мотор реакциясынинг яшириң даври.
2. Күриш – мотор реакциясынинг яшириң даври.
3. Дифференцировка (ранг.)
4. Эшитиш кучи ва диапазонлари.
5. Күриш ўтқирилгіси ва фаолияти.

8. Корректур жадваллар ёрдамида ишлеш қобилятигининг қайси күрсаткышлари бағданады?

1. Ҳаракат тезлигі.
2. Ҳаракат аниқлігі.
3. Организмнинг функционал ҳолаты.
4. Организмнинг ишлеш қобиляти.

9. Актограф ёрдамида қандай тебранишлар аниқланады?

1. Сезилмайдын.
2. Кичик амплитудалы.
3. Катта амплитудалы.
4. Юқори частоталы.

10. Хронометраж ёрдамида нималар аниқланады?

1. Болаларнинг ишлеш қобиляти.
2. Ишлеш қобилятигининг самараңдорлігі.
3. Ўқув активлігі.
4. Ҳаракат безовталыгы.
5. Дарснинг мотор зичлігі.
6. Дарснинг умумий зичлігі.
7. Дарснинг физиологик зерделілігі.

Мавзуга тегишиلى үйретишнинг янги инновацион технологиялық усуллары

Мавзуу: «Ўқув-тарбия жараённаның гигиеник бағо берилүү» мавзусидаги амалий маңыздылыктын иш тартибига құшымча равищда үйретишнинг янги технологиялық усулларыдан «Қор бүрөн» услугубини құллаш

Талабалар иккита кичик гурұхта ажратылады. Иккита гурұх талабаларига битта муаммо ёки вазият берилади. Ўқитувчи назоратчи сиғатиды иштирок этади. Талабалар бир – бирләри билан муаммони ёритишінде савол – жавоб тарнишасыда мунозараны ташкиллаштырылады. Саволларга жавоб берішінде қилинган хатоларни иккінчі гурұх талабалари түгриллашады. Агар ЎНД фойдаланилса, түгри жавобларнинг сони саналады.

Услубнинг бошқа бир варианти қуийдаги тартибда олиб борилади. Энг кўп миқдорда тўғри жавоб олиш мақсадида муаммони ёки вазиятни биргалиқда таҳдил қилишади. Ҳар бир тўғри жавоб учун юмалоқланган қор кўринишидаги жетон тарқатилади ва унда шу гурӯҳ учун ёзиладиган жавоб варианти бўллади. Энг кўп жетон тўплаган ва тўғри жавоб вариантини тошган гурӯҳ аъло баҳо билан баҳоланади ва голиб деб ҳисобланади. Ушбу усул давомида ўргатувчи, назорат қилувчи дастурдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Талабаларга мавзу бўйича қуийдаги муаммоли саволлар берилishi мумкин:

1. Мактабда ўқув тарбия жараёнини баҳолашнинг гигиеник мезонларини тушунтириб беринг.
2. Дарснинг мотор зичлиги қандай аниқланади?
3. Ўқув фаоллиги нима?
4. Ҳаракат безовталиги қандай аниқланади?
5. Умумтаълим дарсларининг таркибий қисми ва уларнинг давомийлигига қўйилган гигиеник талабларни асослаб беринг.
6. Жисмоний тарбия дарсининг таркибий қисми ва уларнинг давомийлигига қўйилган гигиеник талабларни асослаб беринг.
7. Организмнинг ишлаш қобилияти ва функционал ҳолатига гигиеник баҳо бериш усуllibарини тушунтириб беринг.
8. Хронорефлексометрнинг ишлаш тартибини тушунтириб беринг.
9. Дарс жадвали тузишда нималарга эътибор бериш керак.
10. Чарчашиб олдини олишнинг гигиеник мезонларини асослаб беринг.

АМАЛИЙ КЎНИКМА МАКТАБЛАРДА ЎҚИШ ЖАРАЁНИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

Мазкур иш тури болалар ва ўсмирлар гигиенаси соҳасида жорий санитария назоратининг муҳим бир қисми ҳисобланади; назорат даврий равишда аммо 4 дан ортиқ бўлмаган муддатларда ўтказилади. Кун тартиби ва ўқиш жараёнини ташкил этилганлигини баҳолаш визуал тарзда ўтказилади.

Ишни бажариш учун қуийдагилар зарур: Сан+ваM-0033-94, 0052-96, 0069-96, 0071-97, 0074-97, 01.02.2000.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ

Мактабда ўқув жараёнини гигиеник баҳолаш.

1. Ҳар бир синф бўйича ҳафталик ва кунлик ўқув юкламасини, ўқув соатларини баҳолаш.

2. Кун ва ҳафта давомидаги дарс жадвалини гигиеник баҳолаш:

- синфлар бўйича дарсларнинг бошланиши вақти;
- кун ва ҳафта давомидаги дарслар сони уларни мураккаблиги бўйича таъсимлаш;
- дарсларнинг оқилона алмаштирилиши (тил дарслари, мураккаблик даражаси бўйича);
- кетма – кет келган бир хил фанларнинг борлиги ва сабаблари;
- ҳафта давомидаги жисмоний тарбия дарсларининг сони;

3. Кичик ва катта танаффусларнинг давомийлиги, уни ташкил этилганлиги ва ўтказилиш жойи.

4. Ўқувчиларни гигиеник тарбиялаш бўйича машгулотларнинг ташкил этилганлиги ва ўтказилишини баҳолаш.

5. Ота – оналар ва мактаб ходимлари учун санитария оқартув ишларини ташкил этилганлиги.

6. Мактабдаги ўқув машгулотларининг ташкил этилганлигини баҳолаш бўйича хулоса тузиш ва уни мувофиқлантириш бўйича тавсиялар бериш.

III.БОБ. Жисмоний тарбияни гигиеник баҳолаш

Жисмоний тарбия болалар ва ўсмирлар дунёқарашини ҳар томонлама кенгайтиради. Уларни соғлом қилиб тарбиялашда доимий тадбирлардан бири бўлиб ҳисобланади. Жисмоний маданият – жисмоний тарбиянинг маҳсули бўлиб, инсон умумий маданиятининг бир қисмиdir. Болалар ва ўсмирлар жамоасини баркамол ва етук гармоник равишга мос қилиб тарбиялашда барча экологик ва ижтимоий тадбирлар туркумига кирадиган жисмоний тарбия ҳамда спортнинг аҳамияти бекиёсdir.

Болалар ва ўсмирлар учун жисмоний тарбия ва чиниқтириш машқлари жисмоний тарбиянинг асосий қисмлари бўлиб, уларнинг кейинги меҳнат фаолиятига тайёргарлик даражаси ҳисобланади. Жисмоний тарбия – болаларнинг ҳар томонлама баркамол ва соғлом етилишига яратиладиган заминдир. Жисмоний тарбиянинг асосий соғломлаштирувчи ва тарбиявий вазифаларига қўйидагилар киради:

1. Саломатлик ҳолатини яхшилаб, жисмоний тарбия ишларини янада кенг йўлга қўйиш ва организмни атроф – муҳитнинг зарарли ва ноқулай омилларига қаршилигини кучайтириш.
2. Асосий ҳаракат кўникмаларини шакллантириб, кучли, чақон, тезкор, эгчил ва чиниқкан қилиб етиштириш.
3. Жисмоний тарбия ва чиниқтириш машқлари билан доимий шуғулланиш кўникмаларини ҳосил қилиш.
4. Фаоллик, ташаббускорлик ва ўртоқлик ҳиссиётлари руҳида тарбиялаш.
5. Жисмоний тарбия ва спорт гигиенаси қоидалари билан болалар ва ўсмирлар контингентини таништириш;
6. жароҳатланишни одинни олиш.

Республикамида жисмоний тарбия илмий асосда олиб борилади, бунда энг аввало болалар организм мини морффункционал имкониятларини, болалар ва ўсмирлар контингентининг ёши ва жинсий хусусиятларини инобатта олиш керак.

Болалар ва ўсмирлар саломатлик ҳолати асосан уларнинг жисмоний хусусиятларига боғлиқ бўлади, шахснинг саломатлик ҳолатини баҳолашда организмнинг функционал кўрсаткичларига баҳо бериш билан биргаликда унинг компенсатор – мослапиш имкониятларини билиш лозим. Болалар ва ўсмирлар саломатлик ҳолати кўрсаткичларининг таҳлили шуни кўрсатадики, унда ижтимоий – гигиеник омиллар ичida оптимал ҳаракат тартибининг ўрни бекиёсdir. Жисмоний тарбия ва унинг воситалари саломатлик ҳолатини мустаҳкамлаш, сурункали касалмикларнинг носпективик даражада одинни олишида катта ўрин тутади. Бу ўз ўрнида соғломлаштириш чора – тадбирларини илмий асослаш ва ўсузвчи организмнинг жисмоний тарбиялашни тўғри

ташкиллаштиришни талаб қиласи. Болалар ва ўсмирлар организмининг функционал ҳолатига жисмоний тарбия ва спортнинг тизими машгуотлари ижобий таъсири кўрсатади. Жисмоний юкламалар организмнинг нафас олиш ва юрак – қон томир тизими фаолиятини жадаллаштиради, асосий алмашинув жараёнлари фаолигини оширади, шунингдек, жисмоний ривожланишини гармониклек ҳолатини таъминлайди. Жисмоний тарбия дарсларини (машгуотлари) очиқ ҳаво шароитида ўтказиш, қонни кислород билан таъминланишини тезлаштириб, ақлий иш самарадорлигини таъминлайди. Болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбиялаш тизими тўртта кичик бўлимлар ёки таълим туридан иборат: асосий, қўшимча, факултатив ва мустақил таълим (3.1 тасвир). Биринчи учта таълим тури давлат дастури бўйича ташкиллаштирилади.

Асосий таълим тури ўз ичига жисмоний тарбия машгуотлари ва дарсларини олади.

Қўшимча таълим тури жисмоний соғломлаштирувчи ва жисмоний спорт чора – тадбирларини ўз ичига олади: бунга гигиеник бадантарбия, жисмоний дақиқалар, танаффусдаги ўйинлар, куни узайтирилган гуруҳлар, кун тартибидаги спорт соғлалари, спорт байрамлари ва саломатлик кунлари киради.

Таълим – тарбия муассасаларида тарбияланадиган болалар ва ўсмирлар кун тартибидаги асосий ва қўшимча жисмоний тарбия турини бажариш ва ўзлаштириш мажбурийдир. У боланинг саломатлик ҳолати ва жисмоний тайёргарлигини инобаттга олган ҳолда кетма – кет тарзда қўлманилади.

Факултатив таълим тури таълим ва тарбия муассасаларининг иш фаолиятида мажбурий бўлмаса – да бироқ, спорт тайёргарлиги, саломатлик ҳолати организмдаги нуқсонларни бартараф этишда ва ҳаракат фаолигини оширишда асосий ҳисобланади. Ушбу таълим тури мактаб ва синфдан ташқари машгуотларда, маҳсус дастур асосида спорт тўгаракларида, даволовчи жисмоний тарбия ва шахсий услуг асосида даволаш – соғломлаштирувчи машгуотларда қўлманилади.

Мустақил таълим жисмоний тарбиянинг тури – воситаларини қўллаш билан биргаликда спорт ва соғломлаштириш марказларида шахсий ва оммавий тарзда ташкиллаштирилади.

Мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбиялаш тизимига қўйидагилар киради:

- I. Таълим тури.
- II. Шакли.
- III. Воситалари.
- IV. Мақсади.

Тасвир 3.1.

БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯЛАШ ТИЗИМИ

I. Жисмоний тарбия турлари							
Асосий тарбия		Ёрдамчи тарбия		Факультатив таълим		Мустақил таълим	
II. Жисмоний тарбия шакллари							
Дарс	Маш – гулот	Жисмоний соғ – ломлаштирувчи машгу – лотлар	Жис – моний спорт маш – гулот – лари	Спорт машқи	Даволаш соғлом – лашти – рувчи машқи	Шахсий машгу – лотлар	Умумий машгу – лотлар
III. Жисмоний тарбия воситалари							
Жисмоний машқлар	Табиий омиллар	Уқалаш – массаж	Табиий ҳаракат	Шахсий гигиена			
IV. Жисмоний тарбиянинг маңсади							
Саломатлик ҳолатини мустаҳкамлаб, гармоник ривожланнишни таъминлайди, юкимоний қобилиятини ошигради							

3.1. Болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбиялашни ташкиллаштиришни гигиеник баҳолаш

Мавзуни ўрганишнинг асосий мақсади – болалар ва ўсмирлар муассасаларида жисмоний тарбия машғулотларини ташкиллаштириш устидан санитария назорати олиб боришга қаратилган билим ва кўникмаларни яхши ўзлаштиришдан иборат бўлиб, қўйидаги усусларни билиши лозим:

1. Мактабгача болалар муассасалари (МБМ) тарбия, мактаб ва ўсмилик ёшидаги болалар орасида ташкиллаштириладиган жисмоний тарбиянинг турли шакларини баҳолаш.
2. Организмнинг функционал имкониятларини баҳолаш.
3. Жисмоний тарбия дарсларининг жиҳозланиши ва ўтказиш шароитига гигиеник баҳо бериш.

Ушбу мавзу бўйича берилган топшириклар кафедранинг илмий лабораториясида, МБМларда, мактабларда ва касбий мактабларда ташкиллаштирилади. Кафедранинг илмий лабораториясида жисмоний тарбия машғулотларини ташкиллаштириш усуслари ва уни тиббий назорат қилиш тартиби ўрганилади. Жисмоний тарбия машғулотларини ташкиллаштириш ва гигиеник баҳолаш тартиби МБМларни, мактаб ва касбий мактабларни комплекс санитар–гигиеник текшириш давомида бажарилади.

Инсон ҳаёт давомида турли хил фаолиятларни бажаради, уларнинг ҳажми организмнинг биологик эҳтиёжига боғлиқ бўлиб, унинг амалга оширилиши ижтимоий омилларга боғлиқ бўлади.

Ҳаракат фаоллиги деб – бу маълум бир вақт оралиғида (дақиқа, соатда) турли хил фаолиятларнинг суммар бирлигига айтилади.

Оптималь ҳаракатдаги бола организмининг биологик эҳтиёжини қондириш керак. Бунга кинезофиля дейилади. Организмда ҳаракат кўникмаларнинг етишмаслигига гипокинезия дейилади. Болалар ва ўсмирлар организмидаги гипокинетик ҳолатта обьектив гипокинетик шароитлар, шунингдек, мажбурий гипокинезия турларида гуруҳлар киритилади. Бу омилларга илмий–техника тараққиёти жараёни сабаб бўлади. Булар яёв юриш ўрнига автотранспортлардан фойдаланиш, театрлар ўрнига телевизор ва видео воситалари олдида ўтириш, зинапоя ўрнига лифтдан фойдаланиш ва бошқалар дарс жараёнларида уларнинг статистик компонентларининг ошиб кетишига сабаб бўлади.

Турли хил йўналишдаги таълим–тарбия муассасаларида қўйидаги жисмоний тарбия дарсининг (машғулотларининг) турлари ташкиллаштирилади.

Асосий турлари – жисмоний маданият (тарбия) дарслари ёки (машғулотлари).

Кўшимча турлари – дарс ва дарсдан ташқари вақтларда қўйидаги турлардан фойдаланилади.

1. Мактабгача тарбия болалар мұассасаларида жисмоний – соғломлаштирувчи машғулотлар;

- әрталабки бадантарбия,
- очиқ ҳавода сайр қилиш вақтидаги ҳаракатли ўйинлар,
- жисмоний дақылалар,
- жисмоний бүш вақтлар,
- жисмоний тарбия ва спорт байрамлари,
- саломатлық күннелерини ўз ичига олади.

2. Умумтағым мактабларыда күн тартибидаги спорт –

соғломлаштирувчи машғулотлар құйидагиларни ўз ичига олади;

- ўқув машғулотлари бошланғунча ўтказыладынан бадантарбия машқулар,
 - дарс вақтидаги жисмоний дақылалар,
 - көнгайтирилген ёки узайтирилген танаффуслардаги жисмоний машқулар ва ҳаракатли ўйинлар,
 - куни узайтирилген гуруұлардаги кундалик саломатлық соатлар.
- Факультатив тағым ўз ичига құйидагиларни олади.

1. Спорт тайёргарлігі;

- жисмоний тарбия тұғараларидаги машғулотлар,
- спорт тұғараллар (бадантарбия, бадминтон, баскетбол, волейбол, футбол),
- стол тениси, хоккей, кураш, ритмик бадантарбия,
- умумий жисмоний тайёргарлік гуруұлар.

2. Мактаблардаги жисмоний тарбия ва оиласынан спорт чора – тадбирлар;

- ҳар ойда бир марталик спорт ва саломатлық күнлери,
- мактаб ичида ташкиллаштирилген мусобақалар, туристик сайрлар.

3. Даволаш соғломлаштирувчи машғулотлар;

- махсус тиббий гуруұлар,
- даволаш жисмоний тарбия диспансерларидаги даволаш – жисмоний соғломлаштирувчи тарбия гуруұлары,
- даволаш жисмоний тарбия диспансерларидаги ва поликлиникалардаги шахсий даволовчи – жисмоний тарбия машғулотлари,
- дарс бошланғунгача бўлган бадантарбия, жисмоний дақылалар, ишлаб чиқарип дақылалар,
- танаффуслардаги жисмоний дақылалар.

Мустақил тағым ўз ичига құйидагиларни олади;

- ота – оналар билан биргаликдаги ҳаракатли ўйинлар, барча оила аязолари старты, ота – оналар билан уюштирилген сайрлар, йил давомидаги сузиш гуруұларига обуна бўлиш, чиниқтириш, тұғаралардаги машғулотлар, соғломлаштирувчи

югуриш ва юриш тұтақларидағи машқлар, велоспорт ва бошқалар, шахсий режага асосан мустақил тайёрланиш.

Жисмоний тарбиянинг асосий воситаларига қуидагилар киради;

- жисмоний машқлар, табиий омиллар, үқалаш – массаж,
- әркін ҳаракатлы йүйнлар, шахсий гигиена.

Жисмоний тарбия дарслари (машғулотлари) мактабгача тарбия болалар муассасаларида, умумтағым мактабларида, қасб – ҳунар мактаблари ва бошқа болалар ва ўсмирлар муассасаларида дастурға мөс равищда илмий асосланған · таркибий түзилиш давомида ташкиллаштирилади.

Дарс (машғулот) түзилишига қараб З та қисмга бўлинади: кириш, асосий, хуроса.

Кириш қисмининг вазифаси – болалар ва ўсмирлар жамоасининг эмоционал қайфиятини шакллантириш, уларнинг диққатини ошириш, оддинда турган жисмоний юкламани бажаришга организмни тайёрлаш.

Асосий қисмининг вазифаси – асосий ҳаракат күнікмаларига ўргатиш ва уни мустақамлаш, жисмоний сифатларни ривожлантириш, турли мушак гуруҳларини тайёргарлик даражасини ошириш ва организмнинг физиологик вазифаларини шакллантириш.

Жисмоний тарбия дарсининг (машғулотларининг) хуроса қисмининг вазифаси – юқори мушак фаоллик даражасидан паст даражасига ўтишни таъминлаш, ҳаракат қўзғалувчанлигини йўқотиш ва болалар ва ўсмирларнинг тетиклантирувчи қайфиятини таъминлашдан иборат.

3.2. Мактабгача болалар муассасалари (МБМ)да жисмоний тарбия машғулотларини ташкиллаштиришга бўлган гигиеник талаблар

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар жисмоний тарбия машғулотлари ва уларнинг давомийлиги, таркибий қисми болаларнинг ёшига боғлиқ бўлади.

Машғулотларнинг кириш қисми юриш ва югуришга тайёргарлик даражасини таъминлашга қаратилган машқларни ўз ичига олади. Болалар бир текис равон ҳолда әркін юришини ўрганадилар, ритмик равищда енгил юградилар. Болаларнинг юриш тартиби турли даражада ташкиллаштирилиши керак. Оёқда пайпоқ билан, товонда юриш ва бошқалар. Ушбу тарзда юришини ташкиллаштириш тана ҳолатини тўғри шаклланиши ва ясси оёқлиликтини олдини олишга қаратилади. Нафас олиш машқлари – машғулотни кириш қисмининг асосий белгилари бўлиб, болани тўғри нафас олишга ўргатишда аҳамиятли ҳисобланади ва турли

таассуротлар натижасида шамоллаш касалликларининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Жадвал 3.2.1.

3–7 ёшгача бўлган болаларни жисмоний тарбия машгулотларининг умумий давомийлиги (дақиқаларда)

Болаларнинг ёли, гуруҳдари	Машгулот – ларнинг давомийлиги	Таркибий қисмларнинг давомийлиги				
		Асосий				
		Кириш	Умумий ривожлантирувчи машқулар	Асосий ҳаракат – ларга ўргатиш	Ҳаракатли ўйинлар	Хуоса
3–4	15–20	2–3	4–5	9–10	3–4	2–3
4–5	20–25	3–4	5–6	11–12	3–4	3–4
5–6	25–30	3–4	6–7	13–15	4	4–5
6–7	30–35	3–4	7–8	14–15	4	4–5

Машгулотнинг асосий қисми умумий ривожлантиришга қаратилган турли ҳолатдаги тана ҳолатларида олиб борилади – турган, ўтирган ва ёттан ҳолатда. Машгулотлар турли мушак гуруҳларининг ривожланишига, тана мушакларининг юкламасини, тананинг асосий қисми ва бошқа қисмларига бир хил тарқалишига қаратилган бўлиши керак. Кенг тарзда жисмоний қўлланмалардан фойдаланилади: байроқчалар, кегли, тайёқчалар, конгтоқчалар ва бошқалар. Умумий ривожлантиришга қаратилган машқулар тана ҳолати, қадди – қоматнинг тўғри шаклланишига, бир неча жисмоний сифатларни ривожланишига (элчил, куч ва чақонлик) ҳаракат координациясини шакллантиришга ёрдам беради. Бундан кейин янги ҳаракатларни шакллантиришга ва олдингиларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Битта машгулот давомида болалар икки ва учта янги ҳаракатларни ўрганади ва шу йўналишдаги ҳаракатларни мустаҳкамлайди. Машгулот асосий қисмининг охирида спорт ўйинлари, эстафеталар ўтказилиб, олдинги ҳосил бўлган ҳаракат кўникмаларини амалга оширади.

Машгулотнинг хуоса қисми тинч ҳаракатли ўйинлар, нафасни ривожлантирувчи машқулари билан боғлиқ равишдаги юришлар, машгулотни якунлашга қаратилган бўлиши керак.

4–5 ёшли болалар жисмоний машгулотларининг таркиби 3.2.1. жадвалда кўрсатилган.

Йил давомида очиқ ҳавода жисмоний тарбия машгулотларини ўтказишнинг усуслари ишлаб чиқилган. Очиқ ҳавода жисмоний тарбия машгулотларининг ўтказишнинг асосий хусусиятлари турли даражадаги югуриш машқуларини бажаришга қаратилган. Йилнинг совуқ мавсумида машгулот вақтидаги юқори ҳаракат фаоллиги организмдаги иссиқлик балансини сақлаб қолишини таъминлайди. Очиқ ҳавода ўтказиладиган машгулотларни йилнинг иссиқ вақтида

бошлаш мақсадға мувофиқдир: аста – секинлик билан ҳаво ҳароратининг пасайиши мослашиш жараёнининг бузилишини олдини олади. Жисмоний тарбия машғулотлари кун давомидаги сайдан олдин ва кейин ташкиллаштирилиши керак. Спорт залида ёки ташқарида ёз мавсумида жисмоний тарбия машғулотларини олиб борища спорт кийимлари майка, трусиқ ва тапочка (полукад ва кроссовка) дан иборат бўлиши керак. Йилнинг совуқ мавсумида ташқарида машғулотларни ташкиллаштиришда спорт кийими, майка, узун енгли футболка, колготка жунли пахта қопламали шапка, оддий пахтали ёки жунли пайпоқлар ва кета бўлиши керак (қуруқ ва ачиқ шамолда бошмодоқли кўлқоплар кийишга рухсат берилади). Қиши мавсумида, шамол ва қорда ҳавонинг ҳарорати – 12–15 даража бўлганда, спорт костюмининг устидан ҳаво ўтказмайдиган матодан тайёрланган курткалар, кроссовкалар ёки кетани енгил спорт этигига алмаштириш мумкин. Жисмоний тарбия залларидағи ҳавонинг ҳарорати +18 даражани ташкил қилиши керак.

Қиши мавсумида ташқарида ҳаво ҳарорати – 15 даражадан паст бўлмагандан, жисмоний тарбия дарсларини тўлиқ очиқ ҳавода ташкиллаштириш мумкин, сезиларли паст ҳароратларда 2–3 йил давомида шуғулланадиган вақтни 15–20 дақиқага қисқартириш мумкин.

Мактабгача тарбия муассасаларида болалар кун тартибининг асосий белгиси югуришдан иборат бўлган эрталабки бадантарбия машғулотлари, 3–4 та умумий ривожлантирувчи машқулар, юриш ва ўринда сакраш каби машқуларни бажариш ҳисобланади. Болаларни сафда туришини таъминлайди ва унда тортиловчи машқулар бажарилади. Эрталабки бадантарбия машқуларида оддий тарзда ташкиллаштириладиган жисмоний тарбия машқуларини бажарилади. Ҳар бир ҳаракат 4–5 марта қайтарилиши керак. Эрталабки бадантарбия машқулари аста – секинлик билан юриш орқали тутатилади.

Кун тартибини оқилона ташкиллаштиришда спорт ўйинлари ва гуруҳда сайдар давомидаги эркин ўйинлар, шунингдек, шахсий машғулотлар оралиғида ва танаффуслар вақтидаги ҳаракатли машқулар, гуруҳдаги эркин ўйинлардан тузилиши керак. Жисмоний тарбия байрамлари, «Саломатлик кунлари»ни ўтказиш кўзда тутилиши лозим, бундан ташқари боланинг хоҳишига қаратилган ҳаракат фаоллигига вақт ажратилиши лозим. Шундай тарзда ташкиллаштирилган жисмоний тарбия машғулотлари кунлик ҳаракат фаоллигининг 70%ни ташкил қилиши керак. Болалар ҳаракат фаоллигини умумий тарзда баҳолашни ташкиллаштириш тартиби кузатиш давомида санитария шифокори томонидан қўйидаги тартибда ўтказилади:

1. Ёши, жинси, саломатлик ҳолати ва болаларни жисмоний тайёргарлик даражасини инобатта олган ҳолда жисмоний тарбиянинг шакл ва воситаларини қўллашга шахсий ёндошиш;

2. Машгулот турини ташкиллаштиришга услубий ёндошиш (умумий давомийлиги, алоҳида таркибий қисмларининг давомийлиги, 2–4 та болалар мисолида жисмоний юкламанинг эгрилиги, чарчашинг ташқи белгилари, машгулотларни ўтказиш ўрни ва жиҳозлари);

3. Эрталабки бадантарбия машгулотларини ўтказишнинг хусусиятлари (турли ёш гуруҳларида ўтказиш тартиби, ўтказиш ўрни ва шароити, спорт кийимлари сони);

4. Кун тартибидаги ҳаракатли ўйинлар ўрни ва сони, уларни бошқа кун тартибидаги воситалар билан алмаштирилиши, жиҳозлари;

5. Сайр ва экскурсияларни ташкиллаштириш (давомийлиги, масофанинг узоқлиги, ўтказиш ўрни, кийимлар);

6. Жисмоний тайёргарлик даражаси, болаларнинг жисмоний ривожланиш маълумотлари ва саломатлик ҳолати кўрсаткичларини инобатта олиб, жисмоний тарбия машгулотларини ташкиллаштиришнинг таҳдили;

7. Болаларнинг ҳаракат фаолигини оширишга қаратилган дастур ва гигиеник тавсияларга мос келиши ва тўғри ташкиллаштирилганлиги, машгулотлар давомийлиги ва ўтказиш ўрни ва шароитига қараб жисмоний тарбиянинг соғломлаштирувчи таъсирининг самарадорлигини кўрсатган ҳолда хулоса бериш.

Камчиликлар аниқланган ҳолда аниқ тавсиялар берилади ва уларни бартараф этиш йўллари кўрсатилади. Мактабгача тарбия муассасаларида жисмоний тарбия машгулотларини ташкиллаштиришни гигиеник баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади: умумийлиги ва таркибий қисмларнинг давомийлиги, шунингдек, умумий ва мотор зичлигига баҳо берилади. Бунинг учун жисмоний тарбия машгулотнинг шахсий хронометражидан фойдаланилади. Умумий давомийлиги ва алоҳида таркибий қисмларнинг давомийлиги олинган натижаларига қараб, шифокор ҳар бир ёш гуруҳига мос таркибий қисмни тузади. (Жадвал 3.2.1.)


Жисмоний тарбия машгулотининг умумий зичлигини аниқлашда фойдали вақт ҳамда асосий ҳаракатларни бажаришга кеттан вақтлар инобатта олинади, тарбиячининг кўрсатмалари ва тушунтиришига, саф тортиш ва таркибий тузилиши, спорт жиҳозларини тозалаш, ҳаракат қилмайдиган вақтлар инобатта олинмайди. Умумий зичлик деб – дарснинг фойдали вақтини дарснинг умумий вақтига нисбатининг % лардаги ифодасига айтилади. Ушбу кўрсаткич 80–90 %дан кам бўлмаслиги керак. Мотор зичлик – бу дарсда болалар томонидан машгулотнинг

асосий ҳаракатларини бажаришга кетган вақтинг умумий вақтта нисбатининг %лардаги ифодасига айтилади. Етарли даражадаги ҳаракат фаоллигидан бу кўрсаткич 60–85%лар оралигида бўлиши керак. Жисмоний юкламага нисбатан организмнинг энг асосий белгиларидан бири бўлиб, пулс сони ҳисобланади. Жисмоний тарбия машғулотларида пулс сонининг ўзгариш ва тикланиш даражаси организмнинг юкламага нисбатан функционал имкониятига ва машғулот таркибий қисмининг тузилишига боғлиқ бўлади. Бола организмининг пульс сони машғулот бошлангунча 10 сонияли дақиқалар оралигида, кириш қисмидан кейин, умумий ривожлантирувчи машқулар, асосий ҳаракатлар, ҳаракатли ўйинлар, хулоса қисмida ва тиклангунгача 3–5 дақиқа ичida аниқланади.

Олинган маълумотларга асосланиб, машғулотнинг физиологик эгрилиги тузилади (3.2.1.расм), физиологик эгрилиқдаги горизонтал йўналиш бўйича дарс давомийлигигининг таркибий қисми кўрсатилган ҳолатда вақт дақиқаларида кўрсатилади, вертикал йўналишда пулс сони, 100% деб қабул қилинган дастлабки ҳолатдагидан кўтарилиш сони кўрсатилади. Машғулот тўғри ташкиллаштирилган вақтда физиологик эгрилик дарс бошига нисбатан дарснинг асосий қисмida кўтарилади. Максимал пулс сони ҳаракатли ўйинлар вақтида қайд қилинади, бу эса юкламанинг оширилганлиги, болаларни эмоционал зўриқданлигини кўрсатади. Одатда машғулотнинг кириш қисмida пульс 15–20%га, асосий қисмida 50–60%, ҳаракатли ўйинлар давомида 70–90%га ошади. Хулоса қисмida пульс сони пасаяди, дастлабки ҳолатда атиги 5–10% га ошади, дарс тутагандан, 2–3 дақиқалардан кейин дастлабки даражага қайтади.

Жисмоний тарбия машғулотларида шугулланиш самарадордигида пулс сонининг ўртacha даражасининг ошиши 5–7 ёнда дақиқасига 140–150 тагача, 3–4 ёнда – 130–140 тагача етади. Пулс сонининг ўртacha даражаси машғулотнинг ҳар бир 5 та таркибий қисмida олинган маълумотлар йиғиндисининг 5 га бўлинмаси нисбати билан баҳоланади.

Чарчашнинг ташки белгилари, жисмоний тарбия машғулотларининг турли воситаларни ўтказишда юкламалар даражасини оширилганлигини кўрсатади. Чарчашнинг 3 та даражаси ажратилади: энг юқори, сезиларли, кучли (жадвал 3.2.2). Энг юқори даражадаги чарчашда – жисмоний юкламага организмнинг тўлиқ жавоб таъсири кўрсатилади. Сезиларли даражадаги чарчаш белгилари кузатилганда, болада тарбиячи юкламаларни чегаралаб қўйиши керак, қайтадан бажарадиган машқуларни камайтириши керак, қийин машқуларни тўхтатиб, дам олишини узайтириш керак. Агар болада кучли чарчаш белгилари кузатилса, бу эса тавсия этилган юкламани бола организмининг жисмоний тайёргарлик даражасига мос келмаслигини кўрсатади.



3.2.1. – расм.

Жисмоний тарбия машғулотларида бола пулс сонининг динамикаси (физиологик юкламанинг эгрилиги).

Кучли – тезлаштирилган синамаларни бажариш натижаларининг хуласалари бўйича (30 метрга югуриш, юриш давомида 10 метрга югуриш, жойидан узоқликка сакраш, ўнг қўл ёрдамида узоқча коптокни улоқтириш) мактабгача тарбия ёшидаги болалар жисмоний тарбия машғулотларининг самараадорлигини баҳолайди.

Болаларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Чарчашиниг ривожланиш даражаси		
	Сезиларсиз	Сезиларли	Кучли
юз териси рангининг ўзгариши	сезиларсиз қизариш	сезиларли қизариш	тезда қизариш (оқариш, кўкариш)
терлаш	сезиларсиз	кенг тарқалган	жуда тез
нафас	тезлашган	жуда тез	жуда тез (юзаки, ҳансираш)
ҳаракат	бузилмаган	ишончсиз чайқалиш	тезда чайқалиш (ҳаракат бузилиши)
диққат эътибор	меъёрий	топшириқни нотўғри бажариш	топшириқни секин бажариш
жис қилиш қобилияти	яхши	чарчащдан шикоят қиласи	тезда чарчаш, мушакларда օғриқ, баш օғриғи, кўкрак соҳасида гижирлашни сезиш

3.3. Умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия дарсларини ташкиллаштиришга бўлган гигиеник талаблар

Мактаб ва ўсмиirlар муассасаларида жисмоний тарбияни ташкиллаштиришнинг гигиеник баҳолашнинг дастури.

1. Жисмоний тарбия дарси (ўқувчилар сони, дарсларга қатнашиш сони, касалликлар туфайли дарслардан озод қилиниши; дарснинг алоҳидаги қисмларини хронометраж усулида баҳолаш, дарснинг зичлиги, физиологик эгрилик даражаси 2 – 4 та болада, ҳафта ва кун тартибидағи жисмоний дарсларнинг сони ва давомийлиги);
2. Жисмоний тарбия залининг гигиеник шароитига баҳо бериш (ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлик даражаси ва ҳаво ҳаракатининг тезлиги ва уларнинг меъёрий кўрсаткичларга мос келиш);
3. Жисмоний тарбия залларининг жиҳозланиши (жиҳозларнинг ДавСТИга мос келиши, жиҳозларнинг жамламаси ва уларнинг санитария ҳолати);
4. Дарс бошлангунча ташкиллаштириладиган бадантарбия машқиларни ўтказиш ўрни ва жойи, давомийлилиги, ўқувчиларнинг ёши мос келишини солиштирилиши;
5. Жисмоний дақиқалар уларнинг турли синкларда кун давомидағи давомийлилигининг сони;
6. Махсус гурухларда дарсларни ташкиллаштириш ўрни ва давомийлилиги;

7. Қоматида нуқсонлари бўлган ўқувчилар учун қўшимча гимнастика машгулотларини бажариш ва унинг натижаларининг таҳлили (шифокор ва жисмоний тарбия дарсларининг маълумотларига асосан);
8. Белгиланган меъерий кўрсаткичларни топшириш (болаларнинг қамраб олиниши ва тиббий назоратни ташкиллаштириш);
9. Мактаб спорт секцияларида шуғулланувчи ўқувчилар сони (тўтараклар тури ва уларда шуғулланувчилар сони; тўтарак иш тартиби; бир машгулот давомийлиги ва уларнинг ҳафта давомидаги миқдори);
10. Мактаб, мактабларо ва туман миқёсидаги мусобақаларни ўтказиш (иштирокчилар сони ва қайси спорт тури бўйича, тиббий назорат);
11. Экскурсия ва сайдарни ташкиллаштириш (ўқув йили давомида ҳар бир синф учун уларнинг миқдори, экскурсиялар сони ва характеристи);
12. Шифокор назорати (жисмоний тарбия гуруҳларини аниқлаш, синфдан ташқари спорт ишини ташкиллаштиришда тиббий текширувлар сони).

Мактаб ўқувчилари билан олиб бориладиган жисмоний тарбия дарсларини ташкиллаштириш қўйидагича: жисмоний тарбия бўйича ўқув дастури, саломатлик ҳолати бўйича маҳсус тиббий гуруҳларга ажратилган ўқувчилар учун дарс дастури ва бошқа ҳужжатлар асосида ташкиллаштирилиши керак. Кун тарбига ҳафтасига 2 марта (2 та) жисмоний тарбия дарси ташкиллаштирилиши керак, дарснинг давомийлиги 45 дақиқадан, куни узайтирилган гуруҳлар учун кун тартибидаги кундалик жисмоний тарбия соатлари, танаффуслардаги ҳаракатли ўйинлар, эрталабки бадантарбия машгулотларидан иборат бўлиши керак.

Дарсдан ташқари вақтларда спорт ва жисмоний тарбия байрамларини ўтказиш режалаштирилиши керак. Спорт кунлари ва «Саломатлик кун»лари ва бошқалар, спорт тўтаракларидаги машгулотлар ташкиллаштирилиши лозим.

1 – 4, 5 – 9, 10 – 11 – синф ўқувчилари учун алоҳида таркибий қисмлардан ташкил топган дастурга мос дарсларни ташкиллаштириш лозим.

Мактаб педиатр – шифокорининг йиллик тиббий қўриклари натижаларига асосланиб, тиббий гуруҳларга ўқувчилар ажратилади: буларга асосий, тайёрлов, маҳсус гуруҳлар киради (жадвал 3.3.1).

Бу ўқувчилар билан ушбу гуруҳларда дарсларни олиб бориш ўзига хос жусусиятта эга. Саломатлик ҳолати бўйича асосий ва тайёрлов гуруҳларига киритилган болалар дарсларда бирга шуғулланиши мумкин, бироқ кейинчалик даврийлиги ва

юкламанинг ҳажмини пасайтириш лозим (югуриш даражасини енгил югуриш ва юриш билан алмаштирилади, машқларнинг қайтадан бажарилиши камайтирилади, қўл куч сарфлашни талаб қиласиган машқларни бажариш чегараланади). Махсус тиббий гурухларга киритилган ўқувчилар дарс соатларидан ташқари махсус жадвал асосида шуғулланади. Касаллик туфайли дарс қолдирган болалар ва ўсмирлар умумтаълим мактаб дастурига мос дарсларга қатнашишига ружсат берилсада, бироқ жисмоний тарбия дарсларига 3.3.2. – жадвалда келтирилган муддатда шуғулланишдан четлаштирилади.

Мактаб ўқувчилари жисмоний тарбия дарсларини ташкиллаштирилишига умумий баҳо беришда санитария шифокори қўйидаги тартибдаги кузатиш натижалари асосида олиб боради.

1. Дарснинг таркиби ва юкламани ҳажми – ўқувчилар жинси ва ёши, жисмоний тайёргарлик даражаси ва саломатлик ҳолатига мос келиши керак.
2. Дарсни тўғри ташкиллаштириш ва унинг алоҳида ажратилган таркибий қисмларига физиологик юкламанинг меъёрий мотор зичлигини ҳосил қилиш керак.
3. Саломатлик ҳолатини яхшилашта, қадди – қоматини тўғри шакллантиришга ва гармоник равишдаги жисмоний ривожланишини таъминлашга қаратилган жисмоний тарбия машқларини бажариш.
4. Ҳафта ва кун давомида дарс жадвалида жисмоний тарбия дарсининг ўрни ва кетма – кетлигига риоя қилиш.
5. Махсус хоналарда (спорт ва гимнастика заллари) махсус жиҳозланган мактаб участкаси, стадион, бассейнларда машгулотлар ўтказиш.
6. Машгулотларни бажаришда ўқувчилар ҳаво ҳароратининг ҳарорат меъёрига риоя қилиш ва чиниқтиришни таъминлашга қаратилган спорт кийимларидан фойдаланиш.

Кетма – кет равишда ташкиллаштирилган жисмоний тарбия дарсларига ружсат берилмайди (чанги спорти бундан мустасно) Ўқув дарс жадвалида дарсни куннинг биринчи ва охириги соатларига қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Ҳафталик дарс жадвалида жисмоний тарбия дарсларини ишлаш қобилиятининг физиологик пасайиш кунлари бошланишидан олдин қўйиш лозим (чоршанба, пайшанба).

Дарснинг таркиби 3 қисмдан иборат: кириш, асосий, хулоса. Кириш қисмининг давомийлиги 5 – 10 дақиқа, асосий қисми 25 – 30 дақиқа, хулоса қисми 3 – 5 дақиқадан иборат. Дарснинг таркиби дарс мавзуси ва дастурига қараб аниқланади. Кириш қисмидан асосан саф тортиш, нафас машқларини бажариш билан биргаликда юриш, таянч – ҳаракат тизими бузилишини олдини олишга ва уни тўғрилапта қаратилган машқларни бажариш ва енгил югуришдан иборат.

Жадвал 3.3.1

**Саломатлик ҳолати бўйича турли тиббий гурухларга
киритилган ўқувчилик учун жисмоний тарбия ва спорт
машгулотларини ташкиллаштириш**

Гурухларнинг тиббий тасдиғи	Машгулотнинг асосий турлари	Қўшимча равишдаги машгулотлар ва умумий тасвиялар
1	2	3
Асосий гуруҳ Саломатлик ҳолатида ўзгаришларга эга бўлмаган, сезилар – сиз раюнидан морфофункционал силжишга эга бўлган, жисмоний тайёр – гарликка эга бўлган болалар	Ўқув дастури бўйича тўла жисмоний тарбиялари. Меъёрий кўрсаткичларни топшириш. Спорт – соғломлаштириш чора – тад – бирларида иштирок этиш	Мактабдаги ва мактабдан ташқари спорт тўғаракларидан бирида даврий равишда шугулланиш. Турли даражадаги мусобақаларда иштирок этиш. Дарсдан ташқари вақтларда эркин спорт ўйинлари, сайвларни ташкиллаштириш
Тайёрлов гуруҳи Саломатлиги сезиларсиз ўзгаришли бўлган ва жисмоний тайёргарликка эга бўлмаган болалар	Ўқув дастури бўйича аста – секин ҳаракатларни ўзлаштириб, зарур бўлган талабларга мослаштириш, шунингдек организмга кучли талабларни қўядиган машғулотларни олиб ташлаш. Айрим меъёрий кўрсаткичларни топшириш. Спорт – соғломлаштириш чора – тадбирларида иштирок этиш	Умумий жисмоний тайёр – гарликни оширишга қара – тилган тўғаракларда шугулланиш. Шифокор тасвиясига кўра эркин спорт ўйинларини бажариш ва туристик сайвларда иштирок этиш мумкин
Махсус гуруҳ Саломатлиги анча, доимий ёки вақт – инча ўзгартган, ўқув ва ишлаб чиқариш таълим ишларига руҳсат берилган болалар	Касалликларнинг тури ва кечишини инобатта олиб маҳсус дастур асосида машгулотларни олиб бориш ва уларни алоҳида ажратиб баҳолаш. Спорт – соғломлаштириш чора – тад – бирларида иштирок этиш	Ўз – ўзини бошқариш қоидаларига риоя қилган ҳолда ижтимоий фойдали меҳнат, эркин спорт ўйинлари, ҳаракатли ўйинлар ва сайвлар билан шугулланиш. Шифокор тасвиясига биноан кун тартибида шахсий жисмоний тарбия билан шугулланиш. Кунлик ҳаракат фаоллигини ва саломатлик ҳолатини тиббий назорат қилиш

Жадвал 3.3.2.

Турли касалликлардан кейин мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбия машғулотлари билан шуғулланиш вақти

Касалликлар	Мактабда жисмоний тарбия билан шуғулланыш вақти	Құтімжайлар
Ангина	14 – 28	Тез совқатиш рухсат бермайды (Чангидә учиш ва чүмиліш мүмкін эмес)
Бронхит, юқори нафас йўллари – унинг ўтирилганлариниши	7 – 21	
Ўтирилган отит	14 – 28	
Пневмония	30 – 60	
Глеврит	14 – 28	
Грипп	30 – 60	
Ўтирилган юқумли касалликлар	60	Юрак қоян – томкир тизимини функционал синамалари натижалари қониқтардан бўлса
Ўтирилган нефрит	30 – 60	
Юқумли гепатит	56 – 360	
Аппендицит (операциядан кейин)	30 – 60	
Суякларнинг синини	30 – 90	Даволаниш давомида даволовчи гимнастикаларни давом эттириш керак
Мия чайқалиши	60 ва ундан юқори 1 йилгача	Жароҳатланишининг оғирлиги ва турига боғлиқ

Асосий қисмда умумий ривожлантирувчи машқлар билан биргалиқда гимнастика снарядлари ва тўплар, шунингдек, спорт ўйинларини бажаришдан фойдаланилган ҳолда (кичик мактаб ўқувчилари учун керакли) ҳаракат кўнижмаларини ривожлантирувчи машқлар бажарилади. Хулоса қисмидаги нафас олишни яхшиловчи машқларни бажариш билан дарсга якун ясалади.

Жисмоний тарбия дарсларини тиббий назорат қилишда дақиқали хронометраж ўтказиш натижалари, шунингдек, дарс бошида ва охирида, таркибий қисмлари давомида пулс сонини қайд қилиш ва тикланиш даври инобатта олинади.

Мактаб ўқувчилари учун дарснинг мотор зичлиги 60 – 80 % да тавсия қилинади. Дарснинг физиологик эргилиги пулс сонининг ўзгариши мактагача тарбия ёшидаги болалар учун кўрсатилган ҳолатдагидек бўлиб, аста – секунлик билан дарснинг асосий қисмининг охирида максимал даражага кўтарилади. Ўқувчиларнинг юкламага бўлган функционал эҳтиёжи дарснинг ҳар бир қисмидаги пулс сонининг кўтарилиши ва унинг дарс охирида дастлабки ҳолатта келиши билан баҳоланади. Дарснинг кириш қисми охирида пулс сони 25 – 30% га, асосий қисмидаги 80 – 100% га кўтарилиши ва унинг дастлабки ҳолатта (гинч турганда ва дарс бошланишидан один) қайтиши дарс тутагандан кейин 3 – 4 дақиқани эгаллаши

лозим. Соғлом мактаб ўқувчиларига дарснинг асосий қисмida дақиқасига ўртача 160–180 марта пулс сонини таъминлайдиган юкламаларни тавсия қилиш керак.

Махсуслаштирилган тиббий гуруҳлардаги дарслар ўзининг хусусиятига боғлиқ бўлади. Саломатлик ҳолатида сезиларсиз дараҷадаги силжиши бўлган болалар ва ўсмиirlар учун жисмоний тарбия дарслари мактабда ташкиллаштирилади. Бундай дарслар дарс жадвалида дарсдан один ва кейин 45 дақиқадан ҳафтасига 2 марта ёки 30 дақиқадан ҳафтасига 3 марта ташкиллаштирилади.

Махсус тиббий гуруҳдаги (МТГ) болаларга жисмоний тарбия дарсларини олиб бориш учун шифокор хulosаси ва мактаб директори буйруғи билан ташкиллаштирилиши керак.

Ушбу гуруҳдаги болаларнинг минимал сони 10 тадан кам бўлмаслиги керак. Амалиёт шуни кўрсатадики, ушбу ўқувчиларни қуидаги тартибда гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. (масалан: 1 – 2, 3 – 4, 5 – 8, 9 – 11 синфлар) агар ўқувчилар сони гуруҳни ташкиллаштиришга етишмаса, у ҳолда 3 ёки 4 та синфни бирлаштириш лозим. Бунга 1 – 4, 5 – 8, 9 – 11 бироқ ҳар бир ўқувчига юкламалар бериладиганда уларнинг шахсий имкониятларини жиддий зътиборга олиш лозим.

Махсуслаштирилган тиббий гуруҳда болаларни 2 та гуруҳга ажратиш лозим: «кучли» гуруҳ («А») ва «кучсиз» («Б») гуруҳларига ажратилиб, педагогик жараённи самарали якунланиши учун соғломлаштирувчи вазифалар киритилади. Ўқувчиларни («А») ва («Б») кичик гуруҳларга шифокор тақсимлайди. («А») гуруҳга киритилган ўқувчилар саломатлик ҳолатига сезиларли дараҷадаги таъсир кўрсатмаётган қониқарли кўрсаткичга эга бўлган ҳаракат кўникумалари, шунингдек касалликни ўтказган ва жароҳатдан кейин вақтингча МТГга киритилган ўқувчилар ажратилади.

(«Б») гуруҳига ҳаракат тизимида ривожланиш нуқсонига эга бўлганлар, тез – тез қайталанувчи сурункали касалликлари бор бўлган, ҳамда қайтмас патологик ўзгаришларига эга бўлган ўқувчилар тавсия қилинади. Қоидага биноан («А») гуруҳидаги болалар сони иккинчи гуруҳга боғлиқ бўлади.

Мактаблараро МТГларни назологик белгилари бўйича жамлаштириш мумкин. Буларга: нафас олиш ва юрак – қон томир тизимишнинг сурункали касалликлари; таянч – ҳаракат тизимида патологик ҳолатлари ва рефреакция аномалиялари бор ўқувчиларга мўлжалланган МТГ киритилади.

Ушбу дарсларга болаларнинг тўлиқ қатнашиши мажбурийдир. Дарсга қатнашишини таъминлашни ўқитувчилар зиммасига юклатилади, машғулот олиб борувчи ва синф раҳбари мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари ва шифокор томонидан назорат қилинади. МТГга киритилган мактаб ўқувчилари йил давомида тиббий кўриқдан қўшимча равища

үтказилади. Саломатлик ҳолатида сезиләрли даражада ўзгариши бўлган болалар ва ўсмирлар даволаш – профилактик муассасаларига даволовчи физиотерапевтик муолажалар олиш учун ёки маҳсус даволанишга жўнатилади.

МТГ маҳсуслаштирилган тиббий гуруҳларда ўқувчилар жисмоний тайёргарлиги тайёрлов ва асосий даврларга бўлинади.

Тайёрлов даври асосан биринчи чоракни ўз ичига олади. Унинг вазифаси: жисмоний юкламани бажаришга аста – секинлик билан юрак қон – томир тизимси, нафас олиш тизимси ва бутун организмни тайёлашга; тизимтик равишдаги жисмоний тарбия машқларини эҳтиёжини ўргатишга; юракнинг қисқариш сонининг тўғри иш фаолиятини таъминлашни ўргатишга; ўз – ўзини бошқариш кўникмаларини ўргатишга қаратилган. Тайёргарлик даврида қўйидаги машқларни бажариш тавсия этилади: буларга умумий ривожлантирувчи машқлар, қадди – ҳоматни тўғри шакллантиришга қаратилган, тана ва ҳаракат координациясини тўғри ушлашга қаратилган, баскетболнинг айрим элементлари (узатиш, тўхтатиш, айлана атрофида айланиш ва сакраш) паст даражадаги ҳаракатли ўйинларни бажариш киради. Дарснинг ушбу даврида нафасни тўғри таъминлашга қаратилган машқларни алмаштиришга асосий эътиборни қаратиш керак.

МТГнинг асосий ўргатиш даврининг давомийлиги ўқувчилар организмининг адаптациян (мослашиш) эҳтиёжига, жисмоний ишлаш қобилияти ва саломатлик ҳолатига боғлиқ бўлади.

Унинг вазифасига маҳсус тиббий гуруҳдаги мактаб ўқувчилари учун жисмоний тарбия дарснинг дастурлиги асосий ҳаракат кўникмаларини ўзлаштириш киради, шунингдек организмнинг жисмоний юкламани бажаришга қаратилган функционал қобилияти ва умумий тайёргарлигини оширишга қаратилган машқлар киради. Бу даврдаги дарснинг мазмуни аста – секинлик билан МТГ маҳсус тиббий гуруҳда шугулланувчи ўқувчилар учун ишлаб чиқарилган дастурга киравчи комплекс машқларни бажаришга қаратилган бўлиши керак.

МТГга киритилган саломатлигига ўзгариши бўлган мактаб ўқувчилар учун жисмоний тарбия дарслари қўйидаги тартибда тузилиши керак: кириш, асосий ва хулоса қисми.

Дарснинг кириш қисми. Вазифалари: дарснинг таркибий қисми билан ўқувчиларни таништиришни ташкиллаштириш, ижобий эмоционал кайфиятни ҳосил қилиш, юқори даражадаги юкламага организмнинг функционал тайёргарлигини аста – секинлик билан ўргатиш ва мослаштиришдан иборат бўлиши керак.

Дарснинг кириш қисмига ритмик даражаси ўзгартирилган турли машқлар, ҳаракат координациясини шакллантирувчи оддий машқлар 15 сониядан 2 дақиқагача тезлаштирилган юриш ва югуриш, рақсли юришларни ўз ичига олиши керак.

Дарснинг кириш қисми давомийлиги таълим босқичига қараб 3–6 дан 10–15 дақиқагача узайтирилади. Тайёрлов даврида дарснинг кириш қисми узунроқ, асосий даврида қисқароқ бўлади.

Дарснинг асосий қисми. Вазифалари: организмни гармоник ривожланишини, нафас олиш ва юрак – қон томир тизимини нормал ҳолати, ҳаракат кўнгилмалари ва ижобий кайфиятни ошириш сифатларига қаратилган бўлиши лозим. Асосий қисм бошида енгил атлетиканинг алоҳида белгилари, танани тўғри ушлашга қаратилган машқлардан кенг фойдаланиш керак. Дарснинг асосий қисми давомийлиги 25 дан 35 дақиқагача бўлиши керак.

Дарснинг хуроса қисми. Вазифалар: тез тикланиш жараёнини таъминловчи, юкламани пасайтирувчи, чарчашни олдини олишга қаратилган машқлардан ташкил топган бўлиши керак. Қўл мускулларини ҳаракатлантирувчи оддий машқлар, турли даражадаги юришлар, тинч ўйинли юришлар, мушакларни бўшаштирувчи машқлар, ўтириб дам олиш ва нафас машқларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Дарсни якуни кейинги ишга ва ўтилган дарсдан қониқиши ҳосил қилишга қаратилган бўлиши керак.

Хуроса қисмининг давомийлиги 5–10 дақиқани ташкил қилиши лозим. 30 дақиқали дарс давомийлилигида унинг таркибий қисмлари 5–7, 15–18,5, 5–7 дақиқага қисқартирилади.

Жисмоний тарбия дарснинг самараодорлигини мактаб ўқувчиларининг асосий ва тайёрлов гуруҳларида назорат синамаларини бажариш билан, касал ва ҳаракат қилиш қобилияти пасайган болалар учун (махсус тиббий гуруҳларда) асосий касалликнинг кечиши, функционал синамаларнинг бажариш сифати, жисмоний ишлаш қобилиятига қараб баҳоланади.

Ижобий кўрсаткичлар олинганда мактаб шифокори махсус гуруҳдан тайёрлов тиббий гуруҳига ўқувчиларни ўтказиш масаласини ҳал қиласди.

3.4. Касб–ҳунар мактаблари – колледжларда жисмоний тарбия дарсларини ташкиллаштиришга бўлган гигиеник талаблар

КҲМ – колледжларда жисмоний тарбиянинг асосий шакли – дарс ҳисобланиб, у ҳафтасига 2 марта 45 дақиқадан ўтказилади. Дарсга бўлган гигиеник талаблар мактабдаги жисмоний тарбия дарсларининг талабларига тўғри келади. Коллежлардаги жисмоний тарбия дарсларининг бирдан – бир вазифаси касбий тайёргарлик дарражасини оширишга қаратилган. Ушбу тайёргарлик дарражасининг асосий вазифаси бу ўсмирларни жисмоний сифатини оширишга қаратилган бўлиб, бу танланган касбни эгаллашга ва махсус жисмоний машқларни бажаришга ўргатишдан иборат. Касбий маҳоратни оширишга қаратилган жисмоний тарбия дарслари умумий ривожлантирувчи ҳисобланиб, унинг асосини эрталабки бадантарбия машқлари ташкил қиласди.

Жисмоний тарбия дарснинг кириш қисми (8–15 дақиқани), асосий қисми (25–30 дақиқани), хулоса қисми (3–5 дақиқа) ни ташкил қилиши керак. Тавсия этиладиган мотор зичлиги 60–80 % ни ташкил қилиши зарур. Касбий тайёргарлик даражасининг ҳажмига ҳараб жисмоний тарбия дарси қуйидагиларга ажратилади.

Комплексли (үйғулаштирилган) – доимий ташкиллаштирилган дарс тури бўлиб, касбий йўналтиришга эга бўлган хусусиятларига дарснинг 30–35 дақиқа вақтини ажратиш керак ва маҳсус юқори савиядаги даражаси билан ажралиб, касбий маҳоратта эга бўлган машқларнинг тўлалиги ва спорт машқларига яқинлашади. Бундай дарсларнинг мотор зичлиги 80% дан юқори бўлиб, ойига 2 марта ўтказилиши керак. Қоидага кўра, жисмоний тарбия дарсига касбий маҳоратни оширишга қаратилган машқларни қўшилиши натижасида ўсмиirlарда юқори савиядорлик ва пулснинг ошишига олиб келади. Пулс сони дарснинг аосий қисмида дақиқасига 170–180 ва ундан юқорини ташкил қиласди. Бу айланга тайёргарлик кўламига олиб келади ва «бўш» вақтни камайтиради ва турли хил тренажерлардан фойдаланишини тақоза қиласди.

Ўсмиirlарни жисмоний ва касбий таълимга ўргатишга қаратилган жисмоний тарбия шакл ва воситалари 3.3.4 – иловада келтирилган.

Ўсмиirlарни жисмоний тарбиялаш воситалари жисмоний тарбия дарсларидан ташқари спорт соатларидаи эрталабки бадантарбия машқларини ўз ичига олади, бу машқлар ҳафтасига 1 марта 45 дақиқадан (ёрдамчи шаклда) қўлланилади. Спорт соатлари оддий дарсларга ўхшаш тарзда бўлиб, унда касбий маҳоратни оширувчи машқлар ҳажми 40–45% ни ташкил қилиши керак. Спорт соатларининг вақтини ҳаракатли ўйинлар, ҳаракат координациясини ривожлантирувчи, диққат – зътиборни оширувчи, берилган ҳаракат фаоллиги топшириқларини киритиш ҳисобига 60 дақиқагача узайтириш мумкин. Бошқа турдаги жисмоний тарбия шаклларидан ҳам фойдаланиш мумкин (буларга – тренажерлардаги ва спорт тўғаракларидаи машғулотлар киради). Касбий мактабларда ўсмиirlарни рационал ҳаракат тартибининг умумлаштирилган турлари 3.4.1 – жадвалда кўрсатилган.

15–17 ёшдаги мактаб ўқувчиларини тұғри рационал ҳаракат тартибида жисмоний тарбиялаш

Машғулот шақллари	Машғулот давомий – лиги (дақықа)	Бир ҳафтада ўтиш давомий – лиги	Бир ҳафтада ўтиш давомийли – лигининг дақықалары
Жисмоний тарбия дарси	45	2	90
Спорт соатлари	45	1	45
Үқув куни давомида спорт соғламлаштириш машғулотлари			
Дарстача бадантарбия	8	5	40
Дарс давомидаги жисмоний дақықалар	2	30	60
Танаффусдаги ҳаракатлы ўйинлар	20	5	100
Ишлаб чиқарыш жисмоний дақықалари	10	1	10
Тренажерлар билан машғулотлар	5	3	15
Спорт тұғараларидағи синфдан ташқары машғулотлар	90	2	180
Мустақил дарслар (үй тоширикіләри)	30	5	150

3.5. Жисмоний тарбия машғулотларини ўтиш үрнелари (жойлари) ва уларнинг жиҳозланишини санитар – гигиеник баҳолаш

Жисмоний тарбия дарсларининг самараదорлуги жисмоний тарбия дарсларини (машғулотларни) үтадиган жой ва атроф – муҳиттинг ҳолатига бөблик. Жисмоний тарбия дарслари вақтида хонанинг ҳавоси тез ифлосланади. Ҳаво муҳитидә 400 дан ортиқ антропоген моддалар бўлиши мумкин. Ушбу маҳсулотлар моддалар алмашпинуви маҳсулотлари, бино ичидаги фойдаланилган полимер материаллардан ажратилган заҳарли аралашмалар бўлиши мумкин.

Ҳаво муҳитини назорат қилиши давомида шифокор қуйидаги меъёрий кўрсаткичларга асосланиши керак: карбонат ангириди газининг миқдори 0.1%ни, чангнинг миқдори 1 м³ ҳавода 1.75 млн чанг заррачасидан ошмаслиги керак, 1 м³ ҳавода 6 – 9 мг кислород оксидланиши ва 1 м³ ҳавода 4000 микроблар кўпайиши мумкин.

Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари давомида спорт шовқини ҳосил бўлади, унинг даражаси 50 – 129 ДБА дан ошмаслиги керак. Санитария меъёр ва қоидаларига асосан мусиқа билан Биргаликда ташкиллаштириладиган спорт залларидаги шовқин даражаси, 50 ДБА дан ошмаслиги, бошқа таълим муассасаларида залларда 60 ДБАдан ошмаслиги керак. Ёритилганлик даражаси агар спорт залларида чўғланма чироқ ўрнатилган бўлса, 150 люксни, люминисцент чироқ ўрнатилган бўлса, 200 люксни ташкил қилиши керак.

Умумтаълим мактаблари ва касбий мактабларда жисмоний тарбия дарслари очиқ ҳавода спорт майдонларида ҳамда қиши мавсумида спорт залларида ташкиллаштирилади (VII бобта қаранг). Мактабдан ташқари машғулотлар учун яхмалак конки учадиган майдонлар, очиқ сув манбаларда ташкиллаштириладиган бассейнларда – ОСМБ, ёки сунъий бассейнларда ташкиллаштирилади.

Яхмалак учадиган жой – табиий сув ҳавзасида муз юзасида 16 – 18 см қалинлиқда муз ҳосил бўлганда, ёки сув бостириб қилинадиган яхмалак жойида 5 – 6 см.дан кам бўлмаган муз қатлами ҳосил бўлганда ташкиллаштирилади. Яхмалак учадиган болаларнинг биттасига 8 m^2 дан майдон мактаб ўқувчилари учун, 10 m^2 дан майдон битта ўсмирга ажратилади. Яхмалак учиш учун болалар ва ўсмирлар учун – 15 даражадан паст ҳароратларда аччиқ совуқ шамол бўлмаганда, – 8 – 10 даражали ҳароратда кучли совуқ шамол бўлмаганда рухсат берилади.

Бассейнлар – сувда чўмилиш ташкиллаштирилган сув ҳавзалари оқава очиқ сув манбалари бор жойларда, сувнинг бошланиш нуқтасида ва чиқинди сувлар тушадиган жойдан 100 метрдан кам бўлмаган масофада ташкиллаштириш лозим, шунингдек, ҳайвонларни чўмилтириш, кема ва қайиқларни сақлаш ўринлари ва кийимларни ювиш ўринлари ҳам юқори талабларга асосан жойлаштирилиши керак. Сувда ташкиллаштирилган чўмилиш ҳавзасидан юқорида ифлослантирувчи манбалар жойлаштирилган бўлса, уларнинг оралиқ масофаси 2 қм.дан кам бўлмаслиги керак. Бу эса чиқиндининг тури ва сувнинг лаборатор таҳдилининг натижаларига асосланади. Чўмилиш учун ажратилган жойларнинг остида ва атрофида совуқ сув чиқадиган ва қўйиладиган жой бўлиши керак эмас. Очиқ сув манбаидан чўмилиш сувнинг юзаси битта ўсмирга 5 m^2 , болаларга 4 m^2 , сунъий равища ташкиллаштирилган сув ҳавзаларида битта ўқувчига 8 m^2 ўрин ажратилиши лозим. Сузишни ўргатиш жойларида битта болага 3 m^2 дан чегараланган жой ажратилиши керак. Ушбу сузиш ҳавзасининг чуқурлиги болалар учун 0,5 – 0,8 м, катталар учун 1,2 – 1,4 м жой ажаратилиши керак.

Сунъий равишида ташкиллаштирилган чўмилиш ҳавзалари

Сунъий чўмилиш ҳавзаларининг – СЧҲ ўлчами 15×25 м ва бир марта 75 та бола чўмилишига, спорт машгулотларини олиб бориш учун – 35 тадан кўп бўлмаган болаларга мўлжалланиши керак. 20×50 м ўлчамдаги СЧҲ – 200 ўриндан ошмаган, спорт машгулоти олиб бориш учун – 50 ўриндан ошмаган бўлиши керак. СЧҲ даги сувнинг ҳарорати 23–25 даражани, болаларнинг чўмилиши учун 24 даражадан кам бўлмаслиги керак. СЧҲларига тушадиган сув «Ичимлик суви» давлат стандартлари талабларига жавоб бериши керак. СЧҲ даги қолдиқ хлорнинг миқдори $0,2 - 0,3$ мг.л миқдорни, ичак таёқчаларининг миқдори 1 литрда 100 тадан ошмаслиги керак. СЧҲ келган ҳар бир бола СЧҲ ичидаи душда совун билан чўмилиши лозим, оёқларни ювиши лозим. Чўмилиш ўринлари СЧҲнинг заллари билан боғланиши лозим. Чўмилиш учун душ мосламаларининг биттаси очиқ СЧҲларида 3 та болага бир сменада, СЧҲда эса биттаси 2 та болага бир сменда ажратилиши керак.

Баскетбол майдони. 11–14 ёшдаги болалар учун унинг ўлчами $7 - 15$ м баландликдаги айлана мосламага эга бўлиши керак, унинг баландлигини 2 м 80 см.гача пасайтириш рухсат берилади. 15 ёшдан катталар учун унинг ўлчами 26×14 , айлананинг баландлиги 305 см.ли талабга мос келиши керак.

Волейбол майдонлари. 11 – 12 ёшли болалар учун қисқартирилган майдонларнинг ўлчамлари $15 \times 7,5$ м гача, 13 ёшдан катталарга 18×9 м ўлчамда бўлиши керак.

Қўл тўпи ўйнайдиган майдонлар. 13 – 14 ёшли болалар учун унинг майдони 26×12 м дан кам бўлмаслиги керак, 15 – 16 ёшли болалар учун $36 - 16$ м дан кам бўлмаслиги керак, 17 ёшли ўсмирлар учун 38×18 м дан кам бўлмаслиги керак. Спорт машгулотлари ва дарслари 3.5.1. – жадвалда кўрсатилган ҳароратли шароитларда ташкиллаштирилиши керак.

Жадвал 3.5.1.

Спорт машғулотлари ўтиш ҳароратининг меъёрлари

№	Спорт тури	Ҳарорат, даражаларда	
		Бино ичида	Очиқ ҳавода
1.	Волейбол	10 даражадан паст	— 8 даражадан паст шамолсиз
2.	Баскетбол	8 даражадан паст	— 8 даражадан паст, шамолсиз
3.	Футбол	—	— 10 даражадан паст, шамолсиз
4.	Қўй туси	—	— 8 даражадан паст эмас
5.	Бадантарбия: Бадий спорт	14 даражадан паст эмас	— 20 даражадан паст, шамолсиз
6.	Акробатика	14 даражадан паст	— 20 даражадан паст, шамолсиз
7.	Фигурали учиш	—	— 14 даража шамол бўлса, — 16 шамол бўлмаса
8.	Яхмалак учиш спорти	—	— 18 даража шамол бўлса, — 16 даража шамолсиз
9.	Сузиш	Сув ҳарорати 25 даражадан паст бўлганда, ҳаво ҳарорати 24 даража	Сув ҳарорати 20 даражадан паст бўлганда, ҳаво ҳарорати 18 даражадан паст эмас
10.	Енгил атлетика	7 даража	— 12 дан 30 даражагача
11.	Велоспорт	—	10 даражадан паст эмас
12.	Чанг спорти	—	— 15—18 даража шамол бўлмагандан; — 12—16 даражадан паст шамол бўлганда

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- Жисмоний тарбиянинг гигиеник таърифини тушунтириб беринг.
- Жисмоний тарбиянинг асосий вазифаларини санаб ўтинг.
- Жисмоний тарбиянинг асосий воситаларни санаб беринг.
- Жисмоний тарбиянинг асосий шаклларини тушунтириб беринг.
- Жисмоний тарбия дарсларининг таркибий қисмларини тушунтириб беринг.
- Жисмоний тарбия гуруҳларини санаб беринг.
- Жисмоний тарбиянинг соғломлаштирувчи таъсирини кўрсатинг.
- Мактабдаги жисмоний тарбия дарсларининг гигиеник аҳамиятини тушунтириб беринг.
- Касб—жунар мактабларида жисмоний тарбия дарсларига бўлган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
- Жисмоний тарбия дарсларини ўтиш ва ташкиллаштириш ўринларига бўлган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.

МАВЗУГА ТЕГИШЛАИ ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбиялашнинг асосий вазифасини кўрсатинг:

1. Саломатлик ҳолатини яхшилаш, қаршилик кўрсатиш даражасини ошириш, жисмоний ривожланишни мустаҳкамлаш.
2. Патоген микрорганизмларга қаршилик даражасини оширади.
3. Жисмоний ривожланишнинг нуқсонларини тиклашта ижобий таъсир кўрсатади.
4. Мия ярим шарларида шартли рефлексларни ҳосил бўлишида иштирок этади.
5. Моддалар алмашинувини кучайтиради.

2 Жисмоний тарбиянинг асосий воситаларини кўрсатинг:

1. Мактабдан ташқари машғулотлар билан шуғулланиш.
2. Синфдан ташқари машғулотлар билан шуғулланиш.
3. Алоҳида маҳсус гуруҳларда машғулотлар олиб бориш.
4. Жисмоний тарбия машғулотлари, ҳаракатли ўйинлар.
5. Жамоат жойларида спорт машқларини бажариш.

3. МБМ да кичик ва катта гуруҳларда эрталабки бадантарбияни ўтказиш давомийлигининг кўрсатинг:

1. Кичик болалар учун – 3 – 4 дақиқа, катта гуруҳлар учун 8 – 10 дақиқа.
2. Кичик болалар учун – 5 – 7 дақиқа, катта гуруҳлар учун 8 – 10 дақиқа.
3. Катта болалар учун – 3 – 4 дақиқа, ўрта гуруҳлар учун 8 – 10 дақиқа.
4. Катта болалар учун – 8 – 10 дақиқа, кичик гуруҳлар учун 5 – 6 дақиқа.
5. Катта болалар учун – 10 дақиқа, кичик гуруҳлар учун 1 – 2 дақиқа.

4. Жисмоний тарбия дарсларини тиббий назорат қилишнинг асосий чора-тадбирларини кўрсатинг.

1. Саломатлик ҳолатига таъсир қиласидиган салбий омилларни аниқлаш.
 2. Жисмоний юкламадан кейин организмнинг саломатлик ҳолатига баҳо бериш.
 3. Жисмоний ривожланишнинг самотометрик кўрсаткичларга баҳо бериш.
 4. Организмнинг ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига қаршилик даражасини аниқлаш.
 5. Жисмоний тарбия ўтказиш шароитини санитар текшириш.
- 5. Жисмоний тарбия машғулотлари давомида мактаб шифокорининг асосий вазифаларида бирини кўрсатинг.**
1. Спорт кийимлари билан таъминланганлик даражасига гигиеник баҳо бериш.

2. Саломатлик ҳолатини, жисмоний ривожланишини ва функционал ҳолатини тиббий кузатиш.
 3. Жисмоний тарбия ва спорт меъёрларини бажариш юкламасига гигиеник баҳо бериш.
 4. Жисмоний юкламаларнинг бажарилишига гигиеник баҳо бериш.
 5. Жисмоний воситаларга гигиеник баҳо бериш.
- 6. Жисмоний тарбия дарсини баҳолашда қўлланиладиган нафас чиқаришини тўхтатишга қаратилган асосий синамани кўрсатинг.**
1. Рутков синамаси.
 2. Мартин Кушелевский синамаси.
 3. Ортостатистик синама.
 4. Коволков синамаси.
 5. Штанге синамаси.
- 7. Мактабда жисмоний тарбия дарсларини ўтказишнинг асосий гуруҳини кўрсатинг.**
1. Умумий, индивидуал, оммавий.
 2. Асосий, оммавий, маҳсус.
 3. Асосий, тайёрлов, маҳсус.
 4. Тайёрлов, маҳсус, индивидуал.
 5. Асосий, индивидуал, маҳсус.
- 8. Жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиша функционал синамадан кейин болалар ва ўсмирлар юрак-қон томир тизимининг турларини кўрсатинг.**
1. Функционал, субкомпенсатор, дистоник.
 2. Меъёрий, дистоник, гипертоник.
 3. Гипертоник, дистоник, декомпенсатор.
 4. Дистоник, функционал, босқичма – босқич.
 5. Босқичма – босқич, субкомпенсатор, декомпенсатор.
- 9. Жисмоний тарбиянинг соғломлаштирувчи вазифасини кўрсатинг.**
1. Патоген микроорганизмлар таъсирига носпецифик чидамлиликни ошириш.
 2. Ҳаракат кўникмаларни шаклантириш.
 3. Спорт гигиенаси қоидалари билан таништириш.
 4. Ишлаш қобилиятини ошириш.
 5. Иш жараёнида статистик компонентларни камайтириш.
- 10. Гипокинезия ривожланишиниң асосий сабабини кўрсатинг:**
1. Юришнинг чегараланиши.
 2. Ҳаракат қобилиятининг ошиши.
 1. Ҳаракатнинг биологик эҳтиёжи.
 2. Спорт кўникмаларининг етишмаслиги.
 3. Ақлий меҳнат даражасининг кўплиги
- 11. Гипокинезияни олдини олишга қаратилган асосий омилни кўрсатинг:**

1. Спорт машгүолтлари билан белгиланган вақтда шуғулланиш.
 2. Мәжнат таълим дарсларида назарий машгүолтлар вақтини қисқартириш.
 3. Болаларни очиқ ҳавода сайр қилишини таъминлаш.
 4. Мәжнат таълими ва жисмоний тарбиянинг асосий динамик компонентларини күпайтириш.
 5. Дарсдан ташқари жисмоний тарбия шаклларини қўллаш.
- 12. МБМ да жисмоний тарбия машгүолтлари ўтказишнинг асосий давомийлик вақтини кўрсатинг:**
1. 3–4 ёшлилар гурӯҳида – 15–20 дақиқа.
 2. 4–5 ёшлилар гурӯҳида – 25 дақиқа.
 3. 5–6 ёшлилар гурӯҳида – 15–25 дақиқа.
 4. 3–4 ёшлилар гурӯҳида – 15 дақиқагача.
 5. 6–7 ёшлилар гурӯҳида – 45 дақиқа.
- 13. Жисмоний тарбиянинг асосий шаклини кўрсатинг:**
1. Эрталабки бадантарбия машгүолтлари.
 2. Жисмоний тарбия кўникмаларидан фойдаланиш.
 3. Ҳаракатли ўйинлар.
 4. Спорт ўйинлари.
 5. Чиниқтириш воситаларидан фойдаланиш.
- 14. Кун тартибидаги соғломлаштириш чора–тадбирларининг тўғри вариантини кўрсатинг:**
1. Уйдаги эрталабки гимнастика.
 2. Дарсдан кейинги спорт тўғаракларидаги фаолият.
 3. Эркин спорт ўйинлари.
 4. Ҳовлидаги экинларга ишлов бериш.
 5. Сузиш бассейнидаги тўғарак фаолияти давомидаги сузиш жараёни.
- 15. Айрим қасалликларни ўтказгандан кейин жисмоний тарбия машгүолтларига қатнишишнинг вақтини кўрсатинг:**
1. Пневмониядан кейин – 3 ойдан кейин.
 2. Ангинадан кейин 2–4 ҳафта.
 3. Гриппдан кейин 3–5 кундан кейин.
 4. Мия чайқалишидан кейин 15–25 кундан кейин.
 5. Аппендицитдан кейин – 1 ойдан кейин.

МАВЗУГА ТЕГИШЛИ ЎРГАТУВЧИ, НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ДАСТУРЛАР

- 1. Болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбиялашнинг 5 та асосий вазифасини кўрсатинг:**
1. Саломатлик ҳолатини яхшилаш, қаршилик кўрсатиш дарражасини ошириш, жисмоний ривожланишни мустаҳкамлаш.
 2. Асосий ҳаракат кўникмаларини шакллантириб, ҳаракат координациясини шакллантириш ва аниқлаш.
 3. Ўртоқлик, ташаббускорлик ҳиссиятида тарбиялаш.

4. Жисмоний тарбия ва чиниқтириш машғулотларининг тизимтик кўнгилмаларини шакллантириш.
5. Жисмоний тарбия ва спорт гигиенаси билан таништириш, жароҳатланишни олдини олиш.
6. Болаларнинг ақлий фаолиятинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиш.
7. Таянч ҳаракат тизими фаолиятини ошириш.
8. Бош мия ярим шарларида шартли рефлексларни шакллантириш.
9. Д витаминининг ҳосил бўлишида иштирок этиш.
10. Турли инфекцион касалликлар билан касалланиш даражасини камайтириш.

2. Жисмоний тарбиянинг асосий воситаларини кўрсатинг:

1. Мактабдан ташқари машғулотлар билан шугулланиш.
2. Синфдан ташқари машғулотлар билан шугулланиш.
3. Алоҳида маҳсус гуруҳларда машғулотлар олиб бориш.
4. Жисмоний тарбия машғулотлари, ҳаракатли ўйинлар.
5. Спорт ўйинлари, ҳаракатли ўйинлар.
6. Ҳаво ва сув муолажалари, уқалаш – массаж.

3. МБМ да кичик ва катта гуруҳларда эрталабки бадантарбияни ўтказиш давомийлигининг 2 та асосий вақтини кўрсатинг:

1. Кичик болалар учун – 3–4 дақиқа.
2. Кичик болалар учун – 5–7 дақиқа.
3. Катта болалар учун – 3–4 дақиқа.
4. Катта болалар учун – 8–10 дақиқа.

4. Жисмоний тарбия дарсларини тиббий назорат қилишнинг 3 та асосий чора – тадбирларини кўрсатинг:

1. Саломатлик ҳолати ва динамикасини тиббий кузатиш.
2. Жисмоний юкламадан кейин организмнинг жавоб реакциясини кузатиш.
3. Жисмоний ривожланишининг самотометрик кўрсаткичларига баҳо бериш.
4. Организмнинг ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига қаршилик даражасини аниқлаш.
5. Жисмоний тарбияни ўтказиш шароитини санитар төкшириш
6. Дарснинг хронологик картасига қараб самараадорлигини баҳолаш.

5. Жисмоний тарбия машғулотлари давомида мактаб шифокорининг 4 та асосий вазифаларини кўрсатинг:

1. Спорт кийимлари билан таъминланганлик даражасига гигиеник баҳо бериш.
2. Саломатлик ҳолатини, жисмоний ривожланишини ва функционал ҳолатини тиббий кузатиш.
3. Жисмоний машқуларни тизимтик машғулотларга таъсирини назорат қилиш.

4. Жисмоний тарбия ва спорт мөйөрларини бажариш юкламасига гигиеник баҳо бериш.
 5. Спорт машғулотлари ва жисмоний тарбия усулларини назорат қилиш.
 6. Жисмоний тарбия машғулотларини ўтказиш жойи ва шароитини санитар гигиеник назорат қилиш.
 7. Жисмоний юкламаларнинг бажарилишига гигиеник баҳо бериш.
 8. Жисмоний воситаларга гигиеник баҳо бериш.
- 6. Жисмоний тарбия дарси таъсирида баҳолашда қўлланиладиган нафас чиқаришни тўхтатишига қаратилган 3 та асосий синамани кўрсатинг:**
1. Штанге синамаси.
 2. Рутков синамаси.
 3. Генча синамаси.
 4. Мартин Кушелевский синамаси.
 5. Ортостатистик синама.
 6. Серкин синамаси.
- 7. Мактабда жисмоний тарбия дарсларини ўтказишнинг 3 та асосий гуруҳини кўрсатинг:**
1. Умумий.
 2. Асосий.
 3. Оммавий.
 4. Тайёрлов.
 5. Махсус.
 6. Индивидуал.
- 8. Жисмоний тарбия машғулотларини ўтказишида функционал синамадан кейин болалар ва ўсмирлар юрак-қон томир тизимсининг 4 та асосий турларини кўрсатинг:**
1. Меъёрий.
 2. Функционал.
 3. Гипертоник.
 4. Дистоник.
 5. Босқичма – босқич.
 6. Даврий.
 7. Субкомпенсатор.
 8. Декомпенсатор.
- 9. Жисмоний тарбиянинг 4 та асосий соғломлаштирувчи вазифаларини кўрсатинг:**
1. Патоген микроорганизмлар таъсирига носпецифик чидамлиликни ошириш.
 2. Ўсиш ва ривожланиш жараёнини жадаллаштириш.
 3. Шамоллаш касалликларига чидамлиликни оширувчи иссиқлик бошқарувини шакллантириш.
 4. Ҳаракат кўникмаларини шакллантириш.
 5. Спорт гигиенаси қоидалари билан таништириш.

6. Ишлаш қобилиятини ошириш.
7. Иш жараёнида статистик компонентларни камайтириш.
8. Бош мия ярим шарлари тонусини ошириш, ижобий эмоция ҳосил қилиш.

10. Гипокинезия ривожланишининг 4 та асосий сабабларини кўрсатинг:

1. Юришнинг чегараланиши.
2. Кам ҳаракатли ҳаёт тарзи.
3. Ҳаракатнинг биологик эҳтиёжи.
4. Спорт кўникмаларининг етишмаслиги.
5. Ақлий меҳнат даражасининг кўплиги.
6. Сурункали касалликлар сони.
7. Ноқулай микроцілим шароити
8. Ёритилганлик даражасининг етишмаслиги.

11. Гипокинезиянинг олдини олишга қаратилган 5 та асосий омилларни кўрсатинг:

1. Кун тартибидаги гигиеник тавсияларни аниқ бажариш.
2. Спорт машгулотлари билан даврий равишда шугулланиш.
3. Меҳнат таълим дарсларида назарий машгулотлар вақтини қисқартириш.
4. Болаларни очиқ ҳавода сайд қилишини таъминлаш.
5. Меҳнат таълими ва жисмоний тарбиянинг асосий динамик компонентларини кўшайтириш.
6. Дарсдан ташқари жисмоний тарбия шаклларини кўллаш.
7. Болалар ва ўсмирлар орасида ўқув юкламалари соатини камайтириш.
8. Организмнинг ёш жиссий хусусиятларини инобатта олиб, умумий фойдали меҳнат ва жамоат – спорт ишларида иштирок этишини таъминлаш.
9. Юқумли касалликларнинг олдини олишга қаратилган чора – тадбирларни ишлаб чиқиши.
10. Соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, оиласда жисмоний тарбияни шаклантириш.

12. МБМ да жисмоний тарбия машгулотлари ўтказишнинг 4 та асосий давомийлик вақтини кўрсатинг:

1. 3 – 4 ёшлилар гуруҳида – 15 – 20 дақиқа.
2. 4 – 5 ёшлилар гуруҳида – 20 – 25 дақиқа.
3. 5 – 6 ёшлилар гуруҳида – 25 – 30 дақиқа.
4. 3 – 4 ёшлилар гуруҳида – 15 дақиқа.
5. 4 – 5 ёшлилар гуруҳида – 25 – 35 дақиқа.
6. 6 – 7 ёшлилар гуруҳида – 30 – 35 дақиқа
7. 5 – 6 ёшлилар гуруҳида – 30 – 35 дақиқа.
8. 6 – 7 ёшлилар гуруҳида – 40 – 45 дақиқа.

13. Жисмоний тарбиянинг 5 та асосий шаклларини кўрсатинг:

1. Эрталабки бадантарбия машгулотлари.
2. Жисмоний тарбия кўникмаларидан фойдаланиш.

3. Ҳаракатли ўйинлар.
4. Спорт ўйинлари.
5. Махсус тиббий гуруҳлардаги машгулот.
6. Кун тартибидаги соғломлаштириш тадбирлари.
7. Синфдан ташқари машгулотлар.
8. Чиниқтириш муолажалари.
9. Мактабдан ташқари машгулотлар.
10. Очиқ ҳавода сайд қилиш машгулотлари.

14. Кув тартибидаги соғломлаштириш чора – тадбирларининг 4 та асосий турларини кўрсатинг:

1. Уйдаги эрталабки бадантарбия.
2. Мактабда дарс бошлангунгача бўладиган бадантарбия машгулотлари.
3. Дарсдан кейинги спорт тўгаракларидағи фаолият.
4. Дарсдаги жисмоний дақиқалар.
5. Танаффусдаги ўйинлар.
6. Эркин спорт ўйинлари.
7. Ҳовлидаги экинларга ишлов бериш.
8. Сузиш бассейнидаги тўгарак фаолияти давомидаги сузиш жараёни.

15. Айрим касалликларни ўтказгандан кейин жисмоний тарбия машгулотларига қатнашишининг 4 та асосий вақтини кўрсатинг:

1. Ангинадан кейин 2–4 ҳафта.
2. Гриппдан кейин 3–5 кундан кейин.
3. Мия чайқалишидан кейин 15–25 кундан кейин.
4. Пневмония билан касаллангандан кейин – 1–3 ойдан кейин.
5. Гепатитнинг барча турларидан кейин – 3 ойдан кейин.
6. Аппендицитдан кейин – 1 ойдан кейин.
7. Юқумли гепатитнинг В туридан кейин – 8–12 ойдан кейин.
8. Қўл ва оёқ суюклари синганда кейин – 1–3 ойдан кейин.

АМАЛИЙ КЎНИКМА

Жисмоний тарбия дарслариға гигиеник баҳо бериш

Мазкур иш тури мактабгача болалар муассасалари ва мактабларда болалар ва ўсмиirlарни тарбиялаш ва ўқитиш шароитларининг санитария назоратини бир қисми бўлиб ҳисобланади. У режали текширишнинг бир бўлагидир, ҳамда мақсадда доир текширишга киритилиши мумкин. Жисмоний тарбия дарсининг гигиеник равишда ташкиллаштирилишига баҳо бериш визуал тарзда ўтказилади, ҳамда айрим инструментал текшириш усулларидан фойдаланиш орқали ўтказилиши мумкин. Текширишни олиб бориш учун қуйидагилар зарур: психрометр, анемометр, люксметр ҳамда СанМва+ - 0033-94, 0052-96, 0069-96,

0071-97, 0074-97, 01.02-2000, +М+. 01.05—98, шунингдек, шахсий ва оммавий хронометраж усуларидан фойдаланилади.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ

1. Спорт майдончасининг мавжудлиги ва унинг гигиеник ҳолатини баҳолаш.
2. Спорт залининг гигиеник равишда жойлаштирилиши ва ҳолатига баҳо бериш:

 - хоналарнинг таркиби;
 - уларнинг вазифасига мувофиқ равишда жиҳозланганлиги;
 - хоналарнинг санитар – гигиеник ҳолати;
 - санитар – гигиеник хоналарнинг мавжудлиги ва иш ҳолати.

3. Спорт зали ва унинг хоналарида ҳавонинг ҳарорати, намлиги, ҳаракат тезлиги ва ёритилганлигини ўлчаш.
4. Ҳар бир синф бўйича жисмоний тарбия дарсларини таҳлил қилиш.

5. Жисмоний тарбия гурухлари бўйича болалар ва ўсмирларнинг тўғри ташкилланганлигини гигиеник баҳолаш.

6. Жисмоний тарбия дарслари (машгулотлари)нинг тўғри ташкиллаштирилганлигини хронометраж усулида гигиеник баҳолаш.

7. Жисмоний тарбия дарслари (машгулотлари)нинг ташкиллаштирилганлигини баҳолаш бўйича хулосалар тузиш ва уни мувофиқлаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқиш.

Жисмоний тарбия дарсларини самарадорлигини баҳолаш (болаларнинг саломатлик ҳолати ва жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари, организмнинг функционал имкониятлари кўрсаткичлари бўйича) йилига икки марта ўтказилади (мактабларда – ўқув йилининг бошида ва охирида).

3.6. БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРНИ ЧИНИҚТИРИШ ВА УНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

Чиниқтириш бу – болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбиялашнинг асосий таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.

Чиниқтириш тушунчасида ташки мұҳитнинг иокуладай омилари таъсирига организмнинг ҳимоя кучини оширишга қаратилган чора – тадбирлари тушунилади. Чиниқтириш чора – тадбирлар умумий ва маҳаллий турларга бўлинади. Умумий тадбирлари боланинг бутун ҳаётий ривожланиш жараёнида олиб борилади: буларга кун тартибини тўғри ташкиллаштириш, ҳавода ухлаш, ўзига мос гигиеник тарзда кийиниш, хоналарни табиий тарзда шамоллатиш ва хона ҳароратининг нисбати бола ёшига мос келиши лозим. Мажсус тарздаги чиниқтириш муолажаларира кун давомидаги бадантарбия машгулотлари, уқалаш, ҳаво ва қуёш нури ёрдамида тобланиш, сув муолажалари ва сунъий равишида

ташкиллаштирилган ултрабинафша нурлари киради. Бола учун биринчи маротаба фойдаланиладиган чиниқтириш муолажаси бўлиб, ҳаво ванналари ҳисобланади, ундан фойдаланишни боланинг 2 – 3 ойлигидан бошлаш лозим. Ҳаво ваннасидан кейин сув ваннасидан фойдаланиш бошланади. Сув ваннасидан фойдаланиш давомийлиги қўйида тартибда ташкиллаштирилиши керак (бадани ҳўл латта билан артиш 2 – 3 ойгача, муолажадан кейин 3 – 4 ойда ч кейин чўмилишга руҳсат берилади).

Чиниқтириш воситаларида фойдаланишнинг бир неча турлари мавжуддир. Уларнинг кўпларини қўллаш кучли масъулият талаб қиласанлиги учун умумий болалар ва ўсмирлар муассасаларида қўллаш қийинчилликларни туғдиради (оёқ ванналари, умумий чўмилитириш ва бошқалари), болаларнинг яхши тайёргарлигини тақозо қиласди ёки фақат соғлом болаларга тавсия қилинади (очик сув ҳавзаларида чўмилиш, қишиш ва ёз мавсумида совуқ сувда чўмилиш).

Ҳаво ванналари – ҳавода тобланиш

Ҳаво ванналари организмга энг паст таъсири кўрсатувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади, бу эса сувга нисбатан иссиқлик ўтказувчанликни 30 марта, иссиқликни сақлаш хусусияти 4 марта кам эканлигини кўрсатади. Шунга нисбатан организмга ҳароратнинг таъсири қуйидагичадир: ҳаво тери орқали ўтиб, ҳонга кислородни кўпроқ етказиб беришга олиб келади (кетталарга нисбатан, болалар терисидан газ ўтказувчанлиги нисбати юқоридир). Ҳаво ванналарни эрталаб ва кечқурун 17 – 18 ларда овқатлангандан сўнг 30 – 40 дақиқа ўтгач ташкиллаштириш керак. Мактабгача тарбия ёшидагиларни ҳаво ванналари орқали ҳавонинг ҳарорати 17 – 18 даражадан 12 – 13 даражага пасайтирилганда чиниқтириш яхши натижга беради. Ҳаво ванналари ёрдамида чиниқтириш ишлари оддий хона ҳароратида олиб борилади. Ўтказиш вақтлари қуйидаги тартибда олиб борилади: МБМнинг кичик гуруҳлари учун – 5 дақиқа, ўрта гуруҳлари учун – 10 дақиқа, катта ва тайёрлов гуруҳлари учун – 15 дақиқадан иборат. Кичик гуруҳларда ҳаво ванналари ёрдамида тобланишни ўтказишнинг максимал руҳсат этилган вақти 30 – 40 дақиқани, ўрта гуруҳлар учун – 45 дақиқа, катта ва тайёрлов гуруҳлар учун 1 соатни ташкил қилиши керак. Аввалига, мактабгача тарбия ёшида ҳаво ванналари калта иштон, майка, пайпоқ ва тапочкаларда, 2 ҳафтадан кейин калта иштон ва тапочкаларда олиб борилади. Касал бўлиб ўтган ёки заифлашган болалар қисман кийимларни ечиши мумкин. Ҳаво ванналарида тобланиш аста – секинлик билан қўлларни очиш, сўнгра оёқларини, ундан кейин, танани белигача, ундан сўнг бола калта иштонда қолдирилади. Ўткир юқумли касалликлар билан касалланган,

болаларнинг тана ҳароратининг кўтарилиши, ўткир респиратор касалликлар билан касалланган болалар ҳаво ванналарини қабул қилишлари ман қилинади.

Қуёш ванналари (нурни) ёрдамида чиниқтириш

Қуёш ванналари ёрдамида чиниқтириш асосан амалий соғлом барча болалар ва касаллик туфайли заифлашган болаларга тавсия қилинади, ушбу муолажа тури асосан ўсиш ва ривожланишда орқада қолган болаларга тавсия қилинади. Ўзбекистон микроиқлим шаротига қуёш ванналарини қабул қилиш вақти куз ва қиш мавсумларида (ҳаво ҳароратини инобатта олиб) эрталабки соат 9—10 гача, ёз мавсумида эса 8 дан 9 гача вақтлар оралиғида ташкилштирилиши мақсадга мувофиқидир. Биринчи ванна қабул вақти бир ёшгacha болалар учун 3 дақиқагача, 1 дан 3 ёшгacha 5 дақиқагача, 4—7 ёшли болалар учун 10 дақиқагача, кунига қуёш нурида тобланиш вақти 30—40 дақиқа ва ундан кўп бўлиши мумкин. Агар бола ўзини ноқулай ҳис қила бошласа, (бода ҳаракатланмаса, совуқдан «жунжимоқ»—«гужанак» тортса, «роз териси» хусусияти шаклланса, қалтираса) муолажалардан фойдаланиш тўхтатилади. Чиниқтиришнинг ушбу воситаларидан фойдаланишининг ножӯя таъсири—зид даражасига: ўткир юқумли касалликлар, юқори ҳарорат, оғир даражадаги чала туғилишлар киради.

Табиий ва сунъий ултрабинафша нурларда тобланиш

Ултрабинафша нурларда чиниқтириш ва кунлик қабул қилиш вақти кам бўлган минтақаларда ва қиш мавсумларида фойдаланиллади.

Ултрабинафша нурлари сифатида ПРК — 2 ва ПРК-4 кварцли чироқлар ва люминисцент эритемли чироқларнинг ЛЭ—15 ва ЛЭ — 30 маркаларидан фойдаланиллади. Нурланиш муолажаларини МБМлар фотарийларида ва даволаш профилактик муассасаларида олиб борилади. Тобланишдан один бола калта иштонигача ечинади ва кўзига ҳимоя воситаси— кўзойнакни тақади, тобланиш вақти тутагандан кейин болани тавсия этилган масофага ўтказилади ёки тургазилади. Ўрта биодозаларда нурнинг минимал миқдори бўсаға эритемасини келтириб чиқаради, чироқдан 3 метр масофада 2—3 дақиқа туриши лозим. Нурланишинг бошлангич миқдори $1,4$ биодозалар бўлиб, 2,5 дан 3 биодозаларга етказилади.

Куз ва қиш мавсумларида болаларга 2—2,5 ой оралиғида 1 ёки 2 марта даво курсини тавсия қилиши лозимдир. Ултрабинафша нурларни қабул қилиш вақтида турли хил жисмоний тарбия ва оддий айланана бўйича ҳаракатланадиган машғулотларни алмаштириш ғерак.

Сув муолажалари

Сув муолажалари баданини ҳўллаб ювиш, очиқ ва сунъий сув ҳавзаларида чўмилишга бўлинади. Баданини ҳўл латта ёрдамида артиш ва ювиш маҳаллий ва умумий турларига бўлинини мумкин. Сув юқори иссиқлик ўтказувчанлик ва сақлаш хусусиятларига эга бўлиб, муолажа ўтказишга қулай ва бола танасининг юзасида бир текис тақсимланиши мумкин.

Баданини ҳўллаб артиш ва ювиш

Баданини ҳўллаб артиш ва ювиш – болалар жамоасида энг кўп ташкиллаштириладиган муолажалар тури бўлиб ҳисобланади. Баданини ҳўллаб артишда биринчи тананинг юқори соҳасининг дистал ва ундан сўнгра эса проксимал қисмларида олиб борилади.

Баданини ҳўллаб артишда сув билан ҳўллаган ёки сув сиқиб чиқарилган мато ёки қўлқоцдан фойдаланилади. Оддин қўл ва елкалар, кейин эса оёқлар панжадан сонга, кейин кўкрак, қорин орқа соҳа ҳўллаб артилади ва сўнгра қуруқ сочиқда артилиши мақсадга мувофиқдир.

Ҳар 2–3 кун мобайнида сувнинг ҳарорати 10°C даражага пасайтирилади.

Жадвал 3.6.1

Баданини ҳўллаб артиш учун тавсия қилинган сувнинг ҳарорати

№	Ёни	Сувнинг ҳарорати ($^{\circ}\text{C}$)		
		Бошлиғич	Охирида	Чишада
1.	3–4	32	22	25
2.	5	30	20	24
3	6–7	28	18	22

Оёқ кафти ва болдирини ювиш

Оёқ кафти ва болдирини ювишда сувнинг ҳарорати 28°C даражадан ҳафтасига 1°C даражага пасайтирилиб борилади. Сувнинг энг паст ҳарорати 3 ёшгача бўлган болалар учун – 20°C , сувнинг ҳарорати -18°C ни ташкил қилиши керак. Илк болалик даврида муолажани қабул қилиш вақти 15 – 20 сония, катталарда эса 20–30 сонияда бўлиши керак. Юваниш тугагандан кейин оёқларни қуруқ сочиқларда артиш керак.

Саломатлигида ўзгариш бўлган, техник шароити қулай бўлмаган болалар жамоаларида бассейнларда сузиш ва сауналардан фойдаланиш каби чиниқтириш муолажаларидан фойдаланиш таъкидланади.

Сўнгти вақтларда очиқ ҳавода мусиқа остида чиниқтириш муолажаларини қабул қилиш ишлари кенг йўлга қўйилмоқда. Ушбу услугуб бир жамоани чиниқтиришда болалар саломатлик ҳолатини даражасини инобатта олмаган бўлса, иккинчи томондан

болаларнинг ҳар бирiga шахсий ёндошилади. Бунинг учун: ҳавонинг ҳарорати, муолажаларни қабул қилиш давомийлиги, тана юзаси очиқ қисмининг майдони, мусиқа ёрдамида машқларни бажариш жадаллиги кабилар мөъёrlаштирилади. Бу болаларни чиниқтирища, машқларни бажарища нафақат болалар муассасаларида, балки уй шароитигда уларнинг кайфиятини оширишнинг бир воситаси бўлиб ҳисобланди.

Чиниқтириш ишларини ташкиллаштириш ва чиниқтириши муолажаларининг самарадорлигини тиббий назорат қилиш

Чиниқтириши тиббий назорат қилиш учун унинг юқори савиядаги самарадорлигини таъминлашга қаратилган тадбирларга: бола организмининг қаршилик даражасини ошириш ва касалланишини камайтириш ишлари кириб, у тиббий ходим томонидан қуидаги йўналишларда амалга оширилади:

1. Чиниқтиришга мойил ва мумкин бўлган ҳолатларда болаларнинг жисмоний ривожланиш ва саломатлик ҳолатини тиббий назорат қилиш.
2. Бола организмига чиниқтириш муолажаларининг таъсирини ҳаққоний тарзда баҳолаш.
3. Чиниқтириш муолажаларни ўтказиш шароити ва ўрнини санитар – гигиеник назорат қилиш.
4. Ота – оналар ва таълим – тарбия муассасалари ходимлари орасида санитария маорифи ишларини олиб бориш.
5. Чиниқтиришга мойил ва зид бўлган вазиятларни шифокор чуқурлаштирилган тиббий қўриклари маълумотлари асосида аниқлайди.

Қоидага биноан биринчи ва иккинчи саломатлик гуруҳларига киритилган болаларнинг барчаси айрим четлашишларни инобатта олмагандан, тўлиқ тарзда чиниқтиришга мойил ҳисобланади.

Тана ҳароратининг кўтарилиши, ўткир ва сурункали шамоллаш касалликлари, юрак, ўпка, буйрак сурункали касалликлар, суб ва декоменденция даражасидаги болаларни чиниқтириш чегараланади.

Организмнинг чиниқсанлик даражасини аниқлаш

Организмнинг чиниқсанлик даражасини аниқлаш мобайнида жамланган услубий усуллардан фойдаланилади, буларга: иссиқликни сезиш хусусиятлари, совуқликка ва совиб кетишга нисбатан организмнинг таъсири, организмнинг иммунобиологик таъсиirlарга ва шамоллаш касалликларини чақи्रувчиларига нисбатан жавоб реакциясини ўрганишдан иборат. Чиниқсанлик даражаси бола организмининг шахсий хусусиятларига боғлиқ бўлиб, бироқ ушбу вазиятларда ўтказиладиган тадбирларнинг ижобий ва салбий томонларга ўзгариши бола организмнинг чиниқсанлик даражасини сифатини баҳолайди. Чиниқсан боланинг

организміда тананинг ўртача оғирлигидаги ҳарорати тавсия этилган ҳароратдан сезиларсиз даражада ўзгаради. Чиниқмаган организмда бирдан тананинг ҳарорати тушиб кетади. Мақбул микроқұлым шароитларида ҳарораттінг ўртача даражаси 35–36 даражага тенг бўлади. Бола организмининг чиниққанлик даражаси боланинг ижобий иссиқлик ҳолатини 30 дақиқа ёрдамида иссиқлик сақлаш вақти ёрдамида баҳолаш мумкин бўлиб, сезиларли равишдаги тери ҳарораттінг тушиб кетиши кучли даражада иссиқлик ҳолаттінг ёмонлашган даврида кузатилади: кўкрак қафасидаги ҳарорат 2–3 °C даражага, оёқнинг ҳарорати 6°C пасаяди, иссиқлик ҳолаттінг ёрдамчи мезони бўлиб, кўкрак териси ҳарорати билан оёқнинг 1–бармоғи орасидаги ҳарораттінг фарқи билан ҳисбландади. 6°C бўлган ҳароратда боланинг иссиқлик ҳолати қониқарли; ушбу кўрсаткичтінг оёқ соҳасидан 6°C дан пасайиши иссиқлик ҳолаттінг бузилиши – совқотиши ҳолатини юзага келтирас; 6°C дан ошиши эса организмнинг исиб кетиши ҳолатини юзага келтиради.

Томир тизимининг совуқлик синамасига жавоб реакциясини аниқлаш

Организм қанча чиниқкан бўлса, шунчалик совуқлик таъсирига мослашган ҳисбланиб, унинг таъсирига рецепторларнинг адекват таъсирини шаклланғанлыгини исботлайди. Вазомотор таъсиirlарга объектив даражада баҳо бериш мақсадида Маршак томонидан тавсия этилган совуқлик синамасидан фойдаланилади. Синама терининг совитилган қисмida ҳарораттінг тикланиш вақтини аниқлашга қаратилган. Совуқлик таъсирини берувчи мослама узунлиги 3–5 см.ли, қалинлиги 1–1,5 мм метал цилиндр бўлиб, муз билан тўлдирилади. Музнинг эриш хусусиятига қараб ўзгартириш мумкин. Текшириш ўтказиладиган хонанинг микроқұлым параметри гигиеник талабларга мос келиши керак. Бир неча текширилувчи (5–6 та) болаларнинг бел соҳасигача кийимларини ечинтириб, хонанинг микроқұлым шароитларига мослаштирилгунча 20–25 дақиқага стулчаларга ўтказилади. Ундан кейин электротермометр ёрдамида терининг ҳарорати ўлчанади. Текшириш ишлари ўлчов асбобининг аниқ даражадаги иш ҳолатига кўрсаткични тўғрилаб олингандан кейин ташкиллаштирилади. Сўнгра тананинг шу қисмiga босилмаган ҳолатда муз солинган цилиндр қўйилади. Теридан цилиндр олинган заҳоти, тана терисининг шу соҳасида электротермометр ёрдамида ҳарорат ўлчанади ва тикланиш вақти кузатилади. Ҳарораттінг тикланиш вақти секундомер ёрдамида қайд қилинади. Агар организм чиниқкан бўлса, тананинг совуқ синама қўйилган соҳасидаги ҳарораттінг тикланиш вақти қисқаради. Чиниқкан организмда тери ҳарораттінг тикланиш вақти 3,5 дақиқадан ошмаслиги керак.

Термоассиметрияни аниқлаш

Термоассиметрияни аниқлаш – вегетатив ассиметрия терининг симметрик майдонларида тана ҳароратининг фарқи (билак, сон, болдир, мушак ости чуқурчасига) 0,2 дан 1 °C ва ундан юқори даражаларга фарқ қиласи. Ушбу ҳолатлардаги тана ҳароратининг фарқи 70% амалий соғлом болаларда учрайди. Чиниқтириш давомида ривожланадиган иссиқлик ассиметрияси камаяди ва иссиқлик бошқарувининг умумий шаклланишида аста – секинлик билан йўқолиб кетади.

Иссиқлик ассиметрияси болада кузатиш учун боланинг белигача кийимларни ечинтириб, мушак ости чуқурлигига электротермометрнинг датчиги қўйилади ва асбобнинг кўрсаткичини аниқ даражага келтирилгунча ушланади.

Жамоанинг чиниқданлик даражасини баҳолаш

Болалар жамоасида чиниқтириш муолажаларининг самарадорлиги болалар саломатлик ҳолатининг даврий равища ўзгаришини таҳдил қилиш бўйича ўрганилади. Бунинг учун қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

– болаларни саломатлик гуруҳларига тақсимлаш; асосий дикқат – эътибор тез – тез ва узоқ вақт касалланувчи болаларга қаратилган иккинчидан саломатлик гуруҳига эътибор қаратиллади;

– саломатлик индекси кўрсаткичи (гуруҳдаги умумий болаларга нисбатан йил давомида бир марта ҳам касал бўлмаган болаларнинг % лардаги нисбати);

– тез – тез касалланувчи болалар кўрсаткичи (гуруҳдаги умумий болалар орасида йил давомида 4 ва ундан ортиқ марта касаллангац, болаларнинг % лардаги нисбати);

– 100 та болалар орасида шамоллаш касалликларининг умумий % лардаги нисбати;

– айрим нозологик касалликларнинг алоҳида тарқалганлигининг ўртача давомийлиги;

– чиниқданлик даражасига қараб болаларни гуруҳларга % нисбатларида тақсимлаш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Чиниқтиришнинг гигиеник таърифини тушунтириб беринг.
2. Чиниқданлик ҳолати деб нимага айтилади?
3. Чиниқтириш воситаларини санаб беринг.
4. Ҳаво ёрдамида чиниқтиришга қўйилган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
5. Ҳаво ёрдамида чиниқтириш воситалардан фойдаланиш ман қилинган вазиятларни асослаб беринг.
6. Ҳаво ёрдамида чиниқтириш вақтларини гигиеник тарзда асослаб беринг.

7. Қуёш нури ёрдамида чиниқтиришга қўйилган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
8. Қуёш нури ёрдамида чиниқтириш воситалардан фойдаланиш ман қилингган вазиятларни асослаб беринг.
9. Сув ёрдамида чиниқтиришга қўйилган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
10. Сув ёрдамида чиниқтиришнинг ижобий ва салбий томонларини тушунтириб беринг.
11. Чиниқтиришни ташкиллаштиришни назорат қилишда тиббий ходимнинг вазифаларни тушунтириб беринг.
12. Жамоанинг чиниқданлик даражасини аниқлашга қўйилган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.

МАВЗУГА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- 1. Чиниқтириш қайси органларнинг фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади?**
 1. Асаб ва эндокрин тизими.
 2. Таянч ҳаракат тизими.
 3. Нафас олиш тизими.
 4. Қон айланиш тизими.
 5. Ошқозон – ичак тизими.
- 2. Чиниқтириш воситаларини кўрсатинг:**
 1. Сув ва ҳаво ёрдамида.
 2. Инфрақизил нурлар ёрдамида.
 3. Ҳавонинг сунъий равишда алмаштириш ёрдамида.
 4. Турли минераллар билан бойитилган сув ёрдамида.
 5. Жисмоний тарбия ёрдамида.
- 3. Чиниқтиришнинг асосий мезонларидан биттасини кўрсатинг:**
 1. Жисмоний ривожланиш даражаларини инобатта олган ҳолда чиниқтириш муолажаларини ўтказиш.
 2. Боланинг саломатлик ҳолатини инобатта олган ҳолда чиниқтириш муолажаларини ўтказиш.
 3. Боланинг ёшини инобатта олган чиниқтириш муолажаларидан фойдаланиши.
 4. Ташки мұхит омилларини гигиеник талабларига мослаштирган ҳолда чиниқтириш муолажаларини ташкиллаштириш.
 5. Тиббий ходимнинг тавсияси чиниқтириш муолажаларини тавсия қилишда инобатта олинмайди.
- 4. Ҳаво ванналарини күннинг қайси вақтида қабул қилиш маңсадга мувофиқдир:**
 1. Күннинг ҳар қандай белгиланган вақтларида.
 2. Боланинг бўш вақти ва унинг хоҳишини инобатта олган ҳолда.
 3. Күннинг эрталабки вақти ва кечки 17 – 18 ларда.
 4. Кечқурун ташкиллаштириш маңсадга мувофиқдир.

5. Эрталаб бөгча ва мактаб бошлангунча ташкиллаштириш энг қулай вақт ҳисобланади.
5. 3–4 ёшли болаларни бошланғич ҳолатларида сув ёрдамида чиниқтириш ишларини ташкиллаштиришда сувнинг ҳарорати қанча бўлиши керак?
1. 32°
 2. 22°
 3. 25°
 4. 30°
 5. 20°
6. Болаларни қуёш нури ёрдамида чиниқтиришга бўлган зид ҳолатларининг тўғри вариантини кўрсатинг:
1. Илк болалик даври.
 2. Юқумли касалликлар билан касалланиш.
 3. Д витаминининг етишмаслиги.
 4. Жисмоний ривожланишдан орқада қолиш.
 5. Паст ҳаракатланиш даври.
7. 13–14 ёшли болаларниг очиқ сув ҳавзаларида чўмилиш вақтларини кўрсатинг:
1. 15–20 дақиқа.
 2. 30–35 дақиқа.
 3. 10–15 дақиқа.
 4. 30–40 дақиқа.
 5. Вақти чегараланган.
8. Қуёш нури ёрдамида чиниқтириш муолажаларини бошлап вақтини кўрсатинг:
1. Ёз мавсумида 8–10 гача, қиши мавсумида 9–10 гача.
 2. Ёз мавсумида 9–10 гача, қиши мавсумида 10–11 гача.
 3. Ёз мавсумида 7–8 гача, қиши мавсумида 8–9 оралиғида.
 4. Ёз мавсумида 8–10 гача, қиши мавсумида 8–9 гача.
 5. Ёз мавсумида 8–11 гача, қиши мавсумида 9–12 гача.
9. Организмнинг чиниқданлик даражаси қайси синама ёрдамида аниқланади?
1. Совуқ синама ёрдамида.
 2. Электротермометр ёрдамида.
 3. Биотепломер ёрдамида.
 4. Касалликларнинг тарқалиш даражаси бўйича.
 5. Жисмоний ривожланиш кўрсаткичлар ёрдамида.
10. Ташкиллаштирилган болалар жамоаларида қайси чиниқтириш воситалар тавсия қилинмайди?
1. Сауна.
 2. Бассейнда сузиш.
 3. Сув ёрдамида танани нам латта билан артиш.
 4. Оёқларни сув билан ювиш.
 5. Фотарийлар ёрдамида чиниқтириш.

МАВЗУГА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН ЎРГАТУВЧИ, НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ДАСТУРЛАР

**1. Болалар ва ўсмирлар организмининг чиниқтириш воситалари
қайси тизимларининг фаолиятига ижобий таъсири кўрсатади?**

сунъий равища алмаштириш ёрдамида.

1. Асад тизими.
2. Эндокрин тизими.
3. Ҳон ҳосил қилиш тизими.
4. Тана ҳаракат тизими.

2. Чиниқтириш воситаларини кўрсатинг:

1. Сув.

2. Ҳаво.

3. Қуёшнинг ултрабинафша нурлари.

4. Инфрақизил нурлар.

5. Ҳавони сунъий равища алмаштириш ёрдамида.

6. Жисмоний тарбия ёрдамида.

3. Чиниқтиришнинг асосий мезонларини кўрсатинг:

1. Жисмоний ривожланиш даражаларини инобатта олган ҳолда чиниқтириш муолажаларини ўтказиш.
2. Боланинг саломатлик ҳолатини инобатта олган ҳолда чиниқтириш муолажаларини ўтказиш.
3. Боланинг ёшини инобатта олган чиниқтириш муолажаларидан фойдаланиш.
4. Ташиқи муҳит омилларини гигиеник талабларга мослаштирган ҳолда чиниқтириш муолажаларини ташкиллаштириш.
5. Аста – секинлик билан муолажалар даражасини ошириш.
6. Чиниқтириш муолажаларининг оммавий турларидан фойдаланиш.
7. Муолажаларни қўллашнинг систематиклик ва даврийлигини таъминлаш.
8. Чиниқтириш муолажаларининг комплекс таъсири.

4. вақтларини кўрсатинг:

1. Кичик гуруҳ болалари орасида 5 дақиқагача.

2. Ўрта гуруҳ болалари орасида 5 дақиқагача.

3. Ўрта гуруҳ болалари орасида 10 дақиқагача.

4. Кичик гуруҳ болалари орасида 3 дақиқагача.

5. Катта ва тайёрлов гуруҳ болалари орасида 15 дақиқагача.

6. Катта ва тайёрлов гуруҳ болалари орасида 20 дақиқагача.

**5. Ҳаво ёрдамида чиниқтириш муолажаларини қабул қилиш
мумкин бўлмаган вазиятларни кўрсатинг:**

1. Соғлом болалар.

2. Жисмоний ривожланишда орқада қолган болалар.

3. Юқумли касалликлар билан касалланган болалар.

4. Тана ҳароратининг кўтарилиш даври.

5. Тана ҳароратининг пасайган даври.
 6. Ҳаво ёрдамида чиниқтириш муолажаларини қабул қилиш ёшлари ва Респиратор касалликлар.
- 6. Чиниқтириш ишларини ташкиллаштиришда тиббий назоратнинг талабларини кўрсатинг:**
1. Саломатлик ҳолати ва жисмоний ривожланишни назорат қилиш.
 2. Чиниқтириш муолажаларининг организмга таъсирини объектив баҳолаш.
 3. Чиниқанлик даражасига қараб ишнинг самарадорлигини баҳолаш.
 4. Болалар орасида респиратор касалликларининг камайиш даражасининг сони.
 5. Чиниқтириш ишларини ташкиллаштириш ўринларини тиббий назорат қилиш.
 6. Болалар орасида битта касалликнинг давомийлик даражасига қараб баҳо бериш.
- 7. Қандай ҳолатларда қуёш нури ваниаларини қабул қилиш тўхтатилади?**
1. Ҳаракатланиш тўхтаганда.
 2. Д витамини етишмаганда.
 3. Теридан ғоз териси кўриниши ҳосил бўлганда.
 4. Юқори ҳаракат активлигига.
 5. Совуқдан жунжикканда.
 6. Терининг турли ўзгаришларида.
- 8. Махсус чиниқтириш муолажаларига қуйидагилар киради.**
1. Бадантарбия.
 2. Очиқ ҳавода сайд қилиш.
 3. Сув Ճаннали.
 4. Эркин ўйинлар ўйнаш.
 5. Ултрабинафша нурлари.
 6. Юқори ҳаракат активлиги.
 7. Ҳаво ваниалари.
 8. Қумда яёв юриш.
 9. Уқалаш.
10. Сунъий бассейнларда чўмилиш.
- 9. Умумий чиниқтириш чора-тадбирларига қуйидагилар киради:**
1. Кун тартибини тўғри ташкиллаштириш.
 2. Уқалаш.
 3. Рационал овқатланиш.
 4. Ултрабинафша нурлар ёрдамида чиниқтириш.
 5. Очиқ ҳавода ухлап.
 6. Эрталабки бадантарбия.
 7. Хоналарни даврий шамоллатиш.
 8. Сув ёрдамида чиниқтириш.

10. Қайси чиниқтириш воситаларини болалар муассасаларида ташкиллаштириш оғир вазиятни тақозо қылады?

1. Ҳаво ёрдамида чиниқтириш.
2. Умумий танани чиниқтириш.
3. Ултрабинафша нурлар ёрдамида чиниқтириш.
4. Оёқларни чиниқтириш, ванналар.

Мавзуга тегишли ўқитишнинг янги инновацион технологик усуллари

«Болаларни чиниқтиришнинг гигиеник асослари» мавзуси бўйича «мияга ҳужум» ишбилармон ўйини

Бу усул ёрдамида талабаларнинг дарсга тайёргарлик даражаси савиясини баҳолаш мумкин. Агар усулдан ёзма равища фойдаланилса, барча талабаларга қоғоз ва ручка тарқатилади. Агар доскадан фойдаланилса, гуруҳ талабалари 2–3 кишидан иборат кичик гуруҳларга (КГ) бўлинади. Мазкур мавзу бўйича берилган муаммоли саволга, ҳар бир талаба ёки КГ ўз жавоб вариантини ёзиб бериши сўралади. Жавоблар турли тарзда келтирилиши мумкин. Ҳар бир КГ ўз жавоб вариантини бергандан сўнг, ўқитувчи бошчилигига ва талабаларнинг фаол иштироқида берилган муаммоли вазиятта келтирилган жавоб вариантлари таҳлил қилинади. КГ гуруҳлар мавзу бўйича берилган муаммоли саволга олинган жавоблар ичидан энг тўғрилари саналади ва юқори балл қўйилади, қолган жавобларга мос равищда пастроқ баллар қўйилади.

Талабаларга мавзу бўйича қўйидаги муаммоли саволлар берилishi мумкин

1. Чиниқтириш воситаларини ва уларнинг таркибини санаб беринг.
2. Ҳаво ёрдамида чиниқтириш воситаларини ва уларнинг таркиби, улардан фойдаланиш тартиби, ижобий ва салбий томонларини тушунтириб беринг.
3. Қуёш нури ёрдамида чиниқтириш воситаларини ва уларнинг таркиби, улардан фойдаланиш тартиби, ижобий ва салбий томонларини тушунтириб беринг.
4. Сув ванналари ёрдамида чиниқтириш воситаларини ва уларнинг таркиби, улардан фойдаланиш тартиби, ижобий ва салбий томонларини тушунтириб беринг.
5. Бола организмининг чиниқсанлик даражасини аниқлаш усуллари ва аниқлаш тартибини тушунтириб беринг.
6. Болалар жамоасининг чиниқсанлик даражасини аниқлашга қўйилган талабларни тушунтириб беринг.

Берилган тўғри жавоб талабалар томонидан ҳар томонлама асослаб берилади. Бу уларнинг фикрлаш қобилиятини оширади ва ўз фикрининг тўғрилигига ишончни кучайтиради.

АМАЛИЙ КҮНИКМА БОЛАЛАР ОРГАНИЗМИНИНГ ЧИНИҚДАЛЫК ДАРАЖАСИНІ БАҲОЛАШ

Текширишнинг мазкур түри болалар ва ўсмирлар муассасаларининг мақсады текширишдан ўтказиш учун фойдаланилади, масалан у ёки бу болалар жамоасидагы болалар ўртасида күплаб шамоллаш касаллуклари кузатылған ҳолларда.

Текшириш ўтказиш учун қуйидагилар керак: электротермометр, муз өсолинган пробиркалар, «Мактабгача болалар муассасалари ва мактабларни комплекс баҳолаш учун услугбий күрсатма»

Харакат алгоритми

1. Мазкур болалар муассасаларида ўтказиладиган чиниқтирувчи муолажаларнинг характеристири ва ўтказиш шароитлари билан танишиш;
2. Функционал текширишларни ўтказиш учун болалар гурұхини танлаб олиш (20 тадан кам бўлмаслиги керак);
3. Совуқ синама намунасини қўйиши амалга ошириш:
 - текширилувчиларда бармоқнинг ички юзаси ҳароратини ўлчаш;
 - қўл кафтининг ички юзасига З дақиқа давомида музли пробиркани қўйиш;
 - тери ҳароратини бирламчи ҳолатигача қайтиш вақтини ўлчаш;
4. Мартине – Кушалевский синамасини қўйиш:
 - текширилувчиларда нафас олиш ва пулс тезлигини аниқлаш;
 - текширилувчиларга жисмоний машқ топшириғи (20 марта ўтириб туриш) берилади;
 - юкламадан кейин нафас олиш ва пулс тезлигини аниқлаш.
 - нафас олиш ва пулс тезлигини бошланғич даражага қайтиш вақтини ва тери холатининг бошланғич ҳолатта қайтиш вақтини (t) аниқлаш. Максус услугбий қўлланмаларга мувофиқ t нинг қийматини баҳолаш.

IV-БОБ. БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ОВҚАТЛАНИШИНИ БАҲОЛАШ ВА ЎРГАНИШ ЎСУЛЛАРИ

Тўла қийматли овқатланиш – бу болалар ва ўсмирлар организмини ўсиш ва ривожланиш жараёнини таъминловчи, шунингдек, уларнинг саломатлик ҳолатини мустаҳкамловчи аниқ ва доимий ҳаракатдаги асосий омиллардан бири ҳисобланади. Тўла қийматли овқатланиш деб, шундай овқатланишга айтиладики, қачонки ушбу овқат рациони меъёрий ва таркибий сифати жиҳатидан болалар ва ўсмирлар организмида сарфланадиган энергетик қийматни қоплаши керак. Болалар овқат рационини меъёrlаштиришда уларнинг ёши, жинси, яшаш муҳити ва географик минтақаси, шунингдек фаолият тури ва жисмоний юкламанинг даражаси инобатта олинади.

Овқатланишни ташкиллаштиришда ҳар бир ёш гурӯҳ учун овқатланиш тартиби катта аҳамиятга эга, шунингдек, алоҳида овқатланиш, овқат қабул қилиш давомида рационни тўғри таҳсимлаш маҳсадда мувофиқдир. Шу билан биргаликда маҳсулотларнинг кулинария ишлови уларнинг қабул қилиш шароити, овқатланишнинг гигиеник кўникмалари, овқатни тўғри истеъмол қилиш тартиби ҳам катта аҳамиятга эга.

Болалар ва ўсмирлар жамоаси овқатланиши устидан Давлат Санитария эпидемиология назоратини ўтказиш болалалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими шифокорининг асосий вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Санитария шифокорининг вазифаларига овқат сифатини назорат қилиш овқатланишни ташкиллаштириш ва тартибини назорат қилиш, шунингдек, болалар ва ўсмирлар муассасаси овқатланиш ва овқат тайёрлаш жойларини санитария талабларига жавоб бериши маҳсулотларга сифатли ишлов беришини назорат қилиш киради.

Мавзунинг маҳсади. Бўйларда овқатланиш устидан назорат бўйича билимларни олиш ва малакаларни эгаллаш, уларни чуқурлаштириш, бунинг учун қуйидаги услубларни ўрганиш маҳсадга мувофиқдир:

1. Болалар ва ўсмирларнинг овқатланишини гигиеник баҳолаш.
2. Уюшган жамоаларнинг овқатланишини ўрганиш.
3. Алоҳида лаборатор текширувлар ўтказиш, хусусан экспресс усуллар билан уларни таҳлил қила олиш.
4. Овқатланиш блокини санитар – гигиеник текшириш.
5. Овқатланиш блоки ходимларини профилактик тиббий кўриклардан ўтказиш устидан назорат.
6. Тиббий ҳужжатларни тузиш ва назорат қилиш.

Машгулолар кафедра ва болалар муассасаларида олиб борилади. (боғча, мактаб, интернат, лицей, коллеж ва бошқалар)

Биринчи машгулот: Болалар муассасаларида болаларнинг овқатланишини гигиеник баҳолаш;

А) Текширилаёттан боланинг ёши, жинси, тана вазни ва бўйи, шунингдек, унинг фаолияти тавсифномаси ва давомийлиги маълумотлари асосида энергия (кувват) сарфлаши ҳисоботини ўтказиш;

Б) Бола томонидан ҳафта давомида қабул қилинадиган овқатнинг миқдори ва сифатини алоҳида таҳлил қилиш;

В) Рациондаги асосий озуқани ва минерал моддаларнинг нисбати тўғрилигини аниқлаш;

Г) Алоҳида овқат истеъмоли бўйича рационнинг тақсимланишини тўғрилигини аниқлаш.

Иккинчи машғулот: Витамин Сни сийдик билан ажралашини аниқлаш;

А) Услубий қўлланма билан танишиш.

Б) Лаборатор текширув ўтказиш (сийдикни Тилманс реактиви билан титрлаш, олинган натижаларни ҳисоблаш ва таҳлил қилиш).

Олинган маълумотлар жадвалга киритилади ва таҳлил қилинади.

1. Боланинг қувват сарфлаши ва овқатланиш қувватмаёндиги мутаносиблиги аниқланади.

2. Бола қабул қилаёттан оқсиллар, ёғ, углевод, витамин ва минерал моддаларни ёшга оид меъёрларга мос келиши. Бунда ҳайвонот маҳсулотлари ҳисобига қабул қилинаёттан оқсил ва ёғлар миқдорини ҳисобга олиш лозим.

Хулоса қўйидагича таҳлил қилинади:

1) Бола ёки ушбу ёш гурӯҳларининг кунлик қувват сарфини танлаш учун овқатланишининг етарлилиги.

2) Қабул қилинаёттан овқатнинг боланинг ёшига қараб физиологик эҳтиёжларга мос келиши.

3) Рационда асосий озуқа ва минерал моддаларнинг бир – бирига ўзаро боғлиқлик нисбатининг тўғрилигини оқсил ва ёғларнинг ҳайвонот МАҲСУЛОТИ етарли миқдорини аниқлаш.

4) Рационда энг юқори қийматта эга бўлган маҳсулотлар: тухум, сут, сут маҳсулотлари, гўшт, балиқ, сабзавотлар, кўкатлар, мевалар ва бошқа маҳсулотлар мавжуддиги, таомларнинг қайтарилиши.

5) Овқатланиш тартиби ва рационнинг овқатни қабул қилиш бўйича тақсимланганлигини баҳолаш.

6) Овқатланиши баҳолашда аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш учун йўналтирилган гигиеник тавсияномалар.

4.1. Болалар ва ўсмиirlар овқатланишини ўрганиш

Болалар ва ўсмиirlар жамоаси овқатланишини ҳисоб – китоб ва лаборатор усуllibarda ўрганилади. Жамоа овқатланишини ҳисоб – китоб усулида ўрганишга таомнома – тақсимот ва ҳисботлар усули бўйича ўрганиш киради.

Ҳисботлар усули бўйича овқатланишини ўрганиш

Бу энг оддий усул ҳисбланади. Ушбу усуда ойлик ҳисбот асосида жамоанинг ҳар бир болаларга сарфланган озуқа маҳсулотларининг қиймати инобатта олиниб, бир кунда битта

болага керак бўлган ва истеъмол қилган озиқ – овқат маҳсулотларини ҳисоблаш лозим. Кунлик истеъмол қилинган маҳсулотларнинг олинган маълумотлари озуқа маҳсулотларнинг озуқавий, биологик ва кимёвий таркибини ҳисоблашга ёрдам беради.

Таомнома – тақсимот усули бўйича овқатланиши ўрганиш

Жамоадаги овқат рационини аниқ ўрганишда мавсумнинг ўзгаришига қараб айrim озуқа маҳсулотларини ўзгартириш шароитини тақозо қиласди. Болалар ва ўсмиirlар муассасалари овқат тайёрлаш жойларида ҳар куни таомнома тузилади. Таомномада кун давомидаги барча таомлар ва унинг таркибидаги маҳсулотлар сони ҳамда уларга кулинар ишлов бериш ва тайёрлаш тартиби кўрсатилади. Йил давомидаги ишончлилик натижаларини таъминлаш учун 72–80 тагача таомнома ўрганилади, шунингдек йил фаслларида 18–20 гача, мавсумийлик ҳолатида ёз – куз ва қиши – баҳор мавсумида 36–40 тагача таомномалар таҳлил қилинади. Таомнома – тақсимот усулини ўрганиш даврий равишда ҳар ойда (9–10 кун) ёки тенг оралиқларда 4 кундан кам бўлмаган ҳолларда (мавсумий овқатланиши ўрганишда) ўрганилади. Бу овқатланинг турли – туманлигини ва кунлик рацион таркибининг асосий кўрсаткичлари, энергетик қиймати, унинг таркибида асосий озуқа маҳсулотларидан оқсиллар, ёғлар, карбонсувлар, витаминалар, минерал моддалар ва уларнинг меъёрий таҳлилини кўриб чиқиши талаб қиласди. Барча маълумотлар маҳсус жадваллардан фойдаланиб, ҳисоблаш усули билан олинади. Одатда таомнома – тақсимот усулига маҳсулотларнинг брутто миқдори олинади, шунинг учун кулинария ишлови жараённида ажратиладиган чиқиндиларни ҳисбботда инобатта олиш керак. Озиқ – овқат маҳсулотларида асосий озуқа моддалари ва уларнинг энергетик қийматини аниқлашда маҳсус қўлланмадаги жадваллардан фойдаланилади.

Рацион таркибидаги витаминалар миқдорини ҳисоблашда кулинария ишловидаги йўқотилиш нисбатини инобатта олиш керак.

Олинган маълумотлар тавсия этилган овқатланиш меъёрий кўрсаткичлари билан солиширилади. Шуни инобатта олиш керакки, ёзги дам олиш вақтида овқатланинг энергетик қиймати 10–15 % га оширилиши зарур. Маҳсус касб – ҳунар мактабларида, болалар дам олиш ва даволаниш сиҳатгоҳлари ва маҳсуслаштирилган мактаб – интернатларида таълим олаётган болалар ва ўсмиirlар озуқа маҳсулотлари ва энергетик қийматининг физиологик истеъмол меъёри 10–15 % га оширилиши лозим. Кичик ёшдаги болалар овқат рациони таркибидаги оқсил, ёғ, ва карбонсувларнинг нисбати 1:1:3 ва катта ёшдаги болаларда 1:1:4 нисбатда бўлиши керак. Рацион таркибидаги ҳайвонот

оқсилларининг миқдори мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун умумий оқсилларнинг кунлик нисбатининг 65–70%ни, мактаб ёшидаги болаларга эса 60%ни ташкил қилиши лозим. Калций ва фосфор микрозлементларининг ижобий нисбати кўкрак ёшидаги болалар учун овқат рациони таркибида 1,2:1, 1 ёшдан 3 ёшгacha 1:1, 4 ёшдан катта болалар учун 1:1,2 ёки 1:1,5 нисбатда бўлиши керак. Мақбул калций ва магний нисбати 1:0,7 нисбатда бўлиши зарур. Оммавий истеъмол маҳсулотлари ҳамда тайёр маҳсулотларни витаминалар билан бойитилишининг меъёрдан четлаштирилиши, яъни силжиши ҳар иккала томонга (кўп ва кам) 20 %дан ошмаслиги керак.

Таомнома – тақсимот маълумотларининг таҳлили таомномани тўғри тузишга ёрдам беради. Бунинг учун рацион таркибининг турли – туманлиги, таркибидаги таомларнинг сони (суюқ овқатлар, иккинчи овқатлар, салатлар ва шарбатлар) ва таомнома таркибидаги овқатларни алоҳида истеъмол қилиш тартиби кўрсатилади. Бунда асосий эътибор нафақат ҳафта ва кун давомидаги таомлар қайтарилишига эмас, балки маҳсулотларнинг қайтарилиш тартибига ҳам қаратилади. Шунингдек, таомнома таркибидаги гўшт, балиқ, тухум, сут ва сут маҳсулотлари, сифатли соф мева ва сабзавотларга эътибор қаратилиши керак.

Рационни тўғри тақсимланиши овқатларни қабул қилиш даражаси ва энергетик қиймати билан аниқланади. Шунинг учун алоҳида овқат қабул қилиш давомидаги энергетик қиймат умумий рацион қийматининг 100 % лардаги нисбатига биноан (нонушта, тушлик, ва бошқалар) фоизларда ифодаланади.

Мактабгача тарбия ва мактаб ёшидаги болаларнинг овқатланиш рациони кунига 4 маротабадан кам бўлмаслиги лозим. Биринчи эрталабки нонушта умумий рационнинг 25 % ни, иккинчи нонушта 5–10 % ни, тушлик 35–40 % ва кечки овқат 25% ни ташкил қилиши керак.

Уч маҳалли овқатланишда нонушта 30%ни, тушлик 45–50%ни, кечки овқат эса 20–25%ни ташкил қилиши керак. Болалар соғломлаштириш сиҳаттоҳларида овқатланиш 5 маҳалли бўлиб, қўшимча равишда (иккинчи нонушта ва иккинчи кечки овқат маҳаллий шароит ва сиҳаттоҳ турига қараб тавсия этилади). Кун давомида овқат рациони ва энергетик қийматини тақсимлашда тушликнинг муқобил тақсимот нисбатига эътибор берилиши керак. Қўйидаги овқатланиш вариантлари тавсия этилади:

1 – варианти – нонушта – 20 %, иккинчи нонушта 5–10%, тушлик – 35%, иккинчи тушлик – 10–15%, кечки овқат – 20 %.
2 – варианти – нонушта – 20 %, тушлик – 35%, иккинчи тушлик – 10–15%, кечки овқат – 20 %, иккинчи кечки овқатта – 5–10% ажратилади.

Овқатланишни лаборатор үсулда ўрганиш

Давлат санитария эпидемиология назорати маркази (ДСЭНМ) лабораториясида болалар муассасаларида овқатланиш устидан режали ва кўрсатмаларга биноан назорат қўйидаги тартибда ўтказилади:

- 1) Рационларни ёки алоҳида таомларни хом ашё билан тўлиқ таъминланганлик;
- 2) Таомларга термик ишлов бериш сифатини текшириш;
- 3) Сунъий С – витамини билан бойитилиши даражасини баҳолаш;
- 4) Зарурият туғилганда маҳсулотларнинг сифатини текширилганлигини аниқлаш.

Лабораторияда таҳлил қилиш учун намуна олинаётганда бир қатор шароитларга амал қилиш керак:

- А) Намуналар олиш вақти ҳақида текширилаётган обьект маъмурити олдиндан хабардор бўлмаслиги керак;
- Б) 1 – куннинг ўзида рационнинг ҳамма таркибий қисмларидан таҳлил қилиш учун намуна олиш мақсадга мувофиқ (эрталабки, тушлик, кечки овқат таомлари);
- В) Лаборатор текшириш учун намуналарни таомли патносдан столга тарқатилаётган вақтда олинади. Ҳар бир таомдан 2 порциядан олиш керак;
- Г) Лаборатор таҳлил учун намуналар олиш сони лаборатория имкониятларидан келиб чиқади, лекин ҳар бир ўрганилаётган жамоада ойида камида 3 марта намуналар таҳлил қилиниши лозим.

Овқатланиш сифатини ва энергетик қийматини чуқурлаштирилган усуллари бўйича ўрганишда лаборатория усулидан фойдаланилади. Ушбу усулда аниқ муддатда ҳар бир мавсумда 10 кун давомида ўтказилади. Кунлик рациондаги овқатларнинг лаборатор текширишда овқат таркибидағи озуқавийлик ва биологик кўрсаткичлари аниқланади. Бу усул болалар жамоасидаги ўрганилаёттан овқат таркибининг ишончли баҳолаш тартиби ҳисобланади. Умумий истеъмол маҳсулотлари ва тайёр маҳсулотларни витаминалар билан бойитилишини лаборатор назорат қилиш асосий аҳамиятта эга. Барча болалар ва ўсмиirlар муассасаларида йил давомида витаминаларни рационга киритиш ва уни гигиеник назорат қилиш талаб қилинади. Витаминалар миқдори ва таомларни витаминалар билан бойитилганлигини лаборатор назорат қилиш йилнинг ҳар чорагида бир маротаба ўтказилиши керак.

4.2. Сийдиқдаги аскорбин кислота миқдорини аниқлаш

Болалар жамоаларининг овқатланиш сифатини назорат қилганда, организмнинг аскорбин кислота билан таъминланганлигини (қондаги ва сийдиқдаги миқдори) ўрганиш зарур. Қондаги аскорбин кислота миқдорини аниқлаш учун маҳсус

асбоб – анжомлар керак; бундан ташқари намуна олиш бола учун нохуш муолажадир. Шунинг учун бола организмининг аскорбин кислотаси билан таъминланганligини назорат қилиш учун аскорбин кислотани сийдикда аниқланади. (Н.С.Железняков усули бўйича). Бу усул аскорбин кислотаси сийдик билан миллиграмм – соатда чиқишига асосланган. Аскорбин кислота овқатда етарли миқдорда бўлганда, сийдик билан 0,7 – 1 мгс миқдорида чиқади ва диурез ҳажмига боғлиқ бўлмайди.

Усул мезони. Синамадаги аскорбин кислота миқдорини титрлаш учун сарфланган. Тильманс реактиви миқдори бўйича ҳисобланади. Аскорбин кислота 2,6 дихлорфенол – индофенол билан оксидланади ва оксидланган шакл дегидроаскорбин кислотага ўтади, бунда реактив рангсиз лейко бирлашмага қайта тикланади.

Сийдик йифиши техникаси. Биринчи сийдик ажралиш вақти аниқланади. Сўнг тахминан бир соатдан кейин текширув учун сийдик порцияси йигилади. Сийдик йигадиган идишга 5 мл – 40% ли сирка кислотаси қўйилиши керак. Сийдик олиш вақти ҳам аниқлик билан қайд қилинади.

Таҳлилнинг бориши. Йигилган сийдик ўлчамли цилиндрга солинади, текширув қуладиги ва сийдик ҳажми ҳисоби учун дистирланган сув билан 60 мл дан 80 мл гача етказилади. Сўнгра намунали колбада филтрланади. Иккита стаканга қанд, 2 мл дан филтрланган сийдик ва 2 мл дан дистирланган сув қўйилади. Тилман бўёғи билан 30 минут давомида йўқолмайдиган оқиш пушти рангга киргунча титрланади, сўнгра уксус кислота эритмаси тайёрланади; 5 мл 40% уксус кислота эритмасини дистирланган сув билан йигилган сийдик ҳажмигача (60 ёки 80 мл) етказилади. Қанд стаканчасига шу эритмадан 2 мл ва 2 мл сув қўйилади.

Аскорбин кислотанинг миқдори қўйидаги формула билан ҳисобланади.

$$X = \frac{(a-b) \times k \times d \times 60}{r \times 11,4 \times c} \text{ мг/с}$$

Бу ерда a – сийдикни титрлаш учун кеттан реактив сони (2 каталиқдан ўртacha арифметик) мл.

B – назорат намунасини титрлаш учун кеттан реактив, мл.

K – титрлаш учун олинган сийдик миқдори.

r – натижаларни оғирлик ўлчовига.

C – сийдик йигилган вақт оралиғи, дақиқа.

60 – маълумотларни 1 соатга ўтказиш учун коэффициент.

Мисол: Боланинг тунги сийдиклари соат 6 дан 15 дақиқа ўтганда эрталабки порцияси таҳлили соат 8 да йигилади. Демак сийдик йигим вақти 55 дақ. титрлаш учун сийдик ҳажми 60 мл га етказилган (d). Сийдикни титрлаш учун 2,6 дихлорфенол индофенол керак: 1 та стаканга 0,44 мл, 2 – стаканга 0,42 мл. Ўртacha

арифметик (а): $(0,44+0,42)/2=0,43$. Назорат намунаси титрлаш учун 0,43 мЛ реактив кеттган. Реактив эритмасини титрга түгрилаш 0,90 (к). Демек:

$$X = \frac{(0,43-0,13) \times 0,30 \times 60 \times 60}{2 \times 11,4 \times 55} = \frac{0,30 \times 0,30 \times 60 \times 60}{2 \times 11,4 \times 55} = 0,77 \text{ мг/с}$$

Хулоса: Текширув натижалари боланинг етарлича аскорбин кислота билан таъмиланишини кўрсатмайди.

4.3 Болалар ва ўсмирлар овқатланишини баҳолаш

Аниқ ёки алоҳида ажратиб олинган болалар ва ўсмирлар овқатланишини баҳолаш уни энергетик қиймати меъёrlастирилганлиги, таркибидағи оқсиллар, ёғлар, карбонисувлар, витаминлар ва минерал моддаларнинг миқдорини аниқлаш ва хулоса беришга асосланган. Овқатланишнинг тўла қийматилиги тўғрисида хулоса бериш боланинг энергия сарфини ҳисоблашга асосланган бўлиб, у ўз ўрнида асосий алмашинувга сарфланадиган, жамоат ва уй шароитида фаолият жараёнида овқатнинг специфик –динамик ҳаракатига сарфланадиган энергияга боғлиқ бўлади. Асосий алмашинув жараёни 4.1. ва 4.2. – жадвалларда келтирилган бўлиб, бунда боланинг жинси, ёши, бўй узунлиги ва вазни инобатта олинган ҳолда аниқланади.

Асосий алмашинувни аниқлаш учун 1 – ёки 2 – жадвалда келтирилган боланинг жинсини инобатта олиб, 2 та сон кўрсаткичини бирлаштириш лозим.

1. Келтирилган жадвалнинг А бўлимидан – тананинг вазнини инобатта олиш керак;
2. Жадвалда келтирилган Б бўлимдан эса ёш ва тана узунлигини инобатта олиш керак.

Энергия сарфининг нисбати калорияда ифодаланаади.

Мисол: 9 ёшли ўғил бола танасининг узунлиги 132 см вазни 28,3 кг 4.3.1. – жадвалдаги А бўлимининг рўпарасидан тана вазнини биринчи сонини топамиз. Бу – 452 ккалга teng. Б бўлимдан боланинг ёши ва тана узунлигининг белгиланган кўрсаткичидан иккинчи сонини топамиз, бу эса ўз ўрнида – 740 ккалга teng. Изланётган боланинг асосий алмашинувининг йигиндиси – 1192 ккалга teng. Асосий алмашинувнинг 10 – 15% миқдордаги энергияси овқатнинг специфик –динамик ҳаракатига сарфланади. Бу бизнинг мисолимизда 119 – 179 ккални ташкил қиласди.

Фаолиятдаги энергия сарфини аниқлаш учун, муассасанинг кун тартиби, боланинг шахсий кун тартиби, шунингдек, бола фаолиятининг кузатиш хронокартаси маълумотларини билиш лозим. Буни инобатта олган ҳолда 4.3.3. – жадвалдан турли хил фаолиятларда энергия сарфини аниқлаш мумкин бўлиб, бу ўз ўрнида боланинг кунлик энергия сарфини ҳамда овқат билан

тушадиган ёки қабул қилиниши керак бўлган энергия сарфини аниқлашга ёрдам беради. Бола овқат рационини ўрганиш натижаларидан олинган маълумотлар 4.3.4. ва 4.3.6. – жадвалларида келтирилган асосий озуқа мезёrlарига солиштирилади.

Жадвал 4.3.1

• Ўғил болалар учун ёши, тана узунлиги ва вази маълумотлари бўйича асосий алмашинувни аниқлаш

Кр	А				Б (ёталар)										
	к кал	кг	к кал	та на узу н лиги	1	3	5	7	9	11	13	15	17	19	
3	107	44	672	40	-40	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
4	121	45	685	44	0	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
5	135	46	699	48	+ 40	-	-	-	-	-	-	-	-	-	
6	148	47	713	52	80	15	-	-	-	-	-	-	-	-	
7	162	48	727	56	120	55	0	-	-	-	-	-	-	-	
8	176	49	740	60	160	95	40	2	-	-	-	-	-	-	
9	190	50	754	64	200	135	70	10	-	-	-	-	-	-	
10	203	51	768	68	240	175	110	50	-	-	-	-	-	-	
11	217	52	782	72	280	215	150	90	40	-	-	-	-	-	
12	231	53	795	76	320	255	190	130	80	30	-	-	-	-	
13	245	54	809	80	360	295	230	170	120	70	-	-	-	-	
14	258	55	823	84	400	335	270	210	160	110	60	-	-	-	
15	272	56	837	88	440	375	310	250	200	160	100	-	-	-	
16	286	57	850	92	480	415	350	290	250	220	140	100	-	-	
17	300	58	864	96	520	455	455	390	330	280	180	140	113	-	
18	313	59	878	100	560	495	430	370	350	330	230	180	153	128	
19	327	60	892	104	-	535	470	410	400	390	280	220	193	168	
20	341	61	905	108	-	375	510	450	450	440	330	260	233	208	
21	355	62	919	112	-	615	550	500	500	500	380	300	273	248	
22	368	63	933	116	-	655	590	540	550	550	430	340	313	288	
23	382	64	947	120	-	695	630	580	600	600	480	380	353	328	
24	396	65	960	124	-	-	670	630	640	650	530	420	393	468	
25	410	66	974	128	-	-	710	680	690	700	580	460	433	408	
26	424	67	988	132	-	-	750	720	740	750	630	550	473	448	
27	438	68	1002	136	-	-	790	770	780	800	680	540	513	488	
28	452	69	1015	140	-	-	830	810	830	840	720	580	553	528	
29	465	70	1029	144	-	-	-	860	880	890	760	620	593	568	
30	479	71	1043	148	-	-	-	900	920	950	820	660	633	608	
31	493	72	1057	152	-	-	-	940	960	990	860	700	673	648	
32	507	73	1070	156	-	-	-	970	990	1030	890	740	713	678	
33	520	74	1084	160	-	-	-	-	1030	1020	1060	920	780	743	708
34	534	75	1098	164	-	-	-	-	-	1060	1100	960	810	773	738
35	548	76	1112	168	-	-	-	-	-	1100	1140	1000	840	803	768
36	562	77	1125	172	-	-	-	-	-	-	1190	1020	860	823	788
37	575	78	1139	176	-	-	-	-	-	-	1230	1040	880	843	808
38	589	79	1153	180	-	-	-	-	-	-	1060	900	863	828	-
39	608	80	1167	184	-	-	-	-	-	-	-	920	883	848	-
40	617	81	1180	188	-	-	-	-	-	-	-	940	903	868	-
41	630	82	1194	192	-	-	-	-	-	-	-	-	923	888	-
42	644	83	1208	196	-	-	-	-	-	-	-	-	-	908	-
43	658	84	1222	200	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-

Жадвал 4.3.2

Қиз болалар учун ёши, тана узұнлиғи ва вази маълумотлари
бүйича асосий алмашынвни аниқлаш

А				Б (ёшлар)										
Kр	K кал	кг	K кал	Та- на узу- нлиғи	1	3	5	7	9	11	13	15	17	19
3	683	44	1076	40	-344	-234	-194	-	-	-	-	-	-	-
4	693	45	1085	44	-322	-218	-178	-	-	-	-	-	-	-
5	702	46	1095	48	-312	-202	-162	-	-	-	-	-	-	-
6	712	47	1105	52	-296	-186	-146	-	-	-	-	-	-	-
7	721	48	1114	56	-280	-170	-130	-134	-	-	-	-	-	-
8	731	49	1124	60	-264	-154	-114	-118	-	-	-	-	-	-
9	741	50	1133	64	-248	-138	-98	-102	-111	-	-	-	-	-
10	751	51	1143	68	-232	-122	-82	-86	-95	-	-	-	-	-
11	760	52	1152	72	-216	-106	-66	-70	-79	-89	-	-	-	-
12	770	53	1162	76	-200	-90	-50	-54	-63	-73	-	-	-	-
13	779	54	1172	80	-184	-74	-34	-38	-47	-57	-66	-	-	-
14	789	55	1181	84	-168	-58	-18	-22	-31	-31	-50	-	-	-
15	798	56	1191	88	-152	-42	-2	-6	-15	-5	-34	-43	-	-
16	808	57	1200	92	-136	-25	12	10	1	19	-18	-27	-	-
17	818	58	1210	96	-120	-10	25	26	17	27	-2	-11	-21	-
18	827	59	1219	100	-104	6	40	42	33	43	14	5	-5	-14
19	837	60	1229	104	-	22	56	58	54	62	30	21	11	2
20	846	61	1238	108	-	38	72	74	75	85	56	37	27	18
21	856	62	1248	112	-	54	88	90	91	101	72	53	43	34
22	865	63	1258	116	-	70	105	106	107	117	98	69	59	50
23	875	64	1267	120	-	86	126	132	123	143	114	85	75	66
24	885	65	1277	124	-	-	142	148	138	159	130	101	101	82
25	894	66	1286	128	-	-	158	164	161	175	146	117	107	98
26	904	67	1296	132	-	-	174	180	181	191	162	133	123	114
27	913	68	1305	136	-	-	190	196	197	207	178	140	139	130
28	923	69	1315	140	-	-	206	212	213	228	194	165	155	146
29	932	70	1325	144	-	-	-	228	239	249	210	181	171	162
30	942	71	1334	148	-	-	-	244	255	265	236	297	187	178
31	952	72	1344	152	-	-	-	260	271	281	252	212	201	192
32	961	73	1353	156	-	-	-	276	287	297	260	227	215	206
33	971	74	1363	160	-	-	-	282	293	303	274	242	229	220
34	980	75	1372	164	-	-	-	-	309	313	290	257	243	234
35	990	76	1382	168	-	-	-	-	-	325	306	271	255	246
36	999	77	1391	172	-	-	-	-	-	331	318	285	267	258
37	1009	78	1401	176	-	-	-	-	-	-	328	299	279	270
38	1019	79	1411	180	-	-	-	-	-	-	-	313	291	282
39	1028	80	1420	184	-	-	-	-	-	-	-	327	303	294
40	1038	81	1430	188	-	-	-	-	-	-	-	-	313	304
41	1047	82	1439	192	-	-	-	-	-	-	-	-	322	314
42	1057	83	1449	196	-	-	-	-	-	-	-	-	333	324
43	1066	84	1458	200	-	-	-	-	-	-	-	-	-	334

Жадвал 4.3.3

**О.П. Молчанова бүйінча 1 кг тана вазнига 1 соат давомида
энергия сарғы (ккал)**

1 ёшдан 3 ёшгача бўлган болаларда			
Кечаси ухлаганда	2,28	Ўтирган ва тик туриб ўйнаганда	3,64
Тинч ёттанда (тинч ухлаганда ёки дам олганда)	2,50	Тинч юриб ўйнаганда	4,07
Тинч турганда	2,78	Кўп ҳаракатли ўйинда	6,23
Юрганда	5,07		
Ютурганда	8,64	Қўғирчоқ ўйнаганда	4,27
8 – 11 ёшли болаларда			
Тинч ўтирганда	1,89	Жисмоний тарбия	3,33
Тинч турганда	1,89	Дурадгорлик ишларида	4,40
Юрганда	3,50		
Дарс давомида (хориж тиллари, кимё, математика)	1,89	Таёқ билан ўйнаганда	11,30
11 – 14 ёшли болаларда			
Тинч ўтирганда	1,50	Мусиқа, жисмоний тарбия	2,57
Дарс давомида (хориж тиллари, кимё, математика)	1,62	Дурадгорлик устахонасидағи ишлар	3,52
Дарс давомида (расм, география, физика)	1,72	Юрганда	3,05

Жадвал 4.3.4

Болалар ва ўсмирлар истеъмол қилиши учун тавсия қилинган кунлик оқсиллар, ёғлар ва углеводлар ҳамда энергия қиймати

Ёши	Энергетик қиймат ккал	Оқсиллар, г.	Ёғлар, г.	Карбон сувлар, г.
1–3 ёш	1540	53	53	212
4–6 ёш	1970	68	68	272
7–10 ёш	2300	79	79	315
11–13 ёшлилар				
Үғил болалар	2700	93	93	370
Қыз болалар	2450	85	85	340
14–17 ёшлилар				
Үғил болалар	3160	106	106	422
Қыз болалар	2760	93	93	367

Жадвал 4.3.5

Болалар ва ўсмиirlар истеъмол қилиши учун тавсия қилингган кунлик витаминлар миқдори

Ёши	A, мкг	B ₁ мг	B ₂ мг	PP мг	C, мг
1 – 3 ёш	450	0,8	0,9	10	45
4 – 6 ёш	500	0,9	1,0	11	50
7 – 10 ёш	700	1,2	1,4	15	60
11 – 13 ёшлилар					
Ўғил болалар	1000	1,4	1,7	18	70
Қиз болалар	800	1,3	1,5	17	70
14 – 17 ёшлилар					
Ўғил болалар	1000	1,5	1,8	20	70
Қиз болалар	800	1,3	1,5	17	70

Жадвал 4.3.6

Болалар ва ўсмиirlар истеъмол қилиши учун тавсия қилингган кунлик минерал моддалар миқдори (мг/кг)

Ёши	Магний	Кальций	Фосфор	Темир	Йод (мкг)
1 – 3 ёш	10	800	800	8	100
4 – 6 ёш	12	1000	1500	8	100
7 – 10 ёш	13	1200	2000	10	100
11 – 13 ёшлилар					
Ўғил болалар	10	1500	2500	15	150
Қиз болалар	10	1400	2500	15	150
14 – 17 ёшлилар					
Ўғил болалар	10	1400	2000	15	200
Қиз болалар	10	1400	2000	15	200

4.4. Овқатланиш блокини санитар-гигиеник текшириш

Болалар муассасаларида овқатланишни ташкил этиш устидан санитария назорати овқатланиш блокини санитар – гигиеник текширишни ўз ичига олади. Бу муассасаларда озиқ – овқат маҳсулотлари маҳсус базалардан келтирилиши ва маҳсулотларнинг сифатини тасдиқловчи маълум ҳужжатлар бўлиши керак. Маҳсулотларни жамоа хўжаликлардан сотиб олинаётганда, масалан, болаларнинг ёзги согломлаштириш муассасалари учун сут ва бошқа маҳсулотларни, хўжалиқдаги аҳволнинг яхшилиги ва маҳсулотни тарқатиш (реализация) қилиши мумкинлиги тўғрисида ветеринар назоратининг хulosаси бўлиши лозим. Маҳсулотларни ташиш санитар эпидемиологик назоратдан ўтган ва санитар паспорти бўлган маҳсус транспортларда, амалга оширилади. Маҳсулот турига мос маҳсус маркировкали идишлар, тараалардан (бидонлар, латалар ва бошқалар) фойдаланилади. Идишлар

фойдаланилгандан сўнг унга ишлов берилади (2% калцийланган содада ювилади, буғланади ва қуритилади) ва улар алоҳида ажратилган жойда сақланади. Маҳсулотларни қабул қилиш муассасанинг тиббиёт ходимлари иштирокида амалга оширилади; бунда маҳсулотларнинг яроқсизлиги тўғрисида маълумот маҳсус журналга қайд этилади. Қуруқ маҳсулотлар, сабзавотлар стеллаж шкафлар билан жиҳозланган маҳсус омборхоналарда сақланади. Омборхоналарнинг ҳавоси яхши алмашинадиган бўлиши керак. Тез бузилувчи маҳсулотларни сақлаш учун совуткич шкафлардан фойдаланилади. Сақлаш камералари температураси журналга қайд қилинади. Сут маҳсулотлари алоҳида совуткичларда сақланиши керак. Маҳсулотларнинг сақланиш муддати муассасанинг маҳсулотларнинг муддатини тасдиқловчи ҳужжат билан назорат қилинади. Маҳсулотларга кулинар ишлов беришни назорат қилганда овқатдан заҳарланиш профилактикасига, шунингдек маҳсулотларнинг озуқавий қийматининг сақланиш ҳолатларига эътибор бериш лозим. Фақат янги тайёрланган таомлар бўлиши керак. 1 – ва 2 –таомлар иссиқ плитада 2 соатдан кўп турмаслиги лозим. Тайёр таомлар сифатини муассасанинг тиббиёт ходими текшириб, журналга қайд қиласди.

Тиббиёт ходим, шунингдек, кунлик таомлардан синама ҳам олади. Болалар муассасасини тиббиёт ходими мажбуриятига тайёр овқатнинг С – витамилизациясини текшириш ҳам киради. Болалар муассасасининг овқатланиш блокини текширганда, уларнинг керакли хоналар ва жиҳозлар билан таъминланганлигини ҳам назорат қилиши керак. Турли болалар муассасаларида овқатланиш блокининг хоналари ҳар куни ювилиши керак: 1) идишларни овқат қолдиқларидан тозалаш; 2) гидрокарбонат натрий (ош содаси), горчица, хлорамин эритмаси қўллаган ҳолда иссиқ сув ($50-60^{\circ}\text{C}$) билан ювиш; 3) маҳсус идишларда иссиқ сув билан чайиш.

Муассасада юқумли касалликлар кузатилса, идиш – товоқлар дезинфекцияниши лозим (овқатдан сўнг 0,2% хлорли оҳак эритмаси ёки 0,2% хлорамин эритмасида ярим соат мобайнида бўктириб қўйилади). Синтетик юувучи воситалар қўлланиши маҳсус санитария қоидалари билан белгиланади, бироқ иложи бўлса, синтетик юувучи воситаларни қўлламаган маъқул, чунки улар ёмон ювилади. Уларнинг қолдиқлари кўп мартараб (20 мартағача) чайилганда ҳам аниқланади, бундан ташқари уларнинг ружсат этилган концентрацияларини қўллашни назорат қилиш қийин ҳисобланади.

Болалар муассасаларида овқатланишини ташкил этишнинг текшириш жараёнида овқатланиш блоки ходимларининг профилактик тиббий кўриқдан ўтиш муддати ва шахсий гигиена қоидаларига амал қилиниши ҳам назорат қилинади. Болалар ёки ўсмиirlар муассасасига шифокор келганда овқатланишини ташкил

этишда күйидаги масалаларини текширади: мактабда – ўқувчиларнинг иссиқ овқат билан таъминланиши, турли синф ўқувчилари учун мактаб нонушталарининг қамрови, тўлаш тизими, парҳез овқатланишнинг мавжудлиги ва бошқалар; спорт интернатларида – машгуотлар ташкил этишга боғлиқ ҳолда овқатланиш тартиби, хусусиятлари ва бошқалар.

Овқатланиш блокини гигиеник текширишнинг асосий масалалари

Овқатланиш блокини текшириш, ишлаш шароитини аниқлаш (хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр таомларда), тайёрланадиган таомлар ассортименти хусусиятлари, таъминлаш базалари, маҳсулотларни ташиб шароитлари ва бошқаларни ўз ичига оладиган умумий – тавсифномадан бошланади.

Текшириш технологик жараёнигининг йўналиши бўйича амалга оширилади:

1. Майдон: Овқатланиш блокига алоҳида кириш эшигининг мавжудлиги; транспортдан юқ тушириш учун ва бўш тараларни сақлаш учун шароитнинг (унинг яроқлилиги, маркировкаси, ишлов берилганилиги) мавжудлиги.

2. Омборхоналар: Жиҳозлар сони, майдони; совуқлик билан таъминланганлиги; турли маҳсулотларни сақлаш температураси режими; реализация (тарқатиш) муддатларига амал қилиши.

3. Ишлаб чиқариш хоналари: технологик жараён оқимига амал қилиши (хом ашё, тайёр маҳсулот, чиқиндилар оқими учрашувининг йўқлилиги) ошхона, тайёрлов, тарқатиш, ювиш хоналари майдони. Поллар таъмирланганлиги, вентиляция, жиҳозлар, инвентарлар ва санитар ҳолатини кўрсатиш билан баҳо берилади. Ошхонани текширганда маҳсулотларга термик ишлов бериш режими, сабзавотларга кулинар ишлов бериш, уларни С – витаминини сақлаб қолинишига аҳамият берилади.

4. Ошхоналарда идиш – товоқларга ишлов бериш қоидаларига амал қилиш: алоҳида ишлов бериш, юувучи ванналар миқдори, юувучи воситалар йўналиши, тоза идиш – товоқларнинг сақланиши, дезинфекцияланувчи воситаларнинг мавжудлиги.

5. Ҳодимларнинг гигиеник қоидаларга амал қилиши (ишлаб чи – қарувчи кийимининг ҳолати, қўлларнинг тозалиги ва бошқалар). Шахсий гигиена қоидаларига амал қилиш учун шароити.

6. Ҳодимларнинг профилактик тиббий кўриқдан ўтиш муддатига амал қилиши.

7. Тиббий ҳужжатларнинг юритилиши: яроқсизлик журнали, санитар журнал; тиббий кўриқдан ўтганлигини қайд қилувчи журнали.

Холосада овқатланиш блокига санитар – гигиеник баҳо берилади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун керакли чора – тадбирлар кўрсатилади.

4.5. Мактабгача болалар муассасаларида овқатланишни ташкиллаштиришнинг тибий назорати

Болалар организмининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни бекаму – кўст овқатланиши учун рацион таркибидаги маҳсулотлардан тўғри фойдаланиб, етмайдиганлари ўрнини тўлдириб, болалар организмининг асосий озиқ моддаларига бўлган эҳтиёжини қондирадиган овқатлар тайёрлаш ва овқатланиш таркибига албатта риоя қилиш, соғлом ва ёшга мос уйғун ривожланишини таъминлади, касалланиш даражасини пасайтиради, ишлаш қобилятини оширади. Ташки мұхитнинг ноқулай омилларига бола организмининг тўғри (адекват) мослашишига ёрдам беради.

Дунё миқёсида олиб борилаёттан ҳалқаро ташкилотларнинг тажрибалари асосида «овқатланиш бўйича Синди дастури» тузилган.

Ушбу дастурга кўра соғлом овқатланиш учун қўйидаги мезонларга амал қилиш керак:

1. Ўсимлик маҳсулотларини ташкил қилувчи турли – туман озиқ – овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш.

2. Кунига бир неча мартадан нон, дон ва макарон маҳсулотлари, гуруч ёки картошка истеъмол қилиниши лозим.

3. Кунига бир неча мартадан маҳаллий ҳўл мева ва сабзавотлардан (камида 400 гр. кунига) тановул қилиш.

4. Ёғни камроқ истеъмол қилиш, иложи борича тўйинган ёллар ўрнига тўйинмаган ўсимлик ёғлари истеъмол қилиш.

5. Ёғли гўшт ва гўшт маҳсулотларини мош, нўхот, ловия ва бошқа дуккаклилар, шунингдек балиқ, парранда гўшти ёки ёғсиз гўшт билан алмаштириш.

6. Сут ва сут маҳсулотларининг (қатиқ, простокваша, йогурт, пишлөк) ёғсиз навларидан истеъмол қилиш.

7. Истеъмол қилаёттан овқатларга иложи борича камроқ туз сепиш, яъни тузини пастроқ қилиб истеъмол қилиш. Шунингдек йодланган туздан мунтазам фойдаланиш.

Мактабгача тарбия ёшидан болаларни уйда ҳам, жамоат жойларида ҳам уларнинг ёшига мос равишда тўғри овқатлантириш, уларнинг уйғун жисмоний ривожланишида ва саломатлигини сақлашда мұхим рол ўйнайди.

Болалар овқатланиш тартибига риоя қилишига айниқса мұхтож бўладилар. Бола қанча ёш бўлса, у шу қадар тез – тез овқатлантирилиши лозим. Пала – партиш (турли – соатларда) овқатлантириш болада иштача пасайишига ва меъда – ичак йўлларида турли бузилишлар юз беришига олиб келади, шунинг учун бола уйда ҳам, бошқа жойларда ҳам маълум соатларда овқатланиши лозим.

Мактабгача тарбия ёшдағи болаларға қуийдагича овқатланиш тартиби тавсия этилади:

1 – нонушта (соат 8.00) – 20 – 25%

2 – нонушта (соат 11.00) – 15%

Түшлик (соат 14.00) – 35 – 40%

Толма чой (соат 17.00) – 15%

Кечки овқат (соат 19.00) – 20 – 25%

Тұғри ва үйлаб тузилған овқат рациони ўсаёттан организмнинг физиологик талабарига тұла-тұқис мувофиқ келиши, унің ҳар томонлама етук ва соғлом бўлиб ривожланишига имкон беради.

Бир ёшдан ошган болалар учун таомномалар түзишда асосий озиқ моддаларига ва энергияға бўлган организмнинг талаби (ёшига мос равищда) хисобга олинади. МБМда болаларнинг куни бўлиш вақтiga қараб З ёки 4 маҳал овқатлантириш ташкил этилади.

9–10 соатлик боғчаларда 3 маҳал овқатлантириш ташкиллаштирилади ва кунлик асосий озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжнинг 75–80% қондирилади (нонушта – 25%, түшлик – 40%, толма чой – 15%) ва кечки овқатни уйда истеъмол қиладилар (кечки овқат – 20%).

12–14 соатлик боғчаларда 3 ёки 4 маҳал овқатлантиришни ташкил этиш мумкин. Биринчи ҳолда, яъни 3 маҳалли овқатланиши ташкиллаштирилганда нонушта – 25% ни, түшлик – 35%ни, толма чой – 20 – 25%ни ташкил этади.

4 маҳал овқатлантириш тартиби қуийдагича: нонушта – 25%, түшлик – 35 – 40%, толма чой – 10 – 15% ва кечки овқат – 15% ни ташкил этади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасаларида ҳар кун учун аниқ таомномалар тузилади. Бунда асосий озиқ моддаларйнинг нисбатига (оқсил : ёғ : углевод 1: 1: 4) қатъий риоя этилади.

Таомномалар тузилаёттанды қуийдаги талабларга риоя этилиши зарур.

Баъзи озиқ – овқат маҳсулотлари таомномада ҳар куни бўлиши зарур (сут, сариёғ, ўсимлик ёғи, шакар, нон ва гўшт). Балиқ, тухум, пишлоқ, творог, сметана каби маҳсулотларни ҳар кунги таомномага киритилмаса – да, лекин 10 кун – декада давомида меърий миқдорда таъминлаш зарур. Сабзавот ва ёрмалар таомномага ҳар куни киритилади, лекин бир куни меъёрдан кўп берилса, иккинчи куни камроқ, бу ҳолда ҳам 7 – 10 кун мобайнида меъёрий миқдори берилishi шарт.

Кунлик таомнома тузишни түшликдан бошлаш қулай, чунки түшлик таркибиға гўшт ёки балиқ, ёғ, сабзавотларга бўлган эҳтиёжнинг энг кўп миқдори киритилади. Қолган маҳсулотлар нонушта, толма чой ва кечки овқат таркибида тақсимланади. Бунда

бир таомнинг кун давомида ва якин кунлар ичидә тақрорланмаслигини назорат қилиш керак.

Иложи борича таомнома таркибиға сабзавот ва мевалар кўпроқ киритилиши кун давомида камида 2 марта сабзавотлардан тайёрланган овқатлар ва 1 маҳал ёрма ёки макарондан тайёрланган овқатлар истеъмол қилишни таъминлаш шарт.

Ҳар кунги таомномада қатиқ, ряженка ёки ацидофилин (толма чой ёки кечки овқат) булиши овқат ҳазм қилишига ва ичак микрофлорасига ижобий таъсир кўрсатади.

Маълумки, гўштта бўлган эҳтиёж асосан тушлиқнинг 2 – овқати таркибиға киритилган гўшт ҳисобидан қондирилади. Бунинг учун мол гўштидан, қўй гўштининг ёғизиз навларидан, товуқ ва қуён гўштидан тайёрланган котлет, суфле, гуляш, биточки ва ҳоказолар қайнатиб ёки димлаб берилади.

Нонуштага кечки овқат қилиб, сабзавот ва мевалар қўшиб тайёрланган:

1) сутли бўтқалар (сули, гуруч, манка ёрмасидан тайёрланган сабзили, ўрикли ва ҳоказоли бўтқалар).

2) сабзавотли таомлар (сабзавотли рагу, димланган карам, сабзавотли икра), ёрма ва сабзавотли таомлар (турли хил дўлмалар, сабзавотли котлетлар ва запеканкалар), творогдан тайёрланган таомлар (қўймоқлар ва варениклар), тухумли таомлар (омлетлар), пишлоқлар. Нонуштага онда – сонда сосискалар, қовурилган ёки қайнатилган балиқ ва ҳоказолар бериш мумкин.

Ичимликлардан нонуштага сут, сутли какао ёки ширчой, компот бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Кечки овқаттага эса, сут, қатиқ кам ҳолларда сутли чой бериш мумкин.

Толма чой одатда 2 таомдан – сутли (қатиқ, кефир, ряженка, сут, биолакт) ва пишириқ ёки кондитер маҳсулотларидан ташкил топади (пёченье, вафли, сухарик). Толма чой таркибиға мевалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Куни узайтирилган гурӯҳлар учун толма чойга сабзавотли ёки ёрмали овқатлар ёки творогли таомлар берилади.

Таомномалар тузища шунга алоҳида эътибор бериш керакки, бунда болани 1 кун давомида 2 маҳал сабзавотли ва 1 маҳал ёрмали овқат ейишини таъминлаш лозим. Иккинчи таом гарнирига ёрма ёки макарон маҳсулотлари ўрнига сабзавотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Юқорида таъкидланганидек, битта таом кун давомида ва якин кунларда тақрорланмаслиги керак.

Таомнома меню – раскладкага қайд этиб борилади. Каср кўринишида ёзилиб, суратига бир болага мўлжалланган озиқ – овқат маҳсулотлари миқдори, маҳражида эса – барча болаларга мўлжалланган миқдор кўрсатилади. Қоида бўйича 3 ёшгача (ясли) ва 3 – 7 ёшлилар учун (богча) алоҳида таомномалар тузилади.

Махсус жадваллардан фойдаланиб, иссиқ ишлоқдан сўнг озиқ – овқат маҳсулотлари миқдори ва сифати қанақа ўзгаришини

ва бериладиган озиқ – овқат маҳсулотларининг организм талаб даражасида берилишини таъминлаш керак. Ўн кунлик таомномалар тузиш таомларнинг турли – туманлигини таъминлашда аҳамиятта згадир.

Таомлар учун картотекалар тузиб қўйиш ишни енгиллаштиради. Картотекаларда таомларнинг кимёвий таркиби ва калорияси(қуввати) чиқариб қўйилган бўлади.

Керак бўлганда битта таомни бошқа кимёвий таркиби ва энергетик қувватига эквивалент бўлган бошқа таомга алмаштириш имконини беради.

Жадвал 4.5.1.

Болалар яслиларида, ясли–богчаларида, болалар bogчаларида ва санатор тишидаги мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасаларида тарбияланувчи болаларнинг овқатланиш меъёрлари (ҳар бир бола учун кунлик меъёр)

Озиқ–овқат маҳсулотлари	3 ёшгача болалар		3 – 7 ёшдаги болалар		
	9–10,5c	12–24c	9–10,5c	12 c	24 c
Буғдой нони	55	60	80	110	110
Қора жаҳдари нони	25	30	40	60	60
Буғдой уни	16	18	20	25	25
Картошка уни	3	3	3	3	3
Ёрма, дуккаклилар, макарон маҳсулотлари	20;1	30	30;2	45;2	45;2
Картошка	120	150	150	220	250
Турлар сабзавотлар	180	200	205	255	285
Ҳул мевалар	90	130	100	150	200
Мева ҳодилари, наъмматақ	10	10	10	10	15
Кондитер маҳсулотлари	4	7	10	10	10
Шакар	35	50	45	55	60
Сарвөт	12	17	20	23	25
Ўсимлик ёғи	5	6	7	10	15
Тухум	0,25	0,5	0,5	0,5	0,5
Сут	500	600	420	500	600
Творог	40	50	40	50	50
Гүнт	60	85	100	100	100
Балиқ	20	25	30	45	50
Сметана	5	5	5	10	15
Пишлоқ	3	3	5	10	15
Чой	0,2	0,2	0,3	0,3	0,3
Какао	1	1	1	2	2
Туз йодланган	2	2	5	5	8
Дрожжи	1	1	1	1	1
Колбаса маҳсулотлари	5	5	5	5	5

Жадвал 4.5.2.

Совуқ кулинар ишлов натижасыда озиқ - овқат маңсулотларидан пүчөк чиқыш күрсаткычлари жадвали (маңсулоттынг умумий оғирлигидан еб бўлмайдиган қисмининг фоиздаги күрсаткичи %)

Маңсулот	Еб бўлмай-диган қисми	Маңсулот	Еб бўлмай-диган қисми
Ерма	1	Цитруслар	
Дуккаклилар	0,5	Апелсин	30
Картошка	28	Грейпфрут	35
Сабзавотлар		Лимон	40
Баклажон	10	Мандарин	25
Карам	20	Мевалар	
Гул каром	25	Узум	13
Кўк пиёз	20	Ертут	10
Пиёз	16	Малина	12
Сабзи	20	Облепиха	40
Бодринг	7	Қора смородина	2
Булғор қалампири	26	Наъмматак	10
Петрушка (кўк)	20	Гўшти	
Петрушка илдизи	25	1 категорияли қўй гўшти	26
Редиска	20	2 категорияли қўй гўшти	32
Шолғом	20	1 категорияли мол гўшти	25
Салат	20	2 категорияли мол гўшти	29
Лавлаги	20	Қуён гўшти	27
Селдир	30	Чўчқа гўшти	15
Помидор	5	Ёғли чўчқа гўшти	12
Укроп	26	1 категорияли бузоқ гўшти	28
Ловия	10	Қум гўшти	
Шпинат	26	1 категорияли товуқ гўшти	39
Шавел	20	2 категорияли товуқ гўшти	47
Саримсоқ диёз	15	1 категорияли товуқ тухуми	13
Полиз экиндари		Балиқ	
Тарвуз	40	Карас	52
Қовун	36	Карп	54
Қовоқ	30	Чўртсан балиқ	57
Мевалар		Сазан	49
Үрик	14		
Беҳи	28		
Олча	13		
Банан	30		
Гилос	15		
Анор	40		
Нок	10		
Шафтоля	20		
Хурмо	15		
Олхўри	15		
Олма	12		

1	2	3	4
		Пинлок	
		Голландия	4
		Кострома	2
		Латвия	6
		Литва	3
		Россия	3
		Швейцария	4
		Эстония	3
		Ярославль	3
		Эритрея	0,5

Жадвал 4.5.3.

Баъзи озиқ-овқат маҳсулотлари таркибидағи асосий озиқ моддаларининг миқдори ва уларнинг энергетик қуввати (100 гр озиқ-овқат маҳсулотига)

Озиқ – овқат маҳсулотлари	Асосий озиқ моддалари, г			Энергетик қуввати, ккал
	Оқсилилар	Ерлар	Углеводлар	
1	2	3	4	5
Дон ва дон маҳсулотлари				
Буғдой уни, олий нав	10,3	1,1	69,0	334
Буғдой уни, 1 нав	10,6	1,3	67,9	331
Буғдой уни, 2 нав	11,7	1,8	63,7	324
Ёрмалар				
Манна (ёрмаси)	10,3	1,0	67,7	328
Гречка	12,7	3,3	62,1	335
Гуруч	7,0	1,0	71,4	330
Пшено	11,5	3,3	65,5	348
Овсянка	11,0	6,1	49,7	303
«Геркулес»	11,0	6,2	50,1	305
Перловка	9,3	1,1	66,5	320
Ячневали	10,0	1,3	66,3	324
Маккали	8,3	1,2	71,6	337
Нұхат	23,0	1,6	50,8	314
Дүккаклилар				
Нұхат	20,5	2,0	48,6	298
Ловия	21,0	2,0	46,6	292
Мош	24,0	1,5	42,7	284
Макарон маҳсулотлари				
Олий нав	10,4	1,1	69,7	337
Биринчи нав	10,7	1,3	68,4	335
Олий нав тухумли	11,3	2,1	68,0	345
Олий нав сутли	11,5	2,9	67,0	345
Нон ва нон маҳсулотлари				
Формали буғдой нони	7,6	0,9	46,7	231

Оддий қора жавдари иони	6,6	1,2	34,2	181
Пресланган дрожжи	12,7	2,7	—	77,5
Кондитер маҳсулотлари				
Шакар	—	—	99,8	379
Қанд	—	—	99,9	379
Картошка крахмали	0,1	—	79,6	327
Овқат желатини	87,2	0,4	0,7	355
Асл асал	0,8	—	80,3	314
Кисел	—	0,1	95,7	370
Карамел мева начинкали	0,1	0,1	92,1	357
1	2	3	4	5
Помадли конфетлар	2,2	4,6	83,6	369
Сутили конфетлар	2,7	4,3	82,3	364
Ирис	3,3	7,5	81,8	395
Мармелад желели	—	0,1	77,7	302
Мармелад мевали	0,4	—	76,0	293
Пастыла	0,5	—	80,4	310
Зефир	0,8	—	78,3	304
Холва	12,7	29,9	50,6	516
Холва кунгабоқардан	11,6	29,7	54,0	523
Уи кондитер маҳсулотлари				
Шакарли печенье олий нав	7,5	11,8	74,4	436
Шакарли печенье 1 нав	7,4	10,0	76,4	426
Оширма печенье	10,4	5,2	78,6	458
Крекерлар, олий нав ундан	9,2	14,1	66,1	439
Вафли, мева начинкали	3,2	2,8	80,1	350
Үрама пряниклар	4,8	2,8	77,7	350
Пряниклар	6,2	2,0	77,1	348
Сут маҳсулотлари				
Пастеризацияланган сут				
3,5% ёғли	2,79	3,5	4,69	61
3,2% ёғли	2,8	3,2	4,7	58
2,5% ёғли	2,82	2,5	4,73	52
1,5% ёғли	2,85	1,5	4,78	44
Ёғсизланган сут	3,0	8,05	4,7	31
Қаймоқлар				
10% ёғли	3,0	10,0	4,0	118
20% ёғли	2,8	20,0	3,7	206
Сметана				
10% ёғли	3,0	10,0	2,9	115
20% ёғли	2,8	20,0	3,2	206
25% ёғли	2,6	25,0	2,7	248
30% ёғли	2,4	30,0	3,1	294
	14,0	18,0	2,8	232

	Творог	16,7	9,0	2,0	159
Ёгми		18,0	0,6	1,8	88
Үртатача ёғли		16,0	11,0	1,0	170
Ёғсиз					
Юмшоқ пархөз		2,8	3,2	4,1	56
Қатық		3,0	0,05	3,8	30
Ёғли		2,8	3,2	3,8	57
Ёғсиз		3,0	6,0	4,1	84
Ацидофилин					
Ряженка 6% ёғли					

1	2	3	4	5
Сутли консервалар:				
Күюқ сут кукуни	26,0	25,0	37,5	476
Күюлтирилган стерил сут	7,0	8,3	9,5	140
Күюлтирилган шакарлы сут	7,2	8,5	56,0	320
Ёғ (мой):				
Сариёғ	0,5	82,5	0,8	748
Тұзсиз сариёғ	0,7	78,0	1,0	709
Тұзсиз «крестьянский»	0,8	7,5	1,3	661
Бутерброд сариёғи	2,5	61,5	1,7	566
Сариёғ дурдаси	1,0	98,0	0,6	887
Пишлоқтар:				
«Голланд» эритма пишлоғи	26,0	26,8	—	352
«Российский» пишлоғи	22,0	27,0	—	340
«Колбаса шака» пишлоғи	23,0	19,0	—	270
Ұсімдік ёғи:				
Кунгабоқар ёғи	0,1	99,9	—	899
Оливка ёғи	0,1	99,8	—	899
Макка ёғи	0,1	99,9	—	899
Пахта ёғи	0,1	99,9	—	899
Картошка	2,0	0,4	16,3	80
Сабзавотлар:				
Бақлажон	1,2	0,1	5,1	24
Дуккаклилар	6,0	0,1	8,5	60
Яшил нұхат	5,0	0,2	12,8	73
Кабачки	0,6	0,3	4,9	23
Оқ карам	1,8	0,1	4,7	27
Гул карам	2,5	0,3	4,5	30
Күк шиёз	1,3	—	3,5	19
Пиёз	1,4	—	0,9	41
Қизил сабзи	1,3	0,1	7,2	34
Сарық сабзи	1,3	0,1	6,2	30
Барра бодринг	0,8	0,1	2,6	14

Иссиқхона бодринги	0,7	0,1	1,9	11
Ширин қалампир	1,3	—	5,3	26
Петрушка (күкат)	3,7	0,4	8,0	49
Петрушка (томири)	1,5	0,6	10,5	53
Редиска	1,2	0,1	3,8	21
Туруп	1,9	0,2	6,5	35
Шолғом	1,5	—	5,3	27
Салат	1,5	0,2	2,3	17
Лавлаги	1,5	0,1	9,1	42
Селдир	1,3	0,3	6,1	32

1	2	3	4	5
Помидор	1,1	0,2	3,8	23
Укроп	2,5	0,5	4,1	31
Ловия	3,0	0,3	5,0	31
Саримсоқ пиёз	6,5	—	5,2	46
Шпинат	2,9	0,3	2,0	22
Шавел	1,5	—	3,0	19
Полиз маҳсулотлари:				
Тарвуз	0,7	0,2	8,8	38
Қовун	0,6	—	9,1	38
Қовоқ	1,0	0,1	4,2	25
Мевалар:				
Үрик	0,9	0,1	9,0	41
Беҳи	0,6	0,5	7,9	40
Банан	1,5	0,1	21,0	89
Олча	0,8	0,5	10,3	52
Анор	0,9	—	11,2	52
Нок	0,4	0,3	9,5	42
Анжир	0,7	0,2	11,2	49
Шафтоли	0,9	0,1	9,5	43
Олхўри	0,8	—	9,6	43
Хурмо	0,5	—	13,2	53
Гилос	1,1	0,4	106	50
Олма	0,4	0,4	9,8	45
Цитруслилар:				
Апельсин	0,9	0,2	8,1	40
Грейпфрут	0,9	0,2	6,5	35
Лимон	0,9	0,1	3,0	33
Мандарин	0,8	0,3	8,1	40
Мевалар:				
Узум	0,6	0,2	15,0	65
Құлушнай	0,8	0,4	6,3	34
Малина	0,8	0,3	8,3	42

Облепиха	0,9	2,5	5,0	52
Кора смородина	1,0	0,2	7,3	38
Нальматақ (барра)	1,6	—	10,0	51
Нальматақ (құруқ)	3,4	—	21,5	110
Құруқ мевалар:				
Данакли ўрик	5,0	—	53,0	227
Данаксиз ўрик	5,2	—	55,0	234
Узум	1,8	—	66,0	262
Қорамагиз	2,3	—	66,0	264
Шафтоли	3,0	—	54,5	227
Олхұри	2,3	—	58,4	242
Олма	2,2	—	48,0	190
Томат – паста	4,8	—	19,0	99
1	2	3	4	
Гүшт маңсулотлари				
1 категориялы қүй гүшти	15,6	16,3	—	209
2 категориялы қүй гүшти	19,8	9,6	—	166
1 категориялы мол гүшти	18,6	16,0	—	218
2 категориялы мол гүшти	20,0	9,8	—	168
Чүчқа гүшти:				
Ёрли	11,7	49,3	—	491
Гүштили	14,3	33,3	—	357
Колбаса маңсулотлари				
Доктор колбасаси	12,8	22,2	1,5	257
Диетик	11,7	22,8	—	170
Сутли	12,1	13,5	—	252
Сарделкалар:				
Мол гүштидан	11,4	18,2	1,5	215
1 нав	10,3	17,2	1,7	203
Чүчқа гүштидан	10,1	31,6	1,9	332
Сосискалар:				
Мол гүшти	10,4	20,1	0,8	226
Любителский	9,0	29,5	0,7	304
Сутли	11,0	23,9		
Құш ва тұхум маңсулотлари:				
Бройлер (жүжа)				
1 категория	18,7	16,1	0,5	183
2 категория	19,7	11,2	0,5	127
Товуқ:				
1 категориялы	18,2	18,4	0,7	241
2 категориялы	21,2	8,2	0,6	161
1 категория товуқ тұхуми	12,7	11,5	0,7	157
Тұхум талқони	6,0	37,3	4,5	542
Балик:				
	15,7	3,0	—	90

Камбала	19,2	1,6	—	217
Навага	18,4	1,1	—	84
Судак	17,8	3,4	—	102
Терпуг	16,0	0,6	—	69
Треска	10,6	2,2	—	86
Хек кумуш ранг	18,2	3,3	—	103
Сазан				
Тузлама маҳсулотлар:	17,1	7,6	—	137
Килка	17,0	8,5	—	145
Селд (Атлантик)	17,4	12,7	—	224
Селд (Тинч океан)				

1	2	3	4	5
Мевали консервалар ва озиқ консервантлари:				
Асл полиз консервалари:				
Күк нүхат	3,1	0,2	6,5	40
Асл сабзи	1,0	0,1	6,2	29
Асл шолғом	1,2	—	6,9	31
Джем:				
Үриқдан	0,5	—	68,8	265
Олмали павидло	0,6	—	19,2	250

Бир дона озиқ – овқат маҳсулотининг оғирлиги түғрисидаги маълумот (таксиний)

Маҳсулот	Бир донасининг оғирлиги, г
Кондитер маҳсулотлари:	
Печеңе	
Шакарли(песочное)	13,5
Оширма	35
Пряник	20
Вафли	14
Цитруслилар	
Лимон	60
Гўшт, гўшт маҳсулотлари	
Колбаса маҳсулоти:	
Сарделка	100
Сосиска	50
Тухум	
1 категорияли товуқ тухуми	47
бедана тухуми	9

**Түрлі қуюқлардаги бүткәларни тайёрлашда ёрмаларни
солиш мөъёллари**

Бүткә	1 кг ёрмага				1 кг бүткәга солина- диган ёрма(гр)
	Сув,л	Туз,г	Чи- қыш, %	Намли к, %	
1	2	3	4	5	6
Сочма					
Гречка					
Хом ёрма	1,5	21	2,1	60	476
Қовурилган ёрма	1,9	24	2,4	69	417
Пшено, бұғдой	1,8	25	2,5	66	400
Гуруч	2,1	28	2,8	70	357
Перловка	2,4	30	3	72	333
Қуюқ					
«Геркулес» (гречка, сули)	3,2	40	4	79	250
Сули, бұғдой	3,2	40	4	78	250
Гуруч, перловка	3,7	45	4,5	81	222
Пшено	3,2	40	4	79	285
Суюқ					
Манна (ёрмаси)	5,7	65	6,5	87	154
Гуруччи	4,2	50	5	83	200
Суили	5,7	65	6,5	87	154
«Геркулес» бұғдой	4,2	50	5	83	200

Жадвал 4.5.5.

Озиқ – овқат маңсулотларыга иссиқ ишлов беріш нәтижасындағи йүқтешілдер (%)

Маңсулот номи	Йүқтешіл	Иссиқ ишлов беріш түри
Картошка	1	Пүсты билан қайнатиш
Картошка	2	Пүстини артиб қайнатиш
Картошка	31	Қовуриш
Картошка	17	Қайнатма
Сабзи	17	Димланган
Сабзи	0,5	Бутун қайнатиш
Карам	12	Димланган
Қовоқ	22	Қовурма
Пиёз	26	
Бақдажон	22	Қовурма
Помидор	37	Қовурма
Шавел, шпинат	50	Қайнатма
Лавлаги	5	Пүсты билан қайнатиш
Шолғом	20	Тұғраб димланган
Лавлаги	17	Тұғраб димланган
Карам	8	Қайнатма
Карам	21	Димлама
Гүшт	40	Қайнатма
Товук	24	Қайнатма
Балиқ	20	Қовурма
Балиқ котлети	15	Қовурма
Гүшт котлети	18 – 20	Қовурма
Мол гүштідан рулет	12	Қовурма
Тефтел	15	Қовурма

Жадвал 4.5.6.

Еш бўйича порцияларнинг ҳажмий меъёрлари

Таом номи	Порция ҳажми, мл		
	1 ёш бой – 3 ёш	3 – 5 ёш	5 – 7 ёш
Нонушта			
Бўтқа ёки сабзавотли таом	150	180	200
Гўштли, балиқли таом, омлет	60	70	70
Сут, соқ, минерал сув.	150	180	200
Тушлик			
Салат	40	50	60
Шўрва, булон	150	180	200
Гўштли ёки балиқли таом	60	70	80
Гарнир	120	130	150
Шарбат, компот, кисел	150	180	200
Толма чой			
Қатни, сут	150	200	200
Булочка, печенье	60	70	90
Мевалар	100	150	200
Кечки овқат			
Сабзавотли таом, бўтқа	180	200	250
Қатни, сут	150	200	200

Жадвал 4.5.7.

Озиқ – овқат маҳсулотларининг ўрнини тўлдириши (оқсил ва ёллар бўйича)

Озиқ – овқат маҳсулотининг номи	Ҳажми	Кимёвий таркиби			Радионга кўшиш	Радиондан айришиш
		Оқсил	Ёғ	Углевод		
100 г ионни алмаштириши						
Оқ ион	100,0	6,97	1,2	48,19		
Бундой уни	70,0	6,55	0,71	48,97		
Макарон	70,0	6,55	0,59	49,86		
Манна ёрмаси	70,0	0,66	0,52	49,29		
100 г картошкани алмаштириши						
Картошка	100,0	1,05	–	14,25		
Қизил лавлаги	110,0	1,06	–	7,78		
Сабзи	120,0	1,06	–	7,55		
Карам	90,0	1,04	–	3,25		
100 г олмани алмаштириши						
Олма	100,0	0,4	–	11,01		
Куруқ олма	20,0	0,46	–	12,17		
Куруқ ҳўл ме – валар	15,0	0,48	–	10,29		

100 г сутни алмаштириши

Сут	100,0	3,07	3,33	4,44		
Творог	25,0	3,60	4,28	0,25		ЕF - 1
Гүшт	25,0	3,68	0,63	—	ЕF 1	
Балиқ	40,0	3,61	0,14	—	ЕF 4	
Пишлоқ	15,0	3,05	2,81	0,35	ЕF 5	

100 г гүштни алмаштириши

Гүшт	100,0	14,71	2,53	—		
Творог	100,0	14,4	17,19	0,98		ЕF - 19
Балиқ	160,0	14,43	0,58	—	ЕF 2	
Сут	480,0	14,47	15,98	21,17		ЕF - 17
Тухум	140,0	14,78	14,04	0,6		ЕF - 15

100 г балиқни алмаштириши

Балиқ	100,0	9,02	0,36	—		
Гүшт	60,0	8,83	1,52	—		ЕF - 2
Творог	60,0	8,84	20,52	0,59		ЕF - 13
Сут	300,0	9,21	9,99	13,23		ЕF - 12
Тухум	85,0	8,98	8,07	0,36		ЕF - 10

50,0 г тухумни алмаштириши

Тухум	50,0	5,28	5,02	0,22		
Творог	40,0	5,76	6,84	0,39		ЕF - 2
Гүшт	40,0	5,88	1,01	—	ЕF 5	
Балиқ	60,0	5,41	0,22	—	ЕF 6	
Сут	160,0	4,91	5,33	7,05		
Пишлоқ	25,0	5,08	4,69	0,58		

100 г творогни алмаштириши

Творог	100,0	14,4	17,1	0,98		
Гүшт	100,0	14,41	2,53	—		ЕF - 7
Балиқ	160,0	14,43	0,58	—	ЕF 21	
Сут	460,0	14,12	15,32	20,29	ЕF 2	
Тухум	140,0	14,48	14,04	0,6	ЕF 4	

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ

1. Витаминлаштирилган овқатни тарқатиш вақтида овқат намунасини олиш (огоҳлантирилмасдан) ва текшириш учун ДСЭНМ лабораториясига жўнатиш (лаборатория текширишлари жойнинг ўзида ҳам ўтказилиши мумкин).
2. Овқатларни витаминлаштириш усулини баҳолаш (ким, қачон ва витаминлаштириш қандай ўтказилди).
3. Овқатнинг витаминлаштирилганлиги тўгерисида (таомнома ёки маҳсус дафтарда) қайд қилинганлиги ва қўшилган аскорбин кислотасининг миқдори.
4. Олингани овқат намуналаридағи С витаминининг миқдори ҳақидағи лаборатория текшириш натижалари олингандан сўнг, овқатнинг витаминлаштирилганлик сифатини баҳолаш (қўшилган витамин билан аниқланган миқдор ўртасидаги фарқ 20 % ни ташкил қилиши керак).
5. Рационнинг витаминлаштирилишини ўтказилганлигини баённомада расмийлаштириш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Болалар ва ўсмирлар ёшига мос равищда овқатланишни ташкиллаштириш.
2. Болалар ва ўсмирлар муассасаларида овқатланишни ташкиллаштиришда мактаб шифокорининг асосий вазифалари.
3. Болалар муассасаси шифокори таомномани нимага асосланиб туздади?
4. Болалар ва ўсмирларни рационал овқатлантириш деганда нима назарда тутилади?
5. Болалар ва ўсмирлар овқат рационининг кимёвий таркибига бўлган гигиеник талаблар.
6. Овқатланиш тартибига бўлган гигиеник талаблар.
7. Болалар муассасасида овқатланиш сифатига қандай қилиб назарий баҳо берилади?
8. Болалар муассасаларида овқат рационининг хилма – хиллигига гигиеник баҳо бериш услуги.
9. ДСЭНМ БЎГ бўлими томонидан болалар овқатланишини санитар назорат қилиш.
10. Бўймда овқатланишни ташкиллаштиришга хулоса бериш.

МАВЗУГА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. **Болаланинг кувдалик энергия сарфланиши нимадан ташкил топган:**
 1. Шу ёш гурӯҳидаги бола энергия сарфланиши ва асосий модда алмашинуви.
 2. Овқатнинг динамик ва маҳсус таъсирини энергия сарфланиши.
 3. Оқсил (энергия) ёғ, карбонсувлар ва минерал тузларга бой бўлган маҳсулотлар тури.
 4. Асосий режали ҳолатларни бажаришга ва унга асосий алмашинувнинг 10–20% кўшимча сарфланган энергия.
 5. Фаолиятига сарфланган энергия асосий модда алмашинуви 10–15% асосий модда алмашинувига.
2. **Ташкиллаштирилган болалар муассасаларида овқатланишини баҳолашда қандай усуслар қўлланилади?**
 1. Баланс ва таомномани (раскладка) таҳлил қилиш усуслари.
 2. Статистик ва кимёвий усуслар.
 3. Статистик ва генераллашган.
 4. Таомнома (меню раскладка) бўйича овқатни баҳолаш.
 5. Мувозанат ва статистик усуслари.
3. **Рационал овқатланиш қоидасига нима кирмайди:**
 1. Овқатланиш тартибига қаттиқ риоя қилиш.
 2. Овқатланишнинг рационал оралиги.
 3. Овқатланишнинг сифат ва сонини тўғри тақсимлаш.

4. Овқатни қабул қилиш шарти.
5. Болалар овқатланишини юқори даражада бойитиш (витаминлар билан).
4. Куннiga 4 маðал овқатланганда калориянинг тўғри келишини кўрсатинг:
1. 20%, 40%, 20%, 20%.
 2. 15%, 40%, 10%, 35%.
 3. 20%, 45%, 10%, 25%.
 4. 15%, 45%, 15%, 25%.
 5. 25%, 35%, 15%, 25%.
5. Берилётган овқатнинг ҳарорати қанча бўлиши керак?
1. 50%
 2. 60%
 3. 40%
 4. 35%
 5. 45%
6. Болалар овқатида оқсилининг асосий вазифаси:
1. Пластик.
 2. Энергетик.
 3. Бошқариш
 4. Энергетик, бошқариш.
 5. Пластик, энергетик.
7. 7–10 ёшли болаларнинг А витаминга бўлган кунлик эҳтиёжи:
1. 700 МЕ.
 2. 600 МЕ.
 3. 800 МЕ.
 4. 900 МЕ.
 5. 700 МЕ.
8. 11–13 ёшли болаларнинг С витаминга бўлган кунлик эҳтиёжи:
1. 70 мг.
 2. 70–80 мг.
 3. 60–70 мг.
 4. 80–90 мг.
 5. 90–100 мг.
9. С витамин етишмагандага асосий клиник кўринишлар:
1. Лаб қуриб кўкаради, оғиз бурчакларида ёриқ пайдо бўлади.
 2. Гипотермия, лабда қизил чизиқлар пайдо бўлади.
 3. Иштаҳаси йўқолади, тез – тез касал бўлади.
 4. Мускуллар кучсизланади, ич қотади.
 5. Лаб, бурун, қулоқ кўкариши, петехиялар.
10. Темир моддасининг асосий аҳамияти нимадан иборат?
1. Ҳар хил тармоқ системаларида оптималь, функционал даражадаги вазифаларни таъминлайди.
 2. Ички алмашинув жараёнида қатнашади.

3. Қоннинг ҳосил бўлиш вазифасини бажаради.
4. Қоннинг ивиш жараёнида қатнашади.
5. Тўқима қопламаси ва суяқ тузилишини бошқаради.

МАВЗУГА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН ЎРГАТУВЧИ, НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ДАСТУРЛАР

1. Болалар ва ўсмирлар организмининг моддалар алмашинув жараёнининг хусусиятларига қўйидагилар киради:

1. Асосий алмашинувнинг паст жадаллашуви.
2. Асосий алмашинувнинг жуда тез жадаллашуви.
3. Энергиянинг кўп сарфланиши.
4. Энергиянинг кам сарфланиши.
5. Анабалик жараёнларнинг ҳосил бўлиши.
6. Катаболик жараёнларнинг ҳосил бўлиши.

2. Физиологик меъёрлардан овқат рационининг энергетик қиймати қўйидаги ҳолатларда оширишга ружсат берилади:

1. Ёзги дам олиш вақтларида.
2. Академик лицей ва коллежлар талабаларининг рационида.
3. Сиҳаттоҳлар ва ўрмон мактабларида таълим олиш давомида.
4. Ўсмирларнинг иккиласи жинсий безларининг шаклланиши даврида.
5. Жисмоний ривожланишдан орқада қолганда.
6. Вазнининг етишмаслиги натижасида шаклланган дисгармоник жисмоний ривожланишда.
7. Оддий мактабгача тарбия муассасаларида.
8. Умумтаълим мактабларининг умумий рационида.
9. Эндокрин касалликлари ривожланганда.
10. Меҳнат ва роҳат оромгоҳларида.

3. Аллергия касали бор болаларга қайси мева ва сабзавотлар истеъмол қилиш тавсия қилинмайди?

1. Сабзи.
2. Олма.
3. Анор
4. Қулупнай.
5. Апелсин.
6. Помидор.
7. Лавлаги.
8. Бодринг
9. Маңдарин.
10. Наъматак.

4. Аллергияси бор болаларга қайси озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиши тавсия қилинмайди?

1. Тухум.
2. Нон.
3. балиқ.
4. қандолат.

5. какао.
6. кофе.
7. сабзавотлар.
8. хамирли таомлар.

5. Овқат ұзым қилемінде орналасқан касалліктердің билан оғриған болалар рационига қайси озиқ-овқат маңсулотлари киради?

1. Сут.
2. Гүшт.
3. Қаймоқ.
4. Тұхум.
5. Қовурилған маңсулотлар.
6. Дудланған товук.
7. Ёрма.
8. Сабзавотлар.
9. Кartoшка.
10. Дудланған таомлар.

6. Овқат ұзым қилемінде орналасқан касалліктердің билан оғриған болалар рационидан қайси озиқ-овқат маңсулоттарини истеъмол қилемінде тавсия қилинмайды?

1. Аччиқ.
2. Кartoшка бүткәси.
3. Мевалар.
4. Яхши паштан сабзавотлар.
5. Дудланған.
6. Шурп маңсулотлар.

7. Жиғар, үт қопи ва үт жылдын касалліктердің билан оғриған болаларға қайси озиқ-овқат маңсулотлари тавсия қилинмайды?

1. Сут.
2. Мевалар.
3. Сабзавотлар.
4. Шарбатлар.
5. Сузма.
6. Гречка.
7. Овсянка.
8. Сутли бүтқалар.

8. Мева ва сабзавотларни сақлаш шароитини күрсатынг:

1. Салқын жойда.
2. Нам жойларда.
3. Кам шамоллатыладын жойларда.
4. Қоронғи жойда.
5. Ёруғликдан сақланған бинода.
6. 0° дан 40°C гача ұзарата.
7. Ёруғлик етарлы биноларда.
8. 15 – 20 даражали биноларда.

9. Оқсилларнинг 4 та асосий вазифасини күрсатынг:

1. Пластик функцияси.

2. Энергетик функцияси.
3. Миелин қобигини фаолиятни яхшилайды.
4. Амортизатор вазифасини бажаради.
5. Иммунологик функцияси.
6. Қонда онкотик босимни таъминлаш.
7. Қон томири деворини мустаҳкамлайди.
8. Ҳужайра мембранасини таркибини таъминлайди.

10. Кўкрак сутининг афзаллик томонларини кўрсатинг:

1. Кичик диспер албуминлар ўрнини босиши.
2. Оқсиллар ўрни босади.
3. А иммуноглобулинини кўп миқдорда сақлаш.
4. Антиген, антитела, ферментларни кўп сақлаш.
5. Таркибида Д витаминни сақладайди.
6. Тўйинмаган ёғ кислоталарини кўп сақлаши.
7. Таркибида сувни кўп миқдорда сақлайди.
8. Боланинг семиришини таъминлайди.
9. Бактериостатик, бактериоцид таъсирига эга моддаларни сақлаш.
10. Тўйинган ёғ кислоталарини кўп сақладайди.

Мавзуга тегишли ўқитишининг янги инновацион технологик усуllibарни «Болалар муассасаларида овқатланишни ўрганиш ва таҳлил қилиш» мавзуси бўйича «Мияга ҳужум» усули

Ушбу услугуб асосан талабаларнинг дастлабки жараёндаги билим савиясини текширишда фойдаланилади. Ушбу усул асосан кишининг ўз нуқтаи назарини исботлаш, ҳимоя қилиш, ҳар қандай вазиятларда энг маъқул ечимини топиш, ўз фикри ёрдамида мулоқот олиб боришига, шунингдек, орқада қолувчи вазиятнинг нотўғрилигини асослашга ёрдам беради. Ҳимоя қилинаётган нуқтаи назарнинг тўғрилигига оппонентларни ишонтиришга ўргатади. Ушбу услугуб шу кунги мавзуни тўла таҳлил қилиб чиқиш одидан ўтказиладиган «чигал ёзиш машқи» учун жуда ўринли ҳисобланади. Гуружни 2 – 3 та майдада гуруҳчаларга ёки барча талабалар учун битта муаммо ташланади. Кичик гуруҳчаларга ажратилганда, мавзунинг қизиқарли бўлиши учун мавзудан мунозарарага бир неча саволлар берилади (мавзулар қуйида келтирилган). Ҳар бир гуруҳ ёки кичик гуруҳларда ҳар бир талаба доскада ёки тарқатилган қоғозга ўзининг жавоб вариантини ёзади. Сўнгра белгиланган вақт давомида ёритилган мавзуни саволларининг жавоб варианти ўқитувчи ва талабалар иштирокида муҳокама қилинади. Энг тўғри жавоб вариантлари энг юқори балл билан баҳоланади. Нотўғри ёки тўлдирилмаган жавоб вариантлари ҳам муҳокома қилинади.

Талабаларга мавзу бўйича қўйидаги муаммоли саволлар берилиши мумкин

1. Мактабгача тарбия ёшидаги ва мактаб ёшидаги ўқувчилар организмининг асосий хусусиятларини тушунтириб беринг.
2. Организмдаги асосий алмашинув жараёнининг аҳамиятини тушунтириб беринг.
3. Болалар ва ўсмирлар жамоасида овқатланишни ўрганиш усулларини тушунтириб беринг.
4. Овқатланишни гигиеник баҳолашда таомнома — тақсимот усулининг ижобий ва салбий томонларини тушунтириб беринг.
5. Лаборатор текшириш усулларининг ижобий ва салбий томонларини тушунтириб беринг.
6. Оқсилларнинг ўсуви организмдаги биологик аҳамиятини тушунтириб беринг.
7. Ёғларнинг ўсуви организмдаги биологик аҳамиятини тушунтириб беринг.
8. Карбонсувларнинг организмдаги биологик аҳамиятини тушунтириб беринг.
9. Витаминаларнинг организмдаги биологик аҳамиятини тушунтириб беринг.
10. Минерал моддаларнинг организмдаги биологик аҳамиятини тушунтириб беринг.
11. Оқсиллар, ёғлар, витаминалар ва минерал моддалар етишмаслиги натижасида келиб чиқадиган касалликларни таҳлил қилинг ва одини олишга қаратилган гигиеник чора — тадбирларни ишлаб чиқинг.

АМАЛИЙ КЎНИКМА МАКТАБГАЧА БОЛАЛАР МУАССАСАЛАРИДА ОВҚАТЛАРНИ С-ВИТАМИНГА БОЙИТИЛИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Тайёр овқатларни витамин С билан бойитиш, асосан мактабгача болалар муассасалари ва даволаш — профилактика муассасаларида ўтказилади. Витаминалаштириш биринчи ва учинчи овқатларга аскорбин кислотасини 30—80 мг миқдорида қўшиш орқали амалга оширилади.

Овқатларнинг витаминалаштирилишини назорат қилиш клиника шифокори томонидан амалга оширилади, витаминалаштириш сифати эса ДСЭНМ шифокори томонидан визуал назорат ва лаборатория усуллари ёрдамида амалга оширилади.

Ишни бажариш учун қўйидагилар зарур: овқат намуналарини олиш учун идишлар, кимёвий идишлар тўплами ва С — витаминини аниқлаш учун реактивлар.

V – БОБ

БОЛАЛАР МУАССАСАЛАРИ ЖИҲОЗЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

Болалар ва ўсмиirlар муассасаларида жиҳозлар мутаносиблиги умумтарбия ва меҳнат жараёнини тўлақонли ўтказишга ёрдам беради. Бир вақтнинг ўзида жиҳозлар машғулотлар давомида тананинг тўғри ҳолатда бўлишига шароит яратиб бериши керак. Шундай қилиб, ДСЭНМ БЎГ бўлими шифокори болалар ва ўсмиirlар муассасаларида барча жиҳозлар устидан санитария назоратини ўтказади.

Мавзунинг мақсади: Ўқув тарбия ва меҳнат жараёни тавсифига жиҳозларнинг мос келиши; ушбу жиҳозлар қўлланилганда тана ҳолати, уларнинг грух, ётоқхона, ўқув ва бошқа хоналарда жойлаштирилиши; жиҳозларнинг санитар ҳолати устидан санитария назоратини ўтказиш учун билимлар ва малакаларни эгаллаш. Бунинг учун қўйидаги услубларни ўрганиш лозим:

1. Мактабгача болалар муассасалари ва умумтаълим мактаб учун жиҳозларни танлаш ва белгилаш.
2. Жиҳозларни жойлаштирилишини баҳолаш.
3. Болаларнинг тўғри ўтиришини баҳолаш.

Машғулотлар кафедрада ва болалар муассасаларида ўтказилади.

МАКТАГАЧА БОЛАЛАР МУАССАСАЛАРИДА ЖИҲОЗЛАРНИ ТАНЛАШ ВА ЖОЙЛАШТИРИШГА БЎЛГАН ГИГИЕНИК ТАЛАБЛАР

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун турли хил ўлчамдаги болалар столлари, стул – ўтиргичлари, краватлар МБМларда ва уй шароитида фойдаланишга тавсия этилади. Болалар столарининг тўрт хил тури ишлаб чиқарилиши лозим:

- 1,5 – 5 ёшгача болалар учун 4 ўринли столлар.
- 5 – 7 ёшли болалар учун ўқув топширикларини бажаришда фойдаланиладиган қопқоғи эгилган ўзгарувчан шаклдаги 2 ўринли столлар.
- 1,5 – 4 ёшли болалар учун трапеция шаклидаги 2 ўринли столлар
- майший хизмат йўналишида фойдаланиладиган 1 ўринли столлар

Давлат Стандартига асосан мактабгача тарбия ёшидаги болалар жиҳозларининг 6 та груҳи жадвалда кўрсатилган.

Столлар стуллар билан биргаликда жамланган бўлиши керак, улар груҳи ва ранг кўрсаткичи бир – бирига мос келиши керак. Уларнинг турли ёш груҳларига тавсия этиладиган сон кўрсаткичи 5.2 ва 5.4 – жадвалларда кўрсатилган (суратида столлар, маҳражида стуллар).

Жадвал 5.1

**Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун тавсия
қылышадиган жиҳозларнинг ўлчамлари**

Жиҳозлар гуруҳи	Ранг белгиси	Бўй гуруҳи, см	Ердан столанинг баландлиги, см	Ердан ўтиргичнинг баландлиги, см	Бўй гуруҳи бўйича боланинг ёши
A	Оқ	80 гача	34	17	1 ёшу 8 ойлик
B	Яшил	80–90	38	20	1 ёшу 8 ойликдан – 2 ёшу 8 ойликгача
V	Ҳаворанг	90–100	43	24	2–4 ёш
Г	Қовоқ ранг	100–115	48	28	3–6 ёш
Д	Сарик	115–130	54	32	5–7 ёш
Ж	Қизил	130 дан юқори	60	36	6–7 ёш

Жадвал 5.2

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун тавсия қылинган стол ва стулларнинг сонлари

Жиҳозлар гуруҳи	Ёш гурухлари					Мактаб олди гуруҳи	
	Боғча ёшидагилар				Мактаб олди гуруҳи		
	Илк болалик биринчи гуруҳи	Илк болалик иккинчи гуруҳи	Биринчи кичик гуруҳ	Иккинчи кичик гуруҳ	Ўрта гуруҳ	Катта гуруҳ	Тайёрлов гуруҳи
4 ўринли столлар							2 ўринли столлар
A	÷	÷					
Б		1/16	2/8				
В			3/12	3/12			
Г				4/16	1(2)4	9/18	2/4
Д					6(11)2 2	4/8	10/20
Ж							1 / 2
Икки ўринли столлар сони							

Хоналарга столларни жойлаштиришда қуйидаги гигиеник талабларга риоқ қилиш керак:

- столлар чап томондан ёритиладиган ёруғлик тушадиган томонга жойлаштирилиши керак;
- түрт ўринли столлар 2 қатордан күп жойлаштирилиши мүмкин эмас;
- икки ўринли столлар 3 қатордан ошмаган ҳолатда жойлаштирилиши керак;
- столлар орасидаги масофа 50 см.дан кам бўлмаслиги керак; ёруғлик тушадиган томондан биринчи столгача бўлган масофа — 1 м. бўлиши керак;
- биринчى столдан доскагача бўлган масофа — 2,5 — 3 метрни ташкил қилиши керак;
- деворга осиладиган досканинг ердан баландлиги 70 — 80 см.ни ташкил қилиши керак;
- деворга осиладиган досканинг ўлчами 0,75 — 1,5 м бўлиши керак;

Болаларни столларга ўтқазишда саломатлик ҳолатига (кўриш ва эшлиши ўтқирлигига) зътибор бериш лозим.

Болалар краватларининг 2 та тури ишлаб чиқарилади: 3 ёшгача бўлган болалар учун чегараланган ва белгиланган баландлиқдаги краватлар; 3 — 7 ёшли болалар учун мослаштирилган краватлар.

Жадвал 5.3

3—7 ёшли болалар краватларининг функционал ўлчамлари

№	Параметрлари	Краватлар турлари	
		I	II
1.	Ётиц жойининг узунлиги	1200	1400
2.	Ётиш жойининг кенглиги	600	600
3.	Ердан баландлиги	300 — 500	300
4.	Ердан чегараланишининг баландлиги	950	—
5.	Бош кенгилигини баландлиги	—	300 дан кам эмас
6.	Оёқ соҳасининг баландлиги	—	100 дан кам эмас

Юқумли касалликларни тарқалишини олдини олиш мақсадида ётиш оралиғидаги краватларининг масофаси 0,3 м ни ташкил қилиши керак, ташкил девордан краваттacha бўлган оралиқ масофаси 0,7 — 1 м. ни ташкил қилиши керак. Мактаб олди гуруҳларида қаттиқ мосламали бир ва икки табақали йигиладиган краватлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Клиник икки табақали краватлардан фойдаланиш қатъянан ман қилинади.

Синф хонасидаги жиҳозларни гигиеник баҳолаш дастури

- Мактабдаги бирор бир синфдан маълумотларни тўплаш. Парталарнинг эскиз тасвирини бериш ва жойлаштириш. Парталарнинг гуруҳлари ва ўқувчиларнинг бўйини белгилаш, кўрув, эшитув аъзоси ва қадди – қоматида бузилиши бўлган ўқувчиларни аниқлаш (ўқувчиларнинг бўйи, уларнинг кўриш, эшитиш, қадди – қомати ҳолати тўғрисидаги маълумотларни 26 х.ш. (индивидуал картасидан олинади).
- Антрапометр ёрдамида 2 ўқувчида қўйидаги 2 та катталикларни ўлчаш: билак ва панжа узунлиги, полдан P.tibiale mediale нинг баландлигини, полдан P.trochanterion нинг баландлигини. Катта циркул ёрдамида кўкрак қафаси ҳажми ва bitrochanterica дистанциясини ўлчаш. Олинган катталикларни парта ҳажмларига мос келиши билан тақъослаб кўрилади.
- Юқоридаги 2 ўқувчини ёзиш мобайнида ўтирган ҳолатини аниқлаш.
- Партанинг белгиси (маркировка) текшириш: керак бўлса хонадаги жиҳозини белгилаш; жиҳозлар гуруҳини аниқлаш ва меъёрлар билан тақъослаш.
- Хулоса ва тавсиянома.


Санитария назорати. Жиҳознинг белгиси (маркировка) ва жиҳозни танлаш. Жиҳозлар ўлчами боланинг бўй кўрсаткичига боғлиқ бўлади. Мактаб ёшидаги болалар учун мебел 6 гуруҳда чиқарилади (1,2,3,4,5,6). Ҳар бир кейинги гуруҳ учун болаларнинг бўйи 15 см. оралиқда олинади.

Жадвал 5.4

Мактаб ўқувчилари учун жиҳозлар ва уларнинг ранг белгиси

Стол ва стулнинг рақами	Ўқувчиларнинг ўртача бўйи, мм.	Бўй гуруҳи, мм.	Ранг белгиси
1	1050	1000 – 1150 гача	Қовоқ ранг
2	1200	1150 – 1300 гача	Бинафша ранг
3	1350	1300 – 1450 гача	Сарик
4	1500	1450 – 1600 гача	Қизил
5	1650	1600 – 1750 гача	Яшил
6	1800	1750 баланд	Ҳаво ранг

Мактаб жиҳозларнинг функционал ўлчамлари 5.5 – 5.6 – жадвалда кўрсатилган.



5.1 – расм. Мактаб парталарининг гигиеник ўлчамлари.

Жадвал 5.5.

Ўқувчилар столининг функционал ўлчамлари

Ўлчамлар	Стол учун ўлчамлар, мм, рақамлар.					
1	2	3	4	5	6	7
Ишчи юзанинг баландлиги, h1	460	520	580	640	700	760
Иш юзасининг кенглиги t1 кам эмас.	450			500		
Иш юзасининг узунлиги b 1 кам эмас.	600	1200		700(600)*	1300(1200)	
Оёқ оралигининг баландлиги h2 кам эмас	350	410	470	530	590	650
Оёқ оралигининг чукурлиги t 2 кам эмас		300		350 300**	400	
Оёқ оралигининг кенглиги b2 кам эмас			420		450	

* қавс ичида кўрсатилган ўлчамлар .

** ўтирувчининг товоналари олд ҳажми қўшилганда.

Жадвал 5.6

Үқувчилар стулиниг функционал ўлчамалари

Ўлчамлар	Стул учун ўлчамлар, мм, рақамлар.					
	1	2	3	4	5	6
Үтиргич баландлиги, h5	260	300	340	380	420	460
Үтиргич кенглиги b3 кам эмас	250	270	290	320	340	360
Самарали ўтириш чуқурлиги, t4***,(руксат этилган силжиш – 20 гача)	260	290	330	360	380	400
Суянчиқ паст қирғонининг баландлиги ўтиргичнинг постидан h6	120	130	150	160	170	190
Суянчиқнинг тела қирғоги баландлиги h7 дан кўп эмас.	250	280	310	330	360	400
Суянчиқ эгилиш чизигининг баландлиги w дан кўп эмас	160	170	190	200	210	220
Суянчиқ кенглиги b4 дан кам эмас	240	240	250	280	300	320
Үтиргичнинг олдинги қирғоги эгилиш радиуси r1	20 – 50					
Үтиргич эгилиш бурчаги	0 – 40°					
Суянчиқ эгилиш бурчаги	95 – 108°					
Режадаги суянчиқ радиуси r2 эмас	300					

***самарали ўтириш чуқурлиги – бу ўтиргичнинг олдинги қирғонинийг горизонтал ўлчамидан суянчиқнинг энг эгилган қисмигача бўлган масофа ўлчамининг, ўтиргичнинг минимал чуқурлигига мос равишда стул ўқигача бўлган ўлчами.

Давлат стандартлари бўйича чиқарилган жиҳозлар рақам ва ранг маркировкасига эга бўлиши лозим. Стол ва стул ўтиргичнинг қопқоғини қўйи юзасида, парта ўтиргичи ва қопқоғининг ички юзасида маҳражда столлар (парта) гуруҳи, стулга – суратда болалар бўйи диапазони киритилади.

Жиҳознинг маркировка ранги ён томондан қаторлар орасидан кўринадиган бўлиши керак: маркировкани думалоқ шаклда 20 мм диаметрда ёки 20 мм ли горизонтал чизик партанинг 2 томонидан қўйилади: 1 – қовоқ рангда; 2 – бинафша; 3 – сариқ ранг; 4 – қизил ранг; 5 – гуруҳ учун яшил ва 6 – си учун ҳаво ранг.

1—5 ёшли болалар учун 2 ва 4 ўринли (70x70 см) стуллар, 5—7 ёшли болалар учун 2 ва 4 ўринли, қопқоқ қисми ўзгарарадиган ва ўкув қўлланмалари учун қутили столлар тайёрланади. Ўқувчиларнинг стол ва стуллари 2 хил кўринишда тайёрланади: 1—хил доимий параметрли ва 2—хили ўзгариувчан параметрли. Ўқувчилар столлари (парталари) 1 ва 2 ўринли бўлиши мумкин. Расм ва чизмачилик кабинетлари кўтариувчан қопқоқли бир ўринли маҳсус столлар билан жиҳозланиб, керакли қиялик берилади (30 даражабурчак остида, чизмачилик ишлари учун, 60 даражабурчак остида расм чизиш учун). Чизмачилик стол ва стулнинг 4 ўлчами мавжуд. Лаборатория столлари ва улар учун ўтиргичлар 3 гуруҳда тайёрланилади 4—, 5— ва 6— рақамли столларга мос равища лаборатория столлари бўлиши керак. Дурагорлик ва темирчилик устахоналари дасттоҳлар билан жиҳозланган. Жиҳозларда фабриканинг маркировкаси бўлмаган дасттоҳларда, уни муассасанинг тиббий ходимлари белгилайди. Жиҳозлар тўплами қўйидагича аниқланади, сантиметрли лента билан ўлчанади. Олинган маълумотларни Давлат стандарти билан солиширилади. Энг аввало стол ва стул баландиги ўлчамлари, унинг дистанцияси, стулнинг олд—орқа ўлчами, шундан сўнг қолган ўлчамларга мос келишига аҳамият берилади. Стол ёки партава стуллар ўлчамлари жадвадда берилган маълумотларга мос келганда партава стол ва стул сонлари аниқланади. Бола ёки ўқувчини бўйини билган ҳолда, унга керак бўлган партава стол ёки стул гуруҳини аниқлаш мумкин. Бўй тўғрисидаги маълумотлар 26 — шакл шахсий картасидан олинади.

Мактаб ўқувчилари учун бу маълумотларга пошина учун 2 см қўшилади. Бошлангич мактаб ўқувчиларини партага ўтказиш учун ҳар ўқув столининг бошида ҳар бир ўқувчининг исми—шарифи, бўйи, кўриш, эшитиш, қадди—қомати ҳолати, керакли жиҳоз гуруҳлари, кўрсатиладиган чизмаларни тўлдирилади ва бу маълумотлар синф журналида сақланади.

Кабинетларда шуғуланиладиган ўқувчилар ўзларига керакли жиҳоз гуруҳларини билишлари лозим. Бунинг учун мактаб даҳлизида рангли ўлчов чизгичи қўйиш тавсия этилади. Чизгичда гуруҳ жиҳозларига мос равища рангли чизиқлар ўтказилади: Қовоқ рангли полдан 100—115 см баландликда, бинафша 115—130 см гача; сариқ ранг 130—145 см гача; қизил 145—160 см гача; яшил 160 дан 1175 см гача ва 175 смдан юқорилари ҳаво ранг билан белгиланади. Ўқувчилар ўзлари мустақил равища бўйларини ўлчамлари ва керакли жиҳознинг маркировка рангини аниқлашлари мумкин.

Темирчилик дасттоҳларини керакли баландлигини аниқлаш учун ўқувчи дасттоҳга тўғри ва ён томондан туради, қўлни эркин туширади ва кафтини дасттоҳга қўяди, агар қўл тирсақда букилмаса, унда дасттоҳ баландлиги тўғри танланган ҳисобланади.

Дурадгорлик дасттохини керакли баландлигини аниқлаш учун ўқувчи дасттоҳ рўпарасида туради. Ўнг қўлини тирсак бўғинида буқади ва тирсагини қисқичларига қўяди. Кафтдаги ёзилган бармоқларини иякка олиб боради: agar бармоқ учлари унга тегса, унда дасттоҳ катталиги тўғри танланган. Ўқувчи бўйига дасттоҳ мос келмаслик ҳолатларида 5, 10 ва 15 см баландликдаги тагликлардан фойдаланилади (ҳар бирининг майдони 55x75 см). Охириги йилларда баландлиги ўзгарадиган (5,10 ва 15 см) тагликлардан фойдаланилмоқда.

Жиҳозларни жойлаштириши. Мактабгача болалар муассасаларида столлар тартиб билан маълум ишларни (овқат қабул қилиш, мажбурий машғулотлар ва б.) бажаришта боғлиқ ҳолда жойлаштирилади.

Мактабларда одатда 1 – синф ўқувчилари асосан 2 – 3 бўй гуруҳлари бўйича ўтказилади. Синф парталари 3 қатор қилиб (олдинда бўйи паст болалар, орқада бўйи узун болалар) қатор орасидаги ўтиш 0,6 – 0,7 м ва чекка қатордан деворгacha 0,5 – 0,6 м қилиб жойлаштирилади. Кўриш ёки эшитиш ўткирлиги пасайган бўйи узун болалар ён қатордаги 1 – парталарда ўтириши керак.

Лабораторияларда столлар 3 қатордан қилиб маҳкамланади. Столлар орасидаги масофа камида 60 – 70 см бўлиши керак.

Дурадгорлик устахоналарида дасттоҳлар 45 дараҷа бурчак остида ёки деразага перпендикуляр равишда, улар орасидаги минимал масофа 10 см; қаторлар орасидаги масофа 110 – 120 см қилиб; ички деворлар эса камида 80 см узоқлиқда қилиб жойлаштирилиши керак. Темирчилик устахонасида дасттоҳлар ойнага перпендикуляр равишда 4 тадан 4 қатор қилиб жойлаштирилади. Қаторлар ораси 1,5 м, дасттоҳлар орасидаги масофа 0,9 – 1,0 см бўлиши лозим.


Ўқувчиларнинг ўтиришини баҳолаш. Шифокор машғулотларда ўтириб болаларнинг тана ҳолатини кузатиши тўғри ҳолатлардан оғишини аниқлаши ва кейинчалик уларнинг сабабини билиши лозим. Ўқувчилар ўтирганида бош эгилиш бурчаги горизонтал 26 – 51 дараҷа, кўкрак соҳаси 41 – 62, корпус 85 – 100, оёқлар, тизза ва болдир бўғимида 75 – 105 гача букилади. Боланинг партада тўғри ўтиришини аниқлаш учун антропометрик инструментлар (антропометр, катта циркул) ёрдамида тананинг айrim ўлчамларини ўлчаш ва уларни партада (стол, стул)нинг мутаносиб ўлчамлари билан солиштириб кўриш керак. Билак ва кафт узунлиги, товон билан болдир баландлиги, сон узунлиги, кўкрак қафасининг сагитал ўлчами bitrochanterica дистанцияси ўлчанади. Сўнг бу ўлчамларни мутаносиб ўлчамлар билан солиштирилади. Шунда столдаги ишчи майдон кенглиги (бир ўринли, партада қопқоги) жами елка билак ва қўл панжалари билан узунлигига эркин ўтириш учун 3 – 4 см га тенг бўлиши керак.

Стулнинг баландлиги P.tibiae mediale нинг полдан 2 см пошна баландлигига тенг бўлиши керак. Стулнинг чуқурлиги сон узунлигининг камидаги $\frac{2}{3}$ ва кыпига билан $\frac{3}{4}$ қисмига мос келиши, ўтиргич кенглиги эркин ўтириш учун 3–4 см яқинлаштирилганда bitrochanterica масофасидан кам бўлмаслиги керак.

Жиҳоз дифференцияси ўтиргич баландлиги ва ўтирган боланинг эркин туширилган кўлнинг тирсагига 5–6 см қўшгандаги сонига тенг бўлади, бу эса тананинг эгилиш бурчакларини қулай нисбатини беради. Суянчиқ дистанцияси кўкрак қафасининг олдорқа диаметридан кўпига билан 5 см ошиши керак. Ўтиргич дистанцияси манфий бўлиши лозим. Бунда ўтиргич стол чеккасидан ичкарига кириши керак. 1 – гуруҳ стуллари учун – 4 см, 2 – ва 3 – гуруҳ стуллари учун 5–6 см, 4 ва 6 гуруҳ стуллари учун 7–8 см. Машғулотлар давомида ўқувчининг ҳолатини тўғрилигини таъминлаш ва стулнинг столга нисбатан тўғри ҳолатини назорат қилиш учун ўтиргичнинг юқори текислигига чизик чизилади. Бу стулни қанча масофага стол чеккасига суриш кераклигини кўрсатади (манфий ўтириш масофаси).

Агарда парта (стол, стул) ўлчамлари орқадаги ўтирган ўқувчига мос келса, боланинг ўтириши эса талабларга мос келмаса, ўқитувчи ёки тарбиячига болада тўғри ўтириш малакалари шаклланмаганлиги тўғрисидаги маълумотни етказиш керак.

ЧУҚУЧА НУҚТЕСИ



5.2. расм. Ўқувчи ўтирганда эгилиш бурчаклари.

I – бошнинг эгилиш бурчаги; II – кўкрак қафасининг эгилиш бурчаги; III – тана қисмининг эгилиш бурчаги; IV – тиззазининг эгилиши; V – болдир товон эгилиши.

**Л.В. Михайлов бўйича болалар тана ҳолатининг гониометрик
кўрсаткичлари (даржаларда, 1974)**

№	Гониометрик кўрсаткичлар	Кўрсаткич ўлчами*
1	Бошнинг эгилиш бурчаги	26° – 51°
2	Умуртқа поғонасининг кўкрак соҳасидаги эгилиш бурчаги	41° – 62°
3	Тананинг эгилиш бурчаги	85° – 100°
4	Тизза эгилиш бурчаги	75° – 105°
5	Товоң эгилиш бурчаги	75° – 105°

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Тананинг тўғри ҳолатини гигиеник асослаш талабларини тушунтириб беринг.
2. Болалар ва мактаб жиҳозларига бўлган гигиеник талабларни (материал, конструкция, ранги) ёритиб беринг.
3. Ўтиргич ва стол баландлиги, ўтиргич чуқурлиги ва суюнчиқ дистанцияси кўрсаткичларини гигиеник равишда асослаб беринг.
4. Дифференция ва ўтиргич дистанцияси кўрсаткичларини гигиеник асослаш ва уларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.
5. Болалар ва мактаб жиҳозлари гуруҳини болаларнинг бўй баландлигига мос равишда аниқлашга бўлган гигиеник талабларини тушунтириб беринг.
6. Мактаб жиҳозларини маркировкалаш (белгилаш) усуслари ва уларга қўйилган гигиеник талаблар.
7. Мактаб жиҳозлари ишлаб чиқаришни назорат қилиш бўйича инструктив ҳужжатларни санаб беринг.
8. Жиҳозларни жойлаштириш ва болаларни ўтқазишига қўйилган талабларни асослаб беринг.
9. Мактаб лабораториялари жиҳозларига бўлган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
10. Санитар шифокори ва мактабнинг тиббий ходимлари томонидан болаларнинг тўғри ўтқазилишини назорат қилиш йўналишларини тушунтириб беринг.

МАВЗУГА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Синфда болаларни ўтқазишида қандай кўрсаткич ҳисобга олинади?
 1. Бўйи ва саломатлик ҳолати.
 2. Бўйи ва жисмоний ривожланиши.
 3. Ҳамма антропометрик кўрсаткичлар.

4. Соматометрик күрсаткич.
5. Соматоскопик күрсаткич.
2. **Үтиргич дистанцияси бу . . .**
1. Үтиргич олди қирғоги ва стол олди қирғоги орасыдаги масофа.
2. Стол суюнчиғи ва стол қопқоғи орқа қирғоги орасыдаги масофа.
3. Үтиргич орқа қирғоги ва стол ўрта қирғоги орасыдаги масофа.
4. Үтиргич олди қирғоги ва стол орқа қирғоги орасыдаги масофа.
3. **Үтиргичнинг баландлиги нимага тұғри келиши керак?**
1. Оёқнинг бутун узунлигига.
2. Соң узунлиги + 3 см.
3. 50 см.
4. Тизза узунлиги + 3 см.
5. Тизза ва товон орасыдаги масофа + 2 см.
4. **Үқувчи тик үтирибди күзи билан дафтари орасыдаги масофа 35 см, үқувчи тұғри үтирибдими?**
1. Үтириши бүйіча тұғри.
2. Ҳамма күрсаткычлар бүйіча нотұғри.
3. Нотұғри, күзи билан дафтари орасыдаги масофа қисқа.
4. Нотұғри, боши чап томонға әгилған бўлиши керак.
5. Ҳамма күрсаткычлар бүйіча тұғри.
5. **Партанинг асосий күрсаткычлари:**
1. Стол ва үтиргич узунлиги ҳамда баландлиги, үтиргич суюнчиқ дистанцияси, дифференция.
2. Стол қирраси ва үтиргич қирраси баландлиги, үтиргич ва суюнчиқ дистанцияси, дифференция.
3. Стол орқа қиррасининг баландлиги, үтиргич баландлиги үтиргиде ва суюнчиқ дистанцияси, дифференция.
4. Стол ва үтиргич узунлиги ва баландлиги, үтиргич ва суюнчиқ дифференцияси, дистанцияси.
6. Агар бола партада үтирган пайтда дифференция катта бўлса, бола гавдасида қандай ұзарышлар юзага келиши мумкин?
1. Сколиоз.
2. Лордоз.
3. Кифоз.
4. Сколиоз ва лордоз.
5. Бесунақай гавда.
7. **Үқувчи столининг ДавСТИ рақамини күрсатынг:**
1. ДавСТИ 110 – 15 – 91.
2. ДавСТИ 110 – 15 – 77.
3. ДавСТИ 110 – 16 – 86.
4. ДавСТИ 110 – 15 – 82.
5. ДавСТИ 110 – 15 – 82.

- 8. Мактаб партасининг ДавСТИ раҳамини кўрсатинг:**
1. ДавСТИ 110 – 16 – 91.
 2. ДавСТИ 110 – 15 – 86.
 3. ДавСТИ 110 – 16 – 76.
 4. ДавСТИ 5994 – 77.
 5. ДавСТИ 5994 – 86.
 9. Партага тўғри ўтирганда дифференция нимага тенг бўлиши керак?
 1. Ўтиргич баландлиги ва буқланган қўл тирсагига 5 – 6 см қўшганга.
 2. Ўтиргич баландлиги ва туширилган қўл тирсагига, 5 – 6 см қўшиш.
 3. Ўтиргич баландлиги қўл тирсагидан буқланган 5 – 6 см қўшиш.
 4. Ўтиргич баландлиги ва эркин туширилган қўл тирсагидаги фарқига, 5 – 6 см қўшганга. 10. Мактаб партасига ўтқазишда энг мақбул дистанция (масофа):
 1. Мусбат.
 2. Нулевой.
 3. Нулевой ёки манфий.
 4. Манфий.
 5. Нулевой ёки мусбат.

МАВЗУТА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН ЎРГАТУВЧИ, НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ДАСТУРЛАР

- 1. Мактаб жиҳозларининг асосий хусусиятларини кўрсатинг:**
1. Статистик чарчашини олдини олади.
 2. Ишлаш қобилиятини оширади.
 3. Тўғри жисмоний ривожланишини таъминлайди.
 4. Соматометрик кўрсаткичларни яхшилашга ёрдам беради
 5. Тана ҳолат бузилиши ва кўзнинг кўриш ўткирлиги сусайишини олдини олади.
 6. Чарчашининг олдини олади.
- 2. Мактаб жиҳозлари учун фойдаланиладиган ДавСТИ раҳамаларини кўрсатинг:**
1. ДавСТИ 5994 – 86.
 2. ДавСТИ 11015 – 86.
 3. ДавСТИ 11016 – 86.
 4. ДавСТИ 18314 – 86.
 5. ДавСТИ 5994 – 91.
 6. ДавСТИ 11015 – 91.
 7. ДавСТИ 11016 – 91.
 8. ДавСТИ 18314 – 73.
- 3. Мактаб жиҳозларининг асосий маркировкаси кўрсатинг:**
1. Соnли.

2. Рантли.
3. Айлана шаклли.
4. Диаметрли.
- 4. Мактаб жиҳозларининг ўлчамларини кўрсатинг:**
 1. Асосий.
 2. Функционал.
 3. Ёнлама.
 4. Ёрдамчи.
- 5. Дистанциянинг асосий ўлчамларини кўрсатинг:**
 1. Мусбат.
 2. Паст .
 3. Манфий.
 4. Баланд.
 5. Нулевой.
 6. Ўртacha.
- 6. Дифференциянинг асосий турларини кўрсатинг:**
 1. Баланд.
 2. Мусбат.
 3. Паст.
 4. Манфий.
- 7. Бош эгалиш бурчагини кўрсатинг:**
 1. 41.
 2. 26.
 3. 62.
 4. 51.
- 8. Тананинг асосий корпуси эгалиш бурчагини кўрсатинг:**
 1. 41.
 2. 85.
 3. 62.
 4. 105.
- 9. Тананинг эгалиш бурчагини кўрсатинг:**
 1. 26.
 2. 85.
 3. 100.
 4. 41.
- 10.Тизза товои бўғимининг эгалиш бурчагини кўрсатинг:**
 1. 41.
 2. 61.
 3. 95.
 4. 105

Мавзуга тегишли ўқитишнинг янги инновацион технологик усуллари. «Болалар ва ўсмиirlар муассасаларида жиҳозлар ва ускуналар устидан санитария назорати ўрнатиш» мавзуси бўйича «Мияга ҳужум» усули

Ушбу усул асосан талабаларнинг дастлабки билим савиясини текширища фойдаланилади. Ушбу усул асосан кишининг ўз нуқтаи назарини исботлаш, ҳимоя қилиш, ҳар қандай вазиятларда энг маъқул ечимини топиш, мулоқат олиб боришга ёрдам беради. Ҳимоя қилинаётган нуқтаи назарининг тўғрилигига ошонентларни ишонтиришга ўргатади. Бу усул шу кунги мавзуни тўла таҳдил қилиб чиқиши олдидан ўтказиладиган «чиғал ёзиш машқи» учун жуда қулай ҳисобланади. Гурӯҳни 2 – 3 та майда гурӯҳчаларга ёки барча талабалар учун бигта муаммо танланади. Кичик гурӯҳчаларга ажратилганда, мавзунинг қизиқарли бўлиши учун мавзудан мунозарага бир неча саволлар берилади (мавзулар қуйида келтирилган). Ҳар бир гурӯҳ ёки кичик гурӯҳларда ҳар бир талаба доскада ёки тарқатилган қорозга ўзининг жавоб вариантини ёзади. Сўнгра белгиланган вақт давомида ёритилган мавзуни саволларининг жавоб варианти ўқитувчи ва талабалар иштироқида муҳокама қилинади. Энг тўғри жавоб вариантлари энг юқори балл билан баҳоланади. Нотўғри ёки тўлдирилмаган жавоб вариантлари ҳам муҳокама қилинади.

Талабаларга мавзу бўйича қўйидаги муаммоли саволлар берилиши мумкин

1. МБМлар жиҳозларига қўйилган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
2. Мактаб жиҳозларини ишлаб чиқарища фойдаланиладиган қонуний ҳужжатларни санаб беринг.
3. Таҳа ҳолатининг асосий мезонларини санаб беринг.
4. Мактаб жиҳозларининг асосий ва ёрдамчи ўлчамларини тушунтириб беринг.
5. Дистанция нима ва унинг турларини тушунтириб беринг.
6. Дифференция нима ва унинг турлари ва дистанциядан фарқини тушунтириб беринг.
7. Мактаб синфхоналарида жиҳозларни жойлаштиришининг гигиеник талабларини кўрсатинг.
8. Жиҳозларнинг бола организмида келтириб чиқарадиган ижобий ва салбий ўзгаришларини тушунтириб беринг.
9. Мактаб устахонасида жойлаштирилиши лозим бўлган жиҳозларга қўйилган гигиеник талабаларни тушунтириб беринг.

АМАЛИЙ КҮНИКМА

МАКТАБ ЖИҲОЗЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ГИГИЕНИК НАЗОРАТИ

Мазкур иш тури болалар муассасасининг чуқурлаштирилган текширишнинг бир қисми бўлиши мумкин ёки болалар ва ўсмирларни тарбиялаш ва ўқитиш шароитларини мақсадли текширилишини ўтказишда фойдаланилади.

Назорат визуал тарзда ўтказилади. Ишни бажариш учун қуидагилар зарур: Давлат Стандарти – №11015–91, болаларнинг шахсий ривожланиш карталари, антрометр (ёки бўй ўлчагич).

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ (УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ МИСОЛИДА)

1. Муайян синф бўйича маълумотларни тўплаш (ўқувчилар сони, ёши).
2. Синфда амалда бор бўлган парталар сонини аниқлаш, уларни белгиланганлигини ва парталарни жойлаштирилишини эскиз ифодасини бериш.
3. Парта гуруҳлари ва уларда ўтирган ўқувчиларнинг бўйларига таққослаш.
4. Кўриши, эшитиши ва қадди – қомати бузилган ўқувчиларни аниқлаш (маълумотларни ўқувчиларнинг шахсий карталари – (26 ҳ.ш.) дан олинади) ва бундай болаларни тўғри ўтқазилганлигини баҳолаш.
5. Ёзиш вақтида ўқувчининг қадди – қоматининг тўғрилигини ва парталарнинг асосий ўлчамларини болалар бўйига мувофиқлик даражасининг мос келишини баҳолаш (суюнчиқ дистанцияси, ўтиргич дистанцияси, дифференция ва ўтиргич баландлиги).
6. Синфнинг тўғри жиҳозланганлиги ва ўқувчиларнинг тўғри ўтқазилганлиги ҳақида хулоса бериш, мактаб жиҳозидан фойдаландиш бўйича таклифлар киритиши.

VI-БОБ БОЛАЛАР БУЮМЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

Ҳозирги вақтта келиб болалар ва ўсмирлар гигиенаси шифокорининг амалий фаолиятида болалар буюмларини ишлаб чиқарилиши устидан оғоҳлантирувчи санитария назоратининг (ОСН) ҳажми ортиб бормоқда. Саноат тармоқлари томонидан болалар учун маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ортмоқда, уларнинг ассортименти (турлари) кўпаймоқда, ҳамда уларни ишлаб чиқаришда янги сунъий ва синтетик материаллар қўлланилмоқда. Бу эса гигиеник экспертиза вазифаларини мураккаблаштиради ва уни янада масъулиятни қилади.

Гигиеник экспертизани ўтказиш учун шифокор қўйидагиларни билиши лозим: А) хом ашёга гигиеник баҳо бериш; тайёр маҳсулоттacha ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида назорат ўтказиш хусусиятларини; Б) болалар маҳсулотларини ишлаб чиқариш устидан лаборатор назорат усулларини; В) ОСН бўйича материалларни: технологик ҳужжатлар; маҳсулотлар рецептураси, лаборатор текширув маълумотларини (физик – механик, кимёвий, токсилогик, бактериологик ва б.) таҳдил қилишни билиши; Г) ўз ишида меъёрий ҳужжатларни қўллаш: Давлат стандартлари, санитар қоидалар, техник шартлар ва ҳ.к.; Д) ўрганилаётган намуна бўйича хулоса тайёрлашни билиши керак.

Мавзунинг мақсади. Болаларнинг буюмларини (китоб, ўйинчоқлар, кийим) ишлаб чиқариш устидан ОСН ни олиб бориш учун билимлар ва малакаларни опириш.

Машгулот кафедра лабораториясида ўтказилади.

6.1. МАКТАБ ДАРСЛИКЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

Ўқиш – ўқувчилар томонидан ўқув материалини қабул қилиш усулларидан бири, ҳамда болаларни уйдаги ўқув фаолиятининг асосий тури ҳисобланади. Ўқиш вақтида кўриш аъзосининг зўриқиши китобнинг тайёрланиш сифатига боғлиқдир: шрифт ўлчами, босманинг тиниҳдиги ва бир текислиги, қороз ранги ва б. Дарслекларнинг асосий элементларига бўладиган гигиеник талаблар болаларнинг ёш хусусиятларига боғлиқ. Дарслеклар чиқарилиши устидан давлат санитария назорати уларни оммавий чиқарилиши олдидан танлаб олиш йўли орқали текшириш билан амалга оширилади. Дарслеклар санитар қоидалар ва давлат стандарти талаблари асосида мактаб дарслекларини тайёрлаш бўйича кўрсатилган гигиеник талабларга мослиги текширилади.

Текшириш қўйидаги тартиб бўйича олиб борилади:

1. Умумий маълумотлар: муаллиф, дарслек номи, наприёт, нашр номи, жойи ва йили, қайси синф (ёшга) мўлжалланганлиги.

2. Ташқи кўриниши тавсифи: оғирлиги, шакли, ҳажми, муқова тури, иллюстрациялар тавсифи.
3. Қоғозга баҳо бериш: оқлиги ва туси, сифати, ялтироқлиги, юпқалиги. Қоғознинг артикули.
4. Асосий ва қўшимча матнлар шрифтига баҳо бериш: шрифт алоҳида элементларининг ўлчами, гарнитураси.
5. Матн терилишига баҳо бериш: қаторлар узунлиги, қаторлар орасидаги масофа, терилган қатор формати, унинг зичлиги.
6. Босма сифатига баҳо бериш: бўёқ интенсивлиги, бир меъёрдалиги, тиниқлиги.

Ўқув дарсликларининг ташқи безатилишига қўйилган гигиеник талаблар

Ўқув дарсликларининг асосий белгиларини безатилишига (гарнитура, шрифт ўлчами, қаторлар узунлиги) қўйилган гигиеник талаблар, кўриш анализаторлари ривожланишининг ёш хусусиятларини ҳисобга олади. Ўқиш вақтида кўрув фаолияти зўриқишининг ҳажми кўриш ва ўқиш қулайлигига боғлиқ бўлади. Материал манбайнинг кўриниши ёки кўз илғаланиши: қоғознинг сифати (ранги, нур ўтказувчанлиги, силлиқлиги); босманинг сифати (терилган белгиларнинг ва тасвирнинг мос келмаслиги, бўёқларнинг мустақкамлиги ва тўйинганлиги), каби омилларга боғлиқ бўлади. Қулай даражадаги ўқиш фаолияти қўйидагича аниқланади: босилган белгилар хусусияти (шрифт кегл ўлчами), гарнитура (шрифт ўлчами), босма бўёғининг ранги; жамлама формат кенглиги ва унинг саҳифада жойлаштирилиш хусусияти (қаторлар узунлиги, қаторлараро масофа – интерлиняж, матннинг ўлчами).

Қоғозга бўлган гигиеник талаблар

Китобни тайёрлаш учун қоғоз босмадан чиққан матнни яхши кўринишини керак ва китобни қониқарли санитар ҳолатини таъминлаши лозим. Бу талабга оқ қоғоз (акс эттириш коэффициенти 70–80%) ёки ним сариқ тусли, кўринмас (орқа томондан матн кўринмаслиги керак), силлиқ ва тоза (гадир – будир тўлиқ бўлмаслиги ва текисликлар). Қоғознинг юзаси текис, тоза, силлиқ, ифлосланмаган, ёчоғ толаларисиз, бир текис ажратилган, ялтирамаган бўлиши керак. Бугунги кунда амалиётда фойдаланилаётган қоғозлардан гигиеник талабларга жавоб берадиган 1 – рақамли типографик ва 1 – ва 2 – рақамли оғсетли қоғоз турлари ҳисобланади. Агар ушбу турдаги қоғозлар бўлмаса, мактаб дарсликларини ишлаб чиқариш учун маҳсус қоғозлар ёки барча гигиеник талабларга жавоб берадиган 2 – рақамли типографик қоғозлардан фойдаланишга рухсат берилади (асосий талаблар унинг зичлиги ва рангига қаратилади). Ўқув

дарслекларини ишлаб чиқаришга 3 – рақамли типографик ва газета ишлаб чиқаришга йұналтирилған қоғозларга рухсат берилмайды.

Үқув дарслекларини ишлаб чиқаришга ажратылған ёки маҳсус дарслек ишлаб чиқариш учун тайёланған қоғозлар алоқида гигиеник талаблардан үтказылған бўлиб, матнни ва расмларни босмага олишдан один ва кейин оқ қора ва рангли варианларда бўлишидан қаътий назар тоза ва белгиланған силиқлик даражасида бўлиши керак.

Қоғозлар ташки кўриниши ва юқорида қайд этилган кўрсаткичлари бўйича маҳсус асбоблар ёрдамида аниқланғанда 6.1.1. – жадвал талабларига жавоб бериши керак.

Жадвал 6.1.1.

Үқув дарслекларни гигиеник баҳолаш

№	Текшириш тури	Асбоблар номи	Меъёрий кўрсаткичлар
1	Қоғознинг оқлик коэффициентини аниқлаш	Фотометр, светлот шкаласи, Цейсс туридаги лейкометр ёрдамида	70 – 80%
2	Қоғознинг силиқлик даражасини аниқлаш	Б – 1 бекка аппарати ва АПГ пневматик асбоби ёрдамида	Машина босма қоғознинг силлиқлиги 30 – 40 дан кам эмас, ялтираган қоғозлар учун 100 – 150 с
3	Қоғознинг ялтироқлигини аниқлаш	Кизер аппарати ёки гляриметр ёрдамида	8 – 10 даражага кизер бўйича, гляриметр бўйича 4 – 5%
4	Шрифт ўлчами, апрош ва интерлиняжини аниқлаш	Макрометрик окуляри ёки 0,1 мм микрометрик бўлимли микроскоп ёрдамида (Брюнеля микроскопи)	6.4.2. – жадвалга қаранг
5	Қаторлар узунлагини аниқлаш	Миллиметрли бўлимга эга бўлган металл ўлчагич ёки миллиметрли бўлимга эга бўлган рангли пластиника ёрдамида	6.4.2. – жадвалга қаранг
6	Босмани аниқлигини аниқлаш	2 ва 5 қиррали луша ёрдамида	Ҳарфлар ва ҳарф штрихлари бир текисда бўялиши

			керак
7	Жамлама зичлигини аниқлаш	Ҳар бир 1см ² ли 5 та тиришили металл пластинка ёрдамида	ДавСТ 0095 – 2000 га қаралсın
Барча ўлчаш ишлари дарсликнинг 3 та бетида олиб борилади (бошида, ўртасида ва охирида)			

Ўқув дарсликлари босмасига бўлган гигиеник талаблар

Мактаб дарслигининг босмаси аниқ, тўқ, қора рангда ва бир текис бўлиши керак. Аниқ бўлмаган кул рангли «узуқ – узуқ» босмаларга ружсат берилмайди.

Дарслик таркибини кўрсатувчи сарлавҳалар, хуносалар, алоҳида сўзларни ажратиш формула белгилар учун қўйидаги босмалардан фойдаланилади:

- Матн босмаси рангли бўёқларда – оқ қоғозда ўрта тўйинган ҳаво ва қизил ранглардан (оқ тасвирида);
- Қора матн рангли тасвиридан (сариқ, қовоқ ранг, оч – яшил, оч – кўкимтирик рангларда);

Ўқув дарсликларининг шрифтига бўлган гигиеник талаблар

Шрифтта баҳо беришда асосан шрифт тасвирига (гарнитура) ва унинг асосий ўлчамларига (баландлиги, штрихларнинг қалинлигига) эътибор қаратилиши керак.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун мўлжалланган дарсликларнинг ишлаб чиқаришда ўқишга қулай бўлиши учун шрифт тасвирига қўйидаги асосий талаблар қўйилади:

- ҳарфларнинг оддийлиги, аниқлиги, ҳар бир ҳарфнинг алоҳида ёзилиши ва улар орасидаги масофа, ҳарфлар шаклининг квадрат шаклига яқинлашиш даражаси (кatta ёшли мактаб ўқувчилари учун) ҳарфларнинг кенглиги баландлигига нисбати 1:1,5 ва 1:1,75 нисбатда бўлиши керак.
- асосий (вертикал, горизонтал) ва бириктирувчи қия штрихлар орасида паст даражадаги соя тушиш хусусиятига эга бўлиши керак. Асосий ва бириктирувчи штрихлар орасидаги энг яхши нисбат 2:1 ёки 3:1 нисбатда бўлиши керак.

Ўқув дарсликлари ва уларнинг теришда фойдаланилган гарнитураси ўқиш ва кўриш анализаторларининг фаолиятига қулай бўлиши керак (6.1.2).

Дарсликларнинг гарнитураси алифбога оид алифбо, шунингдек, йирик кегелдаги журнالга оид турларида белгиланган гарнитурада ўқиш ўрганувчиларнинг хусусиятига мос келиши керак. Биринчи синфлар дарсликлари учун ҳарфлар алифбоси, алифбога оид, журналларга оид аниқ равон рангда асосий ва

ердамчи штрихларнинг қалинлиги бир – биридан катта фарқга эга бўлмаган, ҳарфлар охирида узилишлар бўлмаган бўлиши керак.

Кичик мактаб ёшида (2 – синфдан бошлаб) шрифт ҳарфларининг охирида узилиш бўлса, ҳулай ўқишига шароит яратилади. Ушбу талабларга мактаб гарнитураси жавоб беради. Ўрта ва катта ёщдаги мактаб ўқувчилар учун мактаб гарнитураси билан бирга адабиётларга оид гарнитурани ишлатишга тавсия берилади. Стол – нашриёт матбаа тизимида фойдаланилади 8 – 11 синфлар учун мўлжалланган дарслекларга Таймс ва Гелветика гарнитураларида фойдаланиш тавсия қилинади.

Жадвал 6.1.2.

Ўқув дарслекларини тернишга тавсия қилинган шрифтга бўлган гигиеник талаблар

Синфлар бўйича дарслеклар	Гарнитура			Кетел	
	1	2	3	4	5
	Асосий шрифтлар	Ердамчи шрифтлар		Асосий шрифтлар	Ердамчи шрифтлар
Алифбо	Алифбога оид, алифбо, журнал учун белгиланган	–		48,36,28	–
1 – синф дарслеклари учун	Алифбога оид, алифбо, журнал учун белгиланган	–		24,20	–
2 – синф дарслеклари учун	Мактабга ва адабиётларга оид	Асосий шрифтта тавсия этилгандек	14 н/ш** 16 н/ш	16	–
3 – 4 – синф дарслеклари учун	Мактабга ва адабиётларга оид	Асосий шрифтта тавсия этилгандек, журналга оид тушунтириш хати учун	14,12 н/ш 16 н/ш	18	12 н/ш 10 н/ш
5 – 7 – синф дарслеклари учун	Мактабга ва адабиётларга оид	Асосий шрифтта тавсия этилгандек, журналга оид тушунтириш хати учун	10 н/ш	10 н/ш	9,8 н/ш
8 – 11 – синф дарслеклари учун	Мактабга ва адабиётларга оид	Асосий шрифтта тавсия этилгандек, журналга оид тушунтириш хати учун	10 н/ш, 10	10 н/ш, 10	9,8 н/ш, 8

* – оммавий мактабларнинг хорижий тиллар дарслеклари учун (хорижий тилларни чукураштириб ўрганилмайдиган вазиятларда) асосий шрифтларга 12 кетел тавсия қилинади

** – интерлингв – қаторлар орасидаги масофани узайтиришга рухсат берилади

Асосий матнлар түлиқ түгри ёрқин күренишдеги шрифтлар билан терилади. 3–11 синфлар учун ўқув дарсلىкларининг ёрдамчи матни (күшимишчалар, тушунтириш мавзулари, адабиётлар рўйхати кўрсатмалар ва бошқалар) 6.1.3. жадвалда кўрсатилган меъёрий ярим тўйинган даражадаги бўёқларда чоп этишга рухсат берилади.

Жадвал 6.1.3.

Ўқув дарсلىклари шрифт ўлчамишнинг гигиеник меъёрлари

Дарсلىклар қисмлар ва синфлар бўйича	Асосий шрифт кенглити намунанинг кегли	Н ҳарфи баландлиги мм	Асосий штрихлар қалинлiği (вертикал йўналишда) мм	Борловчи штрихлар қалинлiği (горизонтал йўналишда) мм
Ҳусниҳатнинг тайёров қисмидаги янги ҳарфлари	48 – 36	8,0 – 6,0	1,5	1,2
Ҳусниҳат қисми	28 – 24 – 20	4,5 – 4,0 – 3,5	0,5	0,5
Ҳусниҳатдан кейинги 1 – синф дарсلىклари	16	2,8	0,5	0,45
2 – синф дарсلىклари	14 н/ш, 16 н/ш*	2,3 – 2,52	0,3	0,15
3 – 4 – синф дарсلىклари	14 / 12 н/ш	2,3 – 2,0	0,3	0,15
5 – 7 – синф дарсلىклари	10 н/ш	1,75	0,25	0,15
8 – 10 – синф дарсلىклари	10 н/ш, 10	1,75 – 1,7	0,25	0,15

* – журнallарга оид гарнитуралар фойдаланилади

Ажратилган сўзлар ва жумлаларни матнда ярим тўйинган ва тўйинган бўёқли шрифтларда теришга рухсат берилади: ёрқин ва ярим тўйинган курсивларда чоп этиш ва теришга; туркумнинг алоҳида сўзларига рухсат берилади. Шрифтта санитар – гигиеник баҳо беришда ҳарфлар ўлчами ва уларнинг таркибий қисми, шрифтларнинг қулагай ўқиш даражасига таъсир кўрсатадиган белгиларига: ҳарфлар баландлости, асосий ва бирюзлирувчи штрихлар қалинлiği, асосий штрихларнинг оралиги, қатордаги ҳарфлар баландлости «Н» ҳарфи билан аниқланади. Шрифтлар ўлчамишнинг гигиеник меъёрлари 6.1.4 – жадвалда келтирилган. Ўтра ва катта синфлар дарсلىкларининг барча ёрдамчи сўзлари петит билан теришга рухсат берилади, илова матни 12 қатордан ошмаслиги керак. Чегараланмаган петит орқали адабиётлар

рўйхати, кўрсаткичлар, луғатларни теришга рұксат берилади. 7 – 8 – синф ўқув дарслекларида меъерий матнларни теришга 4 қаторли петитта, 9 – 11 – синфлар учун саҳифада 16 қатордан ошмаган петитларга рұксат берилади. Петит билан терилган шрифт матнларини битта саҳифада оддий теришга камида 2 марта алмаштириш керак. 8 – 11 синфлар учун мўлжалланган дарслекларнинг савол ва топшириқларини терища, саволлар матни 2 қатордан ошмаслиги, умумий матн саҳифада 16 қатордан ошмаслигига рұксат берилади.

Мундарижа сарлавҳасида параграф – банд остини петит билан теришга рұксат берилади (8 – 11 – синф). Барча вазиятларда сарлавҳа янги қатордан бошланиши керак.

Жадвал 6.1.4

Мактаб дарслеклари шрифт ўлчамининг гигиеник меъёрлари

Синфлар бўйича дарслеклар	Кегел	Кагор мм	Узунлиги, мм	Чоп этиши формати(четурли қирқииландан кейин)	Жамалма формати(квадратда)*	Жамалма формат кенглигиги ммда	Қаторлар орасидаги масофа, ммданнингиж	Сүзлар орасидаги масофа, ммда (апрош)
1	2	3	4	5	6	7		8
1 – 2 – синф дарслеклари учун	16,15	130 126		168x215	7,25x9, 5 7x 9,25	130X17 2 126x17 6	2,8 кам эмас	4 – 11
3 – 4 – синф дарслеклари учун	14 12 и/ш	126		145x215x 143	75x9,5 – 9,75	126x17 2 – 176	2,8	3
5 – ва ундан юкори синф дарслеклари учун	10 и/ш 10	113		145x215x 143	6,25x1 0	113X18 0	2,7 кам эмас	2


* – 1 квадрат 48 типографик пунктга ёки 18,051 мм га тенг

Шрифт ўлчами 0,1 мм ўлчамли микрометрик лупа – заррабин ёки микрометрик ўлчамли микроскоп ёрдамида аниқланади (6.1.1. – расм).

Заррабин ва микроскоп матнга қўйилади. Ўлчаш ишлари турли хил босма саҳифаларнинг боши, ўртасида ва охирида ўтказилади. Қаторлардаги ҳарфларда «Н» ҳарфлар баландлиги ва асосий штрихларнинг (вертикал) ва бирюзлирувчи штрихларнинг (горизонтал) қалинлиги ва асосий штрихлар оралиги аниқланади. Ҳарфларнинг ўлчамлари миллиметрларда ифодаланади.

Типографик амалиётда шрифт ўлчамини аниқлаш учун «Кегел» тушунчасидан фойдаланилади.

Кегел – бу типографик пунктларда ифодаланган литер майдонининг баландалигидир (битта бўлаги 0,376 ммга тенг). Олинган маълумотлар меъёрий кўрсаткичлар билан солиштирилади.



Расм 6.1.1. Микрометрик заррабин (лупа).

Жамламага бўлган гигиеник талаблар

Жамламанинг асосий белгиларининг мақбул гигиеник талаблари (шифт ўлчами, қаторлар узунлиги ва интерлиняж) 6.1.3. – жадвалда кўрсатилган.

Кичик мактаб ўқувчилари учун 14, 16, 20 кегелда қаторлар узунлиги 126 – 130 мм бўлиши керак.

Мактаб ўқувчиларининг ёши ошиши билан кегеллар сони 12 дан 10 гача қисқартирилиб, қаторлар узунлиги 98 дан 112 мм ни ташкил қиласди.

Кичик ва ўрта мактаб ёшидаги ўқувчилар учун дарслекларни чоп этишда икки устунли жамламадан фойдаланишга ружсат берилмайди.

8 – 11 – синф ўқув дарслеклари учун икки устунли 10 кегелли жамламали қатор узунлиги 63 мм дан кам бўлмаган устунда ва устунлар оралиғи 8 – 10 ммдан кам бўлмаслиги керак, ёрдамчи матнда устунлар оралиғи 4,5 ммдан кам бўлмаслиги керак. Икки

устунли жамлама барча дарсликларнинг лугат ва кўрсатмалар қисмида фойдаланишга рухсат берлади.

Икки ва ундан ортиқ устунли жамламада намуналарнинг математик қаторлари, масалалар, шунингдек, сўзлар рўйхати ва тилшунослик сўз биримларини жойлаштиришга рухсат берилади. Ҳошия – ўлчами ДавСТ 0095 – 2000 талабларига мос келиши керак. Унинг ўлчами иккала қайтиш томондан 26 ммдан, ички матнининг кенглиги 13 ± 2 мм ташкил қилиши керак.

Матнинг тўлиқ ва аниқ қабул қилишни таъминлаш учун текст ва китобни безащдаги расмлар орасида оқ рангда оралиқ масофа бўлиши керак.

Оддий ва штирҳли расмлар учун қабул қилинган оралиқ масофа 12, рангли учун 18 пунктни ташкил қилиши керак.

Жамламани баҳолаш учун «Жамлама зичлиги» деб аталган кўрсаткичдан фойдаланилади. Жамлама зичлиги Кон пластинкаси ёрдамида баҳоланади. Ушбу пластинка металл бўлиб, 1 см²ли 5 та тирқищдан иборат. Жамлама зичлигини аниқлаш учун пластинка квадратининг юқори қирраси қаторнинг юқори қиррасига кўйилади ва квадрат тирқишига тушган босма ҳарфлар сони саналади. Ҳисоблаш 5 та тирқища олиб борилади ва ўртача кўрсаткич олинади.

Қаторлар узуонлиги, апрош ва интерлиняж миллиметрли оддий чизгич ёки ялтироқ 2 ва 3 мм ли чизиқларга бўлинган чизгичларда ўлчанади.

Жамлама зичлиги: 14 кегел ва ундан юқори 10 та белгидан, 9 – 12 кегеда 15 тадан ошмаслиги керак.

1 – 4 – синфлар учун саҳифага ўтиш сони 8 тадан, 5 – 11 – синфлар учун 12 дан ошмаслиги зарур.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун рангли расмларга рухсат берилади.

Формат, муқова ва оғирликка бўлган гигиеник талаблар

Форматта бўлган гигиеник талаблар 6.1.1. – жадвалда кўрсатилган. Дарсликнинг муқоваси мустаҳкам, кам ифлосланадиган материалдан тайёрланган бўлиши керак.

Ўқув дарсликларига қуйидаги муқова турларидан фойдаланилади:

№5 – қаттиқ, қиррага эга, ён томондан матоли қофозли қоплама билан ёпилган бўлиши керак (ялтироқ ёки елимли қопламали)

№4 – қаттиқ қофозли, қиррали яхши қофозли, синтетик қопламали, муқовасимон ёки лакировкали қопламали (рангли полимер қопламали).

№3 – юмшоқ синтетик қопламали матосиз асосли қофоз қопламали муқова.

№7 – қаттиқ «модерн» туридаги матоли асосга эга бўлган, яхши матоли қиррали муқова.

Переплётни тайёрлаш учун санитария ва меъёр ва қоидалари талабларига жавоб берадиган синтетик материалларга рухсат берилади.

Бир кун давомида 3 км масофага қатнайдиган мактаб ўқувчиларига қуийдагича: 1 – 3 – синфларга 1,5 дан 2,0 кг.гача, 4 – 5 – синфларга 2,0 – 2,5 кг.гача, 6 – 7 – синфларга 3,0 дан 3,5 кг.гача, 8 – 11 – синфларга 4,0 дан 4,5 кг.гача оғирлиқдаги дарсликлар жамламасига рухсат берилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Мактаб дарслекларини ишлаб чиқариш устидан огоҳлантирувчи санитар назоратини ўтказиш босқичларини тушунтириб беринг.
2. Мактаб дарслекларини ташқи безашга бўлган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
3. Матн кўринишини нима аниқлайди?
4. Мактаб дарслекларини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган қоғозга бўлган гигиеник талабларни асослаб беринг.
5. Қоғоздаги ёроч қолдиқларини аниқлаш усулларини ва уларга қўйилган талабларни тушунтириб беринг.
6. Ёш аспекти бўйича дарслеклар шрифтига бўлган гигиеник талабларни гигиеник равища асослаб беринг.
7. Мактаб дарслеклари жамламасига бўлган гигиеник талаблар. Жамламани комплекс баҳолаш услубини тушунтириб беринг.
8. Полиграфия ишлаб чиқаришида ишлатиладиган ўлчам бирликлари (интерлинняж)ни тушунтириб беринг.
9. Мактаб дарслеклари босмасига бўлган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
10. Мактаб дарслекларининг оғирликларини гигиеник талабларини тушунтириб беринг.

МАВЗУГА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Кегел – бу ...
1. Сантиметрда ифодаланган қаторлар орасидаги масофа.
2. Қаторлар орасидаги бириктирувчи штрихлар қалинлиги.
3. Типографик пунктларда ифодаланган литералар майдонининг баландлиги.
4. Асосий штрихлар орасидаги масофа.
5. Сантиметрларда ифодаланган литеранинг баландлиги.
2. Ўрта ёшдаги болалар учун мўлжалланган ўқув китобидаги қатор узунлиги қандай бўлиши керак:
 1. 95 мм.
 2. 126 мм.

3. 90 мм.
 4. 130 мм.
 5. 140 мм.
- 3. Китобдаги ҳарфлар жамламаси зичлиги нима билан аниқланади:**
1. Микрометрик лупа ёрдамида.
 2. Кегел ёрдамида.
 3. Петит ёрдамида.
 4. Кон пластинкаси ёрдамида.
 5. Зичликни ўлчагич ёрдамида.
- 4. Қайси кўрсаткич босмани характерлайди:**
1. Бўёқ интенсивлиги.
 2. Бўёқнинг бир хилда тарқалиши.
 3. Тиниқлиги.
 4. Алоҳида белгилар ўлчами.
- 5. Мактаб ўқув китобларини босмадан чиқаришда қайси кўрсаткич талабга кирмайди:**
1. Босма тиниқ бўлиши керак.
 2. Босма интенсив бўлиши керак.
 3. Босма қора рангда бўлиши керак.
 4. Босма бир текисда бўлиши керак.
 5. Босма иирик бўлиши керак.
- 6. Агар ўрта синфларда фойдаланиладиган ўқув китобининг петити 10 қатор бўлса, сиз бу китобидан фойдаланишга рухсат берасизми?**
1. Ҳа, бу китобдан фойдаланиш мумкин.
 2. Йўқ, бу китобдан фойдаланиш мумкин эмас.
 3. Йўқ, бу петит жуда ҳам кичик.
 4. Йўқ, бу петит жуда ҳам катта.
- 7. Китобдаги ҳарфлар жамламаси зичлиги – бу ...**
1. 5 см. кв.даги белгилар миқдори.
 2. Қатордаги белгилар миқдори.
 3. Қатордаги сўзлар миқдори.
 4. Ҳарфлар орасидаги масофа
 5. 1 см. Кв.даги белгилар миқдори.
- 8. Катта синфлар китобининг петити 12 қаторга тенг бўлса, сиз бу китобдан фойдаланишга тавсия берасизми?**
1. Йўқ, фойдаланиш мумкин эмас.
 2. Йўқ, бу петит жуда ҳам кичик.
 3. Йўқ, бу петит жуда ҳам катта.
 4. Фойдаланиш мумкин.
- 9. Ўқув китобларининг гигиеник экспертизасига кирмайдиган саволларни кўрсатинг:**
1. Бўёқ ҳарф гарнитураси, шаклни баҳолаш.
 2. Шрифт, босмани баҳолаш.

3. Ҳарф ва безаклар сифатини баҳолаш.
 4. Китоб мұқовасининг массаси ва форматини баҳолаш.
 5. Жамлама зичлиги, қоғоз сифатини баҳолаш.
- 10. Ўқувчи түғри ўтириши учун унинг гавдаси әгилиштага рухсат этилган бурчакни күрсатынг:**
1. 85 – 100.
 2. 75 – 105.
 3. 41 – 62.
 4. 26 – 51.
 5. 50 – 75.

МАВЗУТА ТЕГИШЛИ БҮЛГАН ЎРГАТУВЧИ, НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ДАСТУРЛАР

- 1. Ўқувчиларни күриш фаолияттеги қулай таъсир қыладын асосий омилларни айтиб беринг:**
 1. Дарслікклар.
 2. Ялтироқ дафтарлар.
 3. Телеаппаратлар.
 4. Видеолавҳалар.
 5. Карталар.
 6. Ўқув кинолари.
 7. Атласлар.
 8. Ойнаижажон.
 9. Таббий қуёш нури.
 10. Лазер нурлари.
- 2. Шрифттеги асосий диаметрини күрсатынг:**
 1. 0,25 мм.
 2. 0,3 мм.
 3. 0,25 см.
 4. 0,3 см.
- 3. Шрифттеги асосий баландлыгини күрсатынг**
 1. 3,5 мм.
 2. 0,25 мм.
 3. 0,5 мм.
 4. 4 мм.
- 4. Қатортеги асосий ўлчамларини сананг:**
 1. 126 – 130 мм – бошланғич учун.
 2. 98 – 113 мм – юқори синфлар учун.
 3. 120 – 150 мм – бошланғич учун.
 4. 126 – 130 мм – юқори синфлар учун.
- 5. Мактаб дарсліккларининг босмасынга бўлган гигиеник талабларни күрсатынг:**
 1. Аниқ.
 2. Рангли.
 3. Интенсив.

4. Оқимтир қора рангда.
 5. Тиниқ.
 6. Турли рангларда.
 7. Бир текисда қора рангда.
6. Мактаб дарсلىкларини ишлаб чиқаришга мүлжалланган қоғозга бўлган гигиеник талабларни кўрсатинг:
1. Яхши кўринишли шаклда.
 2. Оқ.
 3. Турли қалинликдаги.
 4. Сарғимтири.
 5. Сариқ.
 6. Типографик 1 ва 2.
 7. Силлиқ.
 8. Ялтирамаган.
 9. Ялтироқ.
 10. Максус типографик
7. Қоғозни экспертиза қилинча ишлатиладиган асосий гигиеник усулларни кўрсатинг:
1. Типографик текшириш усули.
 2. Микрометрик заррабин.
 3. Акс этиш коэффициентини аниқлаш.
 4. Нур ўтказиши фотометрик аниқлаш.
 5. Силлиқликни аниқлаш.
 6. Ифлосланганликни аниқлаш.
 7. Қоғознинг қалинлигини аниқлаш.
 8. Ҳарфлар зичлигини аниқлаш.
8. Ифлосланган дағал қоғозда микроорганизмларни яшаш шароитини кўрсатинг:
1. Туберкулёз 3–5 ой.
 2. Грипп вируси 3 ойгача.
 3. Гемолитик стрептококк 1 ойгача.
 4. Стафилоклар 2–5 ойгача.
9. Набор жамламасини баҳолаш талабларини кўрсатинг:
1. Қатор узунлиги.
 2. Қаторлар кенглиги.
 3. Қаторлараро масофа.
 4. Жамлама формати юзаси.
 5. Зичлиги.
 6. Ҳарфлар баландлиги.
 7. Сўзлар орасидаги масофа.
 8. Ҳарфлар кенглиги.
10. Петит билан фойдаланиладиган китобининг асосий бўлимларини кўрсатинг:
1. Мавзунинг номи.
 2. Бўлимлар номи.
 3. Ҳарфлар сони.

4. Құшимчалар.
5. Күрсатмалар.
6. Фойдаланилган адабиётлар.
7. Ёрдамчи адабиётлар.
8. Құшимча мавзу 12 қатордан ошган.
9. Петит 40 қатордан ошмаслиги керак.

Мавзуга тегишли үқитишнинг янги инновацион технологик усуллари

«Мактаб дарслуklärини гигиеник бағолаш» мавзусы бүйінча «Академиклар доирасындағи бағлашув» усули

Гурух иккита кичик гуруұчаларға бўлинади. Ҳар бир гуруұгга алоҳида вазиятли масалалар берилади. Мисол: Давлат санитария шифокори маслаҳати – муассаса раҳбарияти ёки ходими. Булар орасыдан ижобий томонларни таҳлил қиласи, – булар «Адвокатлар», салбий томонларини таҳлил қиласидиган гуруұлар – «Прокурорлар». «Адвокатлар» ва «Прокурорлар» натижалари гуруұ талабалари орасыда таҳлил қилинади. Энг яши муҳокама қилинган жавоб варианти юқори балл билан бағоланади.

Талабаларға мавзу бүйінча құйидаги вазиятли масалалар берилishi мүмкін

Вазиятли масала №1

Умумтаълим мактаблари 4–синф үқувчилари учун Тошкент матбаа комбинатида «Ўзбек тили» дарслиги чоп этилди. Унинг асосий күрсаткычлар қуйида көлтирилган:

1. Кўк ранг муқовали қаттиқ қофозли переплётли.
2. Ҳарфлар баландлiği 1,9 мм.
3. Асосий штрихлар баландлiği 0,3 мм; ёрдамчи штрихлар баландлiği 0,15 мм.
4. Асосий штрихлар оралиғи 0,16 мм.
5. Жамлама зичлиги 1 см² да 10 та ҳарф.
6. Қаторлар узунлiği 113 мм.
7. Интерлиняж 3 мм.

Матнни қуладай үқишиш ва китобдан фойдаланиш мүмкинligига гигиеник холоса беринг.

Вазиятли масала №2

Тошкент шаҳар босмахонаси томонидан 4–синф талабалари учун «Табиатшунослик» дарслиги чоп этилди. Китобни чоп этишда «Типография 3» қофозидан фойдаланилди.

1. Қофознинг оғирлиги 400 граммни ташкил қиласи.
2. Жамлама зичлиги 1 см. Квадратда 14та ҳарфни ташкил қиласи.
3. Қаторлар узунлiği – 93 мм.

- Интерлиняж – 2,7 мм.
- Сўзлар орасидаги апрош – 0,5 мм, ҳарфлар орасидаги апрош 1,8 мм.
- Матнининг кенглиги: ички 13 мм; ташқи ва тепадан – 17 мм, пастдан 20 мм.
- Босма интенсив, бир текис, аниқ, қора рангда қоғоздаги ёочнинг миқдори 68% ни ташкил қиласи.
- Қоғознинг қалинлиги 0,08 мм.
- Битта қоғоз варақасидаги ифлослик даражаси 370 м квадрат. ДавСТ 0095 – 2000 бўйича дарсликнинг ишлаб чиқаришга руҳсат берилган қоғознинг сифатига ва асосий кўрсаткичларга гигиеник баҳо беринг.

АМАЛИЙ КЎНИКМА ЎҚУВ ДАРСЛИКЛАРИНИ САНИТАР-ГИГИЕНИК ТЕКШИРИШДАН ЎТКАЗИШ

Мазкур текшириш тури Болалар ва ўсмирлар гигиенаси соҳасидаги огоҳлантирувчи санитария назоратининг иккинчи босқичини амалга оширишда фойдаланилади. Текширишни олиб бориш учун қўйидагилар зарур:

Текшириладиган предметлар (дарсликлар), сантиметрли линейкалар, Кон пластинкаси ва ДавСТ – 0095 – 2000.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ

- Дарсликнинг умумий маълумотлари билан танишиш (номи, таҳририят, чиқарилган жойи ва йили, ҳайси синф учун мўлжалланган).
- Ташқи кўринишига таъриф, муқованинг кўриниши, иллюстрацияси (безатилиши).
- Оғирлиги, формат ва ҳажми.
- Қоғознинг сифатини баҳолаш: оқлиги, ранг тарқатиши ва юзасининг сифати, ялтироқлиги (жило бериши).
- Олинган натижаларни баҳолаш ва хулоса бериш.

6.2.БОЛАЛАР ЎЙИНЧОҚЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

Болалар ўйинчоқлари ОСН ва ЖСНнинг обьекти ҳисобланади. Ўйинчоқларни санитария назорати бир неча босқичларда амалга оширилади. Ўйинчоқларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хом – ашёнинг сифати, ишлаб чиқариш вақтида техник шароитларга амал қилиниши, янги материаллар ва технологик жараёнга турли хил ўзгаришлар киритилганда, ўйинчоқларнинг ҳотилиш жойи ва шароитлари устидан жорий санитария назорати ўтказиш мақсадида болалар муассасаларига келганда ўйинчоқларнинг созлиги, уларнинг ишлатилиши ва қоидалари, сақланиш шароитига амал қилиниши текширилади.

Үйинчоқлар гигиеник баҳоланаётганда қуидаги талаблар ҳисобга олиниши лозим. Үйинчоқларни тайёrlаш учун ишлатиладиган материаллар соғлиқ учун хавфли, зағарлы моддаларни сақламаслиги лозим. Даражт, металл, картон, газламаларни фақаттина янги ҳолдагина ишлатилади. Чиқиндилярдан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Янги синтетик материаллар текширувдан ўтиб, санитария назорати ташкилотлари рухсат берган бўлсагина үйинчоқлар тайёrlаш учун ишлатилади. Жун, тери, соч каби материаллар ветеринария хизмати рухсат бергандан сўнг, аввал зарарсизлантириб, кейин ишлатилишга рухсат берилади.

Үйинчоқлар намуналари билан бирга техник шароитлар ишлатилган лак, эмал, елим ва бошқа материалларнинг рецептураси қўшиб экспертиза учун жўнатилади.

Текшириш тизими:

1. Үйинчоқнинг номи.
2. Үйинчоқнинг шакли ва ўлчамлари.
3. Оғирлиги, мустаҳкамлиги.
4. Үйинчоқ ясаща фойдаланилган материалларни ёритиш, уларни үйинчоқлар ишлаб чиқариш учун яроқлилиги.
5. Бўёқларнинг мустаҳкамлилиги лабораторияда синаб кўрилади.

Үйинчоқларнинг материалига бўлган гигиеник талаблар

Үйинчоқларни ишлаб чиқаришга ва тайёrlашта рухсат бериладиган материаллар ва хом ашё турига полимер материалларни киритиш мумкин. Булардан (полистерол, полиэтилен, полипропилен, полиэлорвинил, дакрел, сэвилен, венилискожа, фторнол ва бошқалар), полимер плёнкалардан (поливенилхоридли, полиэтиленли, полиэтиленполиамидали, целофан ва бошқалар), резиналар, каучуклар, шунингдек, лаклар, эмал, бўёқлар, гигиеник баҳога ва сертификатта эга бўлган бошқа материалларга рухсат берилади.

Үйинчоқ ишлаб чиқариш ва ўйнашга рухсат берилмайдиган санитария меъёр ва қоидаларида кўрсатилган қуидаги матер иалларга, яъни айрим резиналар, полиэтилен, мис трубалар, рухланган пўлатлар, оқ тунука, шиша, чиқинди материаллар ва бошқаларга рухсат берилмайди.

Айрим ишлаб чиқариш чиқинди материалларидан фойдаланишга рухсат берилади (иккиласми ишловни талаб қилади).

Ишлаб чиқариш корхоналарига қабул қилинган чиқиндилярдан фойдаланиш тўғридан – тўғри үйинчоқ ишлаб чиқаришга ДСЭНМнинг розилигисиз рухсат берилмайди.

Үйинчоқ ишлаб чиқаришга чиқинди, табиий тери ва жун, рухсат берилмайди (З ёшгача бўлган болалар үйинчоқлари учун).

Мусиқа ўйинчоқларининг материаллари боланинг оғзига қўйишига мослаштирилганлиги учун нам тортмайдиган енгил заарсизлантиришнинг иложи бўлган материаллардан тайёрланиши керак.

Ўйинчоқларга бўлган гигиеник талаблар

Ўйинчоқларни ишлаб чиқариш ва тарқатишга қаратилган корхона ва ишлаб чиқариш корхоналари, жисмоний шахслар ва шахсий мулқдор корхона ва ташкилотлар қандай бўлишидан қатъи назар, ишлаб чиқарилган ва фойдаланишга тавсия этилиши керак бўлган маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси давлат санитария эпидемиология назорати хизмати томонидан гигиеник сертификат олиши лозим. Ўйинчоқ тавсия этилган намунага мос келиши шарт.

Ўйинчоқлардан ажralадиган ҳиддинг даражаси **2** балдан ошмаслиги керак. Безаш ва ҳимоя қопламаси нам тозалаш, сўлак ва тана ажralиб чиқадиган тернинг таъсирига чидамли бўлиши керак.

Хонада ўйин ва ўйнаш учун мўлжалланган ўйинчоқларнинг (маънавий ва зарб билан уриладиган мусиқа асбобларининг) шовқин даражаси 65 дБА дан, очик ҳавода ўйнашга мўлжалланган ўйинчоқнинг шовқин даражаси 75 дБА дан ошмаслиги керак.

Стол босма ўйинлари матни ялтироқ тасвир берувчи рангда босилган бўлиши керак. Рангли ва ҳарфли белгилар қўра рангда ёки қора белгida бўлиши лозим.

Гигиеник равища асослаш учун қўйидағи меъерий ранглар: ҳаво ранг, яшил ранг, сариқ – яшил ва қовоқ ранг, қовоқ – қизил ранглар тавсия қилинади.

Стол босма ўйинларидағи ҳарфлар баландлиги **10** ёшгача бўлган болаларга ўқиши учун 2, 3 мм. дан кам бўлмаслиги керак, 10 ёшдан оштган болалар учун 1, 75 мм. дан ошмаслиги керак.

Ўйинчоқлардан мономерлар, платификаторлар, резиналар, ингредиентлар ва концентрация миқдорини оширувчи озиқ – овқат маҳсулотлари билан мулоқотда бўладиган моддаларни рухсат этилган ҳаракат миқдоридан ошмаслиги керак.

Ўйинчоқларни ишлаб чиқариш ва сотиш талаблари

Ўйинчоқ ишлаб чиқараётган корхона ушбу маҳсулотнинг бола организмига ва унинг саломатлик ҳолатига заарсиз эканлигига кафолат берувчи тасдиқланган сертификатта эга бўлиши керак. Ўйинчоқ ишлаб чиқараётган ва уни сотиш билан шуғулланаётган ишчилар ҳаракатдаги меъерий ҳужжатларда кўрсатилган ҳолатдаги саломатлик кўрсаткичига эга бўлиши керак (айрик юқумли касалликлар билан касалланмаган бўлиши керак).

Ўйинчоқнинг эҳтиёжий ва рухсат берувчи ва намунавий хатида у билан фойдаланиш мумкин бўлган болаларнинг ёши кўрсатилган бўлиши керак.

Үйинчоқлардан фойдаланиш ёшлари қүйидагиңа бўлиши керак:

Илк болалик (1 ёшгача), 1 – 3 ёшгача (ясли ёшидагилар), 3 – 7 ёшгача (мактабгача), 7 – 10 ёшгача (кичик мактаб ёшидагилар), 10 – 14 ёшгача (ўрта мактаб ёшидагилар).

Санитар-гигиеник назорат

Санитар қоида ва меъёrlарга риоя қилишни мамлакатнинг Давлат санитария эпидемиология назорат маркази назорат қилади. Давлат санитария эпидемиология назорат маркази ўйинчоқни ишлаб чиқариш ва уни сотиш вақтида назорат ўриатади. Ўйинчоқни ишлаб чиқариш босқичидаги назоратда унта баҳо бериш ва натижаларга асосан гигиеник сертификатга рухсат беради. Гигиеник баҳолаш ўз ичига қўйидагиларни олади:

- меъёрий техник ҳужжатлар;
- ўйинчоқнинг намунаси (3 нусхадан кам бўлмаган);
- ишлатилаёттан материалларнинг рецептураси.

Хориждан келтирилган маҳсулотлар ва материалларга болалар саломатлиги учун зарарсиз деб тасдиқланган рухсатнома ва ўйналтирувчи хат бўлиши керак.

Ўйинчоқларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш бўйича Давлат санитария назорати қўйидаги тартибни ўз ичига олиши керак:

- давлат стандарти маҳаллий ташкilotлар билан биргаликда сертификат берилган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва сотув расталаридан олинган алоҳида ўйинчоқ намуналарини назорат қилиш.

Ўйинчоқда санитар қоидалар ва талабларга мос келмаслик ёки силжиш аниқланса, ўйинчоқни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш тўхтатилади.

Лаборатория назорати

Кузатиш учун тавсия этилган ўйинчоқлар технология бўйича тайёрланиб, оммавий ишлаб чиқариш учун рухсат асосида, 10 кун оддин ва ишлаб чиқаришдан кейин 30 кундан кечга қолдирилиши мумкин эмас. Текшириш учун энг камида 3 та намуна керак.

Катта габарит – ҳажмга эга бўлган ўйинчоқларнинг лаборатор текширувига алоҳида маълум бир деталлари олиб келиниши керак.

Органолептик текшириш

Пластик ҳажмга эга бўлган ўйинчоқлар 37°C сувда яхшилаб механик ишловсиз, синтетик ювиш воситалари ва совун ёрдамида ювилади, дистилланган сувда чайилади ва хона ҳароратида қуритилади. Намуналарни органолептик кузатиш натижасида ташқи кўриниши юзасининг характеристи (куруқ, юмшоқ, силлиқ,

нүқсонлар сони ва ҳиди аниқланади. Хона ҳароратида (5 кишидан кам бўлмаган) ҳайъат иштирокида ҳиднинг кучи аниқланади.

Ўйинчоқ ҳиднинг хусусияти ёзма равишда аниқланади (ташки, четдан, ноқулай, специфик, ароматик, ноаниқ). Ҳиднинг кучи шкала бўйича балларда ифодаланади. (6.2.1 – жадвал)

Жадвал 6.2.1.

Ўйинчоқлар ҳиднинг кучини аниқлаш

Ҳид даражаси	Тавсифи	Ҳиднинг пайдо бўлиши
0	Ҳид йўқ	Сезиларли ҳид йўқ
1	Жуда паст	Ҳидни сезиб бўлмайди, малакали дегустатор сезиш мумкин
2	Паст	Ҳидни унга эътибор бериш керак бўлса, ҳар қандай киши сезиш мумкин
3	Сезидарли	Енгил сезадиган инобатта олса бўладиган ҳид
4	Аниқ	Ҳид ўзига эътиборни қаратади, салбий хуроса беради
5	Жуда кучли	Ноқулай ҳис қилишни келтириб чиқарадиган кучли ҳид

Ўйинчоқ намуналарини санитар – кимёвий усуlda текширишда полимер материаллар таркибидағи оғир металл тузлари, уларнинг оғирлиги ва учувчи кимёвий моддалар миқдори ҳаво ва ,сув таркибидағи миқдорга мослаштирилган шароитта мослаштириб ўрганилади. Оғир металл тузларининг миқдори (барий, кадмий, хром, свинец, симоб, селен) гигиеник талабларга мос келиши керак (6.2.2. – жадвал).

Жадвал 6.2.2.

Оғир металл тузлари миқдорининг меъёрлари

Материалнинг номи	1 кг материалда энг кўп миқдорлар ҳаракатланадиган минерал модданинг миқдори, мг.да							
	Сурма	Маргумуш	Барий	Кадмий	Хром	Қўрғошини	Симоб	Селен
Оғирлик ва бўёқни қўлга сурилишини шакллантирумайди ган барча материаллар	60	25	500	75	60	90	60	500

Оғирлік бүёкни суримишини шакллантиради – ган материаллар	ва	62	25	250	50	25	90	25	500
---	----	----	----	-----	----	----	----	----	-----

Хаво мұхитига ажралиб чиқадиган учувчи кимёвий моддалари 20°C ва 37°C ҳароратларда аниқланади, 1 ұажм/соатда ҳаво алмашиниши $100 \text{ г}/\text{м}^3$ ұажмдаги ўйинчоқ намунасини олиши керак.

Бунинг учун ўйинчоқ намунасини шиша камерага жойлаштирилади ва учувчи кимёвий моддалар ажралиш динамик бирлікка^{*} еттуңча күрсатылған шароитда кондицияланиб, кимёвий санитариянинг умумий қабул қылинған усули бүйіча аниқланади (газли хромотография усули бүйіча). Аниқланадиган модда атмосфера ҳавосининг РЭММ билан солишлирилади.

Ўйинчоқдан ажраладиган кимёвий модданинг сув мұхитидаги миқдорини аниқлашда 1 $\text{см}^2:2 \text{ см}^2$ ұажмида хона ҳароратида умумий қабул қылинған санитария усули ёрдамида 3 соат сувга ботириб қўйилади.

Полимер ва бошқа материаллар озиқ овқат моддалар билан мулоқот қылғаңда, аниқланадиган кимёвий модданинг миқдори кимёвий модданинг рухсат этилған ҳаракатланиш миқдорининг санитар меъёри билан солишлирилади.

Ҳимоя қопламасини сұлак, тер ва нам тозалашға чидамлилиги аниқланади.

Ҳимоя безак қопламасининг чидамлилиги нам тозалашға чидамлы бўлиши керак. Аниқлаш 3 дақиқа давомида механик ишловсиз, нейтрал совунда 37°C ҳароратли иссиқ сувда ювилади. Бу ҳолатда ўйинчоқнинг ташқи кўриниши ўзгармаслиги керак.

*Динамик бирлікка мослаштириш 24–48 соат давомида ажратылған учувчи кимёвий моддамарни ажратып ұсабыда амалга оширилади

Юмшоқ ўйинчоқлардан ташқари, бошқа ўйинчоқларнинг юзасига сұлак ва тер таъсири тарқалғандан кейин бүёк мустаҳкамлиги аниқланади.

Ўйинчоқ қопламасининг мустаҳкамлаги қўйидаги усул таркибида олиб борилиши керак.

Филтрланған қофоз юзасига (15 мм x 80 мм), эритма тўйинган қофознинг бирига (1) ва тер (20) текширувчи намунага ёнма – ён, ёки бир – бирига 10 мм.дан кам бўлмаган оралиқда ёнма – ён жойлаштирилади. Бўлмаса биттаси битта намунага, бошқаси бошқа намунага жойлаштирилади.

Намунага текшириш суртмаси қопланған қофоз ёпишқоқ лента билан шундай жойлаштирилади, бунда текшириш намунаси филтрланған қофоз маҳкам мустаҳкам ҳолатда жойлаштирилиши

керак. Бунинг учун ёпишқоқ лента нафақат фильтранган юзасининг узунасига, балки намунани икки томонидан 10 мм.гача чиқиб туриши керак.

Агар кузатувчи намуна кичик бўлса, масалан, фигурали шиқилдоқ, маржон мунчоқ бўлса, улар яхши эритмага тўйинган қозогга ўралади (алоҳида №1 ва №2 намуналарда).

Тайёрланган намуналар $37^{\circ}\text{C} \pm 2^{\circ}\text{C}$ ҳароратли термостатга сувли эксикаторга хона ҳароратида жойлаштирилади. Сақлаш вақти – 2 соат.

Муддати ўттандан кейин (2с), текшириувчи намуна эксикатордан олинади, фильтранган қоплама текширилаётган намунадан аста – секин олина бошланади ва бўёқ рангининг сони текширилади ва натижалари ёзиб олинади.

Фильтранган кесмалар ранг билан бўялмаган, натижалар қуйидаги тартибда ёзилади: «Бўёқ сўлакка чидамли» ёки «Терга бўёқ чидамли» ёки «Бўёқ сўлак ва терга чидамли».

Салбий натижалар давомида (қачонки битта ёки иккала қоплама ранг билан қопланган бўлса) «бўёқ сўлакка чидамсиз» ёки «Терга бўёқ чидамсиз» ёки «Бўёқ сўлак ва терга чидамсиз» деб қайд қилинади.

Олдин ўрганилмаган янги материалдан тайёрланган ўйинчоқ гигиеник жиҳатдан ўрганишда санитар – кимёвий ва органолептика кузатишлардан иборат бўлган токсикологик текшириш ўтказилади.

Текшириш натижалари баённомага ёзилиб, унда қуйидагилар кўрсатилади: кузатиладиган намунанинг номи, корхона, кузатиш натижалари, умумий натижалар.

Кузатилаётган намунанинг юқорида қайд этилган кўрсаткичларининг биттасидан салбий хуроса олинса, рухса беришдан четлаштирилади (кейинги текшириш учун) ёки сотишдан олиб ташлаш лозим.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўйинчоқларни ишлаб чиқариш ва сотища огоҳлантирувчи назоратни ташкиллаштириш тартибини тушунтириб беринг.
2. Ўйинчоқларни тайёрлаш учун ишлатиладиган хом ашё ва материалларга бўлган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
3. Ўйинчоқларни конструкциясига (тузилишига) бўлган гигиеник талабларни кўрсатинг.
4. Ўйинчоқлар тайёрлашда фойдаланиладиган бўёқларга бўлган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
5. Оптик ўйинчоқларга бўлган гигиеник талабларни асослаб беринг.
6. Ўйинчоқларни лаборатор текширув услубини тушунтириб беринг.

- Болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарадиган корхоналарда санитар назорати ўтказиш талабларини асослаб беринг.
- Болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарадиган корхона ишчиларини тиббий назоратдан ўтказиш тартибини тушунтириб беринг.
- Ўйинчоқлардан чиқадиган шовқин балаңдлiği ва уларни ўлчаш услубини күрсатинг.
- Болалар муассасаларидаги ўйинчоқлар устидан жорий назоратни ташкиллаштириш ва ўтказиш тартибини ва унинг гигиеник талабаларини тушунтириб беринг.

МАВЗУТА ГЕИШЛИ ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- Шиқылдоқ ўйинчоқларни тұлдириши учун ишлатиладиган грануулаларнинг энг кичик ўлчами қанча?
 - 2 мм.
 - 6 мм.
 - 3 мм.
 - 8 мм.
 - 5 мм.
- Овоз қурилмаси бор ўйинчоқларда шовқин кучи қанчадан ошмаслығы керак?
 - 65 дБ.
 - 70 дБ.
 - 79 дБ.
 - 35 дБ.
 - 40 дБ.
- Ўйинчоқ тайёрлаш учун қандай материал ишлатиб бўлмайди?
 - Пластмасса.
 - Шиша.
 - Металл.
 - Картон.
 - Мато.
- Механик ҳаракат қурилмаси бор ўйинчоқларда шовқин кучи қанчадан ошмаслығы керак?
 - 30 дБ.
 - 65 дБ.
 - 50 дБ.
 - 45 дБ.
 - 70 дБ.
- Ўйинчоқларни заарсизлантириши учун қайси модда ишлатилмайди?
 - Содали эритма.
 - Калий перманганат эритмаси.
 - Туз, кислота эритмаси.
 - Совунли эритма.

5. Хлорли охак.
6. Оптик ўйинчоқларда тасвирининг минимал катталиги қанча?
1. 2,75 мм.
 2. 4 мм.
 3. 3 мм.
 4. 6 мм.
 5. 5 мм.
7. Ерочдан тайёрланган ўйинчоқларнинг рухсат этилган намлиги қанча бўлиши керак?
1. 20%.
 2. 60%.
 3. 40%.
 4. 80%.
 5. 15%.
8. Болалар ўйинчогини ясайдиган материаллар таркибида симоб миқдорининг рухсат этилган миқдори:
1. 0,0005 мг/л.
 2. 0,0003 мг/л.
 3. 0,0001 мг/л.
 4. 0,002 мг/л.
 5. 0,1 мг/л.
9. Харакатли ўйинлар ривожланишга таъсир қилувчи омил ҳисобланади:
1. Хотира.
 2. Ҳаракат кўнкимлари.
 3. Фаол тарбияга қодирлилик.
 4. Терапия ва тетиклик.
 5. «А» дан ташқари ҳамма қайд этилганлар.

МАВЗУТА ТЕГИШЛИ ЎРГАТУВЧИ НАЗОРАТ, ҚИЛУВЧИ ДАСТУРЛАР

1. Болалар ўйинчоқларининг давлат санитария назорати босқичларини кўрсатинг:
1. Ўйинчоқнинг номи ва унинг қисқача таърифи.
 2. Хом ашё назорати.
 3. Ўйинчоқнинг шакли ва ўлчамини аниқлаш.
 4. Бўёқ мустаҳкамлигини лаборатор шароитида аниқлаш.
 5. Ишлаб чиқариш жиҳозларининг устидан техник назорат.
 6. Ўйинчоқнинг оғирлигини аниқлаш.
 7. Сотиш жойи ва ўрнини назорат қилиш.
 8. Санитария гигиеник қоидаларига риоя қилиш.
 9. Ўйинчоқнинг материалига таъриф бериш.
10. Ўйинчоқларни сақлаш устидан санитария назорат қилиш.
2. Ўйинчоқлар ишлаб чиқариш учун нимадан фойдаланишга рухсат этади:
1. Ероч.

2. Рангли қоғозлар.
 3. Металл.
 4. Картон.
 5. Шиша.
 6. Полимерлар.
3. Ўйинчоқ ишлаб чиқаришта рухсат берилмайдынан материалларни күрсатынг:
1. Ёғоч.
 2. Картон.
 3. Шиша.
 4. Яроқсиз материаллар.
4. Ветеринария хизмати рухсатидан ўтказилиши керак бўлган материалларни күрсатынг:
1. Полимерлар.
 2. Мехсимон материаллар.
 3. Мех.
 4. Тери.
 5. Соч.
 6. Сунъий соч толалар.
5. Богча ёшидаги болалар ўйинчоғининг таркибий қисмларини күрсатынг:
1. Айлана.
 2. Шарикчалар.
 3. Металл тўртбурчаклар.
 4. Шиша учбурчаклар.
6. Болалар ўйинчоқларининг оғирлигини күрсатынг:
1. Богча ёшидагилар – 200 граммгача.
 2. Кичик мактаб ёшидагилар – 800 гр.
 3. Богча ёшидагилар – 400 гр.
 4. Кичик мактаб ёшидагилар – 1,5 кг.дан ортиқ.
7. Бўёқ мустаҳкамлигини текшириш босқичларини күрсатынг:
1. I босқич – оддий сувда ювиш мумкин.
 2. II босқич – 2% ли хлорли оҳакда 3 дақиқа.
 3. III босқич – 1% KOH, NaCl, NaHCO₃ мумкин бўлса фойдаланиш керак.
 4. I босқич – 60 С ли совунли сувда 3 минут.
 5. II босқич – 2% ли хлорли оҳакда 30 дақиқа керак.
 6. III босқич – 1% KOH, NaCl, NaHCO₃ – 2 минут.
8. Полимер материаллардан тайёрланган болалар ўйинчоқларининг 3 та афзалигини күрсатынг:
1. Материалларнинг енгиллиги.
 2. Коррозияга учраш хусусияти.
 3. Бўяш учун қулај.
 4. Эластик.
 5. Енгил ювилади.

6. Таннархининг арzonлиги.

9. Жароҳатланишни олдини олиш учун «пушка», «тўппонча», «пичоқ» туридаги ўйинчоқлардан фойдаланишга рухсат берилмайдиган материалларни кўрсатинг:

1. Полимер материаллар.

2. Табий мато материаллари.

3. Ўткир жиҳозлар..

4. Портловчи моддалар

Мавзуга тегишли ўқитишнинг янги инновацион технологик усуслари

«Ўйинчоқларга гигиеник баҳо бериш усуслари» мавзуси бўйича ўқитишнинг янги технологик усусларидан «Асаларилар галаси» услубини қўллаш

Ушбу усул асосан талабаларнинг дастлабки билим савиясини текширишда фойдаланилади, шу билан биргаликда талабаларни келтирилган огоҳлантирувчи давлат санитария назоратини ошириш ва мавзуни тўлиқ ўзлаштиришга, ўзлаштириш савиясини текшириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради. Талабаларга бериладиган муаммони ҳал қилишда барча гурӯҳ ёки 2 та кичик гурӯҳ иштирок қилиши мумкин. Талабаларга бериладиган топшириқ бир хил ёки бир неча хилда бўлиши мумкин. 10 – 15 минут давомида иштирокчилар томонидан ҳал қиласиган масала таҳлил қилинади ва барчага жавоб варианти эшиттирилади. Энг тўлиқ ва тўғри вариант ўқитувчи иштирокида танланади ва тўғри жавоб варианти деб қабул қилинади.

Талабаларга мавзу бўйича қўйидаги муаммоли саволлар берилиш мумкин

1. Ўйинчоқларга бўлган гигиеник талабларни кўрсатинг.

2. Ўйинчоқларнинг материалларига бўлган гигиеник талабларни асослаб беринг.

3. Ўйинчоқларни ишлаб чиқариш устидан огоҳлантирувчи давлат санитария назоратини ташкиллаштириш.

4. Ўйинчоқнинг янги намуналарига рухсат бериш тартибини асослаб беринг.

5. Ўйинчоқ ишлаб чиқаришда қўлланиладиган бўёқлар ва уларнинг мустаҳкамлигини текшириш тартиби.

6. Ўйинчоқ ишлаб чиқарадиган корхона ишчиларини тиббий назорат қилиш талабларини тушунтириб беринг.

АМАЛИЙ КЎНИКМА

Болалар ўйинчоқларини санитар-гигиеник текширувдан ўтказиш

Мазкур текшириш тури Болалар ва ўсмирлар гигиенаси соҳасидаги огоҳлантирувчи санитария назоратининг иккинчи

босқичини амалга оширишда фойдаланилади. Текширишни олиб бориш учун қуийдагилар зарур:

Текширишлайдиган предметлар (болалар ўйинчоқлари), реактивлар, санитария мөъёр ва қоидалари.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ

1. Ўйинчоқларга умумий таъриф бериш (номи, қайси ёшдаги болалар учун мўлжалланган)
2. Ўйинчоқ тайёрланган материалнинг тури ва сифатига баҳо бериш.
3. Ўйинчоқнинг шакли ва катталигини баҳолаш, ўткир, осонликча ажralадиган қисмлари бор – йўқлигини баҳолаш.
4. Ўйинчоқнинг вазнини баҳолаш.
5. Бўёғининг мустаҳкамлигини аниқлаш.
 - 3 дақиқа давомида 60^0 сўнгра бўёғининг ҳолатини аниқлаш.
 - 2 дақиқа давомида илиқ сувда ювиш 2 %ли хлорли оҳак эритмасида ювиш, сўнгра бўёғининг ҳолатини аниқлаш.
 - Ўйинчоқда кетма – кет 2 дақиқали муддатларда хлорид кислотаси, калий ишқори эритмаси таъсир эттирилгандан кейин бўёғининг ҳолатини аниқлаш.
6. Олинган натижаларни баҳолаш ва хулоса бериш.

6.3 БОЛАЛАР КИЙИМЛАРИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

Кийимлар одам организмини ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирларидан ҳимоя қилиб, тери юзасини механик заарланиш ва ифлосланишдан сақлайди.

Кийимлар ёрдамида тана атрофида ташқи муҳит иклимидан тубдан фарқ қилувчи кийим ости микроиқлими ҳосил бўлади. Унинг ҳарорати 28^0C дан 34^0C гача оралиқда тебранади, нисбий намлик $20 - 40\%$ гача ҳавонинг ҳаракат тезлиги жудаям сезиласиз, ис газининг миқдори $0,006 - 0,097\%$ атрофида тебранади. Кийим ости микроиқлимини ҳосил қилиб, кийимлар организмнинг иссиқ йўқотиш қобилиятини пасайтиради, тана ҳароратининг доимий бирлигини сақлаш хусусиятини таъминлайди, териning терморегуляция фаолиятини ентиллаштиради, тери қоплами орқали газлар алмашинув жараёнини таъминлайди.

Кийимнинг бу хусусиятлари болалар организми учун кераклиди. Буларга:

- болалик даврида иссиқликни бошқариш механизми тўла шаклланмаган, организмнинг исиб кетиш ва совиб кетиш саломатлик ҳолатини ўзгаришига олиб келиши мумкин;
- болалар юқори ҳаракат фаоллиги билан ажralиб туради ва бу ўз ўрнида иссиқлик сарфлаш даражасининг $2 - 4$ марта ошишига олиб келади;
- болалар териси нозик ва тез жароҳатланувчан;

- катталарга нисбатан болалар терисида тери орқали нафас олиш моддалар алмашинувида катта аҳамият касб этади.

Болалар кийими материал тузилиши ва физик – кимёвий курсаткичлари бўйича, организмнинг ёши ва анатомо – физиологик хусусиятлари, фаолият тури ва метериологик шароитларга мос келиши керак; болаларни тез ва кийиниб ечинишига халақит бермасдан, болаларнинг эстетик дидига мос келиб, тарбиялаши лозим. Болалар кийимининг сифатини санитар назорат қилиш болалар ва ўсмирлар гигиенаси шифокорининг асосий фаолият тури бўлиб ҳисобланади.

6.3.1. Болалар кийимларига бўлган гигиеник талаблар

Болалар кийимларига баҳо беришда санитар – гигиеник экспертизага кийим тайёрлашга қўйилган материал, унинг устки қоплама қисмидан 1 m^2 ўлчамдаги матолар жамламасининг пакети, иссиқлик сақлаш қатлами ва унинг ички қопламаси, шунингдек, тайёр кийим тавсия қилинади.

Материалга бўлган гигиеник талаблар

Болалар учун кийимлар қўйидаги матолардан, яъни табиий методан (пахта толали, шойи, ипакли, жунли) сунъий ёки синтетик бўлиши мумкин. Матолар тайёрланадиган иплар қўйидагича: йигирилган ва мустаҳкам ёки юмшоқ ва момиқдек бўлиши мумкин. Материал таркибига кўра матоли ёки трикотаж тўқилган бўлиши мумкин. Болалар кийимларини ишлаб чиқариш учун у ёки бу материалдан фойдаланилганда кийимнинг физик – гигиеник курсаткичларига: қалинлиги, ҳажмий оғирлиги, ғоваклиги, ҳаво ва бут ўтказувчанлиги, гигроскопиклиги, сув ўтказувчанлиги, гидро – ва лиофиллиги, шунингдек, иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятига эътиборни қаратиш лозим. Ушбу хоссаларга асосан матонинг тузилиши ҳаво ўтказувчанлик сони ва ўлчами билан аниқланади.

Қалинлиги – миллиметрда аниқланади, матонинг иссиқлик сақлаш хусусиятига таъсир қиласди. Катта қалинликка эга бўлган материаллар ўзида кўп ҳаво оқимини сақлади, шу ўринда ушбу материаллар паст иссиқлик ўтказувчанликка эга бўлади. Шундай қилиб, мато қанча қалин бўлса, шунча иссиқ бўлади (Мисол: батист – тоза сифатли чит – 0,1 мм, драп – қалин мовут – 5,0 мм, табиий жун – 30,0 – 50,0 мм).

Оғирлиги – материалнинг аниқ майдонига нисбатан (1 m^2 ва 1 cm^2) граммларда аниқланади. Материал гигиеник жиҳатдан қулай ва барча хоссаларни ўзида сақлаш учун кичик оғирлитика эга бўлиши керак (Мисол: крепдишин – 25,0 г/м², драп – қалин мовут – 77,0 г/м², табиий жун – 1000,0 г/м²).

Ҳажмий оғирлиги – 1 cm^3 матода зич модда ва ҳаво нисбатининг граммлардаги нисбати билан аниқланади. Матонинг ҳажмий оғирлиги қанча кам бўлса, сезиларли даражадаги

қалинликка эга бўлса ҳам у енгил бўлади. Ҳажмий оғирлик материалнинг иссиқлик сақлаш мезони бўлиб ҳисобланади, битта ёки бир нечта қалинликдаги материал кам ҳажмга эга бўлса, иссиқ материал бўлиб ҳисобланади (Мисол: жунли трикотаж учун – 0,07 г/см³, брезент – 0,6 – 0,7 г/см³).

Фоваклиги – бу матонинг ҳажмий оғирлиги билан боғлиқ бўлиб % ларда ифодаланади. Бунда материалнинг умумий ҳажмининг фовак ҳажмига нисбати билан аниқланади. Материалнинг фоваклиги унинг иссиқлик хусусиятини таҳдил қилишга асосланади. (мисол: драп учун 50%, жунли трикотаж учун 93 – 95%, ватин (ярим жунли) 96,8%, пахта 98,5%, ватилен 99,15%).

Ҳаво ўтказувчанилиги – бу дм. кубда аниқланиб, материал ўзидан филтрация йўли билан 1 м² сония давомида ўтказган ҳавонинг миқдори билан аниқланади. Турли хил кийимларни танлашда ишлатиладиган мато турли даражада ҳаво ўтказиши керак. Мисол учун қишики ва кузги кийимлар юза қатлами совуқ, ҳаво ўтказишдан ҳимоя қилиш мақсадида паст ҳаво ўтказиш хусусиятига эга бўлиши керак. Ёзги кийимлар эса юқори ҳаво ўтказиш хусусиятига эга бўлиши керак. (Мисол: пахтали мадеполам – 111 дм³/см²с, табиий шойи – 341 дм³/см²с, капрон – 125 дм³/см²с).

Буг ўтказувчанилиги – сув буғлари граммларда ўлчанади, ушбу хусусият материалнинг 1 м² ҳажмида соатига қанча ўзидан сув буғларини ўтказиши, шунингдек, доимий равишда тола диффузия йўли билан тери ости доимийлик ҳолатини таъминланишини аниқлайди. Энг яхши ҳаво ўтказувчанилика ёзги кийимлар эга бўлиши керак. Чунки парланиш натижасида инсон организмидаги иссиқлик йўқотиши амалга оширилади (Мисол: мадеполам – 16,2 г/м² соат, табиий шойи – 4,62 г/м² соат, капрон - 1,09 г/м² соат).

Гигроскопиклик – материал ўзида сув буғларини сўриш хусусиятини́ характерловчи кўрсаткичнинг % ифодаси ҳисобланади. Яхши гигроскопик ҳолати материалнинг ижобий хусусияти бўлиб кийимларнинг ички қавати учун ишлатилади ҳамда тери юзасидан терни сўриш хусусиятига эга. Материалларнинг гигроскопикилиги қишики ва фасллараро кийимларнинг юза қатламида паст даражада бўлиши керак, чунки ҳолат атмосфера қолдиқларининг ўтириши иссиқлик сақлаш хусусиятини пасайтириш мумкин. (мисол: батист, вольта, чит учун – > 90 % медаполам – 18 %, енгил драп учун – 17,2 %, табиий шойи учун – 16,5 %, жун учун – 14 %, репс – 7 – 8%, сувни тортмаслик хусусияти репс – 1.2%, капрон – 5 – 7%, лавсан – 0,5%).

Нам сақлаш хусусияти – матонинг ўзига сув ютиш хусусиятини аниқлашнинг %лардаги ифодаси.

Гидрофиллик хусусияти – матонинг тез ва тўлиқ ўзида сувни ютиш хусусиятининг %лардаги ифодаси. Юқори гидрофиллик хусусиятига матонинг тери юзасидан сув буғларини тарқатиш хусусияти билан боғлиқ бўлади. (масалан батист, волт, чит – > 90 %), сув ютишини четта сурувчи репс 0 атрофида.

Гидрофоблик «Намбўлмаслик» – гидрофилликнинг қарама – қарши хоссаси. Юқори гидрофоблик хусусиятига туман, ёмғир ва қордан ҳимоя қилишга қаратилган кийимларнинг юқори қисми эга бўлиши керак.

Липофиллик хусусияти – бу материалнинг тери юзасидан ёғларни сўриб олиш хусусиятининг % лардаги ифодаси билан баҳоланади. Юқори липофил хусусиятига асосан синтетик материаллар эга бўлиб, атмосфера ҳавосидан 1 томчи ёғнинг тола оралиғига тушиши матонинг физик – гигиеник хусусиятини издан чиқаради.

Иссиқлик ўтказувчаник хусусияти – материалнинг иссиқлик сақлаш хоссаси билан баҳоланиб, мато қанча паст иссиқлик ўтказса, шунча иссиқ бўлади.

Иссиқликни сақлашга қаршилиги – бу иссиқлик ўтказиш хусусиятининг қарама – қарши хоссаси бўлиб, 10°C ҳароратда 1 м² матодан 1 ккал энергиянинг ўтиш вақти билан баҳоланади ва иссиқлик ўтказиш қийматининг қайтар жараёни ҳисобланади. Болалар кийимларини ишлаб чиқаришда табиий матолар билан биргалиқда кимёвий синтетик аралашмалар қўшилган матолардан фойдаланилади. Улар ҳаракатдаги тасдиқланган санитария меъёр ва қоидалари талабларига мос келиши керак (6.3.1. – жадвал).

ПАН, ПА, ПЭ толалари қўшилган ацетат матоларга рухсат берилмайди (6.3.2 – жадвал).

Бошқа болалар кийимларини ишлаб чиқаришда сунъий ва синтетик иссиқ қўшимчаларни ишлатишга рухсат берилади. Илк болалик, ясли, мактаб олди гуруҳлари боларининг оқ матоларига ашперет ва материални тўйинтирувчи бўёқ материаллари ишлатишга рухсат берилмайди.

Ясли мактаб олди ва кичик мактаб ёши болалар (40 ўлчамгача бўлган) кийимларини тайёрлашда синтетик тикув ипларидан фойдаланишга рухсат берилмайди.

Ички кийимлар, оқликлар тери қопламига тўғридан – тўғри ёпищувчи кийимлар ҳисобланаб, улар кийим остидан алмашинув маҳсулотларини йўқотишга қаратилиши керак (газлар, буғлар, ёғлар). Ички кийимлар ёки оқликлар эркин ва қулай бўлиши керак, шунингдек, тери ости бўшлигининг шамоллатиш хусусиятини ҳосил қилиб, меъерий даражадаги терининг нафас олиш вазифасини таъминлаши лозим.

Ички кийимлар ва оқликлар учун трикотажсимон тузилишга эга бўлган, юпқа материаллардан фойдаланиш керак, улар ўзидан

юқори даражадаги ҳаво ва бүг ўтказувчанлик, гигроскопиклик, намва гидрофиллик хусусиятларни мужассамлаштириши лозим.

Янги түғилган чақалоқлар ва З ёшгача бўлган болалар учун ички кийимлар тоза табиий матолардан, яъни (ипак, пахта, лён ва вискозалар)дан тайёрланиши лозим.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун ички кийимлар пахта – сиблонли (70% ли пахта ва 30 % ли сиблон) материалдан тайёрлашга руҳсат берилади. Болалар кийимларида қалин ва қўйуп чокларга, тўмтоқли камарбон тутунлар бўлишига руҳсат берилмайди (турсик тасмалари орқада туриши керак). Болалар учун ёзда иқлим ва метеорологик шароитларни инобатта олиб, бир ва икки қаватли кийимлар тавсия этилади. Биринчи қават – оқ, иккинчи қават – қиз болалар учун – кўйлак, юпқа кофта, ўғил болалар учун – кўйлак ва калта иштон бўлиши керак.

Ёзги кийимлар учун ишлатиладиган материаллар оқ кийимлар сингари юмшоқ ва юқори ҳаво ва бүг ўтказувчанлик, гигроскопиклик, сув ва гидрофиллик, шунингдек, иссиқлик ўтказувчанлик хусусиятларига эга бўлиши керак.

Жадвал 6.3.1.

Турлар хил кимёвий толалар құшылғағ болалар кийимлари материалларининг асосий физик-гигиеник күрсаткичлари

Материалдаги кимёвий модданинг миқдори %да	Гигроскооплик		Ҳаво үтказувчан – лик дм ³ /м ² с	Электр хосил қилиш хусусияти В/см
	Нисбий намлик 45%	Нисбий намлик 100%		
Биринчи қават кийимлар учун				
1 Пахта – 100%	5,03	25,0	523,0	0
2 Капрон – 18% Пахта – 82%	4,01	21,3	104,0	0
3 Капрон – 21,6% Вискоза – 8,4%	6,51	37,8	191,0	0
4 Сиблон – 30% Пахта – 70%	5,9	32,7	416,0	0
5 Вискоза – 100%	10,7	44,7	150,0	0
6 Ацетат – 50% Вискоза – 50%	8,0	40,0	950,0	0
Иккинчи қават кийимлар учун (күйлак, кофта, ўғил болалар күйләгі)				
1 Нитрон – 20% Вискоза – 20% Жүн – 60%	4,8	25,0.	340,0	180,0
2 Нитрон – 30% Вискоза – 30% Жүн – 40%	4,6	24,5	293,0	118,0
3 Лавсан – 20% Вискоза – 20% Жүн – 60%	4,4	24,2	602,0	27,0
4 Лавсан – 30% Вискоза – 30% Жүн – 40%	4,9	24,8	600,0	25,0
5 Лавсан – 40% Вискоза – 30 % Жүн – 30%	3,7	20,7	588,0	23,0
6 Лавсан – 25% Пахта – 75%	3,6	20,8	162,0	21,6
7 Капрон – 20% Пахта – 80%	4,0	21,9	125,0	22,0
8 Капрон – 30% Пахта – 70%	3,7	20,5	139,0	34,2

Жадвал 6.2.2.

Болалар кийимларини тикиш учун ишлатиладиган материалларга кимёвий толаларни құшиш

Кийим қавати	Ұлчами	Табиий тола	Синтетик тола			Сунъий тола	
			ПЭ лав- сан	ПАН нит- рон	ПА кап- рон	Вис- коза	Аце- тат
1	2	3	4	5	6	7	8
I оқ күйимлар	28 гача	100	0	0	0	0	0
	28 – 32	70 – 100	0	0	0	30	0
	32 дан кatta	50 – 100	20	20	20	50 – 100	20
Пайпокұлар	12 – 16	100	0	0	0	0	0
	с 18	16 – 100	40	0	40	40	0
Чүмілиш ва оқ спорт күйимлари	24 – 30	100	0	0	0	0	0
	32 – 46	50 – 100	50	50	50	0	0
	32 дан	0	0	0	100	0	0
II. Езги күйлаклар	32 гача	100	20	0	20	50	50
	32 дан	30 – 100	40	30	0	100	70
Кофта күйлаклар	32 гача	100	20	0	20	50	50
	32 дан	30 – 100	40	30	30	100	70
Жұнли күйлаклар	32 гача	100	0	0	0	30	0
	32 дан	60 – 100	40	30	10	30	0
Жұнли костюмлар	32 гача	80 – 100	20	20	20	0	0
	32 дан	50 – 100	50	50	20	0	0
Шойи сурп	32 гача	0	0	0	0	0	0
	32 дан	0	0	0	0	0	0
III. Пальто, камзул, коржома.	24 – 30	50 – 100	50	50	50	0	0
	30 дан	33 – 100	67	67	67	0	0
Камзул, пальто	Барча ұлчам лари	«Болонья», «Лаке» түридаги материаллар 100 %					
Астарлық материал- лар	Барча ұлчам лари	50 – 100	0	0	0	50 – 100	0
	32 дан	0	0	0	50	50	0

Езги кийимларнинг устки қатлами кийим ости бүшлигининг максимал равицда шамоллатилишини әрқин таъминлаши керак. Кийимларни конструкциясига күра, таранг тортилган камарлари, тортиб болганишга мүлжалланған тасмалар ва баланд тикка турадиган ёқаларга рухсат берилмайды.

Қиши мавсумида хонанинг ҳарорати 20°C дан ошганда болаларга тузилиши ва сифати ёзги кийимларга мос равищдаги икки қаватли кийимларни кийишга рухсат берилади. Агар хонанинг ҳарорати 19°C дан паст бўлса, юқори даражада иссиқлик сақловчи жун толали қалин материаллардан тайёрланган кийимлардан фойдаланиш тавсия этилади. Қишига тавсия қилинадиган кийимлар З қаватли бўлиши мумкин, уларга пайпоқли иштончалар, узуғ шимлар, кофталар, иссиқ, кофталар киради.

Жадвал 6.3.3.

Турла хил миқдорда қўшилган болалар кийимлари тайёрлайдиган матоларнинг асосий гигиеник кўрсаткичлари

Физик – гигиеник кўрсаткичлар	Кийимларнинг турлари				
	Оқ		Ёзги ассортиментлар		
	Оптималь	Рухсат этилган	Оптималь	Рухсат этилган	
1	2	3	4	5	
Гигроскопиклик нисбий намлиқ 65 % 100 %	7 – 9 20 – 30	6 – 7 18 – 30	7 – 8 18 – 30		
Ҳаво ўтказув – чанлиги dm^3/m^2 с	>100	>100	>150 табиий толали материаллар учун	>100 кимёвий толалали материаллар учун	

Жадвал 6.3.3.a.

Физик – гигиеник кўрсаткичлар	Кийимларнинг турлари				
	Баҳорги – кузги – қишики ассортиментлар				
	Оптималь	Рухсат этилган	Оптималь	Рухсат этилган	
1	2	3	4	5	
Гигроскопиклик нисбий намлиқ 65 % 100%	6 – 7 >15	4 – 6 >10	6 – 9 15 – 20	5 – 7 15 – 20	
Ҳаво ўтказув – чанлиги dm^3/m^2 с	>100	>100	>100	>100	

Юқори қаватдаги иссиқ кийим ўзининг иссиқликни сақлаш, атмосфера намлиги ва шамолдан сақлаш каби асосий вазифасини бажариши керак. У ўз навбатида З та қаватдан иборат бўлиши керак.

Биринчи – юқори қоплама қавати паст даражадаги ҳаво ва буг ўтказиши, гигроскопиклик, намликини сақлаш хусусиятига эга бўлиб,

совуқ атмосфера ҳавосини ўтказмасликка, кийимларни материаларини ўзидан қор ва ёмғирдан ҳўл бўлишини олдини олиб, унинг иссиқлик сақлаш хусусиятини ошириши керак.

Болалар қишики кийимининг ички қавати табиий толалардан тайёрланган методан тайёрланиб, устки қавати эса ўзидан сувни тушириб юборувчи синтетик методан тикилиши керак.

Иккинчи – иссиқлик сақловчи қатлами ўзидан юқори савиядага ҳаво ўтказувчанлик сифатига эга бўлган материал бўлиши керак: буларга пахта, ватин, ватилин, синтифон ва бошқалар каби табиий, сунъий ва синтетик толалардан иборат бўлиши лозим. Синтетик толали материалларни қўллаш, тери қопламасига тўғридан – тўғри ёпишмасада кийимнинг ушбу қатлами фақат юқори иссиқликни сақлаш вазифасини бажариши керак.

Учинчи – ички қатлами (астарлик) оптималь гигиеник шароит ва кийим ости иссиқликни сақлаш билан биргаликда юқори даражадаги ҳаво, буғ ва нам ўтказиш, гигроскопикаликни таъминлаши керак. Қишики болалар кийимининг тузилиши паст даражада атроф мұхит, ҳаво алмашинуви ва кийим ости соҳасидаги ҳаво алмашинувини таъминлаши лозим. Бу кийим ости соҳасида энг кўп ёпиқ бўшлиқни ҳосил қилишини таъминлайди: булар капишон, манжет ва белбоғлардир. Энг яхши қишики кийимлар бу – шимни юқорига тутиб турувчи елка боғлар ва юбкалар, пастта тортувчи тасмали узун қалпоқли камзуллар ҳисобланади. Ушбу тузилишга эга кийимлар юқори ва бир меъордаги иссиқлик сақлаш самарадорлиги ва болаларни қулагравища ҳаракатланишини таъминлаши керак.

Болалар кийимларининг иссиқлик сақлаш хусусиятини баъдолаш

Болалар кийимининг иссиқликни сақлаш хусусияти организмнинг умумий реакцияларини кузатиш орқали баъдоланади. Бунда организмнинг энергия йўқотиши, ажralган тер миқдори, нафас олиш частотаси ва пулсни аниқлаш, шунингдек, анкета сўров усулида одамнинг субъектив даражада ўзини ҳис қилиш қобилиятига эътибор қаратилиди.

Кийимнинг иссиқликни сақлаш хусусияти ҳақида маълумотларни тана ҳароратини ўлчаш ва иссиқлик оқимининг зичлигини аниқлаш йўли билан олинади.

Иссиқлик оқимининг зичлиги – бу вақт бирлигига радиация ва конвекция йўли билан йўқотилган иссиқлик миқдоридир.

Кийимнинг иссиқликни сақлаш хусусияти – бу кийимнинг иссиқлик оқими зичлигини камайтириш хусусиятидир. Иссиқлик оқими атроф – мұхит ҳарорати ва кийимнинг иссиқлик сақлаш хусусиятига боғлиқ равища ўзгариб туради. Иссиқликни узатиш кўрсаткичи, тана ҳароратининг ўртача арифметик кўрсаткичи ва микроиқлим кўрсаткичлари бўйича организмнинг иссиқликни

йўқотишига «қаршилик» кўрсатади, яъни кийимнинг иссиқлик сақлаш хусусиятига миқдорий баҳо бериш мумкин. Кийимнинг иссиқликка қаршилик хусусияти А. Бартон, Кондратьев Г.М. формуласи асосида ҳисоблаб топилади.

$$I_0 = \frac{t_{\text{урт. тана ҳарорати}} - t_B}{H} \cdot I_B$$

Бунда I_0 – кийимнинг иссиқликка қаршилиги ($^0\text{C m}^2/\text{Вт}$);
 I_B – кийим остидаги ҳавонинг иссиқликка қаршилиги ($^0\text{C m}^2/\text{Вт}$);
 $t_{\text{урт. тана ҳарорати}}$ – тана ҳароратининг ўртача қиймати (^0C);
 H – иссиқлик оқимининг ўртача солиштирма оғирлиги ($\text{Вт}/\text{м}^2$);
 t_B – ташқи муҳитнинг ҳаво ҳарорати.

Кийимнинг иссиқликка қаршилигини аниқлаш учун ҳаво ҳарорати, ҳавонинг ҳаракат тезлиги, шунингдек, тана ҳароратининг ўртача солиштирма оғирлиги ва иссиқлик оқимининг зичлигини ўлчаш лозим бўлади.

1. Атроф – муҳит ҳароратини ўлчашда Август психрометрининг куруқ термометридан фойдаланилади.
2. Катотермометр ёрдамида ҳавонинг ҳаракат тезлиги аниқланади.
3. Биотепломер ёрдамида тана ҳарорати ва иссиқлик оқим ўлчанади.

Биотепломер («Поток» асбоби) ёрдамида 10 дан 45 даражагача бўлган тана ҳарорати ва $+400$ дан – $-400 \text{ Вт}/\text{м}^2$ гача бўлган иссиқлик оқими катталикларини ўлчаш мумкин.

Биотепломер ўлчаш қисми ва датчиклардан ташкил топган. Датчиклар тана ҳарорати ва иссиқлик оқими натижасида исиди ва иссиқлик оқимини ток кучига айлантиради. Бу куч кучайтиргичлар орқали ўлчаш қисмiga узатилади.


Барча маълумотлар 6 та разрядли суюқ – кристалл индикаторга чиқарилади. Биринчи 3 та разряд тана ҳарорати ва иссиқлик оқимини аниқлаб беради. 5 – разряд датчик раҳами. 6 – батарея иш ҳолатини назорат қилади. Қуйидаги расмларда кўрсатилган нуқталарда ўлчаш ишларини олиб бориш, иссиқлик оқимининг ўртача солиштирма оғирлиги тошилади (расм 6.3.1).

1 датчик – пешонанинг ўртасига, 2 – датчик – кўкрак қафаси чап сўргичининг устига, 3 – датчик ўнг курак остига, 4 – датчик чап елканинг ўртасига, 5 – датчик ўнг панжанинг орқа қисмига, 6 – датчик ўнг болдирининг ташқи қисмига бириктирилади.

Асбоб кўрсаткичлари баённомага қайд қилинади:

Кўрсаткичлар	Пешона	Кўкрак	Орқа	Елка	Бармоқ	Товоон
Тери ҳарорати (^0C)						
Иссиқлик оқимининг зичлиги ($\text{Вт}/\text{м}^2$)						

Иссиқлук оқимининг ўртача солиширма оғирлиги датчик бириктирилган нұктанинг тана юзасининг солиширма күттегінің ҳисобга олган ҳолда топилади. Бунинг учун иссиқлук оқими күрсаткичінің (датчик күрсаткичи) юза коэффициентига күпайтырылады (юза коэффициенті – умумий юзден қанча % эканылыгини күрсатади).



6.3.1 рasm.
Датчикларни
ўрнатиш тартиби
ва тери
жароратининг
топографияси

Жадвал 6.3.4.

Ешни инобатта олган ҳолда тананинг айрим қысмлариниң умумий танага нисбатан % дагы күрсаткичлари

Еш даври	Пешона	Күкрак орда	Елка	Бармоқ	Төвөн
1 ёшгача	19	32	8	5	10
1-4	17	32	8	5	10
5-9	13	32	8	5	11
10-14	11	32	8	5	12
15	9	32	8	5	13
Күтталар	7	32	8	6	14

Ҳавонинг кийим ости соҳасидаги иссиқлик қаршилиги (I_B $^{\circ}\text{C m}^2/\text{Вт}$) 6.3.5. – жадвал бўйича аниқланади.

Жадвал 6.3.5.

Тананинг кийим ости ҳаватига тегувчи иссиқлик изоляциясига ҳаво ҳаракат тезлигининг таъсири

Ҳавонинг ҳаракат тезлиги	0,1	0,18	0,25	0,33	0,16	1,7	2,16	5,34	22,8
(I_B $^{\circ}\text{C m}^2/\text{Вт}$)	0,15	0,12	0,11	0,09	0,07	0,05	0,04	0,025	0,015

Катотермометр ёрдамида ҳаво ҳаракат тезлиги топилади. Ҳамма олинган маълумотлар асосида А.Бартон – Кондратьев формуласи ёрдамида кийимнинг иссиқликка қаршилик кўрсаткичи ҳисоблаб топилади ва кийимнинг атроф – муҳитнинг микроиклим шароитига мослиги ҳақида хулоса берилади.

Тинч ҳолатдаги ёки енгил жисмоний иш билан машғул бўлган одамга иссиқликни сақлаш хусусияти $0,15^{\circ}\text{C m}^2/\text{Вт}$ га teng бўлган кийим қулај иссиқликни таъминлайди. Бу кўрсаткич изоляция бирлиги қилиб олиниб, адабиётларда «clo» деб белгиланади. 6.3.6. – жадвалда келтирилган маълумотлар ёрдамида кийимларнинг иссиқликка қаршилигига гигиеник баҳо бериш мумкин.

Жадвал 6.3.6

Кийимнинг иссиқлик қаршилик даражасининг гигиеник тавсияси

Кийим турлари	Кийимларнинг иссиқлик қаршилиги	
	$^{\circ}\text{C m}^2/\text{Вт}$	"Clo"
Енгил ёзги кўйлаклар	0,08	0,5
Уй ва мактаб кийимлари	0,15	1,0
Фасллараро кийимлар	0,31 – 0,39	2,0 – 2,5
Қишики кийимлар	0,49 – 0,54	3,0 – 3,5

Кийимнинг иссиқликни сақлаш хусусиятини аниқлаш учун келтирилган мисол: 9 ёшли мактаб ўқувчиси $0,2 \text{ м/с}$ ли ҳаво ҳаракат тезлиги ва 20°C ҳароратта эга бўлган хонада турибди. Унга керакли бўлган кийимлар жамламасига гигиеник баҳо беринг.

Объектив кузатиш маълумотлари:

Кўрсаткичлар	Пешона	Кўкрак	Орқа	Елка	Бармоқ	Товон
Тери ҳарорати ($^{\circ}\text{C}$)	32,8	34,0	34,2	33,0	31,0	31,6
		ўтрг. 43,1		ўтрг. 32,0		
Иссиқлик оқимининг зичлиги ($\text{Вт}/\text{м}^2$)	84,3	33,7	31,3	43,4	72,6	42,2
		ўтрг. 32,5		ўтрг. 58,0		

$$t_{\text{тава ўрт. ҳарорати}} = \frac{32,8 \times 15 + 34,1 \times 32 + 32,0 \times 19 + 31,6 \times 34}{100} = 32,7^{\circ}\text{C}$$

$$H = \frac{84,3 \times 15 + 32,5 \times 32 + 58,0 \times 19 + 42,2 \times 34}{100} = 48,4 \text{ Вт/м}^2$$

$$I_0 = \frac{32,7 - 20}{48,4} = 0,12 = 0,142^0\text{См}^2\text{Вт}, \text{ ёки } 0,95 \text{ "clo"}$$

Хуолоса: Берилган микроиклим шароитида кам энергия сарф этиладиган, кичик механик самарали иш бажарганда 9 ёшли ўқувчининг кийими иссиқлик ҳаршилиги гигиеник талабларига жавоб беради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Кийимларнинг гигиеник талабларини тушунтириб беринг.
2. Кийимларнинг турларини тушунтириб беринг.
3. Кийимларнинг материалларига бўлган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
4. Гигроскопиклик нима?
5. Матонинг буғ ўтказувчанлик талабларини тушунтириб беринг.
6. СЛО нима?
7. Иссиқлик сақлаш хусусияти нима ва қандай усулларда айқланади?
8. Кичик ва ўрта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг кийимларига бўлган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
9. Катта мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг кийимларига бўлган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
10. Спорт кийимларига бўлган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.

МАВЗУГА ТЕГИШЛАИ ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Кийимларнинг асосий гигиеник хусусиятларини кўрсатинг
 1. Ташқи муҳитнинг ноқулай омилларидан ҳимоя қиласди.
 2. Миллий урф – одатларни шакллантириш.
 3. Энергияни сақлаш хусусиятига эга.
 4. Витамин D ни сақлаш хусусиятига эга.
 5. Эстетик гўзалликни таъминлайди.

2. Қулай бүг ўтказувчанликка эга бўлган кийимларни кўрсатинг:

1. Ипак шойи материаллари.
2. Айрим полимер материаллар.
3. Табиий матодан тайёрланган материаллар.
4. Лавсан материаллар.
5. Полиакрил материаллар.
3. Янги туғилган болалар кийими қандай материаллардан тайёрланиши керак?

 1. Пахта ва жунли матодан.
 2. Жунли қишикли матодан.
 3. Юпқа синтетик матодан.
 4. Юмшоқ полимер материаллардан.
 5. Синтетик аралаш матодан.

4. Ёзги кийимлар учун СЛО .. тенг келиши керак:
 1. 0,5 га.
 2. 1,0 га.
 3. 2,0 – 2,5 га.
 4. 1,5 га.
 5. 3,0 – 3,5 га.

5. Ёзги кийим ишлаб чиқаришдаги материалларнинг асосий хусусиятини кўрсатинг:

1. Юқори сув ўтказувчанлик ва нам ҳаво ўтказувчанлик.
2. ИК ва УБН ўтказувчанлик.
3. Юқори бүг ўтказувчанлик ва юқори ҳаво ўтказувчанлик.
4. Паст даражадаги ҳаво ўтказувчанлик.
5. Инфрақизил нурларни ўтказувчанлик хусусияти.
6. Кийимларни иссиқлик сақлаш хусусияти қўйидаги аҳамиятта эга:

1. Лаборатор кузатиш натижаларига.
2. Субъектив баҳолаш натижаларига.
3. Объектив маълумотларга.
4. Хом ашёнинг сифатига.
5. Ҳамма қайд этилганларга.

7. Ўртacha ўлчам қийматини аниқлаш учун иссиқлик оқимини ўлчаш .. ўтказилади:

1. Тана юзасининг 6 – 7 нуқтасида.
2. Тана қисмининг 9 – 11 юза нуқтасида.
3. Тана юзасининг 6 та нуқтасидан.
4. Тана юзасининг 10 та нуқтасида.
5. Тана юзасиниг 8 – 9 нуқтасида.

8. Ҳаракат мобайнида организмнинг иссиқлик ажralish даражаси..

1. 1 – 2 марта узаяди.
2. 3 – 6 марта узаяди.

3. 7 – 8 марта узаяди.
4. 7 – марта узаяди.
5. 2 – 5 марта узаяди.

9. Кийимларни тажриба қилиш учун кийишда тұхтосыз назорат үтказиши вәктида қайси хусусиятта эътибор қаратылады?

1. Биологик хусусиятига.
2. Кимёвий ва биологик хусусиятига.
3. Гигиеник ва физик – кимёвий хусусиятига.
4. Физикалык ва биологик хусусиятига.
5. Барча қайд әтилгандар.

10. Синтетик материалдардан тайёрланған буюмлар юзасыда электр майдонининг кучланғанлығы қанчадаң ошмаслығы керак?

1. 0,3 кв.см.
2. 2,5 кв.см.
3. 0,1 кв.см.
4. 0,2 кв.см.
5. 3,0 кв.см.

МАВЗУГА ТЕГИШЛИ ЎРГАТУВЧИ, НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ДАСТУРЛАР

1. Кийимларнинг асосий гигиеник хусусияттарнин күрсатынг:

1. Миллий урф – одатларни шакллантириш.
2. Ташқи мұхиттнинг нокулай омилларидан ҳимоя қилади.
3. Энергияни сақлаш хусусиятига зә.
4. Оптималь иссиқлик ҳолатини таъминлашда.
5. Шамоллашни олдини олади.
6. Эстетик гүзіллікни таъминлайди.
7. Ҳавони үтказиб, терида ҳаво алмашинувини таъминлайди.
8. Касалланишнинг олдини олади.
9. Жарбұтланишининг олдини олади.
10. Д витамины ҳосил бўлишини камайтиради.

2. Қулай буғ үтказувчанликка зә бўлган кийимларни күрсатынг:

1. Ипак шойи материаллари.
2. Айрим полимер материаллар.
3. Табиий матодан тайёрланған материаллар.
4. Жунли, паҳмоқли мато.
3. Янги туғилған болалар кийими қандай материаллардан тайёрланиши керак?

1. Пахта матодан.
2. Жунли матодан.
3. Юпқа пахта матодан.
4. Юмшоқ пахтали матодан.
5. Синтетик аралаш матодан.
6. Ёзги енгил матодан.
7. Қишки паҳмоқли матодан.

8. Лавсанли матодан.
4. Болалар кийимини ишлаб чиқарадиган матода аниқланадиган гигиеник талабларнинг 4 та кўрсаткичини кўрсатинг:
 1. Матонинг сифати.
 2. Кимёвий моддаларнинг миқдори.
 3. Матонинг тузилиши.
 4. Ҳаво ўтказувчанлиги.
 5. Матонинг турлари.
 6. Гигроскопликлиги.
 7. Иссиқ ўтказувчанлиги.
 8. Иссиклик сақлаш даражаси.
5. Гигроскопликлик бу ...
 1. Матонинг атроф – муҳитдан сув буғларини сўриб олиш ва уни маълум бир муддатда ушлаб туриш хусусияти.
 2. Матонинг сув буғларини ўтказиш хусусияти.
 3. Матонинг ҳавони ўтказиш хусусияти.
 4. Матонинг ҳавони ўтказмаслик хусусияти.
6. Оёқ кийимининг рационал аҳамияти:
 1. Товонни механик таъсирлардан сақлаш.
 2. Оёқларни замбуруғли касалликлар билан касалланишини олдини олади.
 3. Товонни нормал сақлаш учун мушакларни тик ушлашга ёрдам бериш.
 4. Товон мушакларини чарчашини олдини олади.
 5. Организмни совуқ қотищдан сақлайди.
 6. Қон айланишини яхшилайди ва чиниқтиришда самарали таъсир кўрсатади.
7. Ёзги кийим ишлаб чиқаришдаги материалларнинг асосий хусусиятини кўрсатинг:
 1. Юқори буг ўтказувчанлик.
 2. Сув ўтказувчанлик хусусияти.
 3. Сув ўтказмаслик хусусияти.
 4. Юқори ҳаво ўтказувчанлик.
 5. УБН ўтказувчанлик.
 6. Матонинг қулай гигиеник хусусияти.
8. Болалар ва ўсмирлар пойабзали пошиасига тавсия этилган асосий баландликни кўрсатинг:
 1. 7 ёшгача – 5–10 мм.
 2. 7 ёшгача – 2–3 мм.
 3. 8 дан 12 ёшгача – 5–10 мм.
 4. 13–17 ёшгача – 20–30 мм.
 5. 8 дан 12 ёшгача – 10–20 мм.
 6. 13–17 ёшгача – 15–20 мм.
9. Ёзги кийимлар учун қулай бўлган материалларнинг асосий турини кўрсатинг:

1. Батист.
2. Капрон.
3. Лавсан.
4. Тоза табиий шойи.
5. Чит.
6. Атлас.

10. Мактаб ёшдаги болалар кийимининг маҳсус турини кўрсатинг:

1. Мактаб формаси.
2. Ёзги енгил кийимлар.
3. Қишиқи қулай кийимлар.
4. Спорт кийими.

11. Мато ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган синтетик толаларнинг турлари кўрсатинг:

1. Полиакриламиди толалар.
2. Синтетик жун ипли газлама.
3. Пахта ва шойи толали.
4. Капрон – синтетик толали газлама.
5. Лавсан – юқори молекулали синтетик газлама.
6. Поливинилхлориди синтетик толалар.

12. Болалар оёқ кийимини гигиеник экспертиза қилишда ҳисобга олинниши керак бўлган кўрсаткичларни кўрсатинг:

1. Оёқ кийим оғирлиги.
2. Материалнинг сифати.
3. Эстетик гўзаллиги.
4. Эгилувчанлиги.
5. Иссиқлик сақлаш ҳолати хусусияти.
6. Ички мосламалар борлиги.

13. Болаларда ясси оёқлиликнинг ривожланишининг сабабларини кўрсатинг:

1. Оёқ кийимнинг эгилувчанлигининг етишмаслиги.
2. Жуда юмшоқ оёқ кийимлар.
3. Ички стилкаларнинг сифатсизлилиги.
4. Пойабзal ишлаб чиқаришда тоза чармдан фойдаланилмаслик.

Мавзуга тегишли ўқитишининг янги инновацион технологик усуслари

«Кийимларга гигиеник баҳо бериш усуслари» мавзуси бўйича ўқитишининг янги технологик усусларидан «Асаларилар уяси» услубини қўллаш.

Ушбу услуг асосан талабаларнинг дастлабки билим савиясини текширишда фойдаланилади, шу билан биргаликда талабаларни огоҳлантирувчи давлат санитария назоратини ўтказиш ва мавзуни тўлиқ ўзлаштиришга, ўзлаштириш савиясини текшириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради. Талабаларга бериладиган муаммони ҳал қилишда барча гуруҳ ёки 2 та кичик гуруҳ иштирок қилиши

мумкин. Талабаларга бериладиган тошшириқ бир хил ёки бир неча хилда бўлиши мумкин. 10 – 15 дақиқа давомида иштирокчилар томонидан ҳал қиласидиган масала таҳлили қилинади ва барчага жавоб варианти эшиттирилади. Энг тўлиқ ва тўғри вариант ўқитувчи иштирокида танланади ва тўғри жавоб варианти деб қабул қилинади.

Талабаларга мавзуу бўйича қўйидаги муаммоли саволлар берилishi мумкин

1. Кийимларнинг асосий вазифаларини тушунтириб беринг.
2. Кийимларнинг асосий турларини тушунтириб беринг.
3. Кийимларнинг материалларига бўлган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
4. Матонинг гигиеник хусусиятларини тушунтириб Беринг.
5. Кийимлар матоларининг таркибидағи синтетик материалларнинг таркибини асосий талабларини тушунтириб беринг.

АМАЛИЙ КЎНИКМА

Мазкур текшириш тури Болалар ва ўсмирлар гигиенаси соҳасидаги огоҳлантирувчи санитария назоратининг иккинчи босқичини амалга оширишда фойдаланилади. Текширишни олиб бориш учун қўйидагилар зарур:

Текширишладиган предметлар (болалар кийимлари), санитария меъёр ва қоидалари.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ

Болалар кийимининг санитар экспертизаси:

1. Кийим тайёrlанган газламанинг физикавий ва гигиеник кўрсаткичларини баҳолаш:
 - қалинлиги, вазни, ғоваклиги;
 - ҳаво ва буғ ўтказувчанлиги, гигроскопиклиги, сув тутиш хусусияти, гидро ва липофиллиги;
 - иссиқлик ўтказувчанлиги.
2. Чиқарилаётган болалар кийимига холоса бериш.

VII БОБ. Болалар ва ўсмирлар муассасалари лойиҳасини санитар-гигиеник экспертиза қилиш

Бошқа омиллар қаторида атроф – мұхиттинг етарли даражада гигиеник талабларға мос келиши болалар ва ўсмирлар контингентининг саломатлық ҳолати ва жисмоний ривожланишини мустаҳкамлаш ва ҳимоялашта қаратылған асосий талаблардан бири бўлиб ҳисобланади. У асосан болалар ва ўсмирлар муассасаларининг қулагай ҳолати ва санитар-гигиеник талабларга мос келиши билан баҳоланиб, бу ерда кун тартибининг энг кўп қисмини шу ерда ўтказадиган ташкиллаптирилган болалар ва ўсмирлар жамоаси билан баҳоланади.

Ўзбекистон Республикасида болалар ва ўсмирлар муассасаларини лойиҳалаштириш ва қуриш ҳаракатдаги қонуний ҳужжатлар асосида олиб борилади.

Қурилиш меъёр ва қоидалари – ҚМҚ, Санитария меъёр ва қоидалари – СанМваҚ болалар ва ўсмирлар муассасаларини ўринлар сонини меъёrlаштириш, ер майдонига бўлган гигиеник талабларни аниқлашда, бинонинг ҳажмий – режалаштириш масалалари ва безатилиши, санитар-техник қурилмалар ва иншоотлар (сув билан таъминланиши, канализация, иситиш мосламалари ва вентиляция, ёритилиш)га бўлган гигиеник талабларни аниқлашта ёрдам беради.

Болалар ва ўсмирлар муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш ва қайта таъмирлаш гигиенист шифокор иш бўлимининг асосий қисми бўлиб ҳисобланади.

Лойиҳага санитар гигиеник баҳо бериш усуллари.

Болалар ва ўсмирлар муассасаларининг лойиҳаси ер майдонининг режасидан тузилган (бош режа), бинонинг қаватлар режаси, бинонинг ташқи кўриниши ва кесмалар режаси, санитар-техник уриммалар режаси (сув билан таъминланиши, канализация, иситилиш, электр билан таъминланиши ва ёритилиш). Лойиҳанинг тушунтириш хатида кўрсатилиши лозим.

Лойиҳани кўриб чиқиш – тушунтириш хатини ўрганиб чиқицдан бошланади ва унда болалар ва ўсмирлар муассасаларининг тури тушунтирилади, унинг қуввати, ўринлар сони, ер майдони ва бино, қурилиш материаллари ва санитар-техник қурилмалар, бошқа ишлатиладиган жиҳозларга умумий тавсиф берилади.

Ундан кейин ситуациян режага баҳо берилади (ушбу яшаш жойининг лойиҳасидан олинган кўчирмага), бўлажак болалар ва ўсмирлар муассасаларининг атроф – уҳитига гигиеник баҳо берилади: ён турган биногача, саноат корхоналари, темир ва автомобил йўлларигача бўлган масофага ҳам баҳо берилади.

Бош режа ер майдонининг лойиҳалаштирилиши ва ўлчами унинг барча асосий компонентлари, етарли даражада кўкалам –

зорлаштирилганлиги, қуёш нурига нисбатан жойлаштирилишини таҳдил қилишга ёрдам беради. Баҳолашнинг охирида бинонинг турли хоналарининг табиий қуёш нури тушиши томонга қаратилиб жойлаштирилиши – ориентациясига баҳо беришда фойдаланилади.

Лойиҳани экспертиза қилишнинг кейинги босқичи – бинонинг қаватлар режасини кўриб чиқиш бўлиб ҳисобланади. Қаватлар режасида хоналар жамламаси, уларнинг жойлаштирилиши ва бир – бирига нисбатан ўзаро жойлаштирилиши, зинапояларнинг сонига зътибор беришга шароит яратиласди. Биринчи қаватнинг режасида бинога кириш ва чиқиш эшикларининг сони ва уларнинг қайси хоналарга олиб борилишига баҳо бериласди. Шунингдек, ертўланинг режасига ҳам баҳо бериш керак бўлади. Чунки айрим хоналар бу ерда жойлаштирилади (буларга гардероб, чўмилиш хоналари, кир ювиш хоналари киради). Қаватлар режасини кўриб чиқишида алоҳида хоналарнинг кенглиги ва баландлигини, ёргулук тушиши бурчаклари ва уларнинг кенглигини, ойналар орасидаги масофаларнинг кенглиги, зинапоялардаги юриш йўлларининг кенглигини ўлчаш ва аниқлаш керак бўлади. Ушбу режанинг ўзида сув қурилмалари (буларга сув ичиш фонтанлари, кўл ювиш кранлари, чўмилиш – душ ва ювениш ўринлари), шунингдек, канализация қурилмалари (унитазлар ва ҳожат мосламалари) кўрсатилган бўлади. Ушбу материаллар санитар – техник қурилмаларни сон жиҳатдан етарли эканлигини баҳолашга ёрдам беради.

Бинонинг кесмалар режасини кўриб чиқиши унинг баландлигини, эшиклар, деразалар, токчалар ва зинапоялар баландлигини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу маълумотлар хонанинг кубатурасини, ёргулук ва чуқурлик коэффициентини аниқлашда муҳим аҳамиятта эга.

Ташкӣ қўриниш чизмаси бўйича эшиклар ва деразаларнинг ўлчами, жойлаштирилиши ва бинонинг баландлиги таҳдил қилинади.

Санитар – техник қурилмалар ва мосламалар чизмаси охирида кўриб чиқиласди.

Иситиш ва иситиш мосламалари бўйича тушунтириш хатида – иситиш мосламаларининг тuri, иссиқлик ташувчи, иситиш мосламаларининг жойлаштирилиши ва уларнинг ҳимоялаш воситаларини аниқлашга ёрдам беради.

Вентиляция ва вентиляция тўғрисида кўрсатилган тушунтириш хати орқали вентиляция системасини маҳсус (синф хоналари, овқатланиш блоки, кимё хонаси, ҳожатхонада) ўрнатишга шароит яратиласди.

Сув билан таъминланиш режасида лабораториялар, ўқув кабинетлари, устахоналар, овқатланиш блоки, шифокор хонаси, ҳожатхона ва чўмилиш ўринларига сув бериш қуввати ва ўринлари

аниқланади. Ушбу чизма орқали бир неча хоналарга иссиқ сув узатилиши кўрсатилади.

Электр жиҳозлари орқали хоналардаги ёруғлик нуқталарининг сони, чироқларнинг тури, осиш баландлиги, чироқларнинг умумий ва солиширма қуввати ва уларнинг хоналарда ҳисоблагандаги кўрсаткичлари белгиланган қонуний ҳужжатларнинг талабларига мос келиши билан аниқланади.

Лойиҳани ижобий кўриб чиқиши ва баҳолаш, учун 7.1.–расмда кўрсатилган техник чизмаларнинг деталларининг шартли белгиларини билиш лозим.

Ер майдонининг режаси, бинонинг кесмалар ва умумий режаларида талабдаги сингари бир чизиқли (тўғридан – тўғри) ўлчамлари орқали мос келадиган майдон ва ҳажмини аниқлаш мумкин. Бундан ташқари чизма бажарилган масштаб кўрсатилган. Ер майдонининг режасида асосан қуидаги масштаблар кўрсатилади: 1:500 ёки 1:1000 бинонинг қаватлар ва кесмалар режасида – 1:100 ва 1: 200 масштаблар берилади.

Режада хонанинг узунлиги ва кенглигининг горизонтал ўлчамларини, эшиклар ва деразаларнинг кенглигини аниқлаш мумкин. Баландлик кесмалар режаси орқали аниқланади. Вертикал кенгликларнинг жойлаштирилиши кесмалар режасида кўрсатилиб, режанинг охирида кўрсатилади ва йўналтирилган белгилар ҳарфлар билан белгиланади (А – А, Б – Б) ёки рақамлар орқали (I – I, II – II ва бошқалар). Кесмалар юқорида кўрсатилган ҳарфлар ва рақамлар сингари белгиланади (7.1 – 7.2 – расмлар).

Лойиҳа дастурга мос равищдаги алоҳида кетма – кетлик асосида кўриб чиқилади. Кўриб чиқиши охирида хulosса ёзма равищда тўлдирилади.

Лойиҳа учун берилиши лозим бўлган ёзма равищдаги хulosса икки қисмдан иборат бўлиши керак. Биринчи қисмда кетма – кет равищда дастурга асосан лойиҳанинг барча белгилари кўриб чиқилади ва баҳоланади. Иккинчи қисмда олинган натижалар таҳлил қилинади, санитар – гигиеник жиҳатдан қилинган бузилишлар даражаси аниқланади ва лойиҳани қурилишга қабул қилиш масаласи ҳал қилинади.

Қуриладиган кўпгина болалар ва ўсмиirlар муассасалари шаҳар, туман, туман марказлари, қишлоқларнинг аҳоли зич қисмлари ёки аҳоли яшаш жойининг қоқ марказида, айрим қисмлари улардан ташқарида жойлаштирилади. Болалар ва ўсмиirlар муассасаларини қуриш учун ер майдонини танлашда ва уни қурища аҳоли пунктида ўзига хос бўлган талабларга мос келган равищда жойлаштирилиши керак. Болалар ва ўсмиirlар муассасалари ишлаб чиқариш корхоналардан узоқда, шунингдек, шовқин чиқарувчи, атроф – муҳит ҳавосини заҳарли газлар ва токсик чанглар билан ифлослантирувчи саноат корхоналаридан

узоқда; зич транспорт воситаларига мүлжалланган йўл ва темир йўллардан узоқда; бозорлар ва бир қатор коммунал хўжалик иншоотлари (кирхоналар ва ёнгинни олдини олиш бўлимлари ва гаражлардан) узоқда жойлаштирилиши лозим.

Саноат корхоналарининг белгиланган синфларига биноан болалар ва ўсмирлар муассасалари учун санитария ҳимоя минтақалари кенглиги келтирилади. Ушбу талабларга асосан болалар ва ўсмирлар муассасалари қуийдаги ўлчамларда жойлаштирилади:

I синфга кирувчи саноат корхоналарига нисбатан 1000 метрдан кам бўлмаган масофада; II синфга кирувчи саноат корхоналаридан 500 метрдан кам бўлмаган масофада; III синфга кирувчи саноат корхоналаридан 300 метрдан кам бўлмаган масофада; IV синфга кирувчи саноат корхоналаридан 100 метрдан кам бўлмаган масофада; V синфга кирувчи саноат корхоналаридан 50 метрдан кам бўлмаган масофада жойлаштирилиши лозим.

Душ кабиналари



Алоҳида деворга ўрнатилган



Алоҳида эркин турувчи



Жуфт эркин турувчи




Сув ичиш фентанлари




Фаянсли қўл юагичлар



Ювиш ўринлари



Чўянили ювиш мосламалари



Ванна



Писсуар



Люфт – клозет



Фаянсли унитазлар




Бир табакали эшиклар



Икки табакали эшиклар



Деразалар жамламаси



Пандус



Зинапояларга кўтарилиш даражаси



Тўғри бурчак ва бурчаклик иситиш мосламалари




Фиштли иситиш мосламалари



2 ва 4 табакали газ иситтичлар

1 – 1 кесма



7.2. – расм. Бинонинг кесма режаси.

**“Мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасалари
лойиҳасини санитар-гигиеник экспертиза қилиш”**

Машғулотнинг мавзуси: Мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасаларининг аҳоли яшаш жойида гигиеник равишда лойиҳалаштирилиши ва жойлаштирилиши, санитар – гигиеник қулагайлиги ва ободонлаштирилганлигини гигиеник баҳолашни ўрганишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун талабалар қўйидаги вазифаларни бажариши ва билишлари шарт:

1. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасаларининг жойлаштириш ва лойиҳалаштирилишининг гигиеник асосларни ўрганиш.
2. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасаларини лойиҳасида кўрсатилган материалларни таҳлил қилишни (тушунтириш хати, бош ва ситуацияон режа, қаватлар ва кесма режалари, санитар – гигиеник жиҳозларнинг чизмаларини) ўрганишлари лозим.
3. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасаларини лойиҳасини санитар – гигиеник экспертиза қилишни ўрганиш.
4. Лойиҳага 303 – шакл бўйича хulosса бериш ҳужжатини тўлдиришни ўрганиш.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасаларининг лойиҳасини санитар – гигиеник экспертизадан ўтказиш маҳсус дастур асосида олиб борилади.

7.1. Мактабгача тарбия муассасалари лойиҳасининг санитар-гигиеник баҳолаш дастури

I. Умумий маълумотлар.

1. Лойиҳанинг номи ва унинг рақами.
2. Болалар муассасасининг лойиҳалаштирилган ўрни.
3. Ясли ва бօғча гурӯҳдаги болалар сони.

II. Ер майдони.

1. Ситуацион лойиҳа;

А) аҳоли яшаш жойида жойлаштирилиши (туман, даҳа, шаҳар ва қишлоқ шароитида ўзига хос бўлган талаблар асосида);

Б) ён атрофдаги асосий ва қўшимча жойлаштирилган иншоотлар (яшаш уйлари, саноат корхоналари, автомобил ва темир йўллар, майдонлар, кўчалар, ёнғинни олдини олиш марказлари, йирик бозорлар ва дорихоналар, дам олиш оромгоҳлари ва бошқалар);

2. Ер майдони ва унинг таркибий ҳисмлари:

А) ер майдонининг умумий майдони (энг юқори мўлжалланган ўринлар ҳисобидан);

Б) гурӯҳ майдонлари – жойлаштирилиши, сони, ҳар бир майдоннинг гурӯҳдаги битта болага ажратилган майдон, соябонли айвонларнинг сони ва майдони);

В) умумий жисмоний тарбия майдони – жойлаштирилиши, сони ва майдони (ҳар бир майдоннинг гурӯҳдаги бир болага ажратилган майдони);

Г) айланга йўлакчалар – майдони ва кенглиги;

Д) чалқимчоқ ўйнайдиган ҳовузлар – жойлаштирилиши, майдони, кенглиги, очиқ чўмилиш майдони, кенглиги, узунлиги, оёқ ювиш ванналари, ювиш ванналари;

Е) мевали ва сабзавот экинларини етиштириш майдони – жойлаштирилиши, майдони (мактабгача тарбия ёшидаги болалар сонига қараб);

Ж) хўжалик майдони – жойлаштирилиши, майдони;

З) кўкаламзорлаштириш майдони – жойлаштирилиши, майдони (битта ўрин ҳисобига), яшил ҳимоя майдонининг кенглиги ва сони;

И) ер майдонидаги ўтиш йўллари – сони, майдони, хўжалик майдонидаги алоҳида чиқиш эшиклари, бино ичига ёнғинни олдини олиш машиналарининг кириш учун ажратилган кириш йўлакларининг сони.

3. Ер майдонида гурӯҳ алоҳидалиги мезонига риоя қилиш лозим.

III. Бино.

1. Ер майдонида жойлаштирилиши

2. Бинонинг композицияси ва ундаги қаватлар сони.

3. Бинодаги кириш ва чиқиш эшикларининг сони, улардан болаларга мўлжалланганларининг сони, айвонлар сони, уларнинг кенглиги;

- Хоналарнинг жойлаштирилиши: ясли ва боячага ёшидаги болалар гурӯҳ ячейкаларининг сони ва майдони, умумий жисмоний тарбия ва мусиқа – гимнастика залларининг сони ва майдони, тиббий пункт, овқат тайёрлаш блоки, кир ювиш хоналари, хўжалик хизмати хоналари;
- Бинода гурӯҳ алоҳидалиги мезонига риоя қилиш тартиби;
- Гурӯҳ ячейкаси – (ясли ва мактабгача тарбия ёшидаги босалар учун алоҳида);
 - ечиниш (қабулхона) – майдони (гурӯҳдаги битта боланинг ҳисобига), табиий шамоллатиш ва ёритилганлик, шахсий алоҳидалаш мезонига риоя қилиш тартиби;
 - гурӯҳ хонаси – майдони (гурӯҳдаги битта бола ҳисобига), баландлиги, чуқурлиги, табиий ёритилганлик, (ёргулук, чуқурлик, коэффициенти, бино ва хонанинг ориентацияси), бурчак ва елвизак тартибда шамоллатиш;
 - ужлаш хонаси – майдони (гурӯҳдаги битта бола ҳисобига), баландлиги бурчак ва елvizak шамоллатиш;
- буфет – ювиш ўрни билан – жойлаштирилиши ва майдони;
- ҳожатхона – майдони (гурӯҳдаги битта бола ҳисобига), минтақаларнинг сони – ҳожатхона ва ювиниш ўрни, қўл ювиш кранларининг жойлаштирилиши, чўмилиш мосламаси, унитазлар, ҳожат ўринлари ва мосламалари, катталар учун қўл ювиш кранларининг сони;
- Иссиқ ёки ёпилган сайд қилиш айвонларининг сони (алоҳида ясли ва мактабгача тарбия ёшидаги болалар учун) – майдони, (гурӯҳдаги ясли ва мактабгача тарбия ёшидаги битта бола ҳисобига);
- Умумий жисмоний тарбия ва мусиқа – гимнастика машғулотлари хоналари – сони, майдони (гурӯҳдаги битта бола ҳисобига), баландлиги, омборхоналар – анжомлар сақлаш хоналарининг сони ва майдони;
- Ёпик чўмилиш бассейни – жойлаштирилиши, хоналари, сони, майдони, бассейн чўмилиш жойининг чуқурлиги, узунлиги ва кенглиги;
- Тиббий хоналар – хоналар таркиби ва сони, майдони, алоҳида кириш ва чиқиш хоналарининг сони;
- Маданий – майший хизмат хоналари – таркиби, майдони.
- Овқатланиш зали – таркиби, майдони, хоналари, ташқарига чиқиши хоналарининг сони;
- Кир ювиш хоналари – таркиби, майдони, ювиш ва дазмоллаш хоналарига алоҳида кириш ва чиқиш эшикларининг сони;
- Санитар – техник иншоотлар ва уларнинг ўрнатилиши:
 - сув билан таъминланиши ва канализация тизими – (маҳаллий ва марказий – умумий), иссиқ сув билан таъминланиш тизимиининг болалар гурӯҳ хоналарида жойлаштирилиши, ошкона,

- кир ювиш хонаси ва тиббий хоналарнинг таъминланганилиги ва борлиги, уларнинг сони;
- б) иситиш тизими – (маҳаллий ва марказий – умумий), иситиш тизими мосламаларининг болалар гурӯҳ хоналарида жойлаштирилиши, биринчи қаватдаги болалар хоналарида пол юзасидаги иситиш мосламалари ва уларнинг жойлаштирилиши, иситиш мосламалари юзасидаги ҳимоя минтақалари ва панжараларининг мавжудлиги ва уларнинг сони;
- в) вентиляция тизими – болалар хоналари, тиббий хоналар, ошхона, кир ювиш, ҳожатхоналарда тортиш системасининг сони ва алоҳидаланганилиги;
- г) сунъий ёритилиши – болалар хоналарида ёритиш мосламаларининг тури ва сони (чўғланма ва люминисцент чироқлари), хона шишидаги ёритиш нуқталарининг сони, арматураларнинг тури, болалар хоналари, ухлаш хоналари, мусиқа–гимнастика ва умумий жисмоний тарбия залларидағи электрнинг солиштирма оғирлиги.

IV. Материалларнинг таҳлили.

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасасининг санитар–гигиеник экспертизасига тақдим этилган лойиҳа қўйида кўрсатилган талабларга жавоб берадими ёки йўқми?

1. Гурӯҳ алоҳидалити мезонига риоя қиласадими?
2. Эпидемияга қарши тартиб талабларига риоя қиласадими?
3. Болаларнинг ҳаракат фаоллиги шароитига жавоб бера оладими?
4. Тўлақонлик уйқуни ташкиллаштириш шароитига жавоб бера оладими?
5. Тўлақонли овқатланишини ташкиллаштириш шароитига жавоб бера оладими?
6. Тоза таркибли гигиеник ҳаво тартибини таъминлаб бера оладими?
7. Хоналарнинг иситилиш тартибига жавоб бера оладими?
8. Етарли даражада бинонинг табиий ёритилиш ва иситилишини таъминлаб бера оладими?
9. Болалар хоналарининг сунъий ёритилиш даражасини етарли таъминлаб бера оладими?
10. Болаларга тиббий хизмат – кўрсатиш шароити ва даволаш–профилактик чора – тадбирлар кўрсатиш талабларига жавоб бера оладими?
11. Техника ҳавфсизлигига риоя қилишни таъминлаб бера оладими?
12. Санитар – гигиеник экспертизага тақдим этилган мактабгача тарбия муассасалари лойиҳасини амалиётта тақдим қилишга руҳсат бериш тўғрисидаги хуласа;
13. Қўшимчалар: Ҳаракатдаги қонуний меъёрий ҳужжатлар кўрсатмаларига асосланиб, экспертизага тақдим қилинган мактабгача тарбия муассасалари лойиҳасининг экспертизаси

давомида аниқланган камчиликлар кўрсатмаси тақдим қилиниши керак.

Мактабгача тарбия муассасаларининг ер майдони ва биносига бўлган гигиеник талаблар

Мактабгача тарбия муассасаларининг лойиҳасини санитар – гигиеник экспертиза қилинча Республика мизда ишлаб чиқарилган санитария меъёр ва қоидалардан фойдаланилади. Ушбу санитария меъёр ва қоидаларининг талабларига биноан МБМларда болаларнинг ёш гуруҳлари ва сони қўйида келтирилган тартиб асосида жамлаштирилиши керак (жадвал 7.1.1).

Ясли – илк болалик давридаги биринчи гуруҳда (1 ёшгача) болаларнинг сони 10 тадан ошмаслиги керак, илк болалик даврининг иккинчи гуруҳида (1 дан 2 ёшгача) болаларнинг сони 15 тадан, биринчи кичик гуруҳда ҳам (2 дан 3 ёшгача) болаларнинг сони 15 тадан ошмаслиги керак ва мактаб олди гуруҳларида – иккинчи кичик гуруҳда (3 дан 4 ёшгача) болаларнинг сони 20 тадан ошмаслиги керак, ўрта гуруҳларда (4 – 5 ёшгача) болаларнинг сони 20 тадан, катта гуруҳларда (5 – 6 ёшгача) болаларнинг сони 20 тадан ва тайёрлов гуруҳида болаларнинг ёши 6 дан – 7 ёшгача болаларнинг сони эса 20 тадан ошмаслиги керак.

Жадвал 7.1.1.

Мактабгача болалар муассасаларида жамланадиган болаларнинг сони ва ёш гуруҳлари

Гуруҳлар		Ёши	Гуруҳдаги ўринлар сони
Илк болалик гуруҳи	1 – илк болалик гуруҳи	1 ёшгача	10
	2 – илк болалик гуруҳи	1 ёшдан – 2 ёшгача	15
	1 кичик гуруҳ	2 ёшдан – 3 ёшгача	15
Мактаб олди гуруҳи	2 кичик гуруҳ	3 ёшдан – 4 ёшгача	20
	Ўрта гуруҳ	4 ёшдан – 5 ёшгача	20
	Катта гуруҳ	5 ёшдан – 6 ёшгача	20
Тайёрлов гуруҳи		6 ёшдан – 7 ёшгача	20

Мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасалари хизмат кўрсатиш вақтига қараб 9, 10, 12 соатлик ва битта дам олиш кунига мўлжалланган кун – тун давомида ишлайдиган, ҳамда 2 та дам олиш кунига 5 иш кунига мўлжалланган турларга бўлинади.

Болалар ясли – бөгчалари битта, иккита, түрттә, олтита, саккизта ўн иккита, ўн түртә гурухли турларга мослаштириб режалаштирилди. Қурилаёттган муассасанинг ёш гурухлари ва улардаги болаларнинг сони лойиҳалаштиришга берилган буюртмачининг топшириғига асоқан режалаштирилади. Биноларни қуришда бир ёки икки қаватли мевали – ҳовли майдонига ажратилган ҳолатда қурилади.

МБМларнинг ер майдонининг ўлчамлари битта ўринга қуийдаги равишда режалаштирилади: 100 ўрингача бўлган бөгча – яслиларда – 40 m^2 дан битта болага; 100 ва ундан ортиқ ўринли бөгча яслиларда битта болага 35 m^2 дан майдон ажратилади.

МБМ ер майдонида қуийдаги минтақалар (зоналар) кўзда тутилади: гуруҳ майдонлари, умумий жисмоний тарбия, ҳовли бөг, хўжалик ва кўкаlamзорлаштирилган майдон. Гуруҳ майдонининг ўлчами ясли ёшидаги болалар учун битта болага 10 m^2 дан, мактаб олди гурухлари учун битта болага 9 m^2 дан майдон ажратилади. Гуруҳ майдонлари очиқ қисмидан ташқари нурланиш ва қуёш нуридан тўсилган қисмлардан ташкил топган бўлиши керак. Ҳар бир гурухнинг ҳовлидаги соябонли айвонининг майдони 40 m^2 ни ташкил қилиши керак. Ер майдонида 150 ўрингача бўлган ясли – бөгчаларда битта, 150 ва ундан ортиқ бөгчаларда иккитадан умумий жисмоний тарбия майдонлари кўзда тутилади, унинг майдони битта болага 10 m^2 ни ташкил қилиши керак. Жисмоний тарбия майдонининг яқинида 21 m^2 ни ташкил қилиб, чуқурлиги 60 дан 80 см.гача бўлган сузиш ҳовузлари жойлаштирилади. Ҳовлида чалқимчоқ ўйнайдиган бассейнлар режалаштирилади, бассейннинг чуқурлиги $0,25 - 0,5 \text{ m}$.ни ташкил қиласди. Мактабгача тарбия муассасаларининг кўкаlamзорлаштирилган майдони битта ўринга 16 m^2 ни ташкил қилиб, бундан ташқари кўкаlamзорлаштирилган майдони, яшил кўкламзор ва гуллар майдони – 7 m^2 дан, комплекс бөгча – яслиларда – 14 m^2 ни ташкил қиласди. Ҳовли – бөг майдони 15 m^2 ни ташкил қилиб, гуруҳ майдони таркибида жойлаштирилади ва барча гурухлар учун битта бўлиб ҳисобланади. Хўжалик майдонининг ўлчами 50 ўрингача бўлган МБМларда 70 m^2 ни, 145 ўрингача бўлган МБМларда 100 m^2 тacha, 195 ўриндан 340 ўрингача – 140 m^2 ни, комплекс МБМларда 400 m^2 ни ташкил қиласди. Хўжалик майдонининг таркибида 50 m^2 ни ташкил қиласидиган сабзвотларни сақлаш омборхонаси режалаштирилади.

Болалар ясли бөгчалари алоҳида биноларда баландлиги икки қаватдан ошмаслиги керак. Бинонинг комплексида алоҳида гуруҳ ячейкалари ва хўжалик – хизмати хоналари режалаштирилиши лозим. Хўжалик хизмати хоналарига: овқат тайёрлаш, кир ювиш, хўжалик хизмати ва тиббий хоналар киради. Мактабгача тарбия муассасаларининг биносини режалаштиришда гурухнинг

алоҳидалиги мезонига риоя қилиниши керак. Ҳар бир гуруҳ тўлиқ гуруҳ ячейкасида хоналар жамламасидан иборат бўлиши керак.

Богча ёшидаги гурухлар гуруҳ ячейкасининг таркиби ҳабулхона, ўйнаш ва гуруҳ хоналари, ухлаш, ҳожатхона ва буфет – ювиш хоналаридан ташкил топиши керак.

Богча ёшидаги болалар гуруҳ ячейкаси биринчи қаватта жойлаштирилиб, алоҳида мустақил чиқиши эшикларига эга бўлади ва бу эшиклардан 2 та гуруҳ фойдаланиши режалаштирилади, мактаб олди гурухлари учун 4 та гуруҳга битта чиқиши йўлакчалари режалаштирилади. Гуруҳ ячейкасининг таркиби ва майдонларини ўлчаш 7.1.2. – жадвалда кўрсатилган.

Ҳар бир гуруҳ ячейкасида буфет ва идишларни ювиш ўрни бўлиши керак. Унинг умумий майдони 3 m^2 ни ташкил қилиши керак. Ясли – bogcha гуруҳидаги ҳожатхонада шахсий туваклар ўрни, душ маҳсус юваниш мосламаси, унитаз бўлади. Мактаб олди гуруҳида ҳожатхона иккита хонадан иборат бўлиб, ҳожатхона ва юваниш хонасига ажратилади. Катта ва тайёров гурухларида ўғил ва қиз болаларга алоҳида ҳожатхона ажратилиши керак.

100 ва ундан ортиқ ўринли мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасаларида мусиқа ва гимнастика машғулотлари учун алоҳида ёки бирлаштирилган заллар ажратилади. Мусиқа залининг майдони битта болага 2m^2 ни, жисмоний тарбия машғулотлари учун залнинг майдони битта болага 4 m^2 дан кам бўлмаслиги керак. Зал таркибига услубчи хонаси ($12 - 18\text{ m}^2$), жиҳозларни сақлаш омборхонаси (3 m^2) киради.

Тиббий хона барча болалар ясли – bogchalariда режалаштирилади. Тиббий хона муолажа хонаси билан майдони $6 - 18\text{ m}^2$ ни ташкил қиласи. Тиббий хонанинг алоҳида коридор тўрида чиқиши эшиги бўлиб, шу жойда бир хонали изолятор ҳам бўлиши қерак ($2 - 8\text{ m}^2$), хоналарнинг майдони ($6 - 18\text{ m}^2$), ҳожатхона ($2 - 4\text{ m}^2$) ва алоҳида ташқарига чиқиши эшиги бўлиши лозим.

Хўжалик – хизмат хоналари таркибига қўйидаги хоналар киритилади: мудир ёки мудира хонаси ($9 - 10\text{ m}^2$), хўжалик мудири хонаси (6 m^2), ходимлар учун ечиниш хонаси ($8 - 12\text{ m}^2$) хўжалик омборхонаси, тоза жамоширларни сақлаш хонаси, оқликларни сақлаш ва алмаштириш учун мўлжалланган хона, юваниш хонаси, ходимлар ҳожатхонаси ($3 - 6\text{ m}^2$).

Кир ювиш хоналари қўйидагича режалаштирилади: ювиш хоналари ($12 - 18\text{ m}^2$), дазмоллаш хоналари ($10 - 12\text{ m}^2$)ни ташкил қиласи.

Ошхонанинг таркиби ва майдони (7.1.3 – жадвалда кўрсатилган). Ошхонадан ташқарига чиқиши эшиги алоҳида бўлиши лозим.

Жадвал 7.1.3.
Үмүүмийг түрдэгэн мактагчача бололтар муассасаларни гуруүж ячейкааси таркиби ба майдони

		Гургуулаар сонигтаа қараб бино учун ажратилган майдон, м ²						
Функционал гургуулалынг номи		240	475	6115	8150	10190	12230	14270
1	2	3	4	5	6	7	8	
I. Ясли ёшидаги бололтар гуруүж ячейкааси хоналарни	-	1/123	1/123	2/246	2/246	2/246	2/246	
1 Қабулхона		18	18	36/18x2	36/18x2	36/18x2	36/18x2	
Лурух хонааси, шунингдек:	-	86	86	172/86x2	172/86x2	172/86x2	172/86x2	172/86x2
2 Овкатланыш ва машгуулот ўтиш	-	30	30	60/30x2	60/30x2	60/30x2	60/30x2	60/30x2
Харакатын үйинлар майдони	-	20	20	40/20x2	40/20x2	40/20x2	40/20x2	40/20x2
Ухлаш майдони	-	36	36	72/36x2	72/36x2	72/36x2	72/36x2	72/36x2
3 Хожагхона	-	16	16	32/16x2	32/16x2	32/16x2	32/16x2	32/16x2
4 Ошхона	-	3	3	6/3x2	6/3x2	6/3x2	6/3x2	6/3x2
II. Мактаб олии гургуүчини гуруүж ячейкааси	2/274	3/411	5/685	6/822	8/1096	10/1370	12/1644	
1 Ечиниш хонааси	36/18x2	56/18x3	90/18x5	108/18x6	144/18x7	180/18x10	216/18x12	
Лурух хонааси, шунингдек,	200/100x2	300/100x3	500/100x5	600/100x6	800/100x8	1000/100x10	1200/100x11	
Овкатланыш ва машгуулот ўтиш	56/28x2	84/28x3	140/28x5	168/28x6	224/28x8	280/28x10	336/28x12	
2 Харакатын үйинлар майдони	52/26x2	78/26x3	130/26x5	156/26x6	208/26x8	260/26x10	312/26x12	
Ухлаш майдони	92/46x2	138/46x3	230/46x5	276/46x6	368/46x8	460/46x10	552/46x12	
3 Хожагхона	32/16x2	48/16x3	80/16x5	96/16x6	128/16x8	160/16x10	192/16x12	
4 Ошхона	6/3x2	9/3x3	15/3x5	18/3x6	24/3x8	30/3x10	36/3x12	

Овқат тайёрлаш блоки майдони ва таркиби

№	Овқатланиш блоки хоналари	Үринлар сонига қараб хоналар майдони м ²			
		2 – 50 гача	50 – 150 гача	150 – 250 гача	250 – 350 гача
1	Ошхона тарқатиш ўрни билан	15	23	28	30
2	Тайёрлаш цехи	6	—	—	—
3	Гүшт – балиқ цехи	6	—	—	—
4	Хамир цехи	—	4	4	4
5	Ошхона идишларини ювиш ўрни	4	6	8	10
6	Совитиш камералари	—	—	9	9
7	Қуруқ маҳсулотларни сақлаш омборхонаси	8	8	6	6
8	Юк тушириш ўрни	—	4	5	6
9	Ходимлар хонаси	8	8	10	12
10	Чўмилиш жойи	1 та			
11	Ҳожатхона	1 та унитаз 1 та қўл ювиш жойи			

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

- Мактабгача болалар муассасаларининг асосий вазифаларини тушунтириб беринг.
- Аҳоли яшаш жойларида МБМларни жойлаштиришнинг гигиеник талабларини санаб беринг.
- Мактабгача болалар муассасалари лойиҳасининг турларини кўрсатинг.
- Мактабгача болалар муассасалари лойиҳасидаги режалар ва уларга бўлган талабларни тушунтириб беринг.
- Бош режа ва унинг гигиеник талабларини санаб беринг.
- Ер майдонининг таркибий қисмлари ва уларга қўйилган гигиеник талаблар.
- Бинога бўлган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
- Асосий хоналарга бўлган гигиеник талаблар.
- Бинонинг ориентациясига бўлган гигиеник талаблар.
- Ҳаво иссиқлик алмашинуви ва ёритилганликка бўлган гигиеник талаблар.

МАВЗУГА ТЕГИШЛИ ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- 1. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар муассасаларида токчаларнинг баландлиги биринчи навбатда қуйидаги вазиятларда аниқланади:**
 1. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида.
 2. Болаларни тезда эвакуация қилиш мақсадида.
 3. Иситиш мосламаларининг ўлчамларини аниқлашда.
 4. Қарана – қарши турган деворни ёритиш мақсадида.
 5. Кўриш аппарати аккомадациясининг чарчашини олдини олиш мақсадида.
- 2. МБМларни аҳоли яшаш жойида жойлаштиришнинг асосий гигиеник мезонини кўрсатинг:**
 1. Аҳоли яшаш жойига 300 м масофага яқин.
 2. Аҳоли яшаш жойига 500 м масофага яқин.
 3. Завод ва фабрикалардан узоқлиқда.
 4. Йирик автомобил йўлларидан узоқлиқда.
 5. СанПиН 0033 – 94 талабларига мос келиши керак.
- 6. МБМларда асосий хоналарнинг жойлаштирилиш гигиеник мезонини кўрсатинг:**
 1. Функционал зоналаштириш.
 2. Гигиеник талаблар асосида жойлаштириш.
 3. Болаларнинг жисмоний қобилиятини ҳисобга олиш.
 4. Ўқитиши ва тарбиялашга қулай шароит яратиш.
 5. Табиий ёритилганликни инобатта олиш.
- 7. Қўйида келтирилган жавоб вариантларининг қайси бири МБМни лойиҳалаштириш ва қуриш мезонларига мос келади?**
 1. Болаларни ҳар томонлама жисмоний тарбиялашга шароит яратиш.
 2. Куни узайтирилган гуруҳларга шароит яратиш.
 3. Босқичма – босқич таълим системасига шароит яратиш.
 4. Гуруҳ алоҳидалиги мезонига риоя қилиш.
 5. Ҳаракат фаоллиги, табиий ёритилганликка ва жисмоний тарбия машғулотларини олиб боришига шароит яратиш.
- 8. МБМнинг ер майдони минтақаларини кўрсатинг:**
 1. Гуруҳ майдонлари.
 2. Ўқув тажриба минтақаси.
 3. Ўқув ишлаб чиқариш минтақаси.
 4. Хўжалик хизмат минтақаси.
 5. Болалар майдони.
- 9. МБМлардаги иситиш воситаларининг язорат ўрнидаги сувнинг ҳароратини кўрсатинг:**
 1. 70°;
 2. 90°;
 3. 50°;
 4. 95°;

5. 80°.

10. МБМларда сунъий шамоллатиш воситалари қайси хоналарга ўрнатилади?

1. Ошхона ва кир ювиш хоналарида.
2. Гуруҳ хоналарида.
3. Мусиқа – гимнастика хоналарида.
4. Ухлаш хоналарида.
5. Ҳожатхоналарда.

11. МБМ гуруҳ ячейкаси таркибида кўзда тутиладиган хоналарнинг таркибини кўрсатинг:

1. Гуруҳ хоналари, ухлаш, ҳожатхона, буфет, ювиш хонаси.
2. Ўйнаш ва ухлаш хоналарини бирлаштириш.
3. Ошхона, гуруҳ, ухлаш, ҳожатхона.
4. Ухлаш анжомлари учун омборхона, ошхона, гуруҳ.
5. Спорт анжомлари учун мосламаларни сақлаши ўрни.

12. МБМ гуруҳ хоналарида рухсат этиладиган ёритиш мосламалариниң турларини кўрсатинг:

1. Чўғланма, люминисцент.
2. Чўғланма.
3. Люминисцент.
4. Арадаш.
5. Комбинациялашган.

13. Шаҳар шароитида МБМларнинг ер майдонида битта болага тўғри келадиган майдоннинг ўлчамини кўрсатинг:

1. 5 м.кв.
2. 7.5 м.кв.
3. 30 м.кв.
4. 35 м.кв.
5. 40 м.кв.

**МАВЗУГА ТЕГИШЛИ ЎРГАТУВЧИ, НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ
ДАСТУРЛАР**

1. МБМларнинг лойиҳасини 4 та асосий турларини кўрсатинг:

1. Типик.
2. Бош.
3. Ситуацион.
4. Мослаштирилган.
5. Шахсий.
6. Экспериметал.
7. Истиш мосламалари.
8. Шамоллатиш.

2. МБМларни лойиҳалаштириш ва қуришнинг 5 та асосий мезонларини кўрсатинг:

1. Гуруҳ алоҳидалигига риоя қилиш.

2. Болаларнинг ҳаракат фаолигини таъминлаш.
 3. Ўқув – тарбиявий жараёнини ташкиллаштиришга қулай шароит яратиш.
 4. Мақбул ҳаво – иссиқлик тартибини таъминлаш.
 5. Куни узайтирилган гуруҳларга шароит яратиш.
 6. Табиий ёритилганлик ва бинонинг инсолицияси шароитини яратиш.
 7. Рационал овқатланишга шароит яратиш.
 8. Мактабдан ташқари фаолиятта шароит яратиш.
- 4. МБМларнинг ер майдонининг 5 та асосий таркибий қисмларини кўрсатинг:**
1. Гуруҳ майдони.
 2. Умумий жисмоний тарбия майдони.
 3. Ҳовли – боғ.
 4. Дам олиш минтақаси.
 5. Ўқув – тажриба минтақаси.
 6. Кўкаlamзорлаштирилган.
 7. Хўжалик хизмати.
 8. Ўқув – ишлаб чиқариш минтақаси.
 9. Болалар минтақаси.
 10. Тиббий минтақа.
- 5. МБМ овқатланиш ҳонасининг асосий анжомларини кўрсатинг:**
1. Иссиқлик берувчи печкалар.
 2. Овқат тайёрлаш учун кострюлкалар.
 3. Махсус таҳтакачлар.
 4. Кремли маҳсулотлар учун мосламалар.
 5. Алоҳида болалар овқатланиши учун заллар.
 6. Қўл ювиш кранлари.
 7. Буфет ювиш ўрни.
 8. Кафетерий.
- 6. МБМларни гуруҳ ячейкасининг асосий ҳоналарини кўрсатинг:**
1. Ечиниш ҳоналари.
 2. Қабулхоналар.
 3. Ухлаш анжомларини сақлаш омборхонаси.
 4. Спорт анжомларини сақлаш ҳоналари.
 5. Ухлаш – ўйнаш ҳоналарини бирлаштирилган бирлиги.
 6. Мусиқа – гимнастика заллари.
 7. Ухлаш ҳоналари.
 8. Буфет мойкалар.
 9. Гуруҳ ҳоналари.
- 7. МБМлар ер майдонида битта болага тўғри келадиган ўлчамларни кўрсатинг:**
1. 35 м.кв.
 2. 30 м.кв.

3. 40 м.кв.
4. 25 м.кв.
5. 15 м.кв.
6. 45 м.кв.

8. Чўмилиш бассейни чуқурлигини кўрсатинг:

1. 60 см.
2. 80 см.
3. 40 см.
4. 50 см.

9. МБМда ясли ёшидаги болалар ёш гуруҳлари ва улардаги болалар сонини кўрсатинг:

1. 1 ёшгача 10 тадан.
2. 1 дан 2 ёшгача 10 тадан – 15 тагача.
3. 2 ёшдагилар 15 тадан.
4. 1 дан 2 ёшгача 15 тадан.
5. 3 ёшгача 15 – 20 тадан.
6. 2 дан 3 ёшгача 15 тадан.

10. МБМда мактаб олди ёшидаги болалар ёш гуруҳлари ва улардаги болалар сонини кўрсатинг:

1. 1 ёшгача – 10 тадан.
2. 1 дан 2 ёшгача 10 тадан – 15 тагача.
3. 3 ёшдагилар – 15 тадан.
4. 3 дан 4 ёшгача – 20 тадан.
5. 4 ёшдан 5 ёшгача – 20 тадан.
6. 6 дан 7 ёшгача – 20 тадан.

Мавзуга тегишли ўқитишнинг янги инновацион технологик усуllibари

Мавзу: «МБМлар лойиҳасини санитар-тигигеник баҳо бериш» мавзусидаги амалий машғулотнинг иш тартибига қўшимча равишда ўқитишнинг янги технологик усуllibаридан «Мияга ҳужум» услубини қўллаш

Бу усул ёрдамида талабаларнинг дастлабки билим даражаси баҳоланиши мумкин. Гуруҳ талабалари 2–3 кишидан иборат кичик гуруҳларга (КГ) бўлинади. Мазкур мавзу бўйича берилган муаммоли саволга ҳар бир КГ ўз жавоб вариантини берилиши сўралади. Ҳар бир КГ ўз жавоб вариантини бергандан сўнг, ўқитувчи бошчилигида ва талабаларнинг фаол иштирокида муҳокама бошланади. КГ мавзу бўйича берилган муаммоли саволга олинган жавоблар ичидан энг тўғрисига юқори балл қўйиллади, қолган жавобларга мос равишда пастроқ баллар қўйиллади.

Ушбу услуга асосан 5 курс талабаларининг дастлабки жараёнидаги билим савиёсини текширишда фойдаланилади. Ушбу усул асосан кишининг ўз нуқтаи назарини исботлаш, ҳимоя

қилиш, ҳар қандай вазиятларда энг маңыл ечимни топиш, мулоқот олиб боришига ёрдам беради. Ҳимоя қилинаётган нұқтаи назарнинг тұғрилігінде оппонентларни ишонтиришига үргатади. Бу услугуб шу кунги мавзуни тұла таҳлил қилиб чиқыш олдидан үтказиладиган «чиғал ёзиш машқи» учун жуда мос келади.

Талабаларга мавзу бүйінча қойылады саволлар бериліши мүмкін

1. МБМларни ақоли яшаш жойида жойлаштиришнинг гигиеник мезонларини күрсатинг.
2. МБМларни лойиҳалаштириш ва қуриш мезонларини күрсатинг.
3. МБМларни лойиҳалаштиришда құлланиладиган қонуний ҳужжатларни күрсатинг.
4. МБМ ер майдонининг асосий минтақаларини күрсатинг.
5. МБМ биносининг асосий турларини күрсатинг.
6. МБМ ер майдонининг ўлчамларини (Сан М ва Қ 0033–94) күрсатинг.
7. МБМ биносининг асосий элементларини күрсатинг.
8. МБМ гурух ячейкасининг таркибини күрсатинг.
9. МБМ гурух ячейкасининг асосий жиқозларини күрсатинг.
10. МБМ хоналарда столлар жойлаштиришининг асосий талабларини күрсатинг.

АМАЛИЙ КҮНИКМА

МАКТАБГАЧА БОЛАЛАР МУАССАСАЛАРИННИҢ ЛОЙИҲАЛАРИ БҮЙІЧА САНІТАР ГИГИЕНИК ЭКСПЕРТИЗА ҮТКАЗИШ ВА ХУЛОСА БЕРИШ

Болалар муассасаларини экспертизадан үтказиш – болалар ва үсмирлар гигиенаси соңасындағи ОСНнинг бир қисми ҳисобланади.

Бундай экспертизани үтказиш учун қойыладындар зарур: күриб чиқыш учун тақдим этилган лойиҳа материаллари, СанҚваМ – 0033–94, 0077–97.

ХАРАКАТ АЛГОРИТМИ

Мактабгача бүлгап муассасалар лойиҳаларини экспертизаси.

1. Тавсия этилган маңымутларни түлиқлиги ва сифатининг таҳлили.
2. Тушунтириш хати билан танишиш:
 - муассасаның вазифаси ва қуввати;
 - қурилиш жойи;
 - ер майдонининг каталиги, ўлчамлари;
 - болалар майдончалариниң мавжудлігі, жиқозланиши, гурухларга доир ажратилиши.
3. Қойылады таърифлар бүйінча вазияттың режаны баҳолаш.
- обьектнинг түғри жойлашғанлығы;
- атрофдаги ва ўраб турған обьектлар;

- санитар ҳимоя миңтақасининг мавжудлиги ва катталиги.
4. Қуидаги кўрсаткичлар бўйича бош режани баҳолаш:
- бинонинг тузилиши (шакли), майдонда жойлашиши, ер майдонининг миңтақаларга ажратилиши;
 - қурилиш майдонининг фоизларда ифодаланиши;
 - кўкаламзорлаштириладиган майдоннинг фоизлардаги қиймати.
5. Бино кесмаларини баҳолаш.
- қаватлар сони, қаватлар бўйича хоналарнинг жойлашиши;
 - гурӯҳлар ажратиш мёzonларининг таъминланганилиги;
 - гурӯҳларга доир хоналар тўплами ва уларга таъриф;
 - мажлислар ва жисмоний тарбия залларига гигиеник таъриф;
 - овқатланиши хоналари ва кир ювиш хоналарига гигиеник таъриф;
 - тиббий хонанинг мавжудлиги ва жиҳозланиши.
6. Санитар – техник жиҳозларни баҳолаш.
- иситилиш, ёритилиш ва шамоллатилиши;
 - сув таъминоти, канализация;
 - чиқиндиларни четлаштириш тизими.
7. Хулоса тузиш (303 шакл) ва уни журналга қайд қилиш.

“Болалар ва ўсмиirlар учун умумтаълим мактаблари лойиҳасини санитар–гигиеник экспертиза қилиш”

Машғулотнинг мавзуси: Умумтаълим мактабларини аҳоли яшаш жойида гигиеник равишда лойиҳалаштирилиши, жойлаштирилиши, санитар – гигиеник қулайлиги ва ободонлаштирилганлигини гигиеник баҳолашни ўрганиш.

Ушбу маҳсадга эришиш учун талабалар қўидаги вазифаларни бажариши ва билишлари шарт:

1. Умумтаълим мактабларини аҳоли яшаш жойида лойиҳалаштирилиши ва жойлаштирилишининг гигиеник асос – ларини ўрганиш.
2. Меъёрий ҳужжатлар асосида умумтаълим мактабларини ер майдони ва биносини лойиҳалаштирилиши ва қулайлигига баҳо бериш (тушунтириш хоти, бош ва ситуацион режа, қаватлар ва кесма режалари, вентиляциянинг ишчи чизмаси, иситилиши, сув билан таъминланиши, канализация, электр жиҳозлари, электр билан таъминланиш, ертўла чизмасига) гигиеник баҳо беришни ўрганиш
3. Умумтаълим мактаблари лойиҳасини санитар – гигиеник талабларга мос келиши дарражасини мослигини таҳлил қилиш ва лойиҳага хулоса тайёрлаш.
4. Болалар ва ўсмиirlар муассасаларини лойиҳалаштириш устидан меъёрий – услубий ҳужжатлар билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш.
5. Лойиҳага 303 – шакл бўйича хулоса бериш ҳужжатини тўлдиришни ўрганиш.

Умумтаълим мактабларининг бу лойиҳаси санитар – гигиеник экспертиза ўтказиш маҳсус дастури асосида олиб борилади.

7.2. Умумтаълим мактаблари, мактаб-интернатларининг лойиҳасини кўриб чиқиш ва санитар-гигиеник баҳолаш дастури

I. Умумий маълумотлар.

1. Мактабнинг тури (бошлангич, тўлиқсиз ўрта, ўрта).
2. Болалар муасасасининг лойиҳалаштирилган ўрни.
3. Хизмат кўрсатиш доираси.

II. Ер майдони.

11. Ситуацион лойиҳа.

А) аҳоли яшаш жойида жойлаштирилиши (туман, даҳа, шаҳар ва қишлоқ шароитида ўзига хос бўлган талаблар асосида);

Б) ён атрофдаги асосий ва қўшимча жойлаштирилган иншоотлар (яшаш уйлари, саноат корхоналари, автомобил ва темир йўллар, майдонлар, кўчалар, ёнғинни олдини олиш марказлари, йирик бозорлар ва дорихоналар, дам олиш оромгоҳлари ва бошқалар);

1. Ер майдонининг умумий ўлчами ва минтақалари.
2. Ер майдонининг таркиби, майдони ва уларнинг жойлаштирилиши.
3. Кўкаlamзорлаштириш майдони.
4. Ер майдонига чиқиш йўллари.
5. Ер майдонининг чегараланиши.
6. Ўқув биноларининг ориентацияси.

III. Бинонинг конструктив ва ҳажмий режалаштириш масалалари.

1. Бинонинг ер майдонида жойлаштирилиши (қизил чизиққача бўлгақ масофа) композиция ва қаватлар сони.
2. Xоналар таркиби; ўқув ва умумтаълим мактаб хоналарига ажратилиши, шунингдек, бошлангич, тўлиқсиз ўрта ва умумтаълим ўрта мактаб гурӯҳлари учун мўлжалланган алоҳида гурӯҳ хоналари.

IV. Ўқув хоналарининг тавсифи.

- 1 – синф ўқувчилари учун синф хоналари: хоналар сони, битта ўқувчига мўлжалланган майдони, жиҳозларнинг жойлаштирилиши, тушиб бурчаги, ёргулук ва чукурлик коэффициенти.
- 2 – 4 – синф ўқувчилари учун синф хоналари: хоналар сони, битта ўқувчига мўлжалланган майдони, жиҳозларни жойлаштирилиши, тушиб бурчаги, ёргулук ва чукурлик коэффициенти, тажрибакорлар хонасининг сони ва майдони.
3. Ўқув кабинетлари: хоналар жамламаси, битта ўқувчига мўлжалланган майдони, жиҳозларни жойлаштирилиши, тушиб

бурчаги, ёруғлик ва чуқурлик коэффициенти, тажрибакорлар хонасининг сони ва майдони.

4. Тажрибахоналар: хоналар жамламаси, битта ўқувчига мўлжалланган майдони, жиҳозларни жойлаштирилиши, тушибурчаги, ёруғлик ва чуқурлик коэффициенти, тажрибакорлар хонасининг сони ва майдони.

5. Мөхнат таълими ва касбга йўналтириш хоналари: асосий хоналар жамламаси, битта ўқувчига мўлжалланган майдони, жиҳозларни жойлаштирилиши, тушибурчаги, ёруғлик ва чуқурлик коэффициенти; устахонадаги ёрдамчи хоналар сони ва майдони.

6. Ўқув спорт заллари: ўлчами ва сони, ориентацияси, жойлаштирилиши, ёруғлик ва чуқурлик коэффициенти; залдаги ёрдамчи хоналар сони ва майдони.

7. Фаоллар зали: майдони, ўринлар сони, битта томошабинлар ўрни, эстрада ўринлари сони, жиҳозлар хоналари, киноаппаратлари хонаси, техник марказлар ва уларнинг майдони, фаоллар зали атрофидаги коридор ва рекреация хоналарининг сони.

8. Мусиқа машгулотлари ва ашула хоналари – клуб хоналари ва майдони.

9. Кутубхона: хоналар жамламаси ва майдони.

10. Куни узайтирилган гуруҳлар хонаси ва битта ўқувчига мўлжалланган майдони.

11. Тўтарак машгулотлари хоналари, битта ўқувчига мўлжалланган майдони.

12. Рекреация хоналари тури ва битта ўқувчига мўлжалланган майдони.

13. Дам олиш хоналари 1–сinf учун ўйнаш – ухлаш хоналари, битта ўқувчига мўлжалланган майдони; мактаб – интернатларидағи ухлаш хоналари, ўринлар сигими, битта ўқувчига тўғри келадиган майдон.

14. Хизмат кўрсатиш доирасидаги хоналар:

- овқатланиш заллари ўринлар сони ва майдони;
- ошхона;
- маъмурӣ – хўжалик хизмати хоналари сони ва майдони;
- тиббий пункт таркиби ва майдони;
- мактабнинг дам олиш заллари, гардеробнинг жойлаштирилиши, минтақаланиши, майдони;
- ҳожатхона, ювениш ва чўмилиш хоналари (санитария жиҳозлари сони ва битта ўқувчига тўғри келадиган майдони).

V. Бинодаги асосий хоналарнинг безатилиши

VI. Хоналарнинг санитар-техник қулайлигиги

1. Сув билан таъминланиши (тури, лаборатория, санитария тармоғи ва ювениш хоналарига совуқ ва иссиқ сув бериш

тартиби, ювиниш кабиналарининг сони, ички ёнгинни оддини олишта жавоб берадиган меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган санитария жиҳозларининг сони)

2. Канализация (тизими, меъёрий кўрсаткичларга мос келадиган санитария жиҳозларининг сони).

3.Иситиш (тизими, ташувчилар ва иситиш жиҳозларнинг тури, уларнинг жойлаштирилиши, спорт зали ва рекреация хоналарида ҳимоя тўйсиллари, қурилиш – климатик минтақаларга мос келадиган асосий хоналардаги ҳароратнинг гигиеник меъёrlари).

4.Вентиляция (тизими, синфхоналари, кабинетлар, спорт ва фаоллар заллари, ошхона ва алоҳида хоналарда ажратилган тортувчи вентиляцион қурилмаларнинг мавжудлиги ва сони, ҳавонинг алмашиниш сони). Ўқув хоналари, кабинетлар ва иссиқлик кўтарилиши мумкин бўлган хоналардаги фрамуга ва форточекаларнинг сони, асосий хоналарда ҳавонинг оқими ва тортилиш миқдори.

5.Сунъий ёритилиши. Ёритиш манбалари, ёритиш мосламаларнинг тури, ёритиш нуқталарини жойлаштириш, ёритилиш қуввати, электр кучининг солиштирма оғирлиги, спорт залларида ултрабинафша нурларнинг манбалари.

IV. Материалларнинг таҳлили ва ҳулоса.

Материалларнинг таҳлили қўйидаги йўналишда ташкиллаштирилади:

- Лойиҳа ўқув жараёнини ташкиллаштиришга, меҳнат ва политехник таълимни ташкиллаштиришга қулай шароит яратадими?
- Лойиҳада кўрсатилган талаблар болаларни ҳар тамонлама жисмоний тарбиялаш учун шароит яратадими?
- Ўқувчиларни дам олиш ва овқатланиш шароитлари лойиҳани тузишда кўзда тутилганми?
- Ўқувчиларни соғломлаштириш ва мактабдан ташқари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган талаблар лойиҳани тузишда кўзда тутилганми?
- Етарли даражада табиий ва сунъий ёритилиш т алаблари лойиҳада кўрсатилганми?
- Лойиҳа орқали ўқувчиларга етарли даражада маҳбул ҳаво – иссиқлик тартибини таъминлаш мумкини?
- Тиббий таъминланганлик ва ўқувчиларни саломатлик ҳолатини яхшилашга шароит яратилганми?
- Ўқувчилар ҳавфсизлигини таъминлашга шароит яратиш лойиҳада кўзда тутилганми?

Ҳулосада лойиҳада келтирилган маълумотлар меъёрий ҳужжатларга асосан, лойиҳага рухсат берилади ёки лойиҳа четлаштирилиши тўғрисида 303 – шакл тўлдирилади.

Умумтаълим мактабларининг ер майдони ва биносига бўлган гигиеник талаблари

Мактабларни лойиҳалаштириш ва қуришни санитария азорат қилинада Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ёйёрий ҳужжатлардан фойдаланилади. Ўқувчилар сони барча инфларда 30 тадан болага рухсат берилади. Мактаб биносидаги ўқувчиларнинг ўрни қўйидаги тартибида режалаштирилади: шаҳар мактабларида болаларнинг сони 1000 тадан ва битта синфда болаларнинг сони 25 тадан ошмаслиги керак. Қишлоқ мактабларидаги ўқувчилар сони қўйидагича бўлиши керак: бошлангич комплекс мактабларда – 80 тадан, 1 ва 2 – босқичларда 250 тадан ўқувчига, 1, 2, 3 босқичларда – 500 тагача ўқувчига мўлжалланади, битта синфдаги ўқувчилар сони 25 тадан ошмаслиги керак.

Умумтаълим мактабларининг янги замонавий турлари (лицей, имназия ва шахсий мактаблар ва бошқалар) алоҳида бинода ёки имононинг алоҳида бўлинмаларида алоҳида чиқиш эшикларига эга ўлиб, мактабнинг қошида жойлаштирилиши керак.

Жадвал 7.2.1.

Мактаб ер майдонининг ўлчамлари қўйидагича белгиланади (ҚМҚ 2.07.01-94)

№	Режалаштирилган ўринлар сони	Битта ўқувчига тўғри келадиган майдон, м ²
1.	40 – 400 ортиқгача	5
2.	400 – 500 ортиқгача	60
3.	500 – 600 ортиқгача	50
4.	600 – 800 ортиқгача	40
5.	800 – 1000 ортиқгача	33

Мактаб ер майдони қўйидаги таркибий қисмлардан иборат: исмо-ний тарбия – спорт, бошлангич ҳарбий тайёргарлик, дамиш, ўқув – тарбиявий ва хўжалик минтақаларидан иборат.

Жисмоний тарбия – спорт минтақаси спорт зал томонида жойлаштирилиб, ЎзР давлат спорт комитет томонидан белгиланган спорт жиҳозлари билан жиҳозланиши керак. Мактаб биносидан 25 кетр масоффада жойлаштирилиш лозим. Ўқув хоналарининг еразалари томонга жойлаштирилиши ман қилинади. **Жисмоний тарбия – спорт минтақаси** стадион, спорт ўйинлари майдони, гимнастика машгулотлари майдони, спорт ўйинлари учун комбинациялаштирилган майдон, тош улоқтириш, баландликка ва соқдиликка сакраш майдонлари жойлаштирилиши керак. Спорт ўйинлари майдони қаттиқ қоплама билан қопланиши лозим, футбол майдони чим билан қопланиши керак. Жисмоний тарбия – спорт минтақаси сув сепиш учун кран билан жиҳозланиши

керак, дарс бошланишидан 20 – 25 дақиқа олдин майдонга сув сепилиши керак.

Ер майдонида **бошлангич ҳарбий тайёргарлик** машгуотлари миңтақасида ўқув шаҳарчасида иборат бўлиб, ФХ, ва тактик тайёргарлик учун 500 m^2 майдон ва тош улоқтириш учун ҳам 500 m^2 майдон ажратилиши лозим.

Ер майдонидан бундан ташқари **ўқув-тажриба миңтақаси** ажратилади, унинг майдони умумий ер майдонининг 25 % дан ошмаслиги керак. Бу миңтақада ўқувчилар учун ўсмирлар ҳаётини ўрганиш майдони, агротехника ишларини бажариш майдони, метериология бўйича амалиёт ишларини ўрганиш жойи, ботаника ва биология тажриба майдонлари жойлаштирилади.

Дам олиш миңтақаси 1,2,4 ва 5 – 9 синфларга алоғида қилиб жойлаштирилади. 1,2 – 4 – синфлар ўйнаш майдонлари ҳаракатли ўйинларга мўлжалланган бўлиб, майдон ушбу ёшдаги 10% болалар сонини қамраб олишга мўлжалланиши керак. 5 – 9 – синфлар учун мўлжалланган дам олиш майдони болаларни ҳаракатли ўйинлар ўйнаши учун умумий болаларнинг 50% сонини қамраб олиши керак. Қолган қисми дам олишга мўлжалланиши керак. Ўйнаш майдонлари майса ёки чим билан қопланиши керак.

Хўжалик миңтақаси хўжалик жиҳозлари ва уларни сақлаш омборхоналари, автомобилларни сақлаш гаражлари, ахлат идишларини сақлаш ўринларига мўлжалланиши лозим. Марказий иситиш тармоғи ва сув билан таъминланиш бўлмаган вазиятларда шу жойда сув қайнатилиб, тарқатиш ва маҳаллий иситиш ўрни жойлаштирилади. Хўжалик миңтақаси ишлаб чиқариш хоналари ва ошхонанинг чиқиши эшигига қулай бўлиши керак, Бино билан унинг орасидаги масофа 35 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Кўкарамзорлаштирилган майдон умумий майдонининг 40 – 50%ни ташкил қилиши керак. Ер майдони барча йўналишларда баландлиги 1,5 м.дан кам бўлмаган кўкарамзорлаштирилган ҳимоя миңтақасига эга бўлиши керак. Мактабнинг атрофи металл панжара билан ўралиши керак.

Бинонинг қаватлар сони 3 – қаватдан ошмаслиги керак. Зич қурилган шаҳарларда 4 – қаватдан қуришга рухсат берилади. 4 – қаватли қурилган мактабларнинг 4 – қаватида болалар кам бўладиган хоналар жойлаштирилиши керак.

Синф хоналари 3 та турга бўлинади: буларга мустақил ўқув хоналари, ўқув – ишлаб чиқариш хоналари ва ўқув спорт хоналари киради. Ўқув – ишлаб чиқариш ва ўқув – спорт хоналари бинонинг биринчи қаватида жойлаштирилиши керак. Биология ва жонли табиат хоналари ҳам мақсадга кўра биринчи қаватда жойлаштирилган маъқул.

Синфхоналарининг ўлчами 50 m^2 дан ошмаслиги керак, битта ўқувчига 2 m^2 дан кам бўлмаган майдон ажратилиши керак.

Ўқув кабинетларининг майдони умумий фанларга мўлжалланган кабинетларда битта ўқувчига $2,5 \text{ m}^2$ майдон ажратилиши керак, гуруҳларга ажратиладиган фанларда (хориж тиллари) ва шахсий фанлар хоналарида битта ўқувчига $3,3 \text{ m}^2$ майдон ажратилади. Ҳар бир кабинетда ёки 2 – 3 та кабинетларда тажрибакорлар хонаси бўлиши керак. Алоҳида тажриба хоналари (кимё, физика, биология ва компьютер хоналари) таъминланиши керак.

Чуқурлаштирилган мактабларда маъруза заллари режалаштирилади. Унинг майдони синфлар жуфтлигига боғлиқ бўлиб, 3 та синфга битта зал ва битта ўқувчига 1 m^2 жой ажратилади.

Мактаб биносидаги ўқув устахоналарининг майдони синфдаги битта болага 6 m^2 дан ажратилади. Меҳнат таълими ва ижтимоий фойдали меҳнат дарсларида синфлар иккига бўлинади. Замонавий мактабларда янги таълим тизимининг талабларига асосан болаларнинг шахсияти ва мактабдан ташқари фалоятини ривожлантириш маҳсадида $12 \times 12 \text{ m}$ ҳажмдаги универсал заллар режалаштирилади, бундан ташқари турли тўтарак машгулотлари учун хореография, мусиқа ва ашула машгулотлари учун $70 - 108 \text{ m}^2$ хоналар режалаштирилиши керак.

Спорт залининг сони ва тури мактабнинг қувватига боғлиқ бўлади. Спорт залининг майдони $9 \times 18 \text{ m}$ ёки $12 \times 30 \text{ m}$, баландлиги 6 метрдан кам бўлмаслиги керак. Спорт залида залининг қувватига боғлиқ равишда $16 - 32 \text{ m}^2$ снаряд хонаси, ўғил ва қиз болаларга алоҳида $10,5 \text{ m}^2$ эга бўлган ечиниш хоналари, 9 m^2 майдонли душ хонаси, 8 m^2 майдонга эга бўлган алоҳида ҳожатхона ва инструктор хоналари (9 m^2) режалаштирилади.

Мактабларда ўқувчилар доимий равишда иссиқ овқат билан таъминланиши керак. Овқатланиш ошхонада ташкиллаштирилиши керак. Умумий болаларнинг сони 100 тадан кўп бўлса, ошхона ташкиллаштирилиши лозим. Ошхонада иссиқ ва совук цехлар, гўшт – балиқ, қандолат, сабзавот, ошхона идишларни ювиш жойи, гўшт ва тез бузиладиган маҳсулотларни паст ҳароратда сақлаш ва музлаттич хоналари, ходимлар дам олиши ва овқатланиш хоналари, идишларни ювиш хоналари ва санитария тармоғидан иборат бўлиши керак. Ошхона ва буфетлардаги овқатланиш залининг майдони битта ўқувчига $0,7 \text{ m}^2$ ни, ўтириш ўринларининг сони 100% болаларнинг 3 маҳалдан кириб чиқишига мўлжалланиши керак. Ошхонада 20 та ўтириш ўрнига 1 та қўл ювиш крани таъминланиши керак.

Буфет қўйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлиши керак: юкларни сақлаш, овқатни иситиш хоналари печлар билан биргалиқда, музлаттичлар, тарқатиш ўринлари, ёрдамчи хоналар ва идишларни ювиш хоналаридан иборат бўлиши керак.

Фаоллар залининг ўлчами битта ўтириш ўрнига $0,65\text{ m}^2$ **ни ташкил қилиб, умумий болаларнинг** 60 %**ни қамраб олишга мўлжалланиши керак.** Фаоллар залида безаниш учун 10 m^2 ли ҳожатхоналар, кинопроекция хоналари (27 m^2), мусиқа жиҳозлари ва безак анжомларни сақлаш омборхоналари (10 m^2), костюмларни сақлаш хоналари (10 m^2) бўлиши керак.

Замонавий мактабларда **кутубхоналар** сўров ва маълумотларни тарқатиш марказлари сифатида фойдаланилади. Кутубхоналар шахсий машғулотлар билан шуғулланиш мақсадида ТЎВ билан жиҳозланиши керак. Маълумотларни тарқатиш марказининг майдони битта ўқувчига $0,6\text{ m}^2$ ни ташкил қилиши керак.

Кутубхонада қўйидаги хоналар кўзда тутилади: ўқув хоналари, маълумотларни бериш марказлари (адабиётларни тарқатиш ва қабул қилиш ўринлари), каталоглар билан ишлаш ўринлари, очиқ материаллар фонди, ёпиқ материаллар фонди, шахсий ТЎВ билан шуғулланиш майдонлари, ҳаракатли араваларни сақлаш хоналаридан иборат бўлиши керак.

Ҳозирги мактабларда рекреацион хоналар зал туридаги хоналарга алмаштирилмоқда.

Умумтаълим мактабларининг **тиббий хоналари** ўз таркибига қўйидаги хоналарни олади: шифокор хонаси узунлиги камида 7 метрни ташкил қилиши керак (кўриш ва эшитиш ўткирлигини аниқлаш учун 14 m^2 кам бўлмаган хона режалаштирилиши керак), стоматолог шифокор учун 12 m^2 дан кам бўлмаган хона тортиш шкафи ўрнатилган ҳолатда режалаштирилади, муолажа хонасининг майдони 14 m^2 ни, 10 m^2 ни ташкил қиласидан психолого-кабинети режалаштирилади. Тиббий хонадаги санитария тармоғи режалаштирилади. Тиббий хонадаги жиҳозларнинг тартиб сони иловаларда кўрсатилган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Умумтаълим мактабларининг асосий вазифаларини тушунтириб беринг.
2. Аҳоли яшаш жойларида мактабларда жойлаштиришнинг гигиеник талабларини санаб беринг.
3. Умумтаълим мактабларини лойиҳалаштириш ва қуришнинг гигиеник мезонларни таҳлил қилиб беринг.
4. Мактаб лойиҳасининг турларини кўрсатинг.
5. Мактаб лойиҳасидаги режалар ва уларга бўлган талабларни тушунтириб беринг.
6. Бош режа ва унинг гигиеник талабларини санаб беринг.
7. Мактаб ер майдонининг таркибий қисмлари ва уларга қўйилган гигиеник талаблар.

8. Мактаб биносига бўлган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
9. Мактабнинг асосий хоналарига бўлган гигиеник талабларни кўрсатинг.
10. Мактабнинг ёрдамчи хоналарига бўлган гигиеник талабларни кўрсатинг.
11. Мактабнинг хизматчилар хоналарига қўйилган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
12. Тиббий хоналарга қўйилган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
13. Мактаб биносининг ориентациясига бўлган гигиеник талабларини тушунтириб беринг.
14. Ҳаво иссиқлик алмашинуви ва ёритилганликка бўлган гигиеник талабларини тушунтириб беринг.

МАВЗУГА ТЕГИШЛИ ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Умумтаълим мактабларини аҳоли яшаш жойида лойиҳалаштириш ва қуришда фойдаланиладиган асосий қонуний ҳужжатни кўрсатинг:
 1. 2.07.01. – 1994.
 2. 01.02. – 2000.
 3. 0033 – 1994.
 4. 0095 – 2000.
 5. 2.01.05. – 98.

2. Умумтаълим мактабларини лойиҳалаштириш ва қуришда фойдаланиладиган асосий қонуний ҳужжатни кўрсатинг:
 1. 01.02. – 2000.
 2. 0033 – 94.
 3. 2.07.01.94.
 4. 0095 – 2000.
 5. 0097 – 2000.

3. Умумтаълим мактабларини лойиҳалаштириш ва қуришда фойдаланиладиган асосий гигиеник мезонларни кўрсатинг:
 1. Ўқув – тарбиявий жараёнга гигиеник шароит яратиш.
 2. Ўқув жараёнини ташкиллаштиришга қулай шароит яратиш.
 3. Ўқув – ишлаб чиқариш жараёнини ташкиллаштиришга гигиеник шароит яратиш.
 4. Гуруҳ алоҳидалиги мезонига риоя қилиш.
 5. Ёш даврийлиги мезони ва унга қўйилган талабларга риоя қилиш.

4. Мактабнинг асосий хоналарида битта болага тўғри келадиган майдоннинг ўлчамини кўрсатинг:
 1. 1.25 м.кв.
 2. 2.0 м.кв.
 3. 2.5 м.кв.

4. 4.0.м.кв.
5. 6.0. м.кв.
5. Ўқув – тажриба миңтақасида жойлаштирилиши лозим бўлган объектларни кўрсатинг:
1. Иссиқ хоналар географик миңтақалар, қўёнхоналар.
 2. Ўқувчиларнинг дам олиш майдонлари, югуриш майдончалари.
 3. Синфхоналар ва ўқув ишлаб чиқариш устахоналари.
 4. Мактабдан ташқари фаолиятни ошириш воситалари.
 5. Меҳнат таълим устахоналари.
6. Мактабнинг асосий хоналарига кирувчи хоналар тўпламини кўрсатинг:
1. Синфхоналар.
 2. Ўқитувчилар хонаси.
 3. Мактаб кутубхонаси.
 4. Кийимларни ечиш хонаси.
 5. Гуруҳ хоналари.
7. Спорт залининг энг кичик асосий ўлчамини (м.кв) кўрсатинг:
1. 144.
 2. 288.
 3. 450.
 4. 560.
 5. 222.
8. Мактабнинг умумий болалар сони қанчадан ошса, ошхона режалаштирилади?
1. 120.
 2. 220.
 3. 324.
 4. 624.
 5. 1200.
9. Мактабнинг асосий хоналарида табиий ёритилганлик параметрларининг даражасини кўрсатинг:
1. ТЁК – 1.5%, ЁК – 1:5, ЧК – 1:2, СТК – 1:2;
 2. ТЁК – 1.5%, ЁК – 1:6, ЧК – 1:2, СТК – 1:2;
 3. ТЁК – 1.0%, ЁК – 1:4, ЧК – 1:2, СТК – 1:3;
 4. ТЁК – 2.0%, ЁК – 1:5, ЧК – 1:3, СТК – 1:2;
 5. ТЁК – 1.5%, ЁК – 1:8, ЧК – 1:2, СТК – 1:2.
10. Аэрация нима?
1. Ҳавонинг алмашинуви.
 2. Ҳавонинг хонадаги табиий миқдори.
 3. Ҳавонинг таркибидаги чангнинг миқдори.
 4. Ҳавонинг табиий йўл билан алмашинуви.
 5. Ҳавонинг сунъий йўл билан алмашинуви.

МАВЗУТА ТЕГИШЛИ ЎРГАТУВЧИ, НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ДАСТУРЛАР

- 1. Умумтаълим мактабларини лойиқалаштириш ва қуришда фойдаланиладиган асосий қонуний ҳужжатни ишлаб чиқаришда фойдаланилган ҳужжатларнинг тўғри вариантини кўрсатинг:**
 1. ҚМҚ 2.07.01. – 1994.
 2. ҚМҚ 2.01.05. – 1998.
 3. ҚМҚ 0033 – 1994.
 4. ҚМҚ 0038 – 2003.
 5. ГОСТ 950: 2000.
 6. СанМ ва Қ 0065 – 1996.
 7. ҚМК 2.04.01. – 1997.
 8. СанМ ва Қ 0097 – 2000.
 9. ҚМҚ 2.04.05. – 1994.
 10. СанМ ва Қ 0095 – 2000.
- 2. Умумтаълим мактаблари ер майдонининг битта болага тўғри келадиган таркибий қисмларини кўрсатинг:**
 1. 40 дан 400 ўрингача 5 м.кв.
 2. 40 дан 400 ўрингача 1.25 м.кв.
 3. 400 дан 500 ўрингача 35 м.кв.
 4. 400 дан 500 ўрингача 60 м.кв.
 5. 500 дан 600 ўрингача 50 м.кв.
 6. 600 дан 800 ўрингача 40 м.кв.
 7. 800 дан 1000 ўрингача 33 м.кв.
 8. 500 дан 600 ўрингача 40 м.кв.
 9. 600 дан 800 ўрингача 25 м.кв.
 10. 800 дан 1000 ўрингача 35 м.кв.
- 3. Умумтаълим мактаблари ер майдонининг асосий таркибий қисмларини кўрсатинг:**
 1. Жисмоний – тарбия спорт.
 2. Бошлангич – ҳарбий тайёргарлик.
 3. Дам олиш.
 4. Гуруҳ.
 5. Ҳовли – боғ.
 6. Ўқув – тажриба.
 7. Хўжалик.
 8. Ўқув – ишлаб чиқариш.
 9. Гулхан ёкиш.
 10. Ётоқхоналар комплекси.
- 4. Умумтаълим мактаблари биносидағи асосий гуруҳ хоналарини кўрсатинг:**
 1. 1 – 4 – синфлар учун синф хоналари.
 2. 5 – 9 – синфлар учун ўқув секциялари.

3. 1 – 4 – синфлар учун ўқув секциялари.
4. 5 – 9 – синфлар учун алоҳида ўқув бинолари корпуси.
5. Меҳнат таълими учун хоналар.
6. Куни узайтирилган гурӯҳлар учун хоналар.
7. Ўқув – спорт ва маданий маърифий ишлар учун хоналар тўплами.
8. Мусиқа – гимнастика заллари.
9. Ухлаш хоналари комплекслари.
10. Маданий дам олиш ва фортопиано хоналари.

5. Ўқув – тажриба минтақасида жойлаштирилиши лозим бўлган объектларни кўрсатинг:

1. Иssiқхоналар.
2. Географик минтақалар.
3. Куёнхоналар.
4. Метериологик участкалар.
5. Устахоналар.
6. Югуршиш майдончалари.
7. Дам олиш ўринлари.
8. Кўкаламзорлаштириш майдонлари.

6. Мактабнинг асосий хоналарига кирувчи хоналар тўпламини кўрсатинг:

1. Синф хоналари.
2. Дам олиш хоналари.
3. Спорт заллари.
4. Ошхоналар.
5. Кабинетлар.
6. Фаоллар заллари.
7. Лабораториялар.
8. Устахоналар.
9. Ўқитувчилар хонаси.
10. Тиббий кабинет.

7. Спорт залининг асосий ўлчамини (м.кв) кўрсатинг:

1. 144.
2. 155.
3. 172.
4. 162.
5. 288.
6. 450.
7. 560.

8. Мактаб тиббий хоналарининг асосий ўлчамларини м. кв да кўрсатинг:

1. Шифокор хонаси – 14.
2. Тип шифокори хонасининг ўлчами – 12.
3. Шифокор хонаси – 12.
4. Муолажа хонаси – 12.

5. Психолог хонаси – 10.
 6. Тиш шифокори хонасининг ўлчами – 14.
 7. Муолажа хонаси – 14.
 8. Психолог хонаси – 16.
- 9. Мактаб асосий хоналарининг битта ўқувчига тўғри келадиган ўлчамларини кўрсатинг:**
1. Синф хоналари – 2. м²
 2. Кабинетлар – 2.5 м²
 3. Лингафон хоналари – 2 м²
 4. Лабораториялар – 2.4 м²
 5. Меҳнат таълим хоналари – 2.5. м²
 6. Меҳнат таълим хоналари – 6 м²
 7. Синф хоналари – 1.25. м²
 8. Кабинетлар – 2.0 м²

АМАЛИЙ КЎНИКМА

УМУМТАЛЬИМ МАКТАБЛАРИ ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА САНИТАР-ГИГИЕНИК ЭКСПЕРТИЗА ЎТКАЗИШ ВА ХУЛОСА БЕРИШ

Болалар муассасаларини экспертизадан ўтказиш – болалар ва ўсмиirlar гигиенаси соҳасидаги ОСНнинг бир қисми ҳисобланади.

Бундай экспертизани ўтказиш учун қўйидагилар зарур: кўриб чиқиш учун тақдим этилган лойиҳа материалари, СанҚваМ – 01.02 – 2000, 0077 – 97.

ҲАРАКАТ АЛГОРИТМИ

1. Тақдим этилган лойиҳа маълумотларининг тўлиқилиги ва сифатининг таҳлили.
2. Тушунтириш хати билан танишиш.
3. Вазиятни режани баҳолаш.
4. Бош режани баҳолаш.
5. Бицо кесмаларни баҳолаш:
 - бинолар сони, уларнинг тузилиш, қаватлилиги;
 - бинолар сони, уларнинг тузилиш, қаватлилиги;
 - кириш эшикларининг сони ва уларнинг жойлашган ўрни;
 - асосий хоналарнинг тўғри жойлашгандиги;
 - ўқув устахоналарининг мавжудлиги ва уларнинг жойлашиши;
 - ёрдамчи хоналарнинг мавжудлиги ва жойлашиши;
 - спорт зали ва рекреация хоналари;
 - маъмурӣ – жамоат хўжалик хизмат хоналарига гигиеник тарьиф.
6. Санитар – техник жиҳозларни баҳолаш.
7. Хулоса ёзиш (303 шакл) ва уни журналда қайд қилиш.

7.3. Касб – ҳунар мактабларининг лойиҳасини санитар-гигиеник баҳолаш

I. Умумий маълумотлар.

Касбий мактабнинг тури (халқ хўжалигининг қайси тармоғига тегишли).

2. Қанча болалар сонига мүлжалланган?

II. Ер майдони.

1. Шаҳар маркази, туман ва аҳоли яшаш жойининг марказида жойлаштирилиши (саноат корхоналари атрофида жойлаштирилиши, санитария ҳимоя минтақасига риоя қилиниши).

2. Гаражлар, техник ижодкорлар марказлари, автомобил ва темир йўллари, қизил чизиқ масофаси ва бошқалар);

3. Умумий майдони.

4. Кўкаlamзорлаштириш майдони, яшил дараҳтларнинг жойлаштирилиши.

5. Ер майдонидаги йўлаклар; хўжалик зonasига чиқадиган алоҳида йўллар.

6. Ер майдонининг таркибий қисми: ўқув – ишлаб чиқариш, спорт, хўжалик ва яшаш минтақалари ва уларнинг бир – бири билан алоқаси.

7. Спорт зонаси – спорт майдонининг таркиби ва иншоотлари, уларнинг майдони.

III. Бино.

Бинонинг корпузлари сони, функционал таркиби ва уларнинг алоқаси.

Бинонинг қаватлари.

Ўқув хоналари:

1. Ўқув хоналари ва гуруҳ аудиториялари – уларнинг сони; узунлиги ва чуқурлиги, синфларнинг умумий майдони, табиий ёритилганлик даражаси, ориентацияси, ёруғлик коэффициенти, чуқурлик коэффициенти.

2. Мутахассислик йўналишпидаги ўқув кабинетларининг майдони, табиий ёритилганлик даражаси.

2. Лабораториялар, майдони ва табиий ёритилганлик даражаси.

3. Техник ўқув воситалари хонаси.

4. Ўқув мосламаларни тайёрлаш хоналари.

5. Маъруза хоналари

Ўқув – ишлаб чиқариш хоналари (устахоналар):

Ишлатилиши ва сони; узунлиги, чуқурлиги, умумий майдони ва бир болага тўғри келадиган майдони; баландлиги ва кубатураси, битта ишчига ва умумий тўғри келадиган майдони; табиий ёритилганлиги (ориентацияси, ёруғлик коэффициенти, чуқурлик коэффициенти); жиҳозлари (кийимларни сақлаш шкафлари, ювиш мосламалари ва бошқалар); ёрдамчи хоналари (жиҳозларни сақлаш, омборхоналар ва бошқалар).

Спорт хоналари: 1) спорт зали – ўлчами, залнинг баландлиги ва майдони, табиий ёритилганлиги, ҳавонинг алмашинуви мумкинлиги;

2) улоқтириш – майдони;

3) инструкторлар хонаси – майдони;

- 4) спорт анжомларини сақлаш хонаси – тавсияси ва майдони;
- 5) ечиниш, чўмилиш ва ҳожатхона – майдони, қурилмалар сони.

Маданий – майший хизмат хоналари:

- 1) фаоллар зали – умумий майдони ва битта томошибинга мўлжалланган майдони, баландлиги, чиқиши эшиклари сони;
- 2) киноаппаратлар хонаси, радио тармоғи – жойлаштирилиши, майдони;
- 3) тўгарак хоналари – майдони, сони;
- 4) кутубхона – китоблар сақлаш хонаси билан – майдони;
- 5) ўқув заллари – умумий майдони ва битта ўқувчига мўлжалланган майдони;
- 6) техник ижодкорлар хонаси – сони, майдони;
- 7) фотолабораториялар – жойлаштирилиши, майдони;
- 8) умумий жамоат ташкилотлари хонаси – майдони.

Овқатланиш хоналари:

- 1) овқатланиш зали тарқатиш ўрни билан – умумий майдони;
- 2) ишлаб чиқариш хоналари – жамламаси, майдони;
- 3) хизматчилар ва майший хизмат хоналари – жамламаси, майдони.

Ёрдамчи хоналар:

- 1) рекреация хоналари – битта болага тўғри келадиган майдони;
- 2) ювениш, чўмилиш ва ҳожатхоналар – жойлаштирилиши, қурилмаларни ўрнатилиш сони, табиий ёритилиши, шлюзлар сони.
- 3). Ечиниш хоналари – битта болага тўғри келадиган майдони, табиий ёритилганлик, деразага нисбатан кийимларни осиш мосламаларининг жойлаштирилиши.

Тиббий пункт: 1) шифокор хонаси – жойлаштирилиши, майдони;

- 2) муолажа хонаси – майдони;
- 3) стоматолог хонаси – майдони.

Маъмурий – хизмат хоналари:

- 1) директор ва унинг муовинлари хонаси;
- 2) ўқитувчилар хонаси;
- 3) усталар хонаси;
- 4) расмиятхона, ҳисоб – китоб хонаси;
- 5) техник ходимлар хонаси;
- 6) қоровуллар хонаси; унинг алоҳидалиги.

Ётоқхона:

- 1) ётоқхоналарнинг жойлаштирилиши (алоҳида биноларда жойлаштирилиши ва асосий бинонинг хоналари билан оралиқ масоғаси);
- 2) яшаш хоналари, қанча ўқувчига мўлжалланган, битта ўқувчига тўғри келадиган майдон;
- 3) ёрдамчи хоналар ва маданий – майший хизмат хоналарининг таркиби ва майдони;

4) изолятор – битта даволанувчига ажратилган майдони, жиҳозлари;

Санитар – техник қурилмалар ва иншоотлари

1. Сув билан таъминланиши (тури, лаборатория, санитария тармоғи ва ювиниш хоналарига совуқ ва иссиқ сұв беріш тартиби, ювиниш кабиналарининг сони, ички ёнғинни одини олишга жавоб берадиган меъёрий ҳужжатларда күрсатилган санитария жиҳозларининг сони).

2. Канализация (тизими, меъёрий күрсаткичларга мос келадиган санитария жиҳозларининг сони).

3. Иситиши (тизими, ташувчилар ва иситиши жиҳозларнинг туриси, уларнинг жойлаштирилиши, спорт залы ва рекреация хоналарида ҳимоя түсінлари, қурилиш – климатик минтақаларга мос келадиган асосий хоналардаги ҳарораттнинг гигиеник мөндерлари).

4. Вентиляция (тизими, синф хоналари, кабинетлар, спорт заллари, ошхона ва алоқида хоналарда ажратилган тортувчи вентиляцион қурилмаларнинг мавжудлуги ва сони, ҳавонинг алмашиниши сони). Ўқув хоналари ва кабинетлар, иссиқлик күтарилиши мүмкін бўлган хоналардаги фрамуга ва форточкаларнинг сони, асосий хоналарда ҳавонинг оқими ва тортилиш миқдори.

5. Сунъий ёритилиши. Ёритиши манбалари, ёритиши мосламаларининг туриси, ёритиши нуқталарини жойлаштириш, ёритиши қуввати, электр кучининг солиштирум оғирлиги, спорт залларида ултрабинафша нурларнинг манбалари.

IV. Материалларнинг таҳлили ва холоса

Материалларнинг таҳлили қуидаги йўналишда ташкиллаштирилади:

- Лойиҳа ўқув жараёнини ташкиллаштириш ва касбий таълимни ташкиллаштиришга қулай шароит яратадими?
- Лойиҳа ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш учун шароит яратадими?
- Лойиҳа ўқувчиларни дам олиш ва овқатланишига қулай шароит яратадими?
- Етарли даражада табиий ва сунъий ёритишига лойиҳа жавоб берса оладими?
- Вилоятлар, туманлар ва узоқ аҳоли яшаш минтақаларидан келган болаларни яшашига лойиҳада қулай шароит яратилганими?

Холосада лойиҳада келтирилган маълумотларнинг таҳлили ва холосаси меъёрий ҳужжатларнинг талабларига асоссан, лойиҳа қурилишида фойдаланишига рухсат берилади ёки лойиҳа четлаштирилиши тўғрисида 303 – шакл тўлдирилади.

Касбий мактаблар ер майдони ва биносига бўлган гигиеник талаблар

Касбий мактаблар коллежларни аҳоли яшаш жойларида лойиҳалаштириш ва қуриш, қурилиш меъёр ва қоидаларининг талабларига асосан шаҳар ва қишлоқ шароитида амалга оширилади.

Касбий мактаблар ва коллежлар 540, 720, 960, 1440, 1920 ўринларга лойиҳалаштирилади.

Коллежлардаги болаларнинг умумий сони, лойиҳалаштириш топшериқларига асосан амалга оширилади; болаларнинг сонини режалаштириш шаҳар шароитида аҳолининг сони 10.000 дан ошса, 3 % ҳисобидан, касбий мактабларнинг лойиҳалаштиришида шаҳар шароитида 20.000 дан ошса умумий аҳолининг 5% ҳисобидан олинади.

Касбий мактаблар шаҳар ва кичик шаҳарларнинг мустақил аҳоли яшаш жойига, саноат туманларининг корхоналарига яқин ерлар га жойлаштирилади.

Қишлоқ шароитидаги касбий мактаблар ва коллежлар туманнинг қоқ марказида, шунингдек, тумандаги ишлаб чиқариш корхоналарининг ёки қишлоқ хўжалигининг яқинида жойлаштирилади.

Касбий мактабнинг ер майдони шамолга нисбатан аҳоли яшаш жойидан шамолнинг эсиш йўналишига қараб, шунингдек, туманнинг истиқболли ривожланишини инобатта олган ҳолда қурилиши керак.

Коллежга ер майдонини танлашда ва ажратишда туманнинг климатогеографик ҳусусиятлари ва 25 йил давомида ушбу ер майдонининг нима мақсадда фойдаланилганини билишимиз шарт.

Ер майдони яхши қуёш нури тушадиган ва шамоллатиладиган жойга эга бўлиши керак. Ер майдони чиқинди сувларни чиқиб кетишига табиий қулай шароитга эга бўлиши, тупроқнинг ҳолати қуруқ, ифлосланиш даражаси паст, сувнинг ҳолати ердан 1,5 – 2,0 м.дан юқори бўлмаслиги керак. Шуни нгдек шаҳар автотранспортига қулай бўлиши керак.

Касбий мактаблар ва коллежларнинг ер майдонининг ўлчами 7.3.1. – жадвалда кўрсатилган тартибга мос келиши керак.

Жадвал 7.3.1.

Ер майдонининг ўлчамлари

Ўқувчилар сони	480	720	960	1440	1920
Ер майдони, га	6	5	4	3,2	3

Касбий мактабларнинг ер майдони кўкаlamзорлаштирилган майдон билан чегараланади ёки 1,2 м баландликда чегара минта қаси билан чегараланиши керак. Кўкаlamзорлаштирилган

майдон умумий ер майдонининг 50 % ни ташкил қилиши керак. Касбий мактаблар қишлоқ жойларда ёки ўрмон ва боғ минтақаларда жойлаштирилганда, кўкарамзорлаштирилган майдонни 30 % гача қисқартириш мумкин.

Касбий мактабнинг асосий биноси қизил чизиқдан 15 м.гача жойлаштирилиши керак.

Агар касбий мактабнинг асосий биноси катта транспорт йўлининг атрофида жойлаштирилган бўлса, ўқув биносигача масофа 50 метрни ташкил қилиши лозим.

Бинонинг атрофи ободонлаштирилган бўлиши керак. Ўқувчилар юрадиган қисми қаттиқ қоплама билан қопланиб, сунъий чироқлар билан жиҳозланиши керак (ердан 20—40 лк).

Ер майдони қўйидаги минтақаларга ажратилиди:

- 1) ўқув ишлаб чиқариш минтақаси — ўқув ва ишлаб чиқариш корпуслари жойлаштирилади, маҳсуслаштирилган ўқув полигонлари, қишлоқ касбий мактабларида — автомобилларни сақлаш, автомобил ва тракторларни сақлаш ўринлари ажратилиши керак;
- 2) спорт минтақаси — 0,9 га ни ташкил қилиб, спорт залига яқин ва ўқув хоналаридан узоқликда жойлаштирилиши керак; спорт минтақаси ўз таркибига 4900 m^2 ли спорт ядро-сини олиб: буларга волейбол, баскетбол, футбол ўйнаш майдонлари киради;
- 3) яшаш минтақаси ўқув ва спорт минтақасига қулай жойида жойлаштирилиши керак;
- 4) хўжалик минтақаси бошқа минтақалардан кўкарамзорлаштирилган майдон орқали ажратилиб, алоҳида кириш ва чиқиш йўлига эга бўлиши керак.

Касбий мактаблар ер майдонининг барча минтақалари бинога ва бир—бири билан қулай борлиқликка эга бўлиши керак.

Касбий мактаблар биносининг баландлиги 4 қаватдан кам бўлмаслиги керак. Хоналарнинг таркиби ва майдони касбий мактабнинг мутахассислик турига боғлиқ бўлади. Функционал тавсиясига кўра, хоналарни қўйидагида бирлаштириш лозим: назарий машғулотлар учун ўқув хоналари, ўқув ишлаб чиқариш устахоналари, ўқув—спорт, маданий—маиший йўналишдаги хоналар, маъмурӣ хўжалик, ёрдамчи хоналар, омборхоналар, ошхона ва ётоқхоналар.

Алоҳида гуруҳли хоналарни бирлаштирилган ҳолда жойлаштирилиши ер майдони ва бири—бирига қулай боғланиши, ўқув жараёни ва дам олишни ташкиллаштиришга қулай шароит яратишдан иборат.

Ўқув хоналари— ўқув—ишлаб чиқариш устахоналари, спорт, фаоллар зали, овқатланиш блокидан ажратилган бўлиши керак.

Назарий машғулотлар учун мўлжалланган, ўқув хоналарининг таркиби ва майдони 7.3.2.— жадвалда кўрсатилган.

Кийимларни сақлаш ва вестюбл майдони битта ўқувчига $0,25 \text{ m}^2$ дан кам бўлмаган ҳолда лойизалаштирилиши керак: рекреацион хоналарда битта ўқувчига $0,6 \text{ m}^2$ дан майдон ажратилиши керак.

Жадвал 7.3.2. ЎҚУВ ХОНАЛАРИНИНГ ТАРКИБИ ВА МАЙДОНИ

№	Хоналар	Ўқувчилар сони	Майдони m^2
1	Ўқув хоналари, гурӯҳ аудиториялари	30	50
2.	Хорижий тиллар учун ўқув хоналари	15	36
3.	Потокли маъруза хоналари	60	72
4.	Потокли маъруза хоналари	90	108
5.	Потокли маъруза хоналари	120	140
6.	Мутахассислик ўқув кабинетлари	30	60 – 72
7.	ТУВ кабинетлари	30	72
8.	Лабораториялар, чизмачилик ишлари хоналари, курс ва диплом иши хоналари	30	72 – 90
9.	Лабораториялар, чизмачилик ишлари хоналари, курс ва диплом иши хоналари	15	36 – 60
10	Препаратлар тайёрлаш хонаси	–	18

Изоҳ:

1. Панелли ва каркасли биноларда жойлаштириладиган ўқув хоналари ва гурӯҳли аудиторияларининг майдони 54 m^2 гача узайтирилади.

2. 6, 8, 9 – пунктларда кўрсатилган хоналарининг майдонлари технологик жиҳозларнинг жамламаси ва ўлчамига боғлиқ бўлади.

3. 81 m^2 ли бўлган лабораториялар ўқув – ишлаб чиқариш корпусларида жойлаштирилади.

Ўқув биносининг ҳар бир қаватида ва унинг ҳар бир бўйимларида ўғил ва қиз болаларга, шунингдек, ўқитувчилар ва хизматчилар учун алоҳида санитария тармоғи режалаштирилиши керак.

Санитария тармогининг чиқиш эшиги ўқув хоналарининг чиқиш эшигига қаратилиши ва уларнинг яқинида жойлаштирилиши керак эмас (синфлар, кабинетлар, тажриба хоналари, устахоналари).

Ўқув ишлаб чиқариш устахоналари ва ўқув полигонларининг таркиби ва майдони ҳалқ хўжалигининг ва ишлаб чиқариш корхоналари жиҳозларининг жойлаштириши тартибига қараб меъёrlаштирилади.

Касбий мактабларнинг ва коллежларнинг мутахассислик йўналишига қараб, жиҳозларни сақлаш учун омборхоналар, жиҳозлар, хом ашёлар ва уларни тайёрлаш ва тайёр маҳсулотларни сақлаш хоналари режалаштирилади.

Ҳар бир устахоналарда кийимларни сақлаш учун маҳсус шкафлар ва иссиқ ва совуқ сув тарқатиладиган қўл ювиш кранлари ўрнатилиши керак (гурӯҳ устахоналарида қўл ювиш кранларининг сони 4 тадан кам бўлмаслиги керак).

Кимёвий зарарли воситалар билан ишлашга мослаштирилган ёки чиқиндилар (чанг, кимёвий заҳар) ажратадиган (электр ва газ пайванҷилар) устахоналари самарали вентиляцион қурилмалар билан жиҳозланиши керак. Металларни кесиш ва қайта ишлаш, таъмирлаш устахоналари, кўп ўлчамли ва оғир жиҳозлар билан ишлашга мослаштирилган устахоналар ёки лабораториялар бинонинг биринчи қаватида жойлаштирилиши керак.

Спорт заллари ўқув академик ва дарсдан ташқари секция машғулотларига мослаштирилиб, режалаштирилиши керак. 1920 ўринли касбий мактаблар ва коллежларда спорт залининг ўлчами $36 \times 18 \text{ m}^2$ ва баландлиги 8 м бўлиши керак, 1440 ва 960 ўринли коллежларда $30 \times 18 \text{ m}^2$ ва баландлиги 7 метргача режалаштирилади, 720 – 540 ўринли коллежларга $24 \times 12 \text{ m}^2$ ли, баландлиги 6 метргача, 1440 – 1920 ўринга мўлжалланган коллежларда $18 \times 9 \text{ m}^2$ ва баландлиги 5,4 м.ни ташкил қиласидиган спорт зали ва тиббий гурӯҳлар учун мўлжалланган хоналар бўлиши керак.

Спорт заллари бинонинг биринчи ва иккинчи қаватида жойлаштирилиши керак. Уларнинг ёнидан ва тагида ўқув хоналари, маъмурият ва шифокор хонаси жойлаштирилиши мумкин эмас, бироқ улар билан қулаге алоқада бўлиши керак.

Спорт залида $25 \times 11 \text{ m}^2$ га эга бўлган бассейн режалаштирилиши керак, ундаги мажбурий машғулотларнинг йил давомидаги соати 48 соатдан кам бўлмаслиги керак.

Ўқув ишлаб чиқариш ва ўқув спорт хоналари бир – бири билан алоқада ажратилган бўлимларда ва биноларда жойлаштирилиб, асосий бино билан ўтиш йўлаклари боғланиши керак.

Спорт заллари ва ўқув – ишлаб чиқариш устахоналари бир – бири билан иссиқ йўлаклар билан боғланган ҳолда ўқувчиларнинг кийимларини ечиш ва сақлаш хоналари ажратилиши керак.

Фаоллар залининг майдони касбий мактаблар шаҳар ёки кичик шаҳарларда жойлаштирилган бўлса, $1/3$ қисм болалар киришига жойлаштирилиши керак, қишлоқ жойларда $1/2$ қисм болалар дам олишига мослаштирилиши керак.

Фаоллар залидаги тўтарак машғулотлари учун мўлжалланган хоналар, аппаратларни сақлаш хоналари, кинопроекцияларни

сақлаш хоналарини алоҳида бўлим ёки биноларда жойлаштириш мумкин, иложи бўлмаса ошхона блоки ёки спорт зал блокига бирлаштирилади.

Кутубхона – омборхонаси билан биргалиқда 1 та ўқувчига 40 та китоб фонди ажратилади, 1000 та китоб фонди ҳажмига эга бўлса, 2, 2 m^2 майдон ажратилади. Ўқув залида 1 та ўринга 2,2 m^2 майдон ажратилади.

Жамоат ташкилотлари, маънавият ва маърифат ишларига мўлжалланган хоналарнинг майдони 18 – 42 m^2 , техник ижодкорлар ишини ташкиллаштириш хоналари 36 – 54 m^2 дан, фотолабораториялар учун 6 – 12 m^2 майдон ажратилади.

Овқатланиш блоки хоналари ва ошхона бинонинг биринчи қаватида жойлаштирилиб, чиқиши эшиги хўжалик майдонига қаратилиши керак.

Касбий мактаблар ёки коллежлар бинолари бир неча блоклардан иборат бўлган ҳолларда бир – бири билан ёпиқ йўлаклар билан бирлаштирилиши керак.

Овқатланиш залининг майдони ва ўтириш ўринларининг сони бир марта киришда умумий болаларнинг учдан бир қисмини таъминлаб бериши керак.

Ётоқхона алоҳида бинода жойлаштирилиб, асосий бино билан оралиқ масофаси 500 метрдан ошмаслиги керак.

Ётоқхонанинг хоналари ва уларнинг таркиби қонуний ҳужжатлар талабларига мос келиши керак.

Ётоқхонада яшаш хоналари, ёрдамчи хоналар, ўқувчиларнинг маданий – майший дам олиш хоналари ва тиббий хизмат хоналари бўлиши керак.

Ётоқхонанинг яшаш хоналари 2 – 3 кишилик хоналардан иборат бўлиши керак, битта ўқувчига 4 ва 6 m^2 майдон ажратилиши керак.

Изолятор хонаси 2 та ўриндан ошмаган ҳолда лойиҳалаштирилиши, майдони битта ўринга 7 m^2 майдонни ташкил қилиши керак. Палата санитария тармоғи, унитаз, душ ва қўл ювиш ўринлари билан жиҳозланиши керак.

Тиббий хоналар қоидага биноан ўқув биносида жойлаштирилиши керак. Муолажа хонаси шифокор кабинети билан биргалиқда жойлаштирилиши керак. Шифокор хонасининг майдони 10 – 12 m^2 , муолажа хонаси 8 – 12 m^2 , стоматолог хонаси 12 m^2 бўлиши керак.

Маъмурий хўжалик хизмати хоналарининг таркибига директор хонаси – 15 m^2 , директор мувовини хонаси 12 m^2 , ўқитувчилар хонаси 30 – 60 m^2 , усталар хонаси – 18 – 24 m^2 , катта мураббийлар хонаси – 8 m^2 , шунингдек, расмиятхона 8 – 12 m^2 , ҳисоб – китоб хонаси 12 – 18 m^2 , техник хизматчилар хонаси 8 – 12 m^2 , қоровуллар хонаси 27 m^2 ни ташкил қилиши керак.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Касбий мактабларнинг асосий вазифаларини тушунтириб беринг.
2. Аҳоли яшаш жойларида касбий мактабларни жойлаштиришнинг гигиеник талабарини санаб беринг.
3. Касбий мактабларнинг лойиҳа турларини кўрсатинг.
4. Касбий мактаб лойиҳасидаги режалар ва уларга бўлган талабарни тушунтириб беринг.
5. Бош режа ва унинг гигиеник талабарини санаб беринг.
6. Касбий мактабнинг ер майдонининг таркибий қисмлари ва уларга қўйилган гигиеник талаблар.
7. Касбий мактаб биносига бўлган гигиеник талабарни тушунтириб беринг.
8. Касбий мактабнинг ишлаб чиқариш устахоналарига бўлган гигиеник талабарни кўрсатинг.
9. Касбий мактаб биноси ориентациясига бўлган гигиеник талаблар.
10. Касбий мактабларнинг ошхоналарига бўлган гигиеник талабарни тушунтириб беринг.
11. Касбий мактабларнинг ишлаб чиқариш хоналарига қўйилган гигиеник талабларни кўрсатинг.
12. Касбий мактабларнинг тиббий хоналарига қўйилган гигиеник талабарини тушунтириб беринг.
13. Ҳаво – иссиқлик алмашинуви ва ёритилганликка бўлган гигиеник талаблар.

МАВЗУГА ТЕГИШЛАИ ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- 1. Касбий мактабларни қуришнинг асосий гигиеник мезонларини кўрсатинг:**
 1. Касбий ишлаб чиқариш таълимига қулай шароит яратиш.
 2. Болаларни ҳаракат фаоллигига қулай шароит яратиш.
 3. Ўқитиши ва меҳнат таълимига қулай шароит яратиш.
 4. Ўсмирлар орасида алоҳидалик мезонига риоя қилиш.
 5. Жисмоний тарбия ва чиниқтириш ишларини ташкиллаштириш.
- 2. Касбий мактабларни қўшилиш мумкин бўлган гуруҳ хоналарини кўрсатинг:**
 1. Ўқув, ўқув – ишлаб чиқариш, ётоқхона.
 2. Гуруҳ хоналари.
 3. Маданият ва маърифат ишлари, хўжалик хизмати хоналари.
 4. Умумтаълим ва касбий таълим лабораториялари.
 5. Ўқув ишлаб – чиқариш, гуруҳ, тиббий хизмат хоналари.
- 3. Касбий мактабларда тиббий хизмат хоналарининг асосий ўлчамларини кўрсатинг:**

1. Шифокор хонаси – 10 – 12 м².
 2. Муолажа хонаси – 4 – 5 м².
 3. Стоматолог хонаси – 18 м².
 4. Шифокор хонаси – 15 – 18 м².
 5. Соғломлаштириш хонаси 5 – 7 м².
4. **Касбий мактабларнинг тиббий пунктининг асосий вазифасини кўрсатинг:**
1. Биринчи ва шошилинч ёрдам кўрсатиш, даволаш муолажалари.
 2. Болалар орасида жисмоний тарбия машғулотларини назорат қилиш.
 3. Тўлиқ тиббий хизматни ташкиллаштириш.
 4. Рационал овқатланиш ва чиниқтириш ишларини назорат қилиш.
 5. Болаларнинг жисмоний ривожланишини назорат қилиш.
5. **Касбий мактаблар типик лойиҳасида кўрсатилган асосий корпусларни кўрсатинг:**
1. Умумтаълим ва маҳсус фанлар учун мўлжалланган назарий машғулотлар корпуси.
 2. Гуруҳ хоналари ва ячейкалари корпуси.
 3. Меҳнат таълим хоналари корпуси.
 4. Мусиқа гимнастика заллари ва спорт машғулотлари корпуси.
6. **ҚМҚ бўйича касбий мактабларнинг асосий зоналарини кўрсатинг:**
1. Гуруҳ, кўкаlamзорлаштирилган, хўжалик, спорт;
 2. Ўқув – тажриба, спорт, дам олиш, яшаш;
 3. Ўқув – ишлаб чиқариш, спорт, яшаш, кўкаlamзорлаштирилган;
 4. Ўқув – ишлаб чиқариш, спорт, хўжалик, яшаш;
 5. Ўқув – ишлаб чиқариш, спорт, хўжалик, яшаш, ҳовли – боғ.
7. **Ўқув – тажриба зонасида жойлаштириш мумкин бўлган корпусларни кўрсатинг:**
1. Назарий машғулотлар корпуси, умумжамоа – майший, ўқув – тажриба устахоналари.
 2. Назарий машғулотлар корпуси, тиббий – хизмат, ўқув – тажриба устахоналари.
 3. Амалий машғулотлар корпуси, умумжамоа – майший, ўқув – тажриба устахоналари.
 4. Назарий машғулотлар корпуси, умумжамоа – майший, ётоқхоналар.
 5. Амалий машғулотлар корпуси, умумжамоа – майший, ётоқхоналар.
8. **Болалар ва ўсмиirlар муассасасини қуришда ер майдонини ганланшининг асосий мезонини санаб беринг:**
1. Аҳоли яшаш жойига яқин.
 2. Атроф – муҳитни ифлословчи корхоналардан 1 – 1,5 км узоқда.

3. Ер майдонининг ўлчами болалар сонига нисбатан 80% етарли даражада бўлиши керак.
 4. Назарий машгулотларга етарли даражада ер майдони ажратилиши керак.
 5. Ўқув – тажриба устахоналарига ажратилган майдонлар етарли бўлиши керак.
9. **Б.Ў.М. қуришда ишчи лойиҳасида келтирилган ҳужжатларниң тўғри вариантини кўрсатинг:**
1. Лойиҳага тушунтириш хати.
 2. Бош режага тушунтириш хати.
 3. Қаватлилик режасининг асосий ўлчамлари ва уларнинг нисбати.
 4. Фасадлар режасининг асосий ўлчамлари ва безатилиши.
 5. Сантехник жиҳозлар режаси ва уларнинг турлари.
10. **Бош ва ситуацион режани экспертиза қилишдаги асосий талабларни кўрсатинг:**
1. Шамол, чизмадаги ўлчамлар ёки масштаб.
 2. Корхоналарни жойлаштирилиши тартиби.
 3. Фасадларнинг режаси ва ўлчамлари.
 4. Кўкаlamзорлаштирилган майдоннинг асосий кўрсаткичлари.
 5. Шамолга нисбатан бинонинг жойлаштирилиши.
11. **Лойиҳадаги санитар-техник чизмаларниң асосий таркибий қисмини санаб ўтинг:**
1. Сув билан таъминланганлик лойиҳаси.
 2. Фасадлар лойиҳаси.
 3. Ер майдонининг ўлчамлари.
 4. Ертўланинг лойиҳаси.
 5. Ёритилиш тармоқларининг лойиҳаси.
12. **Боц режанинг экспертизасида аниқланадиган асосий кўрсаткичларни айтинг:**
1. Майдон ўлчами.
 2. Вентиляцияни режалаш.
 3. Кўкаlamзорлаштирилган майдондаги экинларни жойлаштириши.
 4. Ёритилиш режаси.
 5. Ертўланинг режаси ва ўлчами.
13. **Ўқувчилар учун мўлжалланган устахоналарда кенг тармоқли иш ўринларининг тўғри жавоб вариантини кўрсатинг:**
1. Электр чилангарлар – 4–6 м².
 2. Электр газ пайвандчилар – 5,5–9,5 м².
 3. Турли мутахассисликдаги темирчилек устахоналари – 5–15 м².
 4. Кўп ўлчамли жиҳозланган чилангар – темирчилар – 20–22 м²;
 5. электр чилангарлар – 6–12 м²;

14. Касбий мактаблар ўқув хоналарини ўлчамининг тўғри вариантини кўрсатинг:

1. Умумтаълим фанлари учун кабинетлар – 60 м².
1. Максус фанлар учун кабинетлар – 50–62 м².
2. Умумтаълим ва максус фанлар учун лабораториялар – 66 м².
3. Маъруза машгуотлари учун аудиториялар – 60 м².
4. Препаратлар учун хоналар – 14 м².

15. Касбий мактаб ёрдамчи хоналар ўлчамининг тўғри вариантини кўрсатинг:

1. Вестибюл ечиниш ўрни билан 1 ўринга 0,25 м².
2. Рекреация хоналари 1 ўринга 0,42 м².
3. Қизлар ва болалар учун умумий санитария тармоғи 1 тадан мослама билан.
4. Шахсий гигиена хонаси 1 ўринга 5 м².

16. Касбий мактабнинг маший хоналари турини кўрсатинг:

1. Кийим тозалаш ва дазмоллаш хоналари, кийим қуритиш хоналари, кийим ювиш хонаси қуритиш ўрни билан.
2. Кийим тозалаш, кийим қуритиш хоналари, кийим ювиш хонаси қуритиш ўрни билан, дам олиш заллари.
3. Дам олиш заллари, маданий фаолият тўтарак хоналари ва кийим тозалаш хоналари.
4. Маданий тўтарак фаолияти хоналари, ходимларнинг дам олиш хоналари.
5. Кийим тозалаш ва дазмоллаш хоналари, кийим ювиш хонаси, гигиеник хоналар, тиббий хоналар.

17. Касбий мактабларнинг маъруза заллари асосий ўлчами ва ўринини кўрсатинг:

1. 60 ўрингача – 72 м², 90 ўрингача – 108 м², 120 ўрингача – 140 м²;
2. 60 ўрингача – 66 м², 90 ўрингача – 72 м², 120 ўрингача – 140 м²;
3. 60 ўрингача – 72 м², 90 ўрингача – 118 м², 120 ўрингача – 120 м²;
4. 60 ўрингача – 72 м², 90 ўрингача – 108 м², 120 ўрингача – 160 м²;
5. 60 ўрингача – 66 м², 90 ўрингача – 108 м², 120 ўрингача – 180 м².

18. Касбий мактаб фаоллар залидаги асосий ёрдамчи хоналарни кўрсатинг:

1. Киноаппаратлар.
2. Кийим ечиш хоналари.
3. Спорт жиҳозларни сақлаш хоналари.
4. Мусиқа, гимнастика заллари жиҳозлари.
5. Ҳожжатхоналар.

19. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналари, чўмилиш ва юваниш ўринларининг керакли ўлчамини кўрсатинг:

- 1 та душ ўрни 15 та болага, 2 та кран 30 та болага.
- 1 та душ ўрни 10 та болага, 1 та кран 30 та болага.
- 1 та душ ўрни 15 та болага, 1 та кран 60 та болага.
- 1 та душ ўрни 15–20 та болага, 2 та кран 20 та болага.
- 1 та душ ўрни 12 та болага, 2 та кран 45 та болага.

20. Касбий мактабларда ўсмирларнинг дам олишини ташкиллаштиришга мўлжалланган гуруҳ хоналарини кўрсатинг:

1. Дам олиш хоналари 1 ўринга $0,3\text{ m}^2$.
2. Ўқув тажриба устахоналари дам олиш ўринлари билан, маданий – майший тадбирлар учун хона.
3. Ошхона, кутубхона, ўқув зами, тиббий хоналар жамламаси.
4. Саломатликни тиклаш маркази – профилактория, заллардаги дам олиш ўринлари, спорт заллари, тренажёр хоналари.

МАВЗУГА ТЕГИШЛАЙ ЎРГАТУВЧИ, НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ДАСТУРЛАР

1. Касбий мактабларни қуришнинг 3 та асосий гигиеник мезонларини кўрсатинг:

1. Касбий ишлаб чиқариш таълимига қулай шароит яратиш.
2. Меҳнат шароити гигиеник талабларига риоя қилишини таъминлаш.
3. Техника хавфсизлигини таъминлаш.
4. Гуруҳ алоҳидалилигига риоя қилиш.
5. Ўқув ишлаб чиқариш ва жисмоний тарбияга қулай шароит яратиш.
6. Мактабдан ташқари фаолиятта қулай шароит яратиш.

2. Касбий мактабларнинг қўшилиш мумкин бўлган 3 та асосий гуруҳ хоналарини кўрсатинг:

1. Ўқув.
2. Ўқув – ишлаб чиқариш.
3. Ётоқхона.
4. Гуруҳ хоналари.
5. Мутахассислик хоналари.
6. Амалий лабораториялар.

3. Касбий мактабларнинг тиббий хизмат хоналари ва 3 та асосий ўлчамларини кўрсатинг:

1. Шифокор хонаси – $10-12\text{ m}^2$.
2. Муолажа хонаси – $8-12\text{ m}^2$.
3. Стоматолог хонаси – 12 m^2 .
4. Шифокор хонаси – $8-10\text{ m}^2$.
5. Муолажа хонаси – $14-16\text{ m}^2$.
6. Стоматолог хонаси – $16-18\text{ m}^2$.

4. Касбий мактаблар тиббий пунктининг 2 та асосий вазифаларини кўрсатинг:

1. Биринчи ва шошилинч ёрдам кўрсатиш.
2. Даволаш муолажаларини олиб бориш.
3. Болаларнинг саломатлик ҳолатини назорат қилиши.
4. Ўқув – ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилиш.

5. Касбий мактаблар тиббий лойиҳасида кўрсатилган 3 та асосий корпусларни кўрсатинг:

1. Умумтаълим ва маҳсус фанлар учун мўлжалланган назарий машғулотлар корпуси.
2. Ўқув – ишлаб чиқариш устахоналари корпуси.
3. Ётоқхона.
4. Гуруҳларга ажратилган ўқув корпуслари.
5. Жисмоний тарбия ва спорт корпуси.
6. Тиббий хизмат ва соғломлаштириш ишларини олиб бориш корпуси.
6. ҚМ ва Қ бўйича касбий мактабларнинг 4 та асосий зоналарини кўрсатинг:

 1. Ўқув – ишлаб чиқариш.
 2. Спорт.
 3. Хўжалик.
 4. Яшаш.
 5. Дам олиш.
 6. Умумий жисмоний тарбия.
 7. Маъмурӣ хўжалик.
 8. Даволаш – соғломлаштирувчи.

7. Ўқув-тажриба миңтақасида жойлаштириш мумкин бўлган 3 та корпусни кўрсатинг:

 1. Назарий машғулотлар корпуси.
 2. Умумжамоа майший.
 3. Ўқув тажриба устахоналари.
 4. Гуруҳ хоналари.
 5. Овқатланиш заллари ва ўринлари.
 6. Маънавият ва маърифат марказлари.

8. Б.Ў.М. қуришда ишчи лойиҳасидаги 6 та асосий қисмни кўрсатинг:

 1. Лойиҳага тушунтириш хати;
 2. Ситуацион режа;
 3. Бош режа;
 4. Қаватлилик режаси;
 5. Фасадлар режаси, бинонинг горизонтал ва вертикал кесмалари;
 6. Санитар – техник жиҳозлар режаси;
 7. Лойиҳанинг титул варақаси;
 8. Ситуацион режа ва унинг қисмлари;
 9. Ер майдонининг ўлчамлари;
 10. Таҳзиқи кўриниш ва тасвири.

9. Бош ва ситуацион режани экспертиза қилишдаги 2 та асосий талабни кўрсатинг:

 1. Шамол.
 2. Чизмадаги ўлчамлар ёки масштаб.
 3. Ер майдонининг ўлчамлари.
 4. Кўкаlamзорлаштирилган майдоннинг ўлчамлари.

10. Лойиқадаги санитар-техник чизмаларнинг 4 та асосий таркибий қисмими санаб ўтинг:

1. Сув билан таъминланганлик лойиҳаси.
2. Канализация лойиҳаси.
3. Вентиляция лойиҳаси.
4. Ёритилиш лойиҳаси.
5. Ер майдонининг ўлчамлари ва унинг тасвири.
6. Электр тармоғининг тасвири.
7. Кўкаламзорлаштирилган майдоннинг тасвири.
8. Жиҳозларни жойлаштириш ва ўрнатиш ўринларининг тасвири.

11. Бош режа экспертизасида керакли 3 та асосий кўрсаткични айтинг:

1. Майдон ўлчами.
2. Майдонни режалаш.
3. Кўкаламзорлаштирилган майдоннинг ўлчами.
4. Майдоннинг гигиеник тасвири.
5. Санитар – техник таъминланиш режаси.
6. Шамол ва унинг йўналиши.
7. Аҳоли яшаш жойига нисбатан жойлаштирилиши.

11. Ўқувчилар учун мўлжалланган устахоналарнинг кенг тармоқди иш ўринларидан 4 та асосий ўлчамини кўрсатинг:

1. Электр чиланглар – 4–6 м.²
2. Электр газ пайвандчилар – 7,5–9 м.²
3. Турли мутахассисликдаги темирчилик устахоналари – 4,5–5 м.²
4. Кўп ўлчамли жиҳозланган чилангар – темирчилар – 8–10 м.²
5. Электр чиланглар – 6–8 м.²
6. Электр нур пайвандчилар – 9–12 м.²
7. Турли мутахассисликдаги темирчилик устахоналари – 5–10 м.²
8. Кўп ўлчамли жиҳозланган темирчилар – 10–15 м.²

13. Касбий мактаблар ўқув хоналарининг 5 та турини кўрсатинг:

1. Умумтаълим фанлари учун кабинетлар – 50 м.²
2. Махсус фанлар учун кабинетлар – 60–72 м.²
3. Умумтаълим ва махсус фанлар учун лабораториялар – 72–90 м.²
4. Маъруза машгулотлари учун аудиториялар – 72–108–140 м.²
5. Препаратлар учун хоналар – 18 м.²
6. Умумтаълим фанлари учун кабинетлар – 50 – 60 м.²
7. Синфларни ажратиб ўқитишга мослаштирилган хоналар – 45 м.²
8. Умумтаълим ва махсус фанлар учун лабораториялар – 72–99 м.²

9. Маъруза машғулотлари учун аудиториялар – 140 м.²

10. Лаборантлар хонаси – 18 м.²

14. Касбий мактабнинг 4 та асосий ёрдамчи хоналарини кўрсатинг:

1. Вестибюл ечиниш ўрни билан 1 ўринга 0,25 м.²
2. Рекреация хоналари 1 ўринга 0,6 м.²
3. Қизлар ва болалар санитария тармоғи
4. Шахсий гигиена хонаси 1 ўринга 3 м.²
5. Вестибюл 1 ўринга 0,42 м.²
6. Рекреация хоналари 1 ўринга 0,46 м.²
7. Қизлар ва болалар санитария тармоғи
8. Қизлар гигиена хонаси 1 ўринга 3 м.²

15. Касбий мактабнинг майший хоналаридан 3 та турини кўрсатинг:

1. Кийим тозалаш ва дазмоллаш хоналари.
2. Кийим куритиш хоналари.
3. Кийим ювиш хонаси қуритиш ўрни Билан.
4. Рекреация хоналари.
5. Қизларнинг гигиеник хоналари.
6. Санитария тармоғи

16. Касбий мактаб маъруза залларининг 3 та асосий ўлчами ва ўрнини кўрсатинг:

1. 60 ўрингача – 72 м.²
2. 90 ўрингача – 108 м.²
3. 120 ўрингача – 140 м²
4. 60 ўрингача – 50 м.²
5. 90 ўрингача – 66 м.²
6. 120 ўрингача – 72 м.²

17. Касбий мактаб фаоллар залидаги 3 та асосий ёрдамчи хоналарни кўрсатинг:

1. Кино аппаратлар.
2. Радиотармоғи.
3. Жиҳозларни сақлаш омборхонаси.
4. Мусиқа тўғраклари хоналари.
5. Маънавият ва маърифат хоналари.
6. Ходимларнинг дам олиш хоналари.

18. Ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари, чўмилиш ва юваниш ўринларининг қеракли ўлчамини кўрсатинг:

1. 1 та душ ўрни 15 та болага.
2. 2 та кран 30 та болага.
3. Битта қўл ювиш крани 20 та болага.
4. 1 та унитаз 30 та қизга, 1 унитаз ва писуар 40 та болага.

19. Касбий мактабларда ўсмирларнинг дам өлишини ташкиллаштиришга мўлжалланган 4 гурӯҳ хоналарини кўрсатинг:

1. Дам олиш хоналари 1 ўринга 0,3 м.²
2. Маданий – майший табдирлар учун хона.
3. Ошхона, кутубхона, ўқув зали.
4. Саломатликни тиклаш маркази – профилактория.
5. Дам олиш хоналари 1 ўринга 0,4 м.²
6. Маданий – майший табдирлар учун хона.
7. Ошхона, овқатланиш заллари билан 20% болаларга мослаштирилиши керак.
8. Кутубхона ўқув заллари ҳамда интернет тармоқлари билан биргаликда 10 % болаларга мослаштирилиши керак.

Мавзуга тегишлай ўқитишнинг янги инновацион технологик усувлари

Мавзу: «Касбий мактаблар лойиҳасига санитар–гигиеник баҳо бериш» мавзусидаги амалий машгулотнинг иш тартибиға қўшимча равишда ўқитишнинг янги технологик усувларидан «Қорбўрон» услубини қўллаш.

Талабалар иккита кичик гурӯҳга ажратилади. Иккита гурӯҳ талабаларига битта муаммо ёки вазият берилади. Ўқитувчи назоратчи сифатида иштирок этади. Талабалари бир – бирлари билан муаммони ёритишда савол жавоб тариқасида мунозарани ташкиллаштиришади. Саволларга жавоб беришда қилинган хатоларни иккинчи гурӯҳ талабалари тўғрилашади. Агар ЎНД фойдаланилса, тўғри жавобларнинг сони саналади.

Услубнинг бошқа бир варианти қуйидаги тартибда олиб борилади. Энг кўп миқдорда тўғри жавоб олиш мақсадида муаммони ёки вазиятни биргаликда таҳлил қилишади. Ҳар бир тўғри жавоб учун юмaloқланган қор кўринишидаги жетон тарқатилади ва шу гурӯҳ учун ёзиладиган жавоб варианти бўлади. Энг кўп жетон тўплаган, тўғри жавоб вариантини топган гурӯҳ аъло баҳо билан баҳоланади ва голиб деб ҳисобланади. Ушбу усул давомида ЎНД ҳам фойдаланиш мумкин.

Талабаларга мавзу бўйича қўйидағи муаммоли саволлари берилishi мумкин

1. Касбий мактабларни қуришнинг гигиеник мезонларини кўрсатинг.
2. Касбий мактабларни асосий қўшилиш мумкин бўлган гурӯҳ хоналарини кўрсатинг.
3. Касбий мактабларнинг тиббий хизмат хоналари ўлчамларини кўрсатинг.
4. Касбий мактабларнинг тиббий пунктигининг асосий вазифаларини кўрсатинг.
5. Касбий мактабларнинг типик лойиҳасида кўрсатилган асосий корпусларни кўрсатинг.

6. ҚМ ва Қ бўйича касбий мактабларнинг асосий зоналарини кўрсатинг.
7. Ўқув тажриба зонасида жойлаштириш мумкин бўлган корпурсларни кўрсатинг.
8. Б.Ў.М. қуришда ишчи лойиҳасидаги асосий қисмларни кўрсатинг.
9. Бош ва ситуацион режани экспертиза қилишдаги асосий талабларни кўрсатинг.
10. Лойиҳадаги санитар – техник чизмаларнинг асосий таркибий қисмини санаб ўтинг.
11. Бош режанинг экспертизасида керакли асосий кўрсаткичларни айтинг.
12. Ўқувчилар учун мўлжалланган устахоналарнинг кенг тармоқли иш ўринларининг асосий ўлчамини кўрсатинг.
13. Касбий мактаблар ўқув хоналарининг турини кўрсатинг.
14. Касбий мактабнинг ёрдамчи хоналарини кўрсатинг.
15. Касбий мактабнинг маиший хоналари турини кўрсатинг.
16. Касбий мактабларнинг маъруза заллари асосий ўлчами ва ўрнини кўрсатинг.
17. Касбий мактаб фаоллар залидаги ёрдамчи хоналарни кўрсатинг.
18. Ўқув ишлаб чиқариш устахоналари чўмилиш ва ювениш ўринларининг керакли ўлчамини кўрсатинг.
19. Касбий мактабларда ўсмирларнинг дам олишини ташкиллаштиришга мўлжалланган гуруҳ хоналарини кўрсатинг.

"Ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари лойиҳасини санитар – гигиеник экспертиза қилиш".

Мақсади: Ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари аҳоли ѿшаш жойида гигиеник равишда лойиҳалаштирилиши ва жойлаштирилиши, ва санитар – гигиеник қулайлиги ва ободонлаштирилганлигини гигиеник баҳолашни ўрганишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун талабалар қўйидаги вазифаларни бажариши ва билишлари шарт:

1. Ёзги соғломлаштириш оромгоҳарини жойлаштириш ва лойиҳалаштирилишининг гигиеник асосларни ўрганиш;
2. Ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари лойиҳасида кўрсатилган материалларни таҳдил қилишни (тушунтириш хати, бош ва ситуацион режа, қаватлар ва кесма режалари, санитар – гигиеник жиҳозларнинг чизмаларини) ўрганишлари лозим.

Ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари лойиҳасини санитар – гигиеник экспертиза ўтказишини ўрганиш.

Лойиҳага 303 – шакл бўйича хulosса бериш ҳужжатини тўлдиришни ўрганиш.

Ёзги соғломлаштириш оромгоҳлари лойиҳасини санитар – гигиеник экспертизадан ўтказиш маҳсус дастур асосида олиб борилади.

7.4. Соғломлаштириш оромгоҳлари лойиҳасини санитар – гигиеник экспертиза қилиш дастури

Лойиҳани санитар – гигиеник баҳолаш тартиби.

I. Умумий маълумотлар.

1. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг тури.
2. Нечта болага мўлжалланган ўринлар сони.

II. Ер майдони.

1. Аҳоли яшаш жойида жойлаштирилиши ёки ундан ташқарида жойлаштирилиши, жойлаштирилиш ўрни.

2. Атрофда жойлаштирилган муассасалар ва обьектлар; сув ҳавзаларига, темирйўл, автомобил ва транспорт йўлларига нисбатан жойлаштирилиши ва уларга қўйилган талаблар;

6. Умумий майдони ва битта болага тўғри келадиган майдон;

3. Асосий ер майдонининг минтақалари ва уларнинг бир – бири билан алоқаси; болалар, спорт, хўжалик хизмати, тиббий ва кўқаламзорлаштирилган минтақаларга ажратилади.

4. Бино ва иншоотлар орасидаги санитария тартибига қўйилган масофалар;

5. Чиқиши эшиклари ва йўлаклар, хўжалик майдонига чиқадиган алоҳида йўлаклар.

III. Бино.

1. Ухлаш хоналари корпуси (иситиладиган ва иситилмайдиган ухлаш хоналари корпуси ёки ухлаш палаткалари): сони, нечта болага мўлжалланган, хоналарнинг тавсифи:

а) ухлаш хонаси – ўринлар сони, битта болага тўғри келадиган майдон, табиий ёритилиши, шамоллатилиш тартиби;

б) ечиниши хоналари – жойлаштирилиши, жамадонларни – кўчларни сақлаш учун ажратилган хоналар сони, кийимлар ва пойабзалларни сақлаш хоналари, битта болага ажратилган майдон;

в) кундузи бўладиган хоналар – умумий майдони ва битта болага тўғри келадиган майдон;

г) ўқитувчилар ва тарбиячилар хонаси – жойлаштирилиши ва битта болага тўғри келадиган майдон;

д) ҳожатхона ва юваниши хонаси (ўғил ва қиз болаларга алоҳида) – жойлаштирилиши, майдони, етарли даражадаги қўл ювиш ўринлари, оёқларни ювиш тогоралари, унитазлар сони.

е) кийимлар ва пойабзалларни қуритиш ва тозалаш хоналари.

2. Ошхона.

а) овқатланиш заллари – умумий майдони ва битта овқатланиш ўрни;

- б) ошхона – майдони, ориентацияси, алоҳида чиқиши хоналари, ёрдамчи хоналари (тайёрлаш хоналари, музлатгич хоналари, нон кесиш ўринлари, ошхона ва идишларни ювиш ўринлари, омборхоналари ва бошқалар);
- в) юваниш ўринлари – юваниш ўринларининг сони, ҳожатхоналари ва қўл ювиш ўринлари, ўтиш йўлаклари даги ҳожатхоналар ва қўл ювиш ўринларининг сони;
3. Жамоат дам олиш ўринларига мўлжалланган хоналар:
- а) мәънавият ва маърифат хоналари – майдони;
- б) тўғарақ хоналари – сони, майдони, кутубхона, ўқув заллари, ўйнаш хоналари, фотолаборатория – майдони ва сони;
- в) эстрада (очиқ ўйнаш майдонлари ва айвонлари), битта томошабинга мўлжалланган майдон ва ҳаммага ажратилган томоша ўринларининг сони, эстрада ўрни ва радиотармоқ;
4. Тиббий пункт: шифокор (кўриги) хонаси ва унинг майдони, стоматолог хонаси ва майдони, муолажа хонаси ва майдони, тиббий ҳамшира хонаси – майдони; ҳожатхона ва қўл ювиш ўрни.
5. И золятор – алоҳидалаш хонаси – хоналар сони ва қанча болага мослаштирилган, битта болага тўғри келадиган майдони, бокслар ва уларнинг майдони ва сони, муолажа хонаси ва майдони, ходимлар ва овқат иситиш хонаси майдони, ҳожатхона қўл ювиш ўрни билан, юваниш хонаси – майдони, кундузи бўладиган хона ва унинг майдони.
6. Хизматчилар хонаси – оромтоҳ бошлигининг хонаси, расмиятхона, услубий хона, – жойлашиши ва майдони.
7. Санитар – техник иншоотлар ва уларнинг жойлаштирилиши:
- а) сув билан таъминланиши – маҳаллий ёки умумий, маҳаллий тизимиши баҳолаш тартиби, сув манбаининг жойлашиш ўрни, санитария ҳимоя минтақасининг ўлчами, овқат тайёрлаш хонасига сув тарқатиш ва узатиш ўрни, сунъий чўмилиш ўрни, кир ювиш ва ухлаш корпуслари ва уларнинг жойлаштирилиш тартиби, бинонинг ички қисмини сув билан таъминланиш тартиби, уларнинг тури ва сони;
- б) ахлатларни йўқотиш тартиби – маҳаллий ва марказий, жойлашиш ўрни ва етарлилик даражаси;
- в) аэрация, фрамуга ва форточкаларнинг сони, аэрация коэффициенти, ухлаш хоналарининг шамоллатилиш қулайлиги;
- г) сунъий ёритилиши, турлари, ёритиш нуқталарининг жойлаштирилиши, фаоллар заллари даги ёритиш нуқталари ва уларнинг ёритиш тартиби, атроф – мұхитни ёритиш тартиби;
8. Материалларнинг таҳлили ва хуласалари.
- Материалларни таҳлил қилиш давомида қуйидаги саволларни кўриб чиқиши керак:
1. Лойиҳа болаларни жисмоний тарбиялаш ва чиниқтиришга шароит яратадими?

- Гигиеник тұлақонли уйқуни таъминлашға шароит яратадими?
- Болалар жамоасини овқатланишини ташкилдаштириш жараёнини қониқтирадими?
- Маданий – майший ва тұтарақ фаолиятини амалға ошириш шароити яратып күзде тутилғанми?
- Санитар – гигиеник экспертизага тақдим этилған ёзги соғломлаштириш оромгоҳи лойиҳасига көлішишлиши түгристедеги холоса.
- Күштімчалар: ҳаракатдаги қонуний мезерий ҳужжатлар күрсатмаларын асосланиб, экспертизага тақдим қилинган соғломлаштириш оромгоҳи лойиҳасининг экспертизаси давомида аниқланған камчиликларнинг номи.

Ёзги соғломлаштириш оромгоҳларынинг ер майдони ва биносига бўлган гигиеник талаблар

Ёзги соғломлаштириш масканларининг – ЁСМ лойиҳасини санитар – гигиеник экспертиза қилиши давомидаги барча мезерий ҳужжатлар ҚМҚ 2.07.01 – 94 «Градостроительство, Планировка и застройка городских и сельских поселений» ва ҳаракатдаги тасдиқланған қонуний ҳужжатлар асосида олиб борилади.

Ёзги соғломлаштириш масканлари иккита турга бўлинади:

- битта дружинали 400 тагача бўлган болалар учун оромгоҳлар;
- иккита дружинали 800 ва ундан ортиқ бўлган болалар учун оромгоҳлар;

Ёзги соғломлаштириш масканлари қуйидаги тартибдаги болаларнинг ёш гуруҳлари бўлиниш тартибига эга:
 7 – 9 ёшлилар гуруҳида болаларнинг сони 25 тагача;
 10 – 14 ёшлилар гуруҳида болаларнинг сони 30 тагача.

Ёзги соғломлаштириш масканларининг ер майдони шамолга нисбатан ахоли яшаш жойининг ва шовқин манбаларининг шамолга қарши томонида, шаҳардан ташқаридаги ахоли яшаш жойида жойлаштирилиши керак, ўрмон минтақаларида, очиқ сув манбаларига яқинлиқда (вазиятта қараб дентиз, дарёлар, каналлар, сув омборлари), сув ва электр тармоғи билан таъминланғанда керак. Катталар яшайдиган минтақалардан 100 метр қалынлиқдаги күқаламзорлаштирилган ҳимоя тўснинг эга бўлиши керак.

Ер майдонининг ўлчамлари болаларнинг сонига қараб битта болага 150 дан 250 метргача ажратилади. Болаларнинг соғломлаштириш оромгоҳлари тоғли минтақалар ва дам олиш зоналарида жойлаштирилган бўлса ёки яқинлиқда жойлаштирилган бўлса, ЁСМ майдонини 25 % гача қисқартириш мумкин.

Кўрсатилган майдонда пляж, сув ҳавзалари, хўжалик минтақалари ва тозалаш иншоотларининг майдонлари киритилмайди.

ЁСМлар ер майдонининг таркибий қисмлари қуйидаги минтақалардан иборат:

Яшаш, маданий – майший, жисмоний – соғломлаштириш, маъмурий – хўжалик, техник тавсияга биноан.

Болалар минтақасида – ухлаш хоналари, отрядлар минтақаси (битта болага 4 m^2 дан), маданий – майший хизмат ўринлари, ошхона, болалар линейкаси, ўт ёкиш ўрни. Ёш ўлкашунослар бурчаги, (тажриба майдони ва мевали дараҳтлар майдони), жониворларни сақлаш ўринлари ва бошқалар.

Жисмоний соғломлаштириш минтақаси – битта болага 20 m^2 ни ташкил қилади. Ушбу минтақада волейбол, бадминтон, стол тениси, баландликка ва узоқликка сакраш ўрни, югуриш майдончалари, енгил атлетика майдонлари, саломатлик майдончалари жойлаштирилади.

Тиббий минтақада тиббий пункт ва изолятор жойлаштирилади.

Коммунал хўжалик – хизмати минтақасида – котел – иситиш тармоғи, сув сақлаш ва таъминлаш жойи, гаражлар, мева ва сабзавотларни сақлаш ўринлари, иссиқхоналар, озиқ – овқат ва модий бойликларни сақлаш омборхонаси, таъмирлаш устахоналари ва бошқалар жойлаштирилади. ЁСМнинг кўқаламзорлаштириш майдони умумий қурилиш майдонининг 60%ни ташкил қилиши керак, ўрмон ва дам олиш минтақасида жойлаштирилганда 50%га қисқартирилади.

ЁСМ ер майдонидан иккита кириш йўлаклари бўлиши лозим. Улар асосий ва хўжалик майдонларининг кириш йўлакларига ажратилади.

Ухлаш хоналари – ухлаш хоналари 2 та отрядга битта бўлиб, биттаси иккинчисидан ажратилади. Ухлаш хоналарида катта гуруҳлар учун 5 та болага биттадан, кичик гуруҳлар учун 10 та болага биттадан ажратилади. Ёзги павиолионларда болаларнинг сони 12 тадан 20 тагача кўпайтирилади.

Ҳар бир ЁСМ овқат тайёрлаш корпусига эга бўлиши керак.

Овқатланиш залининг иш тартиби битта сменага мослаштирилиши керак. Овқатланиш хоналарининг гуруҳларига қуйидаги хоналар киритилади: дам олиш хоналари, ишлаб чиқариш, маҳсулотларни қабул қилиш ва сақлаш хоналари, маъмурий майший хоналарга ажратилади.

ЁСМ овқатланиш хоналарининг таркиби ва тартиби 1 – жадвалдаги тартибда жойлаштирилиши керак.

Тиббий пункт ва изолятор. Тиббий пунктнинг таркибига: шифокор хонаси, муолажа ва ҳамшира хонаси, 40 та боладан ошган хоналарда стоматолог хоналари режалаштирилади. Изолятордаги беморларни ётқазиш ўринларининг сони ЁСМ умумий ўринлар миқдорининг 1,5 – 2%ни ташкил қилади. Тиббий

хизмат хоналарининг таркиби хоналарининг ўлчами 2, 3 – иловада кўрсатилган

Хизматчилар хоналарига – маскан бошлигининг хонаси – 12–24 м², расмиятхона ҳисоб – китоб бўлими билан биргалиқда – 14–24 м², услубий хона – 10 – 16 м² киради. ЁСМ ер майдони таркибida хўжалик бинолари ва иншоотлари: хўжалик омборхоналари, жиҳозларни сақлаш хоналари, озиқ – овқат омборхоналагу котел, кир ювиш бинолари жойлаштирилади.

Жадвал 7.4.1.

Соғломлаштырылган масканлари оқытланиши хоналарининг таркиби ва майдони

№	Хоналар ва гурӯҳ хоналари	Оромгоҳнинг ўринлар сонига қараб майдон ўлчами m^2			
		160 – 240	320 – 400	480 – 560	640 – 800
1	Дам огувчилар учун оқытланиши залидаги кўл ювиш кранлари	160 – 240	320 – 400	480 – 560	640 – 800
2	Оқытланиши залидаги кўл ювиш кранлари	6 – 10	13 – 16	19 – 22	26 – 32
3	Тарқатиш ўрни 1 та	12	24	28	32
4	Ишлаб чиқариш гурӯҳи, иссиқ цех	30	40 – 50	60 – 65	70 – 80
5	Совуқ цех	10	12	13	16
6	Нон сақлаш ва кесиш хоналари	6	6	7	8
7	Балиқ ва гўшт цехи	14	18	18	20
8	Сабзавот цехи	20	10	10	12
9	Сабзавотларга бирламчи ишлов бериш цехи	–	14	15	17
10	Ишлаб чиқариш мудири хонаси	5	6	6	6
11	Ошхона идишларини ювиш хонаси	24	30	34	36
12	Идишларни ювиш хонаси	6	8	9	10
13	Ходимлар хонаси	6	8	8	10
14	Маҳсулотларни ёабул килиши ва сақлаш				
15	Маҳсулотларни совуқ хоналарда сақлаш хонаси				
16	Сут маҳсулотлари сақлаш хонаси	5	5	5	5
17	Ёғлар йа мевалар, яхна ичимликларни сақлаш хонаси	5	5	5	5
18	Гўшт ва балиқларни сақлаш хонаси	5	6	6	7
19	Чиққандиларни музлатиш хонаси	4	4	4	4
20	Кунглик маҳсулотларни сақлаш омборхонаси	8	10	11	12
21	Оқчиликлар ва жиҳозларни сақлаш хонаси	6	8	9	10
22	Ходимлар учун юваниши ва санитария тармоғи	10	12	15	18
23	Тозалаш жиҳозларини сақлаш хонаси	4	4	4	4
24	Зарарсизлантирувчи воситаларни тайёрлаш ва сақлаш хонаси	–	6	6	6

Жадвал 7.4.2.

Софломлаштириш оромгоҳи маъмурий хизмат ва тиббий хоналар таркиби ва майдони

№	Хоналар ва гуруҳ хоналари	Оромгоҳнинг ўринилар сонига қараб майдон ұлчами м ²			
		160-240	320-400	480-560	640-800
1	Вестивиол хонаси: вестивиол гардероби билан	0,12	0,11	0,10	0,07
	Юқаларни сақлаш жойи			1 ўринига 0,05	
2	Болалар учун дәжетхона юниши ўрни билан		Хар 400 ўринига: болалар учун 1 та унитаз ва писсуар, 2 күл юниш краини, қызлар учун 2 та унитаз, 2 күл юниш краини.		
	Ходимлар учун	3	3	3	3
	Кабулаудандаш хонаси	12	12	12	12
	Болаларни күрсакда үтказиш хонаси	16	16	16	16
	Чўмилаш ўрни ечиниш хонаси билан	10x2	10x2	10x2	10x2
	Қизлар ва болаларниң ечиниш хонаси	15x2	15x2	15x2	15x2
	Қызлар ва болалар учун чўмилаш ўрни		Хар биринчи учун 3 тадан чўмилаш сеткасини		
	Қызлар ва болалар учун ҳожатхона		1 та унитаз ва 1 күл юниш краини		
4	Алоқа бўлами	18	18	18	18
	Кийим ва пофэззаларни куритиш ва сақлаш хонаси		0,8 1 ўринига		
	Оқёнисларни сақлаш шкафлари билан жизозаларни ходимлар хонаси		1 та		
5	Кийимларни ва пофэззаларни тозалаш хонаси		0,2 1 ўринига		
6	Тоза ва инфос оқёнисларни даҳдада чекоидаларни сақлаш хонаси		0,1 1 ўринига		
7	Жизозаларни сақлаш омборхонаси		10 отряд учун		
8	Ўйтитучилар ва тарбиячилар, ходимлар хонаси	1 отрядда 18 (9x2)	Хар бир хонада санитария тармоғи жойлаштирилади санитария тармоғи таркибига унитаз, душ, сочи, куритиги жиради		
9	Тозалаш жизозаларни сақлаш омборхонаси		3 отряд учун		
10	Санитария тармоғи ва оёқ юниши учун 2 та ўрни		1 та күл юниш краини 8 та болага, 1 та оёқ, юниш ўрни 12 та болага		
11	Ҳожатхона ўтила ва қиз болаларга алоҳида		1 та унитаз 15 та қизга, 1 та унитаз ва 1 та писсуар 20 та болага		
12	Кизларниң шахсий гигиена хонаси		Отряд учун 4 та таркибида унитаз, беди ва қүл юниш краини бўлади		
13	Шахсий юнишик хоналари ўтила ва қиз болаларга алоҳида		1 та душ хабиаси 20 ўринига		
14	Оромтоқ бошлаганинг хонаси	12	18	24	24
15	Хўжалик ишлари бошлаги хонаси	10	12	12	12
16	Услуби хонаси	10	10	12	16
17	Расмийликона, ҳисоб - китоб хонаси ва хазине	14	16	18	24
	Таббий пункт				
18	Шификор хонаси	12	12	12	12
	Стоматолог хонаси	-	-	14	14
	Муталжа хонаси	14	14	14	14
	Тиббий ҳамшира хонаси	10	10	10	10x2
	Изоаттор	6	6	6	6
	Бокс тилидаги хона санитария тармоғи билан	22	22	22	22x2
	1 ўринига хона санитария тармоғи билан	15	15x2	15x2	15x3
	2 ўринига хона санитария тармоғи билан	18	18	18x2	18x4
	Буфет	6	6	6	10
	Ходимлар хонаси санитария тармоғи билан	8	8	8	12
	Чўмилаш хонаси	8	8	8	8
	Кундузи давлатандадиган хона	16	16	16	16
	Тозалаш жизозаларни сақлаш хонаси	3	3	3	3
	1 – бинодан куну туви давомидаги фойдаланиллади				
	2 – оромгоҳлар дам олиш минтақадарларидаги жойлаштирилганда фойдаланиллади				

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ёзги соғломлаштириш масканларнинг асосий вазифаларини тушунтириб беринг.
2. Аҳоли яшаш жойларида ёзги соғломлаштириш масканларини жойлаштиришнинг гигиеник талабларини санаб беринг.
3. Ёзги соғломлаштириш масканларининг турларини кўрсатинг.
4. Ёзги соғломлаштириш масканлари лойиҳасининг турларини кўрсатинг.
5. Ёзги соғломлаштириш масканларининг лойиҳасидаги режалар ва уларга бўлган гигиеник талабларни санаб беринг.
6. Бош режа ва унинг гигиеник талабларини санаб беринг.
7. Ёзги соғломлаштириш масканлари ер майдонининг таркибий қисмлари ва уларга қўйилган гигиеник талаблар.
8. Ёзги соғломлаштириш масканлари биносига бўлган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
9. Ёзги соғломлаштириш масканларининг асосий хоналарга бўлган гигиеник талабларини кўрсатинг.
10. Ёзги соғломлаштириш масканлари биносининг ориентациясига бўлган гигиеник талаблар.
11. Ёзги соғломлаштириш масканлари тиббий ва хўжалик – маъмурний хоналарига бўлган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
12. Ёзги соғломлаштириш масканлари овқатланиш блоки хоналарига қўйиладиган гигиеник талабларни тушунтириб беринг.
13. Ҳаво иссиқлик алмашинуви ва ёритилганликка бўлган гигиеник талаблар.

МАВЗУГА ТЕГИШЛИ ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ёзги мавсумда соғломлаштириш муассасалари кун тартибидаги асосий мезонларини кўрсатинг:

1. Очиқ ҳавода узоқ бўлиш, табиат омилларидан узоқ фойдаланиш, оптимал ҳаракат тартиби, рационал овқатланиш.
2. Очиқ ҳавода узоқ бўлиш, табиат омилларидан узоқ фойдаланиш, оптимал ҳаракат тартиби, мутлақ овқатланиш.
3. Очиқ ҳавода бўлиш, табиат омилларидан фойдаланиш, ҳаракат тартиби даражасини белгиланган кўрсаткичдан ортиқча бажариш, рационал овқатланиш.
4. Очиқ ҳавода бўлиш, табиат омилларидан фойдаланиш, ҳаракат тартибини пасайтириш – гипокинетик ҳолатни таъминлаш, рационал овқатланиш.
5. Табиат омилларидан узоқ фойдаланиш, оптимал ҳаракат тартиби, сувда чиниқтириш вақтини кунига 5 соаттагача кўпайтириш, рационал овқатланиш.

2. Ёзги соғломлаштириш масканларининг асосий турларини кўрсатинг:

1. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар дам олиш масканлари, меҳнат ва роҳат дам олиш масканлари.
2. Мактаб ёшидаги болалар дам олиш масканлари, спорт соғломлаштирувчи дам олиш масканлари.
3. Катта синф ўқувчилари учун дам олиш масканлари.
4. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар дам олиш масканлари, мактаб ёшидаги болалар дам олиш масканлари, катта синф ўқувчилари учун дам олиш масканлари.
5. Мактаб ёшидаги болалар дам олиш масканлари, катта синф ўқувчилари учун дам олиш масканлари, спорт соғломлаштирувчи, болаларни чиниқтиришга қаратилган дам олиш масканлари.
3. **Мактаб ёшидаги болалар соғломлаштириш масканлари турларини кўрсатинг:**

1. Шаҳардан ташқари – 7–15 ёщдагилар учун, шаҳар ичида – 7–15 ёщдагилар учун, санатория туридаги – 7–14 ёщдагилар учун.
2. Шаҳардан ташқари 7 ёщдагилар учун, шаҳар ичида – 7–15 ёщдагилар учун, санатория туридаги – 1–14 ёщдагилар учун.
3. Шаҳардан ташқари – 1–15 ёщдагилар учун, шаҳар ичида – 1–15 ёщдагилар учун, санатория туридаги – 7–14 ёщдагилар учун.
4. Шаҳардан ташқари – 15 ёщдагилар учун, шаҳар ичида – 1–15 ёщдагилар учун, санатория туридаги – 7 ёщдагича учун.
5. Шаҳардан ташқари – 1–7 ёщдагилар учун, шаҳар ичида – 7–15 ёщдагилар учун, санатория туридаги – 7–14 ёщдагилар учун.
4. **Катта синф ўқувчилари учун мўлжалланган оромгоҳлар турларини кўрсатинг:**

1. Меҳнат ва роҳат дам олиш масканлари, спорт–соғломлаштирувчи, мудофаа–спорт, соғломлаштирувчи.
2. Шаҳардан ташқари, шаҳар ичида, санатория туридаги, мудофаа–спорт, соғломлаштирувчи.
3. Меҳнат ва роҳат дам олиш масканлари, спорт–соғломлаштирувчи, мудофаа–спорт.
4. Меҳнат ва роҳат дам олиш масканлари, соғломлаштирувчи.
5. Меҳнат ва роҳат дам олиш масканлари, ёш натуралистлар учун, ёш изодкорлар марказлари, мудофаа–спорт, соғломлаштирувчи.

5. Болалар соғломлаштириш масканлари тиббий ходимининг хизмат кўрсатадиган контингентлари сонини кўрсатинг:

1. 80 дан 160 та ўрингача шифокор – 1,2 та ҳамшира, 161 дан 280 ўрингача шифокор ва 1,5 та ҳамшира, 281 дан 900

ўрингача 1 та шифокор ва 2 та ҳамшира, болалар сони 900 тадан ошса 1 та шифокор ва 3 та ҳамшира.

2. 80 дан 160 та ўрингача шифокор – ҳамшира, 161 дан 280 ўрингача шифокор ва 2 та ҳамшира, 281 дан 900 ўрингача 1 та шифокор ва 2 та ҳамшира, болалар сони 900 тадан ошса 1 та шифокор ва 3 та ҳамшира.
3. 80 дан 160 та ўрингача – ҳамшира, 161 дан 280 ўрингача шифокор ва ҳамшира, 281 дан 900 ўрингача 1 та шифокор ва 2 та ҳамшира, болалар сони 900 тадан ошса 1 та шифокор ва 3 та ҳамшира.
4. 80 дан 160 та ўрингача шифокор – ҳамширасиз, 161 дан 280 ўрингача шифокор ва ҳамшира, 281 дан 900 ўрингача 1 та шифокор ва 2 та ҳамшира, болалар сони 900 тадан ошса 1 та шифокор ва 3 та ҳамшира.
5. 80 дан 160 та ўрингача ҳамшира, 161 дан 280 ўрингача шифокор ва 2 та ҳамшира, 281 дан 900 ўрингача 2 та шифокор ва 2 та ҳамшира, болалар сони 900 тадан ошса 2 та шифокор ва 3 та ҳамшира.

6. Мажсуслаштирилган болалар оромгоҳида хизмат кўрсатиши керак бўлган тиббий ҳодимларнинг таркибини кўрсатинг:

1. 100 та болага 1 та ҳамшира, 200 та болага шифокор ва 2 та ҳамшира.
2. 100 та болага 1 та ҳамшира, 200 та болага 1 та шифокор.
3. 100 та болага 1 та ҳамшира, 200 та болага 1 та шифокор.
4. 100 та болага 2 та ҳамшира, 200 та болага 2 та шифокор.
5. 100 та болага ҳамширасиз, 200 та болага 2 та шифокор.

7. Оддий болалар соғломлаштириш масканларида хизмат кўрсатадиган тиббий ҳодимлар таркибини кўрсатинг:

1. 40 тадан 200 тагача 1 та ҳамшира ва 1 шифокор, 201 дан 320 гача 1 та шифокор ва 2 та ҳамшира, 321 дан ошгандан кейин 1 та шифокор ва 2 та ҳамшира.
2. 40 тадан 200 тагача 2 та ҳамшира ва 1 та шифокор, 201 дан 320 гача 1 та шифокор ва 1,5 та ҳамшира, 321 дан ошгандан кейин 1 та шифокор ва 3 та ҳамшира.
3. 40 тадан 200 тагача 1 та ҳамшира, 201 дан 320 гача 1 та шифокор ва 1 та ҳамшира, 321 дан ошгандан кейин 1 та шифокор ва 2 та ҳамшира.
4. 40 тадан 200 тагача 2 та ҳамшира, 201 дан 320 гача 1 та шифокор ва 1 та ҳамшира, 321 дан ошгандан кейин 2 та шифокор ва 4 та ҳамшира.
5. 40 тадан 200 тагача 1 та ҳамшира, 201 дан 320 гача 1 та шифокор ва 2 та ҳамшира, 321 дан ошгандан кейин 2 та шифокор ва 3 та ҳамшира.
6. Оромгоҳда хизмат қилувчи тиббий ҳодимлар малакасини ошириш учун қайси муассасалар билан тиббий комиссия таркиби тузилади?

1. Соғлиқни сақлаш ташкилоти ходимлари билан, даволаш профилактик муассаса ходимлари билан, санитария оқартув уйлари ходимлари билан санитария назорати маркази ходимлари билан.
 2. Соғлиқни сақлаш ташкилоти ходимлари билан, даволаш профилактик муассаса ходимлари билан, санитария эпидемиология назорати маркази ходимлари билан.
 3. Соғлиқни сақлаш ташкилоти маркази раҳбари билан, амбулатория маркази ходимлари билан, санитария оқартув уйлари ходимлари билан.
 4. Соғлиқни сақлаш ташкилоти ходимлари билан, санитария оқартув уйлари ходимлари билан, санитария назорати маркази, лаборатория ходимлари билан.
 5. Соғлиқни сақлаш ташкилоти ходимлари билан, даволаш профилактик муассаса ходимлари билан, санитария оқартув уйлари ходимлари билан.
- 9. Семинар машғулотларида тиббий ходим қандай материалларни тайёрлаши керак?**
1. Ҳисобот тартиби, кун тартиби, овқат рационы меъёри, изолятор жиҳозлари ҳисоботи, боғлов материаллари ва дори – дармонларнинг тартиб рақами, болалар билан маърузалар ва суҳбатлар олиб бориш.
 2. Кун тартиби, овқат рационы меъёри, изолятор жиҳозлари ҳисоботи, боғлов материаллари ва дори – дармонларнинг тартиб рақами, болалар билан маърузалар ва суҳбатлар олиб бориш.
 3. Ҳисобот тартиби, овқат рационы меъёри, изолятор жиҳозлари ҳисоботи, болалар билан маърузалар ва суҳбатлар олиб бориш, туристик саёҳатларни ташкиллаштириш тартиби.
 4. Кун тартиби ва унинг компонентларини тузиш ва бажариш, овқат рационы меъёрий кўрсаткичларини бажарилиши, изолятор жиҳозлари ҳисоботи, боғлов материаллари ва дори – дармонларнинг тартиб рақами, болалар билан маърузалар ва суҳбатлар олиб бориш.
 5. Ҳисобот тартиби, кун тартиби, овқат рационы меъёри, болалар билан маърузалар ва суҳбатлар олиб бориш, жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари, саломатлик ҳолати кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлили.
- 10. Санитария шифокори қўйидаги мутахассисликларни тайёрлашда иштирок этади:**
1. Соғломлаштириш масканлари бошлиқлари, боғча мудиралари, ошпазлар, тарбиячилар, соғломлаштириш масканлари тарбиячилари, ички ишлар ходимлари, поликлиника шифокорлари ва техник ходимлари.
 2. Болалар ва ўсмирлар муассасалари бошлиқлари, боғча мудиралари, ошпазлар, тарбиячилар, соғломлаштириш

масканлари тарбиячилари, тиббий хизматни ташкиллаштириш ходимлари.

3. Соғломлаштириш масканлари бошлиқлари, бөгча мудиралари, ошпазлар, тарбиячилар, соғломлаштириш масканлари тарбиячилари.
4. Соғломлаштириш масканлари ходимлари, мактаб директорлари ва бөгча мудиралари, мутахассис ошпазлар, тарбиячилар, соғломлаштириш масканлари тарбиячилари.
5. Бөгча мудиралари, ошпазлар, тарбиячилар, соғломлаштириш масканлари тарбиячилари, ички ишлар ходимлари, санитар – техник хизмат ходимлари, болалар ва ўсмирлар кабинети ходимлари.

11. Ёзги дам олиш ўринларини қуришда құйидағиларга зәтибор бериш керак:

1. Жисмоний тарбия машгулотлари учун айвонлар, құл мекнати учун хона, ўйнаш хоналари, ота – оналар билан учрашув хонаси, сузиш бассейни.
2. Яшаш павилионлари, құл мекнати учун хона, ўйнаш хоналари, ота – оналар билан учрашув хонаси, сузиш бассейни, овқатланиш заллари.
3. Жисмоний тарбия машгулотлари учун айвонлар, очиқ сув ўринларида чўмилиш жойлари, ота – оналар билан учрашув хонаси, сузиш бассейни, санитар – техник хизмати ўринлари.
4. Яшаш ўринлари, жисмоний тарбия машгулотлари учун айвонлар, құл мекнати учун хона, ўйнаш хоналари, ота – оналар билан учрашув хонаси, сузиш бассейни, маънавият ва маърифат марказлари.
5. Жисмоний тарбия машгулотлари учун айвонлар, құл мекнати учун хона, ўйнаш хоналари, ота – оналар билан учрашув хонаси, сузиш бассейни, яшаш павилионлари, рекреация хоналари, кийимларни сақлаш ва қуритиш ўринлари.

12. Болалар чўмилиш ўринлари қаерларда жойлаштирилиши керак?

1. Портлардан, шлюзлардан, оқава сувлар тушадиган жойдан, ифлослантирувчи манбалар олдидан, оромгоҳнинг яшаш жойидан узоқда.
2. Портлардан, оромгоҳнинг яшаш жойидан, гидроэлектро – станциялардан, оқава сувлар тушадиган жойдан, ифлослантирувчи манбаалар олдидан ва чўмилиш учун чегаралантган жойдан узоқда.
3. Портлардан, шлюзлардан, оқава сувлар тушадиган жойдан, ифлослантирувчи манбаалар олдидан, оромгоҳнинг рухсат этилган жойидан узоқда.
4. Гидроэлектростанциялардан, оқава сувлар тушадиган жойдан, ифлослантирувчи манбаалар олдидан, оромгоҳнинг санитария минтақасидан узоқда.

5. Портлардан, шлюзлардан, гидроэлектростанциялардан, оқава сувлар тушадиган жойдан, ифлослантирувчи манбаалар олдидан узоқда.

13. Сув манбанинг ости қуийдагича бўлиши керак:

1. Юмшоқ, текис, ўткир тош ва қолдиқлар бўлиши мумкин эмас.
2. Қаттиқ, текис, қирғоққа яқин, қолдиқ шиша, ўткир тош ва қолдиқлар бўлиши мумкин эмас.
3. Қирғоқ атрофида, қолдиқ шиша, ўткир тош ва бошқа нарсалардан узоқликда.
4. Қолдиқ шиша, ўткир тош ва қолдиқлар бўлиши мумкин эмас.
5. Сув манбанинг остига гигиеник талаблар қўйилмайди, чунки сув оқиш хусусиятига эга.

14. Соғломлаштирувчи масканлар чўмилиш ўринлари ҳандай жиҳозланиши керак?

1. Қўмли ётоқ ўрни, душ хоналари (1 таси 70 ўринга), сув ичиш фавворалари (1 таси 50 ўринга).
2. Қўмли ётоқ ўрни, қуёшдан сақланиш айвони, кийиниш ўринлари, ҳожатхона.
3. Қўмли ётоқ ўрни, душ хоналари (1 таси 40 ўринга), сув ичиш фавворалари (1 таси 100 ўринга), ҳожатхона (1 таси 75 ўринга).
4. Қўмли ётоқ ўрни, қуёшдан сақланиш айвони, кийиниш ўринлари – хоналари (1 таси 50 ўринга), душ хоналари (1 таси 40 ўринга), сув ичиш фавворалари (1 таси 100 ўринга), ҳожатхона (1 таси 75 ўринга).
5. Қўмли ётоқ ўрни, қуёшдан сақланиш айвони, кийиниш ўринлари – хоналари (1 таси 100 ўринга), душ хоналари (1 таси 50 ўринга), сув ичиш фавворалари (1 таси 100 ўринга), ҳожатхона.

15. Соғломлаштириш масканлари жисмоний тарбия ишлари ўз ичига нимани олади?

1. Эрталабки гимнастика, жисмоний тайёргарлик машгулотлари, тўгарак машгулотлари, шахмат, шашка, фақат ҳаво ёрдамида чиниқтириш муолажаларини ўтказиши.
2. Эрталабки бадантарбия, турли спорт гуруҳ командалари, спорт мусобақалари, сув билан чиниқтириш муолажаларини ўтказиши.
3. Жисмоний тайёргарлик машгулотлари, тўгарак машгулотлари, чиниқтириш муолажаларини ўтказиши, футбол командасида кўпроқ шугулланиш.
4. Эрталабки бадантарбия, жисмоний тайёргарлик машгулотлари, тўгарак машгулотлари, шахмат шашка, тоқча саёҳат уюштириши.
5. Эрталабки бадантарбия, жисмоний тайёргарлик машгулотлари, тўгарак машгулотлари, турли спорт гуруҳ

командалари, спорт мусобақалари, чиниқтириш мулажаларини ўтказиш.

16. Соғломлаштириш оромгоҳларида чиниқтириш ишларини олиб бориш вақтларини кўрсатинг:

1. 8–12 ёшли болалар 30–35 дақиқагача, 13–14 ёшли болалар 35–40 дақиқагача.
2. 8–12 ёшли болалар 20–25 дақиқагача, 13–14 ёшли болалар 30– дақиқагача.
3. 8–12 ёшли болалар 10–15 дақиқагача, 13–14 ёшли болалар 20–25 дақиқагача.
4. 8–12 ёшли болалар – бир соаттагача, 13–14 ёшли болалар бир соаттагача.
5. 8–12 ёшли болалар – 15 дақиқагача, 13–14 ёшли болалар – 1,5 – 2 соаттагача.

17. Соғломлаштириш масканлари кунлик озиқ–овқат таркиби қандай бўлиши керак:

1. 100 г оқсил, 100 г ёғ, 400 г карбонсув, 2800–3200 ккал.
2. 120 г оқсил, 120 г ёғ, 480 г карбонсув, 2800–3400 ккал.
3. 80 г оқсил, 100 г ёғ, 400 г карбонсув, 2800–3200 ккал.
4. 100 г оқсил, 120 г ёғ, 400 г карбонсув, 2800–3200 ккал.
5. 100 г оқсил, 100 г ёғ, 440 г карбонсув, 2800–3200 ккал.

18. Санатор туридаги оромгоҳларда қандай касалликлар билан оғригани болаларга умумий стол тавсия этилади?

1. Юқумли касалликлари, юрак–қон томир касалликлари, психоневрологик касалликлар, офтальмологик касалликлар, таянч – ҳаракат аппаратининг функционал бузилишлари.
2. Нафас органлари касалликлари, юрак–қон томир касалликлари, психоневрологик касалликлар, офтальмологик касалликлар, таянч – ҳаракат аппаратининг функционал бузилишлари.
3. Гепатитнинг турли хил даражалари, юрак–қон томир касалликлари, психоневрологик касалликлар, офтальмологик касалликлар, таянч – ҳаракат аппаратининг функционал бузилишлари.
4. Нафас органлари касалликлари, юрак–қон томир касалликлари, психоневрологик касалликлар, офтальмологик касалликлар, таянч – ҳаракат аппаратининг функционал бузилишлари; ошқозон – ичак системаси касалликлари.
5. Нафас органлари касалликлари, юрак–қон томир касалликлари, психоневрологик касалликлар, офтальмологик касалликлар, таянч – ҳаракат аппаратининг функционал бузилишлари ; юқумли касалликларнинг енгил даражалари.

19. Меҳнат–роҳат оромгоҳларида ҳар бир ўқувчи учун нималар ажратилади?

1. Кўрпа, ёстиқ, тиббий ёрдам воситалари, ёпиниш мосламаси, жамошир.
 2. Кўрпа, ёстиқ, жамошир; идиш – товоқлар, иссиқ кийимлар.
 3. Кўрпа, ёстиқ, енгил ёпиниш мосламаси, иссиқ кийимлар.
 4. Иссиқ кийимлар, кўрпа, ёстиқ, енгил ёпиниш мосламаси, жамошир.
 5. Кўрпа, ёстиқ, енгил ёпиниш мосламаси, жамошир.
- 20. Мехнат-роҳат оромтоҳи санитария блоки ўз ичига нималарни олади?**
1. Юваниш хонаси, ванна, қизлар гигиена хонаси.
 2. Ҳожатхона, қўй ювиш кранлари, қизлар гигиена хонаси.
 3. Юваниш хонаси, ҳожатхона, тунги ванна, қизлар гигиена хонаси.
 4. Юваниши хонаси, тунги ванна, гигиена хонаси.
 5. Ҳожатхона, тунги ванна, оёқ ювиш ўринлари, қизлар гигиеник хоналари.
- 21. Санитария тармоғининг санитар-техник жиҳозлари:**
- 1 кран – 6–7 кишига, 1 ҳожатхона – 20 кишига, 1 оёқ ювиш жойи – 12 кишига, 1 қизлар гигиенаси кабинети – 70 та қизга.
 2. 1 кран – 6–7 кишига, 1 ҳожатхона – 30 кишига, 1 оёқ ювиш жойи – 12 кишига, 1 қизлар гигиенаси кабинети – 50 та қизга.
 3. 1 кран – 20 кишига, 1 ҳожатхона – 20 ўғил болага ва 1 ҳожатхона 30 та қизга, 1 оёқ ювиш жойи – 12 кишига, 1 қизлар гигиенаси кабинети – 70 та қизга.
 4. 1 кран – 6–7 кишига, 1 ҳожатхона – 20 кишига, 1 қизлар гигиенаси кабинети – 100–200 та қизга.
 5. 1 кран – 50 кишига, 1 ҳожатхона – 20–40 кишига, 1 оёқ ювиш жойи – 12 кишига, 1 қизлар гигиенаси кабинети – 50 та қизга.

МАВЗУТА ТЕГИШЛИ ЎРГАТУВЧИ, НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ДАСТУРЛАР

- 1. Ёзги мавсумда соғломлаштириш муассасаларида кун тартибининг 4 та асосий мезонини кўрсатинг:**
 1. Очиқ ҳавода узоқ бўлиш.
 2. Табиат омилларидан узоқ фойдаланиш.
 3. Оптималь ҳаракат тартиби.
 4. Рационал овқатланиш.
 5. Ҳар хил фаолиятларга шароит яратиш.
 6. Жисмоний фаолиятта кун тартибидаға вақтнинг 50 % ни ажратиш.
 7. Ақлий фаолиятта кун тартибидағи вақтнинг 30 % ни ажратиш.
 8. Узоқ вақт давомида очик ҳавода ухлашга вақт ажратиш.
- 2. Ёзги соғломлаштириш ишларининг самарадорлигини баҳоловчи 5 та асосий кўрсаткичларини кўрсатинг:**

1. Болаларнинг бўйи ва вазн кўрсаткичларининг ўзгариши.
 2. Болаларнинг антропометрик кўрсаткичларининг пасайиши.
 3. Мушак кучи ва чидамлилик кўрсаткичининг ўзгариши.
 4. Касалланиш маълумотларининг статистик натижаларининг таҳдили.
 5. Юкламадан кейин юрак қон томир системаси жавоб реакциясини ўзгариши.
 6. Штанге синамасининг ўзгариши.
 7. Мавсумдаги касалланиш кўрсаткичи.
 8. Генче синамаси.
 9. Рутков синамаси.
3. Катта синф ўқувчилари учун мўлжалланган оромгоҳлар турларини кўрсатинг:
1. Меҳнат ва роҳат дам олиш масканлари (7 – 10 – синфлар учун).
 2. Спорт – соғломлаштирувчи (12 – 17 ёшлилар учун).
 3. Мудофаа – спорт (15 – 17 ёшлилар учун).
 4. Соғломлаштирувчи (9 – 11 – синфлар учун).
 5. Шаҳардан ташқари (7 – 15 ёщдагилар учун).
 6. Шаҳар ичида (7 – 15 ёщдагилар учун).
 7. Санатория туридаги (7 – 14 ёщдагилар учун).
 8. Махсуслаштирилган йил давомидаги дам олиш оромгоҳлари.
4. Болалар соғломлаштириш масканлари тиббий ходимининг хизмат кўрсатадиган контингентлари сонини кўрсатинг:
1. 80 дан 160 та ўрингача шифокор – ҳамширасиз.
 2. 161 дан 280 ўрингача шифокор ва ҳамшира.
 3. 281 дан 900 ўрингача 1 та шифокор ва 2 та ҳамшира.
 4. Болалар сони 900 тадан ошса 1 та шифокор ва 3 та ҳамшира.
 5. 80 дан 160 та ўрингача – ҳамшира.
 6. 161 дан 280 ўрингача шифокор ва 2 та ҳамшира.
 7. 281 дан 900 ўрингача 2 та шифокор ва 4 та ҳамшира.
 8. Болалар сони 900 тадан ошса 3 та шифокор ва 5 та ҳамшира.
5. Махсуслаштирилган болалар оромгоҳида хизмат кўреатиши керак бўлган тиббий ходимлар таркибини кўрсатинг:
1. 100 та болага 1 та ҳамшира.
 2. 200 та болага 1 та шифокор.
 3. 100 та болага шифокор ва ҳамшира.
 4. 200 та болага 1 та шифокор ва 2 та ҳамшира.
6. Оромгоҳда хизмат қўлувчи тиббий ходимлар малакасини ошириш учун қайси муассасалар билан тиббий комиссия таркиби тузилади?
1. Соғлиқни сақлаш ташкилоти ходимлари билан.
 2. Даволаш профилактик муассаса ходимлари билан.
 1. Санитария оқартув уйлари ходимлари билан.
 4. Солиқ ташкилоти ходимлари билан.
 5. Ички ишлар ходимлари билан.

6. Касаба уюшмаси ходимлари билан.
7. Санитария шифокори қуйидаги мутахассисликтердің тайёrlаща:
 1. Соғломлаштириш масканлари бошлиқлари.
 2. Бөгча мудиралари.
 3. Ошпазлар.
 4. Тарбиячилар.
 5. Соғломлаштириш масканлари тарбиячилари.
 6. Тиббий ходимларнинг билим савиясини оширишда.
 7. Ички ишлар ходимларининг билим сависини оширишда.
 8. Ўқитувчиларнинг малакасини оширишда.
 9. Спорт мураббийларини тайёrlаща.
 10. Санитария ходимларининг билим савиясини оширишда.
8. Ёзги дам олиш ўринларини қуришда қуйидагиларга эътибор бериш керак:
 1. Жисмоний тарбия машғулотлари учун айвонлар.
 2. Қўл меҳнати учун хона.
 3. Ўйнаш хоналари.
 4. Ота—оналар билан учрашув хонаси.
 5. Сузиш бассейни.
 6. Дам олиш айвонлари.
 7. Ёш ижодкорлар учун иш ўринлари.
 8. Овқатланиш ўринлари.
 9. Парашютдан сакраш ўринлари.
 10. Қуёш нурида тобланиш ўринлари.
9. Болалар чўмилиш ўринлари қаерлардан узоқликда жойлаштирилиши керак?
 1. Порталардан.
 2. Шлюзлардан.
 3. Гидроэлектростанциялардан.
 4. Оқава сувлар тушадиган жойдан.
 5. Ифлослантирувчи манбалар олдидан.
 6. Ухлаш жойидан.
 7. Спорт майдонидан.
 8. Дам олиш ўринларидан.
 9. Қирғоқдан.
 10. Катта сув манбаидан.
10. Сув манбанинг туби қуйидагича бўлиши керак:
 1. Қаттиқ.
 2. Текис.
 3. Қирғоққа яқин.
 4. Қолдиқ шиша, ўткир тош ва қолдиқлар бўлиши мумкин эмас.
 5. Юмшоқ.
 6. Тоза қўмли.
 7. Бетонлаштирилган.
 8. Силлиқ тошлар билан қопланган.

9. Турли сув ўтлари билан ўралган.
11. Соғломлаштирувчи масканларда чўмилиш ўринлари қандай жиҳозланиши керак?
1. Қумли ётоқ ўрни.
 2. Қуёшдан сақданиш айвони.
 3. Кийиниш ўринлари – хоналари (1 таси 50 ўринга).
 4. Душ хоналари (1 таси 40 ўринга).
 5. Ичиш фонтанлари (1 таси 100 ўринга).
 6. Ҳожатхона (1 таси 75 ўринга).
 7. Кийиниш ўринлари – хоналари (1 таси 100 ўринга).
 8. Душ хоналари (1 таси 20 ўринга).
 9. Ичиш фонтанлари (1 таси 50 ўринга).
 10. Ҳожатхона (1 таси 40 ўринга).
 11. Қуёш нурида тобланиш ўринлари.
 12. Тоза ҳавода чиниқиши ўринлари.
12. Соғломлаштириш оромгоҳларида чиниқтириш ишлари олиб борниш вақтларини кўрсатиňг:
1. 8 – 12 ёшли болалар 30 – 35 дақиқагача.
 2. 13 – 14 ёшли болалар 35 – 40 дақиқагача.
 3. 8 – 12 ёшли болалар 15 – 20 дақиқагача.
 4. 13 – 14 ёшли болалар 1 – 1,5 соаттacha.
13. Соғломлаштириш масканларида кунлик озиқ – овқат таркиби қандай бўлиши керак?
1. 100 г оқсила.
 2. 100 г ёғ.
 3. 400 г карбонсув.
 4. 90 г оқсила.
 5. 90 г ёғ.
 6. 440 г карбонсув.
 7. 2800 – 3200 ккал.
 8. 3000 – 3400 ккал.
14. Санатор туридаги оромгоҳларда қандай касалликлар билан оғриган болаларга умумий стол тавсия этилади?
1. Нафас органлари касалликлари.
 2. Юрек – қон томир касалликлари.
 3. Психоневрологик касалликлар.
 4. Офтальмологик касалликлар.
 5. Таянч – ҳаракат ашаратининг функционал бузилишлари.
 6. Юқумли касалликлар билан касалланган болалар учун.
 7. Вирусли гепатит билан касалланган болалар учун.
 8. Ошқозон ичак касалликлари билан касалланган болалар.
 9. Подагра билан касалланган болалар учун.
15. Меҳнат – роҳат оромгоҳларида ҳар бир ўқувчи учун нималар ажратилади?
1. Кўрпа.
 2. Ёстиқ.

3. Енгил ёпиниш мосламаси.
 4. Жамошир.
 5. Идиш товоқлар.
 6. Махсус кийимлар.
 7. Иш куроллари.
- 16. Мединат-роҳат оромгоҳи санитария блоки ўз ичига нималарни олади?**
1. Ювиниш хонаси.
 2. Ҳожатхона.
 3. Тунги ванна.
 4. Қизлар гигиена хонаси.
 5. Иситиш мосламалари.
 6. Сунъий шамоллатиш мосламалари.
 7. Ёритиш мосламалари.
 8. Тиббий пункт хоналари.
- 17. Санитария тармоғи неча кишига ташкил этилади?**
1. 1 кран – 6–7 кишига.
 2. 1 ҳожатхона – 20 кишига.
 3. 1 оёқ ювиш жойи – 12 кишига.
 4. 1 қизлар гигиенаси кабинети – 70 та қизга.
 5. 1 кран – 10–15 кишига.
 6. 1 ҳожатхона – 30 та болага ва 40 та қизга.
 7. 1 оёқ ювиш жойи – 20 кишига.
 8. 1 қизлар гигиенаси кабинети – 50 та қизга.

Мавзуға тегишли ўқитишининг янги инновацион технологик усуллари

Мавзу: «Ёзги соғломлаштириш масканлари лойиҳасига санитар-гигиеник баҳо бериси» мавзусидаги амалий машғулотнинг иш тартибиға қўшимча равишда ўқитишининг янги технологик усулларидан «Мия ҳужум» услубини қўллаш.

Бу усул ёрдамида талабаларнинг дастлабки билим даражаси баҳоланиши мумкин. Гуруҳ талабалари 2–3 кишидан иборат кичик гуруҳларга (КГ) бўлинади. Мазкур мавзу бўйича берилган муаммоли саволга ҳар бир КГ ўз жавоб вариантини бериши сўралади. Ҳар бир КГ ўз жавоб вариантини бергандан сўнг, ўқитувчи бошчилигида ва талабаларнинг фаол иштироқида муҳокама бошланади. КГ гуруҳлар мавзу бўйича берилган муаммоли саволга олинган жавоблар ичидан энг тўғрисига юқори балл қўйилади, қолган жавобларга мос равишда пастроқ баллар қўйилади.

Ушбу услуга асосан 5–курс талабаларининг дастлабки жараёндаги билим савиясини текширишда фойдаланилади. Бу усул асосан кишининг ўз нуқтаи назарини исботлаш, ҳимоя қилиш, ҳар ҳандай вазиятларда энг маъқул ечимни топиш,

мулоқот олиб боришига ёрдам беради. Ҳимоя қилинаёттандын нүктаси назарнинг тўғрилигига оппонентларни ишонтиришига ўргатади. Бу усул шу кунги мавзуни тўла таҳлил қилиб чиқиш олдидан ўтказиладиган «чигал ёзиш машиқи» учун жуда мос келади.

7.5. Санитар техник қурилмаларнинг жойлаштирилиши

I. Ёритилганлик

1. **Табиий ёритилганлик.** Лойиҳани кўриб чиқиш давомида ёритилганлик коэффициенти, чуқурлик коэффициенти, соя тушиши коэффициенти ва бир нечта хоналарнинг ориентациясига баҳо берилади.

2. **Ёритилганлик коэффициенти (ЁК)** – хонадаги деразаларнинг ойнабанд соҳасининг юзасининг пол юзасига нисбати билан баҳоланади. Мактабгача тарбия муассасаларининг гурӯҳ хоналарида, ухлаш хоналари ва мактаб олди гурӯҳларни изолятор хоналарида 1:4 нисбатда; қабулхона, ечиниш хоналари ва тиббий хоналар ошхона ва ҳожатхоналарда 1:5; 1:6 нисбатда, ёрдамчи хоналарда 1:8 нисбатда бўлиши керак.

Мактаб, мактаб – интернат ва касбий мактабларнинг синф хоналари, кабинетлар, лабораториялар, ўқув ишлаб чиқариш устахоналарида 1:4; ёрдамчи хоналарида 1:8 нисбатдан кам бўлиши керак эмас.

Дам олиш оромгоҳларининг ўқиш заллари, тўтарак машғулотлари хоналари, меҳмонхоналарида ЁК 1:5 нисбатдан кам бўлиши мумкин эмас, қолган хоналарда 1:5 ва 1:8 нисбатда бўлиши керак.

3. **Чуқурлик коэффициенти** – полдан деразанинг ёруғлик берувчи энг баланд қирраси баландлигининг хона кенглигига нисбати билан баҳоланади. Асосий хоналарда чуқурлик коэффициенти 1:2 нисбатда қабул қилинади.

4. **Соя тушиш коэффициенти** – ён турган бинога нисбатан баландлигини нисбати ёки болалар муассасаси билан ён турган биноларнинг орасидаги масофа билан баҳоланади. СТК – 1:2 нисбат қилиб олинган. МБМлар, мактаб, касбий мактаблар биносининг ориентацияси ҚМҚ да кўрсатилган.

5. **Табиий ёритилганлик коэффициенти (ТЁК)** – хонанинг бир нүктасидаги ёритилганлик даражасининг (лк), шу горизонтал йўқалишдаги ташқаридаги ёритилганлик даражасининг нисбати билан баҳоланади. Бу нисбатан фоизлар билан баҳоланади. ТЁКнинг минимал даражаси гурӯҳ, ўйнаш – овқатланиш, тиббий, изолятор хоналарида, касал бўлган болалар бўладиган хоналарда, мусиқа – гимнастика залларида 1,5%, қабулхона ва ечиниш хоналарида – 1%ни ташкил қиласи.

Мактаб, мактаб – интернатлар ва касбий мактабларда ТЁКнинг минимал кўрсаткичи қуидагича белгиланиши лозим: синф хоналари, кабинетлар, лабораториялар, лаборантлар

хоналарида, аудиториялар, металлар ва ёғочларга, матоларга қайта ишлов бериш хоналарида – 1,5%; расм ва чизмачилик хоналарида – 2%; рекреация хоналари, спорт заллари ва ўқитувчилар хонасида 1%ни ташкил қилиши керак.

Жадвал 7.5.1.

Мактаб бинолари ва хоналаридаги табиий ёритилганиллик даражасининг ёруғлиқ тушишига нисбатан меъёрий нисбати

№	Хоналар номи бинолининг тамици деворидан	Юза горизонтал меъёрида ТЕК пол юзасига нисбатан баландлиги, м	Горизонтал юзага нисбатан ёруғлиқ ҳабул ҳалиш соҳаси	
			Ш,ШШ,Ш, Шг	Ғ,Ш,Жи, Жғ,Ж
1.	Синф хоналари, ўқув кабинетлари, лабораториялар металл ва ёрочни қайта ишлаш устахоналарида	Иш столлари, парталар, верстакларининг горизонтал юзада 80 см. да	1,05	1,0
2	Информатика ҳисоблаш техника хонасида	Дисплей, клаватура ва иш стол юзасининг 80 см. соҳасида	1,05	1,0
3	Техник чизмачилик ва расм хоналарида	Ишчи юзадан 80 см. соҳада	14	13
4	Усталар ва жиҳозларни саклаш хоналарида	Горизонтал соҳада 80 см.да	0,7	0,65
5.	Кулинария хоналарида	Горизонтал соҳада 80 см.да	0,74	0,74
6.	Спорт заллари ва рекреация хоналарида	Пол юзасида 80 см.да	0,7	0,45
7.	Ўқитувчилар хонасида	Горизонтал соҳада 80 см.да	0,7	0,65
8.	Епик бассейнларда	Горизонтал соҳада сувнинг юзасида	07	0,65

Информатика ҳисоблаш техникаси, расм ва чизмачилик хоналарининг ориентацияси шимолий, шимолий шарқий ва шимолий-гарбий орнентацияда жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ

6. Сунъий ёритилганиллик. Болалар ва ўсмиirlар муассасалари хоналарини ёритишида хоналарнинг жойлаштирилиши в-а табиий ёритиши кучининг етишмаслиги натижасида иш ҳолатига қуладай шароит яратиш мақсадида сунъий ёритиши чироқларидан фойдаланилди. Болалар ва ўсмиirlар муассасаларини ёритиши мақсадида қоидага биноан люминисцент чироқлардан фойдаланиш керак. Мумкин бўлмаган ҳолатларда ёки техник-иқтисодий жиҳатдан қўлланиш мумкин бўлмаган вазиятларда чўғланма чироқлардан фойдаланилди. Ҳаракатдаги меъёрий кўрсаткичлар жадвалда кўрсатилган.

II. Вентиляция. Аэрация.

Болалар ва ўсмиirlар муассасаларида ҳавони алмаштириш жараёни аэрация ва вентиляция усулида амалга оширилади. Бир

қаватли болалар ва ўсмирлар муассасаларида ҳавони алмаштириш форточкалар ёки фрамуталар ёрдамида амалга оширилади. Иккى қаватли биноларда қўшимча, табиий равища амалга ошириладиган тортувчи қувурлар мосламасидан фойдаланилади. Ошхона ва кир ювиш хоналарида механик ва иссиқ қўзғатувчилар ёрдамида ҳавони алмаштириш амалга оширилади. Гуруҳ хоналарида елизак ва бурчак усулидаги ҳавони алмаштирилиши таъминланиши керак. Ҳамма хоналардаги ҳавонинг табиий алмаштириш даражаси – коэффициент аэрацияси 1:50 нисбатда бўлиши керак.

Мактаб, мактаб – интернат, касбий мактабларнинг ўқув хоналарида ташқи ҳавонинг иситилган даражасидаги ҳаво билан таъминланиши керак. Ушбу ҳолатларда битта болага 16 м.куб ҳаво таъминланиши керак. Марказлашмаган иситилмаган ташқи ҳаводан ҳам беришга рухсат берилади.

Ўқув хоналарида бир соатда бир маротаба табиий тортишни таъминлайдиган вентиляцияга рухсат берилади. Қолган ҳавони алмаштириши таъминлаш рекреацион хоналар орқали ҳожатхонадаги тортиш мосламалари, кимё лабораториясидаги тортиш шкафлари орқали амалга оширилади.

Бир – бирига боғлиқ бўлмаган алоҳида тортувчи вентиляцион системаси синф хоналари ва ўқув кабинетлари, лабораториялар, фаоллар ва спорт заллари, устахоналар, ошхоналар, тиббий пунктларга рухсат берилади.

Кўп иссиқлик, чанг, газ, буг ажратишга боғлиқ бўлган хоналар, станок ва механизмлар билан жиҳозланган ўқув ва ўқув – ишлаб чиқариш хоналарида қўшимча равища маҳаллий тортиш вентиляцион қурилмалари ўрнатилади. Кимё ва физика лабораторияларида тортиш шкафлари ўрнатилади.

Мактаб ва касбий мактабларнинг хоналарида аэрация коэффициенти 1:50 нисбатдан кам бўлиши мумкин эмас.

Соғломлаштириш оромгоҳларининг ухлаш хоналарида кенг аэрациядан фойдаланиш ва таъминлашга рухсат берилади. Ошхона, ювениш хоналари, ҳожатхоналарда қўзғатувчи шамоллатиш туридан фойдаланиш ва таъминлаш кўзда тутилади.

Жадвал 7.5.2.

Мактаб бинолари ва хоналаридаги умумий ёритилганликкниң зиг кам миңдордаги ёритилганлик даражасининг меърий нисбати

№	Хоналарнинг номи ва ишчи юзаси	Энг кам ёритилганлик, лк		Қабул ҳилинадиган юзадаги меърий ёритилганлик
		Люмини цент чироқда	Чўғланма чироқ да	
1	2	3	4	5
1	Синф хоналари ва кабинетлар А) стол ва парталар Б) синф доскалари	300 500	200 400	поддан 80 см горизонтал юзада вертикал юзасида
2	Чизимчалик хонаси стол юзасида	500	400	поддан 80 см горизонтал юзада
3	ХТ хоналарида экран олдида	200	150	поддан 80 см горизонтал юзада
	Клавиатура олдида	300	200	поддан 80 см горизонтал юзада
	Ишчи юза соҳасида	400	300	поддан 80 см горизонтал юзада
4	Табакат бурчагида	300	200	поддан 80 см горизонтал юзада
5	Ероч ва метални қайта ишлаш устахонасида	300	200	поддан 80 см горизонтал юзада
6	Тапкурчалик устахонасида	400	300	поддан 80 см горизонтал юзада
7	Мехнат таълимини ўргатиш хонасида [кулнишарик]	300	200	поддан 80 см горизонтал юзада
8	Кутубхонада	300	200	поддан 80 см горизонтал юзада
9	Шифокор хонасида	200	150	поддан 80 см горизонтал юзада
10	Ўқитувчилар хонасида	300	200	поддан 80 см горизонтал юзада
11	Директор хонасида	300	200	поддан 80 см горизонтал юзада
12	Буфетда	200	150	поддан 80 см горизонтал юзада
13	Фооллар залида	200	150	поддан 80 см горизонтал юзада
14	Спорт залида	200	150	поддан 80 см горизонтал юзада
15	Рекреация хонасида	150	100	поддан 80 см горизонтал юзада
16	Вестибюлда	150	100	поддан 80 см горизонтал юзада
17	Гардеробда	100	75	поддан 80 см горизонтал юзада
18	Коридор – даҳлиzlарда	75	50	поддан 80 см горизонтал юзада
19	Санитария тармоғида	75	50	поддан 80 см горизонтал юзада
20	Зинапояларда	75	50	Юзада
21	Ховандада	75	50	Ер юзасида

Дана – за кинопроекторлар қўлланилганда ўқитувчилар столи юзасидаги ёритилганлик 500 лк даги кам бўлмаслиги керак. Бу даражани таъминлаши учун фанёт маҳаллий ёритилганликдан ёки фуркада ёритилишни керак.

III. Иситиши

Болалар ва ўсмиirlар муассасаларини иситиши жараёни туман, квартал ёки гурухли ИТМ иссиқлик тармоғи орқали амалга оширилади. Ташқи ИТМ бўлмаган шароитларда маҳаллий иситиши тармоқларидан фойдаланишга рухсат берилади. Маҳаллий иситиши тармоқларини ўрнатиш (мактаб, мактаб – интернат ва ўрмон мактабларида) алоҳида бинода ёки хўжалик минтақасида жойлаштирилади.

Энг кўп ва кенг тарқалган иситиши тури мосламаси бўлиб, марказий тармоқли сувли иситиши мосламалари ҳисобланади. Иситиши тармоғидаги сувнинг иссиқлик даражасида 70 градусни ташкил қилиши керак. Мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, мактаб – интернат ва касбий мактабларнинг болалар бўладиган хоналарида, гимнастика машғулотлари хоналарида, мактаб, мактаб – интернатлар, касбий мактабларнинг спорт залларида радиаторлар ёғочли панжаларалар билан тўсилиши лозим.

Нурли ён девордан иситиши тури гигиеник жиҳатдан қулай иситиши тури бўлиб ҳисобланади.

Аҳоли кам бўлган қишлоқ жойларда бир қаватли 50 ўриндан ошмаган мактабгача тарбия муассасалари ва 192 ўриндан ошмаган бир қаватли мактабларда катта иссиқлик ҳажмини эгаллайдиган печкалар ёрдамида иситиши турига рухсат берилади. Гуруд, ухлаш, ювиниш, синф хоналарини иситиши учун ўт ёкиш мосламаларини ўрнатишга рухсат берилмайди.

IV. Сув билан таъминланиши, канализация

Болалар ва ўсмиirlар муассасалари Давлат стандарти талабларига жавоб берадиган сифатли сув билан таъминланиши керак.

Болалар ва ўсмиirlар муассасалари биноси водопровод кранлари, иссиқ ва совуқ сув, канализация қурилмалари билан таъминланиши керак. Улар аҳоли яшаш жойининг марказлашган иссиқ сув ва канализация қурилмасига уланиши керак.

Агар муассаса жойлашган аҳоли яшаш жойида марказлашган иссиқ сув ва канализация қурилмаларининг шаҳар билан тармоғи бўлмаса, маҳаллий шароитнинг талабларини ўргангандек ҳолда санитария – эпидемиология назорати марказининг рухсатига биноан ва улар билан келишилган ҳолда маҳаллий иссиқ сув билан таъминлаш ва канализация қурилмаларини ташкиллаштириш масаласи кўриб чиқиласди.

Илк болалик даври ва биринчи кичик гурухлар ҳожатхонасида 2 та болалар ва 1 та катталар ювиниш мосламалари, 1 та катталар ва 1 та болалар унитази, 1 та ювиниш мосламаси, 1 та қуритиш – сочиғи, илк болалик даврининг 1 – гурухининг ҳожатхонасида – 1 та катталар ювиниш мосламаси ва унитази, тўкиш мосламаси ва ваннаси, 1 та сочиқ қуритиш

мосламаси, қабулхона ва ўйнаш хоналарида 1 тадан қўл ювиш мосламалари ўрнатилади.

Мактаб олди гуруҳларининг ҳожатхонасида 4 та болалар қўл ювиш мосламалари, 3 та болалар унитази очиқ тарздаги бир-бируни оралиқ тўсувчи экранли тури ва 1 та катталар унитази, юваниш мосламаси, юваниш душ сеткаси ва эгиувчи шлангаси билан, 1 та сочиқ қуритиш мосламаси ўрнатилади.

Катта ва тайёрлов гуруҳининг ҳожатхоналар минтақасида 3 та ёпиладиган унитазлар ва эшиги ёпилмайдиган кабинасиз тўсинли мосламалар, ёпиладиган кабинали катталар, яъни ходимлар учун 1 та унитаз ўрни бўлиши керак. Болалар кабинасининг ўлчами $0,8 \times 75$ м, кабиналар оралиғида тўсувчи экранларнинг баланддиги 1,2 м бўлиб, полдан 15 см баландликда бўлиши керак.

Болалар санитария мосламаларини ўрнатиш баланддиги хона полидан то мосламанинг қиррасигача бўлиши қўйидагича бўлиши лозим:

— ясли-богча гуруҳи ва кичик мактаб олди гуруҳи болаларининг қўл ювиш мосламаси учун — 40 см;

— ўрта ва катта мактаб олди гуруҳи болаларининг қўл ювиш мосламаси учун — 50 см;

— илак болалик ёшидаги иккинчи гуруҳ ва биринчи кичик гуруҳининг чуқур чўмилиш мосламаси (чўмилиш мосламасининг чўмилиш ўрнидан чўмилиш сеткасигача — 1,5 м) — 60 см;

— мактаб олди гуруҳи учун кичик чўмилиш мосламаси (чўмилиш мосламасининг чўмилиш ўрнидан чўмилиш сеткасигача — 1,6 м) — 30 см;

Мактаб, мактаб — интернат ва касбий мактабларда қўл ювиш мосламаларидан ташқари, лаборатория, лаборантлар хонаси, буфет ва ошхоналарнинг кириш залларида (20 та овқатлашиб ўрнига 1та кран), шунингдек, бошлангич синф хоналари, меҳнат таълим хоналари, жонли табиат бурчаклари, ўқитувчилар хоналарида қўл ювиш мосламалари ўрнатилади.

Юваниш хоналарида 1та қўл ювиш мосламаси 60 та ўқувчига мўлжалланган. Ҳожатхонада 1 та унитаз 30 та қиз болага, 1 та унитаз ва 1 та писсуар 40 та ўғил болага режалаштирилади.

Мактаб — интернатлари ва ўрмон мактабларининг ҳожатхонасида 1та унитаз 15 та қиз болага ва 1 та унитаз ва 1 та писсуар 20 та болага режалаштирилади. 1 та қўл ювиш мосламаси 8 та болага, 1 та оёқ ювиш мосламаси 12 та болага мўлжалланиши керак. Қиз болаларнинг ухлаш хоналарида қизлар гигиеник хонаси (1 таси 70 та қизга) режалаштирилиши керак.

Касбий мактабларнинг ҳожатхонасидаги канализацион қурилмалар мактаб — интернатидагидек режалаштирилади.

Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг ухлаш хоналарида 1 та қўл ювиш мосламаси 8 та болага, 1 та оёқ ювиш мосламаси 12 та болага, 1 унитаз 15 та қиз болага, 1 та унитаз ва 1 та писсуар 20 та болага мўлжалланган. Бундан ташқари болалар соғломлаштириш масканларида ўғил ва қиз болаларга алоҳида сунъий чўмилиш мосламалари ва хоналари режалаштирилиши лозим. 240 ўрингача бўлган оромгоҳларда – 6 та чўмилиш ўрни, 240 ўриндан юқори оромгоҳларда – 10 та. Қизларнинг шахсий гигиена хоналари – 1 таси 70 қизга мўлжалланиши керак. Бундан ташқари қуёш нурида иситиладиган чўмилиш мосламалари ечиниш ўрни билан – 2 таси бигта гуруҳга мўлжалланади.

VIII. БОБ. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси санитария шифокорининг асосий вазифалари

ДСЭНМ Болалар ва ўсмирлар гигиенаси – (БҮГ) шифокори болалар ва ўсмирларнинг саломатлигини сақлаш ҳамда тарбиялаш ва ўқитишининг гигиеник шароитларини соғломлаштиришга қаратилган санитар – гигиеник ва санитар – эпидемиологик тадбирларини ўтказиш устидан давлат санитария назоратини амалга оширади.

Машгулотнинг мақсади. БҮГ шифокори фаолиятининг асосий йўналишлари, шунингдек, амалда қўлланиладиган ишидаги усуллар билан танишиш. БҮГ шифокорининг асосий гигиеник бўйимларни бажариш учун қўйидаги гигиеник текширув услубларини амалга ошириши керак:

1. Огоҳлантирувчи давлат санитария назорати.
2. Жорий санитария назорати.
3. Ташкилий услубий ишлар.
4. Санитария назорати бўйича умумий материалларни умумлаштириш ва таҳдил қилиш (маълумотномаларни, хатларни, чиқиш нутқлари ва бошқаларни тайёрлаш).

Огоҳлантирувчи давлат санитария назорати – (ОСН)

ОСН – болалар ва ўсмирлар гигиенаси шифокори фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Болалар ва ўсмирлар муассасаларида тарбиялаш ва ўқитиши шароитларини яхшилаш уни ўтказиш сифатига боғлиқ. Болалар ва ўсмирлар контингентлари ва ишчилар саломатлик ҳолатини, шунингдек, умумий касалликларни олдини олиш ва камайтириш, касб касалликларини олдини олиш, болаларни тўғри жисмоний ривожланишини, кун тартиби ва рационал овқатланишини тўғри ташкиллаштириш, атроф – муҳитнинг санитария ҳимояси – огоҳлантирувчи санитария назоратини тўғри йўлга қўйишга боғлиқ.

Огоҳлантирувчи давлат санитария назорати 2 та асосий йўналишдан иборат:

1. Болалар ва ўсмирлар муассасаларини лойиҳа – лаштирилишида, қурилишида ва қайта қуришда ва таъмирлашда санитар – гигиеник ва санитар – эпидемиологик меъёр қоидаларига риоя қилиш.

2. Болалар ва ўсмирлар муассасаларида ишлаб чиқаришга янги технологик жараёнларни киритишида, болалар ва ўсмирлар жиҳозлари, ўйинчоқлари, кийимлари, ўқув воситалари, янги болалар озиқ – овқат маҳсулотларига техник шартлар ишлаб чиқишида ва полимер материаллардан тайёрланган болалар

жиҳозларни амалиётта татбиқ этишга санитар – гигиеник ва санитар – эпидемиологик меъёр ва қоидаларига риоя қилиш.

Огоҳлантирувчи давлат санитария назоратининг биринчи йўналиши қўйидаги босқичлардан иборат:

1. Болалар ва ўсмирлар муассасаларини қуриш учун ер майдонини танлашда санитар – гигиеник ва санитар – эпидемиологик меъёр ва қоидаларга риоя қилиш устидан назорат ўрнатиш;
2. Болалар ва ўсмирлар муассасаларини лойиҳалаштиришда, қуриш ва қайта қуриш лойиҳаларини кўриб чиқишида санитар – гигиеник ва санитар – эпидемиологик меъёр ва қоидаларга риоя қилиш устидан назорат (ўрнатиш ва хulosса бериш);
3. Қурилаёттан ва қайта таъмирланаёттан муассасалар устидан давлат санитария назорати;
4. Бинони қабул қилиш бўйича давлат қабул қилиш ҳайъати таркибида янги қурилган муассасаларни қабул қилишда иштирок этиш.

Ер участкаси майдонини ажратиш бўйича хulosса қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

–ДСЭНМга кўриб чиқиши учун келган ҳужжатлар билан танишиш (кузатув хати, ушбу аҳоли яшаш жойи вазиятли режасининг нусхаси ва бошқа ҳужжатлар);

– ер майдонини текшириш далолатномасини тузиш. Ҳужжатлар билан танишишда ер участкаси майдонининг амалдаги санитар меъёrlарга мослигига, ер майдонининг ажратилган чегаралари, унинг конфигурациясини аниқ ўлчашга, ер майдони атрофида (болаларни бинода бўлиш шароитларига) салбий таъсир қилувчи обьектларнинг мавжудлигига эътибор берилади. Чизма бўйича кўрсатилган обьектлардан ўлчамлар, атрофдаги бинолар билан оралиқ масофа ҳамда ер майдони ва лойиҳалаштирилган бинони соялатилиш эҳтимоллиги аниқланади. Бинони болалар бўладиган хоналар мақбул ориентациясини ҳисобга олган ҳолда жойлаштирилиш имконияти текширилади.

Ер майдонини текширишда табиий шароитларга, ер майдонининг релефига, ер ости сувлари чуқурлигига, сув таъминоти манбасининг мавжудлиги ва чиқиндиларни йўқотиш имкониятини таъминланишига, тупроқ тозалигига эътибор берилади.

Ситуацион режанинг график материали бинонинг атрофидаги обьектларга нисбат жойлаштирилишининг мослиги билан баҳоланади. Ер майдонидаги бегона қурилишлар мавжудлиги аниқланади. Ер майдонини текшириш натижалари бўйича далолатнома ёзилади, унда юқорида санаб ўтилган барча саволлар бўйича таъриф берилади.

Текшириш материаллари ва ДСЭНМга тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича 301 ҳисоб шакли бўйича ер майдонини ажратиш ҳақида хуроса тайёрланади.

Хуросага қурилиш бошланишга қадар бажарилишини таъминлаш учун керакли бўлган таклифлар киритилади (бегона биноларни бузиш ва таъмирлаш, территорияни текислаш ва бошқалар). Биноларни қуриш ва қайта қуриш лойиҳаларини кўриб чиқиш. Болалар ва ўсмирлар турли муассасалари биноларининг лойиҳаларини кўриб чиқилишида ДСЭНМ билан келишиш керак. Лойиҳаларнинг қўйидагича (типик, мослаштирилган, экспериментал ва индивидуал) турлари мавжуддир.

Типик лойиҳа бўйича қурилаётган муассасаларнинг лойиҳалари (типик лойиҳага боғлов даражаларда қўлланиладиган лойиҳалар) фақат амалдаги санитария меъёр ва қоидалардан четлатишлар кузатилганда қайтадан кўриб чиқиласди. Белгиланган санитария меъёр ва қоидаларга мос равишда ишлаб чиқилган лойиҳа муаллиф томонидан ёзма равишда тасдиқланган боғлов лойиҳалари санитария назорати билан келишилган ҳолатда амалиётта татбиқ этилади. Қурилиш лойиҳасини кўриб чиқишида ажратилган ер майдонига ижобий хуроса берилиши бинони қуришга рухсат берилган ҳужжатлар, шунингдек, тушунтириш хатлари, бош ва ситуацион режалар, қаватлар режаси, кесмалар, бинонинг ташқи қўриниш режалари бўлган тақдирдагина амалга оширилади.

Типик лойиҳа бўйича муассасани қуриш лойиҳаси санитария назорати томонидан қонуний тасдиқланган лойиҳанинг боғлов варақаси паспортига эга бўлиши керак. Лойиҳани кўриб чиқиш ва унга гигиеник баҳо беришда дарсликнинг VII бобида келтирилган гигиеник талабларга асосланади. Қурилиш лойиҳаси бўйича хуроса № 303 сонли ҳисоб шакли бўйича тўлдирилади.

Хуросани тасвирлаш қисмида лойиҳага қисқача таъриф берилади. Лойиҳа бўйича аниқланган камчиликлар хуросада алоҳида тарзда тушунарли равишда қилиб келтирилади. Лойиҳада кўрсатилган камчиликлар амалдаги санитария меъёр ва қоидаларга мос келиши керак. Кўриб чиқилган лойиҳа бўйича кўрсатилган камчиликлар лойиҳани кўриб чиқиш давомида аниқланган санитар камчиликларни ҳисобга олган ҳолда берилади. Камчиликлари кўрсатилган лойиҳа тасдиқлашдан четлаштирилади. Санитария қоида ва меъёrlарининг талабларига мос келадиган лойиҳа давлат санитария назорати ходимлари томонидан тасдиқланади.

Қурилиш давомидаги бош режани кўриб чиқиш

Қурилиш бош режаси қурилишини ташкиллаштириш лойиҳасининг таркибий қисмини шакллантириб, ўзининг таркибида бинонинг қурилиш таркибини ташкиллаштириб, 1:500 масштабдаги ер майдонининг релефини, мавжуд лойиҳадаги

асосий ва ёрдамчи биноларнинг лойиҳаларини, санитар – техник қурилмалар, йўллар ва коммуникациялар, шунингдек, монтаж механизмлари кўрсатилган бинонинг қурилиш режасидан иборат бўлади.

Қурилишнинг бош режаси лойиҳага санитария назорати маркази ходимлари томонидан қурилишга рухсат берилгандан кейин кўриб чиқишига рухсат берилади. Бош режани кўриб чиқишида қурилиш майдончасида қурилиш ишларини ташкиллаштиришга ва қурилиш биносининг атрофини чегараланганилигига (тўсиқлар мавжудлиги, бино қурилиш майдонига кириш, қурилиш иншоотларини ва конструкция жиҳозларини сақлаш омборхоналарининг мавжудлиги, баланд механизмлар билан ишлаш мосламаларининг қурилиш атрофида бинолар билан оралиқда жойлаштирилганлигига) катта эътибор қаратилади. Ишчиларнинг зарур майший хоналар билан таъминланганилиги текширилади, бунда уларга бўлган эҳтиёж қурилишда ишлаёттан ишчиларнинг умумий сонидан келиб чиқдан ҳолда аниқланади.

Қурилаётган ва қайта таъмирланаётган болалар ва ўсмиirlar муассасаларини текшириш услуби

Объектларнинг қурилиши ва қайта таъмирланиши устидан назорат ўтказишида қурилиш ишларини тасдиқлайдиган лойиҳага мослиги, қуриш ва қайта таъмирлаш жараёнида санитария меъёр ва қоидаларига мос келиши ёки келмаслигига баҳо берилади. Бинонинг қурилиши давомида камида З маротаба текшириш ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Объектни биринчи маротаба текшириш давомида қурилиш майдончесини тасдиқланган бош режага мос равища ташкиллаштирилишига эътибор қаратилади, лойиҳага биноан бузилиши керак бўлган қурилмаларни зарурият тугилганда бузилишига эътибор берилади. Ишчи чизиммалар кўриб чиқилади. Бу текшириш давомида ишчи чизиммаларни тасдиқланган лойиҳага ҳамда амалдаги санитария меъёрлари ва қоидаларига мослиги текширилади. Кейинги босқичдаги ишларни ДСЭНМ билан келишилган лойиҳага мослиги ва бажариладиган ишларнинг сифатига баҳо берилади.

Объектни санитар – техник ва безаш ишларини бажариш босқичида текшириш айниқса, муҳим аҳамиятта эга ва у вентиляция, иситиш, электр тизими, ёритиш жиҳозлари, санитар – техник ускуналарнинг ўрнатилиши, полларнинг қопланиси, деворларни бўялиши, фрамутгаларнинг жиҳозланиши, овқатланиш блокининг жиҳозланиши устидан назорат олиб борилади.

Қурилаётган ва қайта таъмирланаётган объектларни текшириш ушбу объектни қурилиши учун маъсул ходим билан биргалиқда текширилади. Зарурият тугилганда (тасдиқланган лойиҳа ва амалдаги санитария меъёр ва қоидаларидан

четланишлар мавжуд бўлган ҳолларда) текширишга лойиҳа муаллифи ва давлат архитектура – қурилиш назорати вакиллари жалб қилинади.

Объектни ҳар бир текширишига далолатнома тузилади, унда қурилиш босқичи, текшириш натижалари, аниқланган бузилишлар кўрсатилади ва қурилиш раҳбарига бажариш муддатларини кўрсаттаган ҳолда аниқ таклифлар берилади. Далолатномага текшириши үтказувчи шифокор, қурилиш раҳбарлари ва текшириш давомида қатнашгай мутасадди бошқа шахслар имзо чекади. Текшириш далолатномасининг битта нусхаси қурилаёттан обьектда қолдирилади. Текширув натижалари үтказилган кун ва аниқланган бузилишлар бўйича аниқланган камчиликлар кўрсатилган ҳолда 305 ҳисоб шакли тўлдирилади. У ҳисоб шакли ҳар бир қурилаётган ва қайта таъмирлананаёттан обьектта улар устидан назорат бўйича шуни ҳисобга олиш маҳсадида тўлдирилади. Бинони қабул қилишдан оддин сув таъминоти тармоғидан, ювиш ҳамда кимёвий ва бактериологик текшириш учун иссиқ ва совуқ сувдан намуна олиш керак ва унинг натижалари таҳлил қилиниши лозимдир.

Объектларни қуриш ва қайта таъмирлашдан кейин қабул қилиши

Янги қурилган ва қайта таъмирланган обьектларни қабул қилишда санитария шифокори давлат қабул ҳайъати таркибида иштирок этади. Объектни қабул қилиш, қурилиш лойиҳаси ва шу лойиҳа бўйича АСЭНМнинг хуносаси билан тўлиқ танишиб чиқиши лозим. Қайта таъмирлананаёттан обьектларнинг текшириш үтказилган ишларини тасдиқланган лойиҳага мослиги ва уларнинг сифатига эътибор берилади. Иситиш, ёритиш, вентиляция, сув таъминоти, шу қаторда иссиқ сув таъминоти, канализация тизими, тозалаш иншоотлари бўлса, уларнинг ишлаш ҳолати, безаш ишларининг сифати текширилиши лозим. Мутахассислар яшириш ишларни тоширганлиги ҳақида ҳужжатларнинг мавжудлиги текширишлиди (гидроизоляция, товуш изоляцияси ва бошқалар). Шунингдек водопровод ёки янги ўрнатилган сув таъминоти манбааси сувини лаборатор текшириш натижалари, қурилишда полимер материаллар қўлланилган ҳолда болалар ва ўсмирлар бўладиган асосий хоналар ҳавосининг лаборатор текшириш натижалари маълумотлари эътиборга олинади.

Объектни текшириш ва лаборатор текширувлар вақтида аниқланган санитар – гигиеник камчиликлар маҳсус ҳужжатларга киритилади. Объектни ишга туширишга тайёр ҳолати ҳақидаги санитар – гигиеник хуроса қурилишда аниқланган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда берилади. Ҳайъат таркибидағи санитария шифокор қарор чиқараёттан вақтда, унинг хуносаси инобатта олинишини талаб қилиш шарт. Акс ҳолда санитария шифокор обьектни ишга туширишга яроқсизлигини тўлиқ асослаб берувчи

ўзининг «максус фикрини» бинони қабул қилиш бўйича давлат ҳайъати раисига топширади. «Максус фикр» нусхаси ДСЭНМ да қолади. Объект тайёр бўлмаган ҳолда уни қабул қилиш далолатномасига имзо қўйилмайди, шифокор «максус фикр»га қаралсин деган ёзувни қолдиради.

Болалар ва ўсмиrlар муасасаларининг қурилиши келажакдаги истиқболли режаларини баҳолаш болалар ва ўсмиrlар аҳолисининг келажакдаги сони ҳамда болалар аҳолисининг жамоат тарбияси ва таълим тарбия жараёни билан режалаштирилган қамровидан келиб чиқсан ҳолда ўтказилади. Мактабгача тарбия муассасаларида, мактабларда ва касб-ҳунар мактабларида ўринлар сони, шунингдек, амалдаги меъёрий кўрсаткичлар билан аниқланади; аҳолининг яшаш жойлари, турар жойлар, кичик аҳоли пунктлари, туманлар, шаҳарларни режалаштириш лойихаларини кўриб чиқишида болалар ва ўсмиrlар муассасалари ўринларининг сони амалдаги ҳисобланган ўризларга мослиги текширилади; хизмат кўрсатиш радиуси аниқланади; қурилиш тизимидағи муассасаларнинг жойлаштирилиши, муассасаларнинг тури ва ажратилган ўrniga баҳо берилади.

Жорий санитария назорати – болалар ва ўсмиrlар гигиенаси бўйича санитария шифокор фаолиятидаги асосий ўризлардан бирини эгаллади. Ишнинг бу бўлими ташкилий ва услугбий ишлар, огоҳлантирувчи давлат санитария назорати, эпидемияга қарши тадбирларни ўтказиш устидан назоратни амалга ошириш ишлари билан чамбарчас боғланган.

Жорий санитария назорати қўйидагилардан иборат:

1. Болалар ва ўсмиrlар муассасаларида барча санитар – гигиеник – меъёrlар, қоидалар ва талабларнинг бажарилиши устидан назорат;

2. Болалар ва ўсмиrlар муассасаларида ўқитиш ва тарбиялаш шароитларини ўрганиш, ҳамда чуқурлаштирилган тиббий кўриклар ва касалланиш таҳлили маълумотлари асосида муассасаларнинг санитар – гигиеник ва эпидемияга қарши ҳолатларини яхшилашга йўналтирилган режали соғломлаштириш тадбирларини ишлаб чиқариш;

3. Болалар ва ўсмиrlар муассасаларининг тиббиёт ходимлари томонидан санитар – гигиеник ва эпидемияга қарши ишларни ташкиллаштириш ва ўтказиш устидан назорат ўrnatiш.

Жорий санитария назоратини амалга ошириш қўйидаги ҳужжатлар асосида олиб борилади. Республика Президент девони ва Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган амалдаги санитар – гигиеник меъёр ва қоидалар, йўриқномалар, буйруқлар, юқори ташкилотларнинг услугбий ва бошقا кўрсатмалари асосида олиб борилади.

Болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими санитария шифокори ДСЭНМ хизмат кўрсатиш ҳудудида бўлган барча болалар ва ўсмирлар муассасалари устидан санитария назоратини амалга оширади, агар шифокорлар сони икки ва ундан ортиқ бўлса ажратилган территорияда фаолият олиб боради. Болалар ва ўсмирлар муассасаларини текшириш маҳсус тузилган режага асосан (режали текширища), ёки кўрсатмалар асосида (режасиз текшириш давомида) олиб борилади.

Муассасани санитар гигиеник текшириши тартиби
Муассасани текшириш муассаса раҳбари ёки унинг ўринбосарлари иштирокида ташкиллаштирилади. Текшириш давомида албатта муассасанинг тиббий ходими (шифокор ва ҳамшира) иштирок этиши керак. Текширишга жамоат, юқори турган ташкилотларнинг раҳбарлари ёки вакиллари, зарурият тақозо қилганда бошқа санитария мутахассислиги шифокорлари, уларнинг компитенциясига кирувчи масалаларни ҳал қилиш учун жалб қилинади (овқатланиш гигиенаси бўлими шифокорлари ўюштан жамоаларнинг овқатланиш масалаларини таҳлил қилиши масаласида; коммунал гигиенаси бўлими санитария шифокори – сув таъминоти, оқава сувларни тозалаш ва ҳоказо масалаларни ҳал қилиш учун; эпидемиология бўлимининг шифокори доимий равища болалар ва ўсмирлар жамоаси орасида юқумли касалликларни тарқалишини олдини олишга қаратилган чоратабирларни амалга оширишда).

Болалар ва ўсмирлар муассасаларини текширища қўйидагиларга эътибор қаратилади:

1. Муассасанинг жойлаштирилиши, жиҳозланиши ва сақланиши (ер майдони ва ҳовлиси, бино ва алоҳида хоналар) санитар – гигиеник талабларга мос келиши керак.

2. Кун тартибига, шу қаторда ўқув – тарбиявий, ўқув, ўкув – ишлаб чиқариш жараёни, овқатланиш, меҳнат қилиши ва бошқаларнинг гигиеник талабларига мос келиши.

3. Овқатланиши ташкиллаштириш ва овқатланиш сифатини гигиеник талабларга мос келиши.

4. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари тадбирларини ташкиллаштириш ва гигиеник талабларга мос келишини назорат қилиши.

5. Гигиеник тарбия чора – тадбирларини ташкиллаштириш ва ўтказиши тартиби, ҳамда болалар орасида шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишини назорат қилиш.

6. Муассасанинг жиҳозлар билан таъминланганлиги ва жиҳозларнинг ҳолати, уларнинг санитар – гигиеник мөъёларга мослиги (жиҳозлар, кийимлар, ўрин – кўрпалар).

7. Ходимларнинг болалар ва ўсмирлар саломатлик ҳолати ва гармоник равища жисмоний ривожланишини таъминлашга

Қаратилган санитар – гигиеник ва эпидемиологик билимларининг даражаси.

8. Муассаса ходимларининг шахсий гигиена қоидаларига ва режали тиббий кўриклардан ўтиш муддатларига риоя қилинишини назорат қилиш.

9. Муассаса шифокори ва тиббиёт ҳамширасининг санитар – гигиеник ва эпидемияга қарши олиб борадиган ишларининг ташкиллаштирилганлиги ва олиб борилишини назорат қилишдан иборатdir.

Охирги йилларда болалар ва ўсмиirlар гигиенаси бўлимида жорий санитария назорати ва уни ташкиллаштиришда қуйидаги текшириш турларидан кенг фойдаланилади. Буларга; мавзувий, рейдли, чуқурлаштирилган, кесишган ва комплекс текшириш турлари киради.

Мавзули текшириш ўтказиш услуги

Болалар ва ўсмиirlар муассасаларининг жорий санитария назорати давомида текшириш маҳсус саволлар ёрдамида ташкиллаштирилиши мумкин (мавзувий текшириш).

Мавзувий текширишлар – бу болалар ва ўсмиirlар муассасаларини битта мақсадга йўналтирилган, чуқурлаштирилган текширувлари бўлиб, бунда лаборатор инструментал текширувлари қўлланилиши шарт. Мавзувий текширишларни турли масалалар бўйича ўтказиш мумкин, буларга (бинонинг ёритилиши, овқатланиши ташкиллаштириш, жисмоний тарбия ва меҳнат таълим дарсларини ташкиллаштириш, қадди – қоматнинг бузилишларини олдини олишга қаратилган чора – тадбирлар, ўқув – тарбиявий жараённи ташкиллаштириш, гигиеник тарбияни йўлга кўйилганлик даражаси) ва бошқалар киради.

Маҳсус саволлар бўйича барча болалар ва ўсмиirlар муассасалари, МБМлар, мактаблар, мактаб – интернатлари, лицей ва коллежлар ва бошқа муассасалар ёки алоҳида ажратилган муассасалар текширилиши мумкин.

Материалларни умумлаштиришни ҳамда уни шифокорнинг ташкилий ва услубий ишида қўллашни қулайлаштириш учун мавзувий текширишларни маҳсус равишда ишлаб чиқарилган тартиблар ва ягона услуг бўйича ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Мавзувий текширишлардан ташқари рейдли текширишлар ўтказиш мумкин – бу текширув турида бир вақтнинг ўзида барча ёки айрим муассасаларда бир ёки бир нечта масалалар юзасидан текширишлар олиб бориш мумкин.

Рейдли текширувни жамоат ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, юқори турган ташкилотлар орқали амалга ошириш мумкин. Рейдли текшириш масалаларига муассасанинг қишки мавсумга тайёргарлик даражаси, янги ўқув йилига мактабларнинг тайёргарлик даражаси киритилади. Муассасаларни текширишда хўжалик ташкилотларининг қатнашиши, муассасани текширишда

пайдо бўладиган саволларни оператив ҳал қилишини таъминлайди; текширув давомида жамоат ташкилотларининг қатнашиши кейинчалик жамоат ташкилотларининг ёрдамида ДСЭНМ тақлифларининг бажарилишини назорат қилишга имконият яратади.

Мавзувий ва рейдли текширишлар материаллари шифокор томонидан ташкилий ва услубий ишларда қўлланилади: болалар ва ўсмирлар муассасаларида таълим – тарбия жараёнларини яхшилаш масалаларини Халқ таълими бошқармаси ва жокимият вакиллари олдига қўйиш мақсадида; шу масалаларни раҳбарлар, тиббий ходимлар ва бошқа ходимларнинг йигилишларида муҳокама қилиш учун; МБМлари, мактаб, мактаб – интернатлари, лицей, коллежларда таълим ва тарбия жараёни шароитларини яхшилашга қаратилган соғломлаштириш режаларини ишлаб чиқиш учун ва бошқа масалаларда фойдаланиш мумкин.

Объектларни санитар – гигиеник текшириш натижалари 315 ҳисоб шакли бўйича санитар – гигиеник текшириш далолатномасини тузиш йўли билан расмийлаштирилади, тузиленган ва тўлдирилган далолатноманинг бир нусхаси текширилган муассасада қолдирилади ёки муассасанинг санитар ҳолати дафтарига ёзиб қолдирилади. Бу дафтар ҳар бир муассасада 308 ҳисоб шакли тарзида тутилган бўлиши керак, ёзувнинг нусхаси ДСЭНМида сақланади.

Текшириш далолатномаси 4 та асосий қисмлардан иборат бўлиб, буларга унинг паспорт қисми, асосий масалалар ёритилиши керак бўлган қисми, хulosалар ва уларни бартараф этишга қаратилган тақлифлар қисмларидан иборат бўлиши керак.

Текшириш далолатномасида текшириш ишлари ким томонидан, қачон ва кимлар иштироқида ўтказилганини ва муассасанинг номи ва унинг жойлаштирилган манзили кўрсатилади.

Далолатномада объектнинг санитар ҳолати ва унинг сақланиши кўрсатилади, маҳсус ўрганишни талаб қиласидиган саволлар ва уларнинг ечилиш масалалари ўрганилади. Шунинг учун объектдаги ҳамма санитар – гигиеник талабларнинг барча бузилишлари тўлиқ ва аниқ тарзда санаб ўтилади. Аниқданган бузилишларни инобатта олган ҳолда уларни бартараф қилиш учун чора – тадбирлар ва бажарувчи раҳбар ёки тиббий ходимларга кўрсатма сифатида тавсия қилинади, шунингдек, жавобгар шахснинг исми шарифи кўрсатилади. Тақлифлар аниқ, тушунарли тарзда ва бартараф этиш муддатлари аниқ кўрсатилиши керак.

Далолатномага муассасани текширган шифокор, текширишда иштирок этган ходимлар, шунингдек муассасанинг раҳбари ва далолатномада кўрсатилган камчиликларни бартараф қилишдаги масъул ходимлар имзо чекишиади.

Муассасани текшириш вақтида киритилган таклифларнинг бажарилиши далолатномада кўрсатилган муддатда яна бир бор текширилади. Берилган таклифлар бажарилмаган вақтда қайтадан таклифлар киритилади ҳамда санитар – гигиеник ва эпидемияга қарши қоидаларнинг бузилганини учун жавобгар шахсларга санитар – гигиеник қоидаларнинг бузганлиги тўғрисидаги баённома тузилади ва шу баённома бўйича бош давлат санитария шифокори жарима солиш ҳақида қарор чиқаради.

Лаборатор ва инструментал текшириш усувлари

Жорий санитария назорати амалиётида қўлланувчи бу усувлар, болалар ва ўсмирлар муассасаларида таълим ва тарбия жараёнини ташкиллаштириш шароитларини баҳолашни объективлигини таъминлайдиган, ва объектларни санитар – гигиеник ҳолатини чуқурлаштирилган санитар – гигиеник текшириш давомидаги зарур бўлган текширув турлариди. Болалар ва ўсмирлар муассасаларини текширишда лаборатор назорати қўйидаги тартибдада ўтказилади:

- муассасанинг ҳовлиси, хоналаридаги ҳаво мұхити ва микроқўлим параметрларининг ҳолати;
- ичимлик, чўимилиш сув ҳавзалари ва сунъий сузиш ҳавзалари сувининг сифати;
- ҳовли ер майдонидаги тупроқнинг санитар – гигиеник ҳолати;
- овқатланишнинг ва озиқ – овқат маҳсулотларининг сифати;
- муассасалarda санитар – гигиеник ва эпидемияга қарши тартибларга риоя қилинишини назорат қилиш;
- болалар ва ўсмирлар бўладиган хоналардаги ёритилганлик даражасини аниқлаш;
- бинонинг ҳовлисида ва хоналардаги шовқин даражаси ва унинг характерини аниқлаш;
- мактабгача тарбия муассасалари ва мактаб жиҳозлари, устахона жиҳозлари (верстаклар ва ўқув қуроллари) нинг ҳолати.

Лаборатор ва инструментал текширишлар муассасанинг аниқ бўлган санитар – гигиеник текширув тури билан олиб бориладики, бунда лаборатор ва инструментал текширув натижаларига ва уларнинг ўлчамини аниқлашга таъсир қиласидиган ва уларнинг натижаларини ўзгаришига олиб келадиган санитар – гигиеник талабларига эътибор қаратилади.

Софломлаштириш тадбирларининг режаларини тузиш

Софломлаштириш тадбирларининг режаларига (режа – топшириқ) болалар ва ўсмирлар муассасаларида таълим – тарбия шароитларини яхшилашга қаратилган тадбирлар киритилади. Режа – топшириқ тузишда жорий санитария назорати текширувлари материаллари, объектларни санитар – гигиеник

жолатини ўрганиш материаллари қўлланилади. Соғломлаштириш тадбирлари режаларининг бажарилишига узоқ вақт ва маҳсус воситалар ажратилиши керак бўлган тадбирлар киритилади, буларга қўйидагилар:

(артизан қудукларни қуриш, сунъий ёритиш тизмиларини қайтадан жиҳозлаш ва таъмирлаш, вентиляцион тизимни ўрнатиш, хоналарни қайта режалаштириш ва кенгайтириш, ҳовлини, очиқ ер майдонларини кўкаламзорлаштириш ва бошқалар) киради.

Режа-топшириқ тузишга болалар ва ўсмирлар муассасаларининг тиббий ходимлари жалб қилинади. Режа-топшириқ муассаса раҳбари билан келишилади ва унга бажариш учун тақдим қилинади.

Бир ихтисосдаги муассасалар бўйича тузилган соғломлаштириш тадбирларининг режалари умумлаштирилган режа-топшириқ кўринишида расмийлаштирилиши мумкин ва у тасдиқлангач, шу муассасага тақдим этилади (Халқ таълими бўлимига-мактаблар бўйича соғломлаштириш тадбирларининг режаси, соғлиқни сақлаш бўлимига-болалар боғчалари бўйича). Ёзги соғломлаштириш муассасалари бўйича тадбирлар режаси (ёзги оромгоҳлар, мактабгача тарбия муассасаларининг дала ҳовлилари) шу муассасаларни қарамоғига олган корхона ёки ташкилотта тақдим қилинади.

Бажарилишида турли ташкилотлар қатнашиши керак бўлган тадбирларни режалаштириш зарурати туғилганда, тадбирларнинг комплекс режаси ишлаб чиқилади. Бу режа тасдиқланади ва уни бажаришда иштирок этадиган барча ташкилотларга жўнатилади.

Режа-топшириқлар муассасанинг кейинги йилги сметаси тасдиқланғунча тақдим этилиши шарт. Соғломлаштириш тадбирлари режаларни бажарилиши йилига 1–2 марта назорат қилинади (мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, мактаб-интернатлари, лицейлар ва коллежлар (касб – ҳунар мактаблари) ни янги ўқув йилига қабул қилишда ва соғломлаштириш оромгоҳларида янги дам олиш мавсумидан один). Режа-топшириқлар бир йилга ёки истиқболли бир неча йилга тузилиши мумкин.

Ташкилий-услубий ишлар – барча болалар ва ўсмирлар муассасаларида таълим ва тарбия шароитларини яхшилашга қаратилган. Болалар ва ўсмирлар гигиенаси шифокори болалар ва ўсмирлар муассасаларида санитар-гигиеник меъёр ва қоидаларга амал қилиниш устидан назоратни таъминлабгина қолмасдан, балки, муассасаларнинг санитар ҳолатини яхшилашга шу муассасаларда ушбу ишларни яхшироқ ташкиллаштиришга йўналтирилган соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириши керак.

Болалар ва ўсмирлар муассасаларида ташкилий ишләй қуйидагилардан иборат:

- асосий санитар-гигиеник ва эпидемияга қарши чора – тадбирларни жорий ва истиқболли режаларини тузиш, комплекс – мажмууали режалар ишлаб чиқиш;
- ишнинг статистик ҳисоботини тузиш ва уни таҳлил қилиш;
- болалар ва ўсмирлар жамоасида санитар гигиеник ве эпидемияга қарши талабларни таъминланишига қаратилган хатлар, маълумотномалар, материаллар тайёрлаш ва ишлаб чиқариш;
- илгор тажриба мактаблари фаолиятига қаратилган йигилишлар ва анжуманлар ўтказиш ва тайёрлаш;
- даволаш профилактика муассасалари билан ҳамкорликда мажмууали, рейдли кузатишлар ўтказиш ва соғломлаштириш чора – тадбирларини ишлаб чиқариш;
- болалар ва ўсмирлар муассасаларида соғломлаштирувчи чора – тадбирлар режасини тузиш ва санитар ҳолатини яхшилаш (режа – топшириц);
- ёш мутахассислар, малака оширувчилар, магистрлар билан ишлаш, кичик тиббий ҳодимларнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- аҳоли ва ишчиларнинг шикоятлари ва хатлари билан ишлаш;
- санитария – эпидемиологик хизматта таалуқли янги ташкилий ишларнинг янги услубларини ишлаб чиқиш.

Учинчи ва тўртингчи даражали ДСЭНМ бўлимларининг режаларида қуйидаги услубий ишлар кўзда тутилади:

- маҳаллий шароитда давлат миқёсидаги ҳужжатларни инструктив – услубий кўрсатмаларини ишлаб чиқиш;
- бўйруқлар лойиҳасини тайёрлаш ва хизмат кўрсатиш доирасидаги ДСЭНМ фаолияти кўрсаткичлари бўйича маълумотларни тайёрлаш;
- ДСЭНМ фаолиятини яхшилаш мақсадида илгор иш услубини ва шаклларни тарқалишини ўрганиш;
- ДСЭНМ мутахассислари билан иш малакасини ошириш;
- назорат остидаги ДСЭНМига ташкилий – услубий ёрдамни ташкиллаштириш;
- ДСЭНМ болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими илмий – амалий ишлари режасини тасдиқлаш ва асосий йўналишларни аниқлаш;
- болалар ва ўсмирлар гигиенаси санитария шифокори ва ёрдамчилар малакасини ошириш ва тавсиялар ишлаб чиқариш.

Соғломлаштириш тадбирларни ташкиллаштириш, болалар ва ўсмирлар муассасаларида таълим ва тарбия шароитларини яхшилаш масалаларини хўжалик, маҳаллий ҳокимият ва жамоат ташкилотлари олдига қўйиш йўли билан амалга оширилади. Ҳар бир масалани қўйиш учун яхши тайёргарлик ишлари талаб

қилинади. Бунда ДСЭНМдаги мавжуд бўлган огоҳлантирувчи ва жорий санитария назорати материаларидан фойдаланилади, шунингдек, муассасалар шу масала бўйича маҳсус текширилади ва олинган маълумотлар чуқур таҳлил қилинади. Санаб ўтилган материаллар натижасида тузилган маълумотнома ва хатларни тайёрлаш ҳамда болалар ва ўсмирлар муассасаларида шароитларни яхшилаш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқариш учун қўлланилади. Маълумотнома ва хатда текширилган муассасаларнинг сони кўрсатилади. Санитар текшириш натижалари ва унда аниқланган камчиликлар кўрсатилади. Муассасаларда тарбиялаш ва ўқитиш шароитларини яхшилаш бўйича таклифлар аниқ ва тушунарли берилади. Бу таклифлар қарор, буйруқ ёки ушбу масаланинг муҳокамаси натижалари бўйича тайёрланадиган бирор бир бошқа турдаги ҳужжатта киритилиши керак.

Жорий санитария назорати материаларидан болалар ва ўсмирлар муассасаларининг раҳбарлари, тиббий ва бошқа ходимлари йигилишларида уларни таҳлил ва муҳокама қилиш учун фойдаланиш мумкин.

Болалар ва ўсмирлар муассасалари ходимлари мажлислари йўриқ – услубий характерга эга бўлиши мумкин. Бундай мажлисларда, одатда, санитар меъёр ва қоидалар, йўриқ – услубий кўрсатмалар, буйруқлар ва бошқа директив ҳужжатлар муҳокама қилинади ва уларни бажариш бўйича тадбирлар белгиланади.

Болалар ва ўсмирлар муассасалари тиббий ходимларининг ишлари – санитар – гигиеник масалалари бўйича услубий бошқариш, йўриқ – услубий мажлислар ўтказиш, тиббий ходимлар учун услубий хатларни ишлаб чиқиши ва юбориш йўли; семинарлар ўтказиш; болалар ва ўсмирлар гигиенаси соҳасида малака ошириш; маърузалар кўринишида маҳсус машғулотларни ташкиллаштириш ва ўтказиш йўли билан таъминланади.

Амалиёт дарслигини ёзишда В.Н.Кардашенко ва бошқа мураллифлар «Руководство к лабораторным занятиям по гигиене детей и подростков», М., 1983; В.Р.Кучма ва бошқа мураллифлар «Методы контроля и управления санитарно-эпидемиологическим благополучием детей и подростков» М., 1999 ва бошқа мураллифларнинг дарслкларидан фойдаланилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Гигиена. Н.М.Демиденко таҳрири остида Т., 2002
2. Гигиена дошкольника. Под ред. М.Н. Исманлова – Ташкент, 1972
3. Гигиенические требования к условиям обучения школьников в общеобразовательных школах. СанПиН 01.02.-2000
4. Гигиена школьника. Под ред. М.Н. Исманлова – Ташкент, 1976
5. Закон о Государственном санитарном надзоре - Ташкент, 1992
6. Исмоилов М.Н. Болалар ва ўзмилар гигиенаси. Ибн Сино нашриёти. Тошкент, 1994.
7. Комилова Р.Т. Унифицированная методика исследования и оценки физического развития детей и подростков. Т., 1998
8. Комилова Р.Т. 7 ёшдан 17 ёштагача бўлган шаҳар ва қишлоқларда яшовчи болаларнинг жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари. Т., 1998
7. Конституция Республики Узбекистан. Ташкент, 1992
8. Кардашенко В.Н. Гигиена детей и подростков. М., 1988
9. Кардашенко В.Н. Руководство к лабораторным занятиям по гигиене детей и подростков М., 1983
10. Кучма В.Р. Гигиена детей и подростков. Москва, Медицина, 2001
11. Методика комплексного санитарно-гигиенического обследования детских учреждений. – Ташкент, 1983.
12. Методика комплексного санитарно-гигиенического обследования общеобразовательной школы. – Ташкент, 1983.
- 13 Методы контроля и управления санитарных эпидемиологическим благополучием детей и подростков. Под. редакцией В.Р.Кучмы М.,1999.
14. Руководство для санитарных врачей по гигиене детей и подростков. Под редакцией Г.Н. Сердюковой и А.Г. Сухарева. – М.: Медицина, 1986
15. Сердюковская Г.Н. Социальные условия и состояния здоровья школьников. М., Медицина, 1979.
16. Санитарные правила устройства и содержания детских дошкольных учреждений в Республике Узбекистан. СанПиН 0033-94
17. Санитарные правила устройства, содержания и организации режима детских санаториев. СанПиН 0072-1997.
18. Санитарные правила устройства, содержания и организации режима детских оздоровительных лагерей. СанПиН 0131-02.
19. Санитарные правила устройства, оборудования, содержания и режима работы на персональных ЭВМ и видео-дисплейных терминалах в детских учреждения, общеобразовательных школах. СанПиН 01.01-00.
20. Санитарные правила по оформлению школьных учебников. СанПиН 0095-2000.
21. Солихўжаев С.С. Гигиена. Ибн Сино нашриёти., Тошкент, 1992.
22. Справочник по санитарно-гигиеническому контролю за детскими учреждениями. Под ред. М.Н. Шандала, Киев, 1979
23. Среднесуточные рациональные нормы потребления пищевых продуктов в организованных детских и подростковых учреждениях РУз. СанПиН 0097-2000.
24. Химический состав пищевых продуктов. М.Медицина, 1979.

Болалар ва ўсмиirlар гигиенаси

Ношир *Рустам Рўзматов*

Тех. мұхаррир *Васила Ҳидоятова*

Мусаҳҳижа *Зилола Толипова*

Саҳифаловчи *Ҳалима Хўжаева*

Теришга берилди 10.10.2004й.

Босишга рұхсат берилди 09.11.2004й.

Бичими 60x90 1\16. Baltika Uz гарнитураси

Буюртма № 28

Адади 500 нұсха.

«Toshkent tezkor bosmaxonasi»,
Тошкент, Радиал тор күчаси, 10 – уй.